Аннотация. *В статье приведены результаты трехлетних исследований по влиянию нормы посева и дозы минеральных удобрений на зимостойкости озимого ячменя.*

Ключевые слова: *озимый ячмень, ячмень двуручек, сроки посева, минеральные удобрения, орошение, зимоустойкость, урожайность, отзывчивость.*

INFLUENCE OF SEEDING NORMS AND MINERAL FERTILIZER RATE ON THE WINTER HARDINESS OF WINTER BARLEY

Yarkulova Zulaykho
Bukhara State University
Teacher of Department of Biology

Abstract. *The paper presents the results of three years of research on the influence of seeding norms and mineral fertilizer rate on the winter hardiness of winter barley.*

Keywords: *barley, winter barley, deadline sowing, growth, mineral fertilizer, norm, yield, grain, winter hardiness.*

Республикамиз қишлоқ хўжалиги тизими бугунги кунда тубдан янгиланиб бормоқда. Барча тармоқлардаги сингари, ғаллачилик соҳасида ҳам кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиб, соҳада замонавий агротехнологиялар ҳар бир тупроқ-иқлим шароитларида жорий этилаётганлиги натижасида бугунги кунда 8377 минг тонна дон ҳосили олишга эришилмоқда. Республикамизни янада ривожлаштириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»га алоҳида эътибор берилган[3]. Бу борада арпа етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Кузги арпанинг қишга чидамлиги ҳосилдорликка сезиларли таъсир кўрсатади. Қишга чидамлилик навнинг биологик хусусиятларига, қиш давридаги ҳарорат режимига, ўсимликнинг ривожланиш фазасига, нам билан таъминланганлигига, қўлланилган маъданли ўғитлар меъёрига, экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгарадиган кўрсаткичдир [1; 296-б., 38; 2-б., 3; 20-б., 4; 64-б., 5; 26-б., 6; 65-б., 8; 24-б.].

Кузги арпанинг паст ҳароратга чидамлилиги ушбу экинни етиштириш ареалини белгиловчи асосий омил ҳисобланиб, ўрганилган навларда бу кўрсаткич 45,8-84,6%ни ташкил этган [8; 24-б.]. Қишга чидамлилиги юқори ва ётиб қолишга чидамли кузги арпа навлари унинг ҳосилдорлиги ошишини таъминлайди [7; 28-б.].

[3]Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикасининг қиши нисбатан илиқ, айниқса республиканинг жанубий минтақасида (Қашқадарё вилояти) 2009-2012 йиллар маълумотлари бўйича ҳарорат декабр ойида 3,8-6,1°С, январда 3,1-6,8 °С, февралда 4,3-8,3 °С ташкил қилган. Шунга қарамасдан кузги арпани қиш даврида зарарланиши ва нобуд бўлиши кузатилади. Бундай ҳолларда экинзорлар сийраклашади, баҳорда ўсишнинг бошланиши кечикади, ривожланиши секинлашади ва ҳосилдорлик пасаяди.

Кузда экилган арпа совуқдан зарарланса барглари сарғайиши, тупланиш тугунини зарарланиши қўнғир тусга кириши, илдизлари қуруқ ва қўнғир тусга кириши билан характерланади. Соғлом ўсимликлар ўсимлик ўсиши бошлангандан кейин баргларини яшил бўлиши, тупланиш тугунини ширали, илдизларни оқ рангда, серсув бўлиши билан ажралиб туради.

Демак, кузги арпа қишга чидамлилиги навнинг ирсий хусусияти ва ўстириш давомида шаклланадиган яшаш муҳитига боғлиқ.

Юқорида келтирилган омиллар биргаликда юқори маҳсулдорликка эга ўсимликнинг шаклланишини таъминлайди. Суғориладиган шароитда кузги арпа туп қалинлиги, ўсимлик ва унинг маҳсулдорлигини шаклланиши Ўзбекистон Республикаси шароитида куз, қиш, баҳорги даврда ўсимликларнинг туп қалинлиги, барглар юзаси, бошоқдаги донлар сони ва бошқа кўрсаткичлар асосида шаклланади.

Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган ерларида кузги арпа ўсимлигининг яхши қишлаб чиқиши учун қиш тушгунча ҳар бир ўсимликда иккитадан бештагача поялрнинг ҳосил бўлиши мақбул бўлади. Тадқиқотларимизда арпанинг кузги Мавлоно ва дуварак Болғали навларида 1-октябрда экилган вариантларда кузда 1м^2 даги ўсимликлар сони Мавлоно навида 335,2дан 346,6 гача, Болғали навида 330,0дан 336,3 донагача бўлиши, баҳорга келиб бу кўрсаткичлар 288,4дан 302,1 донагача, 271,4дан 281,1 донагача камайиши ҳамда қишловдан чиққан ўсимликлар 86,0дан 87,2%гача 82,1дан 83,7%гача ўзгариши кузатилди. (1-жадвал)

Тадқиқотларимизда арпанинг кузги Мавлоно, дуварак Болғали навларида энг юқори қишга чидамлилик 15-октябрда экилган вариантларда бўлиши қайд қилинди. Экиш муддатларини 15-октябрдан олдин ўтказиш (1.X, 15.X) ёки кеч (1.XI, 15.XI)да ўтказиш ўсимликларни қишга чидамлилигини камайтиради. Бундай ҳолат Мавлоно ва Болғали навлари бўйича барча вариантларда кузатилди.


Арпа навларининг қишга чидамлилигига экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларининг таъсири (2009-2012 йй.)

Экиш муддатлари	Ўғитлаш меъёрлари, кг/га	1 м^2 да ўсимликлар сони		
		кузда, дона	баҳорда, дона	қишга чидамлик, %
Мавлоно				
01.X	Ўғитсиз	335,2	288,3	86
	P90K60 (фон)	345	301,5	87,4
	Фон+N60	346,6	302,2	87,2

	Фон+N120	345,8	301,5	87,2
	Фон+N180	346,1	300,8	86,9
15.X	Ўғитсиз	342,4	310,2	90,6
	P90K60 (фон)	350	318,2	90,9
	Фон+N60	351,5	320,9	91,3
	Фон+N120	350,8	319,9	91,2
	Фон+N180	350,1	317,5	90,7
01.XI	Ўғитсиз	327,4	293,7	89,7
	P90K60 (фон)	340,2	308,2	90,6
	Фон+N60	341,6	309,1	90,5
	Фон+N120	340,9	307,8	90,3
	Фон+N180	341,3	308,2	90,3
15.XI	Ўғитсиз	320,5	278,2	86,8
	P90K60 (фон)	326,4	286,3	87,7
	Фон+N60	325,7	287,3	88,2
	Фон+N120	326,5	287,3	88
	Фон+N180	325,9	286,8	88
Болғали				
01.X	Ўғитсиз	330,5	271,3	82,1
	P90K60 (фон)	335,4	279,4	83,3
	Фон+N60	336,3	280,1	83,3
	Фон+N120	335,7	281,0	83,7
	Фон+N180	336,2	280,7	83,5
15.X	Ўғитсиз	333,9	300,5	90
	P90K60 (фон)	338,3	303,5	89,7
	Фон+N60	339,2	305,6	90,1
	Фон+N120	337,7	305,6	90,5
	Фон+N180	336,9	303,5	90,1
01.XI	Ўғитсиз	322,5	282,2	87,5
	P90K60 (фон)	330,3	294,6	89,2
	Фон+N60	331,8	295,0	88,9
	Фон+N120	330,5	294,8	89,2
	Фон+N180	331,4	295,6	89,2
15.XI	Ўғитсиз	315,6	268,3	85
	P90K60 (фон)	320,6	277,0	86,4
	Фон+N60	321,7	277,3	86,2
	Фон+N120	320,5	275,6	86
	Фон+N180	320,9	276,6	86,2

Биологик кузги Мавлоно навининг қишга чидамлилиги Болғали навига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Тажрибамизда экиш муддатлари ва ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда энг кам қишга чидамлилик Мавлоно нави бўйича

ўғитсиз вариант 86,0% энг юқори қишга чидамлилик Фон+N60 вариантида 89,9%ни, Болғали навда 82,1, 90,3% ташкил қилди. 15-ноябрда экилган ўсимликлар 1-октябрда экилган ўсимликларга нисбатан қишга чидамлироқ эканлиги кузатилди. Бундай ҳолат иккала навда ҳам кузатилди.



Кузги арпанинг қишга чидамлигига экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларининг таъсири, %

Хулоса қилиб айтганда, кузги арпанинг энг юқори қишга чидамлилик хусусиятлари Қашкадарё вилояти суғориладиган ерлари шароитида кузги ва дуварак навлар учун 15-октябр эканлиги аниқланди. Кузги Мавлоно дуварак Болғали навига нисбатан қишга чидамлироқ эканлиги исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сычев В.Г., Шафран С.А. Агрохимические свойства почв и эффективность минеральных удобрений. - Москва, 2013. -296 с.
2. Громова Н.В., Есаулко А.Н., Беловолова А.А., Гречишкина Ю.И. Влияние систем удобрений и способов обработки почвы на реакцию почвенного раствора чернозема выщелоченного и урожайность озимого ячменя // Агрохимический вестник. - 2018. - № 4. - С. 24-26.
3. Дмитриев В.Е. Динамика формирования продуктивного стеблестоя и зерна ярового ячменя //Зерновое хозяйство. - 2006. - 7. - С. 20-21.
4. Есаулко А.Н., Коростелёв М.Н., Филинов А.А. Влияние погодных условий на эффективность подкормки озимого ячменя различными формами минеральных удобрений // Состояние и перспективы развития агропромышленного комплекса Южного Федерального округа: материалы 73-й научно-методической конференции (Ставрополь, 8-20 апр. 2009 г.) / «Параграф». -Ставрополь, 2009. - С. 64-66.
5. Коростелёв М.Н. Есаулко А.Н. Оптимизация азотного питания озимого ячменя в зоне неустойчивого увлажнения //Агрохимический вестник. -2009. -№2. - С. 26-27.

6. Хисамова К.Г., Яшин Е.А., Куликова А.Х. Формирование посевов и урожайности ячменя в зависимости от применения в системе удобрения соломы и биологического препарата Байкал ЭМ-1 // Вестник Ульяновской государственной сельскохозяйственной академии. - №2. -2016.-С. - 65-73.
7. Лейних П.А. Влияние доз и соотношений минеральных удобрений на урожайность и качество сортов ячменя (эколог, БИОС-1, сонет) на дерново-мелкоподзолистой тяжелосуглинистой почве : Автореф. дис. канд. с.-х. наук. – Пермь, 2005. -28 с.
8. Репко Н.В. Оценка исходного материала озимого ячменя на зимостойкость и продуктивность в условиях Ростовской области: Автореф. дис. канд. с.-х. наук. – Краснодар, 2005. -24 с.
9. Яркулова З.Р. Халилов Н.Х. Влияние нормы посева и дозы минеральных удобрений на урожайность ячменя осеннего посева при орошении. «Вестник» Мичуринского государственного аграрного университета, г. Мичуринск, Россия, 2018, №2, С. 95-99
10. Яркулова З.Р. Влияние сроков посева и нормы минеральных удобрений на урожайность озимого ячменя. «The latest research in modern science: experience, traditions and innovations» Proceedings of the VII International Scientific Conference. North Charleston, SC, USA, 20-21 June, 2018. P. 65-68
11. Yarkulova Z. Influence of timing of crops and norms of mineral fertilizers for winter barley yield. «Asian Journal of Science and Technology»India, Vol. 10, Issue, 05, May, 2019, pp. 9669-9670
12. Yarkulova Z., Khalilov N. Influence of Seeding Norms and Mineral Fertilizer Rate on the yield of Winter Barley. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE). ISSN: 2277-3878,Volume-8, Issue-3S, October 2019. P. 508-510

УДК 595.132

СИСТЕМАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФИТОНЕМАТОД РАСТЕНИЙ ХАРА (Chara fragilis) В ЮЖНО-СУРХАНСКОМ ВОДОХРАНИЛИЩЕ

Рахматуллаев Баходир Аманович
Термезский государственный университет

Аннотация: В статье приведена информация о фауне нематоды в Южно-Сурханском водохранилище. По результатам проведенного анализа выявлено 18 видов нематоды, состоящих из, 6 отрядов, 11 семейств и 14 родов. Среди отрядов Rhabditida, Dorylaimida представляют наибольшее количество особей.

Ключевые слова: фитонематода, растения хара, водохранилище, систематика

ЖАНУБИЙ СУРХОН СУВОМБОРИДА УЧРОВЧИ ХАРА (Chara fragilis) ЎСИМЛИГИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ

Рахматуллаев Баходир Аманович
Термиз давлат университети

Аннотация: *Мақолада Жанубий-Сурхон сувомборида учровчи хара ўсимлиги нематодалар фаунаси тўғрисида маълумот берилган. Таҳлил натижасига кўра, аниқланган нематодалар 18 турдан иборат бўлиб, улар 6 та туркум, 11 та оила ва 14 та авлодга мансублиги қайд этилди. Туркумлар орасида Rhabditida, Dorylaimida туркум вакиллари индивидлар бўйича энг кўп сонни ташкил қилади.*

Калит сўзлар: *фитонематод, хара ўсимлиги, сувомбор,систематика*

SYSTEMATIC ANALYSIS OF PHYTONEMATODES OF HARA PLANTS (Chara fragilis) IN THE SOUTH SURKHAN RESERVOIR

Rakhmatullaev Bahodir Amanovich
Termez State University

Annotation: *The article provides information on the nematode fauna in the South Surkhan reservoir. According to the results of the analysis, 18 species of nematodes were identified, consists of 6 orders, 11 families and 14 genera. Among the orders Rhabditida, Dorylaimida represent the largest number of individuals.*

Keywords: *phytonematode, hara plants, reservoirs, taxonomy*

Введение. Изучение свободноживущих и фитопаразитических нематод в последние годы ведется весьма интенсивно. В зоологии утвердилось мнение, что нематоды по богатству видов занимают одно из ведущих мест среди многоклеточных животных, уступая в этом отношении только насекомым и моллюскам. Естественно, что при огромном многообразии нематод одним из основных вопросов их изучения является совершенствование их системы, классификации.

Фауна нематодов водохранилищ слабо изучена в Центральной Азии. Имеются сведения только о фауне свободноживущих нематод в озере Иссык-Куль, которая довольно хорошо изучена [1].

Нематологический статус свободноживущих и фитопаразитических нематодов водохранилищ в Узбекистане, в частности, Сурхандарьинской области изучается нами впервые. Важное значение имеет изучение систематически свободноживущих и фитопаразитических нематод в водоемах.

Материал и методы. Материалом для настоящей работы послужил сбор нематод из проб растений хара в прибережных зонах Южно-Сурханского водохранилища. Сборы проводились в 2010-2018 годах. По истечении срока экспозиции зажим на узкой конце воронки открывали и оседавшие там нематоды с некоторым количеством воды сливали в пробирку. Для извлечения нематод из почвенных и растительных проб использовали в основном модифицированный вороночный метод Бермана. Навески почвы (20 $см^3$) и разрезанные (длина кусочков 0,5-1 см) корни (20 г.) помещали в стеклянные воронки диаметром 15 см на металлические сетки с молочными фильтрами, на узкий конец который надета резиновая трубка с зажимом, заливали водопроводной водой и оставляли на 24 часа в летнее время, 48 часов в осеннее и весеннее и 72 часа в зимнее время при комнатной температуре 10-20^{0}С. При 24-48-ми часовой экспозиции получали лучшие результаты. Для фиксации нематод использовали 4-5% ный формалин.

При камеральной обработке материалов готовили постоянные препараты на глицерине по методике Сайнхорста [7].

Для определения видов использовали морфометрические показатели, полученные по общепринятой формуле de Mann [6] в модификации по Миколецкому [5]. Для систематического анализа мы использовали систему А.А. Параманова [2,3,4].

Результаты и обсуждение. В результате этими фаунистическими исследованиями охвачены растения хара (Chara), у которого было зарегистрировано 366 особей принадлежащим к 18 видам (табл. 1).

Таблица 1

Видовой состав и численность особей нематод водных растений хара, обследованных Южно-Сурханского водохранилища

№	ВИД	Численность особей	%
1	2	3	4
1	Tobrilus gracilis	12	3,6
2	T.pellucidus	7	2,0
3	T. medius	11	3,3
4	Laimydorus agilis	10	3,0
5	L.pseudostagnalis	5	1,5
6	Mesodorylaimus bastiani	22	6,5
7	Aporcelaimellus obtusicaudatus	13	3,8
8	Paradorylamus filiformis	37	11,0
9	Achromadora terricola	3	0,9
10	Monhystera africana	10	3,0
11	Rabdolaimus terrestris	20	6,0
12	Plectus cirratus	55	16,6
13	Proteroplectus tenuis	6	1,7
14	Mesorhabditis szunyoghyi	7	2,0
15	Panagrolaimus rigidus	46	13,8
16	Diplogaster rivalis	50	14,9
17	Eucephalobus mucronatus	5	1,4
18	Acrobeloides buetschlii	17	5,0
	Всего особей:	**336**	**100**

Среди вышеуказанных видов по численности соотношений, доминирующее положение занимали Panagrolaimus rigidus, Diplogaster rivalis, Acrobeloides buetschlii, Plectus cirratus, Paradorylamus filiformis; малочисленными видами является - Achromadora terricola, Proteroplectus tenuis, Mesorhabditis szunyoghyi, Eucephalobus mucronatus.

В растениях хара из 6 отрядов нематод наиболее разнообразно представлены отряды Enoplida (3 вида), Dorylaimida (5), Chromadorida (1), Monhysterida (1), Araeolaimida (3 вида) и Rhabditida (5) (табл. 2).

Таблица 2

Качественное и количественное соотношения нематод растений хара по отрядам

№	Отряд	Количество видов	в % к общему	Число особей	в % к общему
1	Enoplida	**3**	16,7	**30**	8,9
2	Dorylaimida	**5**	27,8	**87**	25,8
3	Chromadorida	**1**	5,5	**3**	0,8
4	Monhysterida	**1**	5,5	**10**	2,9
5	Araeolaimida	**3**	16,7	**81**	24,1
6	Rhabditida	**5**	27,8	**125**	37,5
	Всего	**18**	**100%**	**336**	**100%**

Среди вышеуказанных отрядов по видовому составу доминируют представители отряда Rhabditida (27,8%) и отряд Dorylaimida (27,8%) содержащися у всех обнаруженных видов в растениях хара. Затем отряд Enoplida (16,7%), отряд Araeolaimida (16,7%), отряд Chromadorida (5,5%) и отряд Monhysterida (5,5%).

По численности особей среди отрядов первое место занимает отряд Rhabditida, что составляет 37,5% от общей численности обнаруженных фитонематодов. Затем отряд Dorylaimida (25,8%), отряд Araeolaimida (24,1%) и отряд Enoplida (8,9%).

В фаунистическом комплексе фитонематоды хары представлены 11 семействами. Выше приведённый анализ показывает, среди семейством по видовому составу первое место занимает Tobrilidae (16,9), Dorylaimidae (16,8), затем Plectidae (11,1), Panagrolaimidae (11,1), Cepholobidae (11,1), Aporcelaimidae (5,5), Paradoryaimidae (5,5), Cyatholaidae (5,5), Monhysteridae (5,5), Rabdolaimidae (5,5) и Rhabditidae (5,5).

Отряд Enoplida представлен одним подотром: Tripyloidina; одним семейством-Tobrilidae; одно подсемейство- Tobrilinae; один род-*Tobrilus*; и 3 вида (что составляет 16,7% от общего числа видов) и всего 30 экземпляров (9,8% от общей численности обнаруженных фитонематодов).

Отряд Dorylaimida представлен одним подотрядом: Dorylaimina; одним надсемейством- Dorylaimoidea; 3 семействами: Dorylaimidae, Aporcelaimidae, Paradorylaimidae; 4 подсемействами: Aporcelaiminae, Paradorylaiminae, Laimydorinae, Mesodorylaiminae; 4 родами: *Laimydorus, Mesodorylaimus, Aporcelaimellus, Paradorylaimus;*5 видами (27,8%), всего 87 особей (25,8%) фитонематод.

Отряд Chromadorida охватывает один подотряд-Chromadorina; одно надсемейство-Cyatholamoidea; одно семейство-Cyatholamidae; одно подсемейство-Cyatholaminae; один род-*Achromadora* и один вид (5,5%), всего 3 экземпляров (0,8%) фитонематод.

Отряд Monhysterida охватывает один подотряд-Monhysterina; одно семейство - Monhysteridae; одно подсемейство - Monhysterinae; один род-*Monhystera* и один вид (5,5%), всего 10 экземпляров (2,9%) фитонематод.

Отряд Araeolaimida включает один подотряд: Araeolaimina: 2 семействами: Rabdolaimidae, Plectidae; 2 подсемействами: Rabdolaiminae, Plectinae; 2 родами *Rabdolaimus, Plectus* и 3 видами (что составляет 16,7% от общего числа видов) и всего 81экземпляр (24,1% от общей численности обнаруженных фитонематодов).

Отряд Rhabditida представлен 2 подотрядами - Rhabditina, Cephalobina; 2 надсемействами: Panagrolaimoidea, Cephaloboidea; 3 семействами: Rhabditidae, Panagrolaimidae, Cephalobidae; 4 подсемействами: Mesorhabditinae, Panagrolaiminae, Cephalobinae, Acrobelinae; 5 родами: Mesorhabditis, Panagrolaimus, Diplogaster, Eucephalobus, Acrobeloides; 5 видами (27,8%), всего 125 особей (37,5%) фитонематодов.

Фитонематоды, выявленные из растений хара, согласно экологической классификации А.А.Парамонова (1952, 1962), относятся к 3 экологическим группам: параризобионты - 13 видов (72,3% от общего числа видов), 211 особи (62,9% от общей численности обнаруженных фитонематод); девисапробионты-3 вида (16,6%), 68 особи (20,2%) фитонематод; эусапробионты – 2 вида (11,1%), 57 особей (16,9%) фитонематод (табл. 3).

Таблица 3

Число видов и численность особей нематод растений Хара в различных экологических групп Южно-Сурханского водохранилища

Экологические группы	Количество видов	в % к общему	Число особей	в % к общему
Параризобионты	13	72,3	211	62,9
Эусапробионты	2	11,1	57	16,9
Девисапробионты	3	16,6	68	20,2
Всего:	18	100	336	100

Параризобионты относятся к отрядам: Enoplida, Dorylaimida, Chromadorida, Monhysterida, Araeolaimida и представлены семействами Tobrilidae (3 вида), Dorylaimidae (3), Aporcelaimidae (1), Paradorylaimidae (1),Cyatholaimidae (1), Monhysteridae (1), Rhabdolaimidae (1) и Plectidae (2).

Виды Plectus cirratus, Paradorylamus filiformis, Mesodorylaimus bastiani, Rabdolaimus terrestris обнаружены в большой численности.

Виды Proteroplectus tenuis, Achromadora terricola, Monhystera africana по численности особей самые малочисленные.

Группа девисапробионтов включает 3 вида, которые относятся к отрядам Rhabditida; семейство Panagrolainidae (1 вид), Cephalobidae (2).

Виды Panagrolaimus rigidus обнаружены большой численностью.

Виды Eucephalobus mucronatus по численности особей малочисленны.

Группа эусапробионтов в исследованном нами материале оказались группой, насчитывающей наименьшее число видов (2 вида), всего 12,5% от общего

числа видов, которые относятся к отрядам Rhabditida, к представителям этой группы относится семейство Panagrolaimidae (1 вид), Rhabditidae (1).

Заключение. Выше приведённый анализ показывает, что среди отрядов по видовому составу первое место занимает отряд Rhabditida 5 видов (27,8%), Dorylaimida что составляет 5 видов (27,8%) всех обнаруженных видов. Затем отряд Enoplida 3 вида (16,7%), отряд Araeolaimida 3 вида (16,7%) отряд Monhysterida 1 вид (5,5%) и отряд Chromadorida 1 вид (5,5%). По численности особей среди отрядов первое место занимает отряд Rhabditida что составляет 37,5% от общей численности обнаруженных нематодов. Затем отряд Dorylaimida (25,8%), Araeolaimida (24,1%) и отряд Enoplida (8,9%).

Следует отметить, что фауна нематод Сурхандарьинского водохранилища требует дальнейшего изучения.

Литература

1.Лемзина В.Л. Свободноживущие нематоды озер Иссык-Куль и Сон-Куль. Фрунзе.: ИЛИМ, 1989. 142 с.
2. Парамонов А.А. Основы фитогельминтологии // Изд-во «Наука» -М.: - 1962. Т.1.- С.480.
3. Парамонов А.А. Основы фитогельминтологии // Изд-во «Наука» -М.: - 1964. Т.2. - С.446.
4. Парамонов А.А. Основы фитогельминтологии // «Таксономия нематод надсемейства Tylenchoidea». Изд-во “Наука” -М.: - 1970. Т.3.С. - 225.
5. Micoletzky H. Die freilebenden Erdnematoden. – Arch. Haturgesch., 1922, Vol .Bd 87.- 650 p.
6.de Man J.G. Die frei in der reinen Erde und suben Wasser lebenden Nematoden der niederlandischen Fauna. - Eine syst.-faun. Monographie. Leiden, 1884.- 206 p
7. Seinhorst J.W. A rapid method for the transfer of nematodes from fixative to anhydrous glycerin // Nematologica. 1959. V. 4, № 1.- P. 67-69.

ТОК АГРОЦЕНОЗЛАРИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Бобокелдиева Лобар Абдусаматовна
Термиз давлат университети
докторант
Бобокелдиева Шаҳноза Абдусаматовна
Термиз давлат университети
магистр

Аннотация: *Мақолада ток агроценозлари фитонематодаларининг ўрганилиши бўйича манбаларнинг таҳлили келтирилган бўлиб, хусусан, ток ўсимлиги ва унинг илдиз атрофида учровчи нематодалар комплекс ўрганилиши, фитопаразит турлари ва уларга қарши олиб борилган кураш чора-тадбирлари ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.*

Калит сўзлар: *фитонематода, бўртма нематодаси, ток агроценозлари, паразитлар, ҳужайра ширасы, ризосфера, карбофуран, фенамифос.*

СВЕДЕНИЕ ПО ИЗУЧЕНИЮ ФИТОНЕМАТОД ВИНОГРАДНЫХ АГРОЦЕНОЗОВ

Бобокелдиева Лобар Абдусаматовна
Термезский государственный университет
докторант
Бобокелдиева Шаҳноза Абдусаматовна
Термезский государственный университет
магистр

Аннотация: *в статье представлен обзор источников по изучении фитонематод виноградных агроценозов, в том числе информация о комплексном изучении нематод растений винограда и их прикорневой почвы, фитопаразитических видов и о мерах по борьбе с ними.*

Ключевые слова: *фитонематоды, галлывые нематоды, виноградные агроценозы, паразиты, сок клеток, ризосфера, карбофуран, фенамифос.*

INFORMATION ON THE STUDY OF PHYTONEMATODES OF GRAPE AGROCENOSES

Bobokeldiyeva Lobar Abdusamatovna
Termez State University
Doctorant
Bobokeldiyeva Shakhnoza Abdusamatovna

Annotation: *the article provides a review of sources for the study of phytonematodes of grape agrocenoses, including information on a comprehensive study of nematodes of grape plants and their basal soil, phytoparasitic species and on measures to combat them.*

Keywords: *phytonematodes, gallivus nematodes, grape agrocenoses, parasites, juice of cells, rhizosphere, carbofuran, phenamiphos.*

Тобора ривожланиб бораётган ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда, йилдан-йилга демографик (аҳоли сонининг ўсиши) ҳолатнинг интенсив равишда ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Бу интенсив ўсиш жадаллиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ҳам мос равишда тезлашишига сабаб бўлмоқда ва бу икки жараён бир-бирига тўғри пропорционал равишда тезликда ривожланмоқда.

Шундай экан, жамиятда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишда энг асосий кўрсаткични қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эҳтиёжга мос равишда бир неча баробар орттириш, ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” да ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулдорлигини

ошириш ва ўсимликлар зараркунандаларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш тўғрисида алоҳида вазифалар белгилаб берилган [1].

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари” тўғрисида 2018-йил 3-апрелдаги 258-сон қарорида ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари, боғ ва токзорларни касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш учун зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлиги назарда тутилган [2].

Ўзбекистон, жумладан, Сурхондарё вилояти аграр тизимга асосланган бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб беришда вилоятлар қаторида асосий ўринни эгаллайди.

Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, боғдорчилик, ҳусусан узумчилик анча ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Умумий суғориладиган ер майдони 239306 г ни ташкил этиб, шундан экин экиладиган ер майдони 218854 г бўлиб, ҳусусан 300 гектар майдон узумзорлар ҳиссасига тўғри келади (2017 йил 1-январ ҳолатида). Аммо, ток агроценозларида ўсимликлар ҳосилдорлигининг кескин камайиб кетишига, унинг эрта ўсишдан қолиши ва энг хавфлиси ўсимликнинг нобуд бўлишига сабаб бўлувчи организмлар ҳам мавжуд бўлиб, улар, илдиз ҳамда илдизолди тупроқда яшаб, ўсимлик суюқ ширасини сўриб, паразитлик қилиб ҳаёт кечирувчи фитогельминтлардир.

Паразит фитогельминтлар ўта хавфли организмлар бўлиб, улар ўсимлик тўқима ва ҳужайралари шираси билан овқатланувчи, кўзга кўринмас, микроскопик ҳайвонлар бўлсада, жуда катта макроиқтисодий зарарни юзага келтириши мумкин.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланган ҳолда биз ўз тадқиқотларимизни Сурхондарё вилояти ток агроценозларида учровчи фитогельминтларни асосий объект сифатида ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Асосий паразит фитогельминтлар турларини аниқлаш, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган касалликларни олдини олиш (профилактик чора-тадбирлар), ўсимликнинг зарарланиш даражасини камайтириш юзасидан самарали қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Шунга асосланган ҳолда ток агроценозларида учровчи фитогельминтларни жаҳон миқиёсида, шу билан бирга Ўзбекистон ҳудуди шароитида ўрганилганлик даражасини аниқлаш мақсадида адабиётлар таҳлили билан танишиб чиқдик ва бир қатор паразит фитонематодалар билан токнинг зарарланишини аниқладик. Қуйида улар тўғрисида маълумотлар келтирамиз:

Масалан, Европа мамлакатларида, ҳусусан АҚШ нинг жанубий штатлари, ҳамда Атлантика ва Тинч океани қирғоқлари яқинида жойлашган штатларида паразит фитогельминтлардан *M. incognita, M.arenaria, M.javanica* лар учраши аниқланган бўлиб, бу паразитлар орасида иқтисодий муҳим бўлган ва ток агроценозларида катта хавфни юзага келтирадиган *M. incognita* кенг тарқалганлиги қайд этилган [14].

Шунингдек, Мексиканинг Гвадалупе водийсида ток нематодалари популяциясига органик ўғитларнинг таъсири ўрганилган. Ток агроценозлари тадқиқ қилинганда *Meloidogyne* (100 %), *Criconemella* (57%), *Xiphinema americanum* (26%) авлоди вакиллари кенг тарқалганлиги қайд этилган. Органик ўғитлар билан ишлов берилмаган ток агроценозларида *Meloidogyne* – 69 %, *Criconemella* – 75 %, *эркин яшовчилар* – 30 % ни ташкил этган бўлса, ишлов берилган далаларда *Meloidogyne* – 41, 52, 60 %, *Criconemella* – 45, 34, 44 %, *эркин яшовчилар* – 75, 39, 44 % га ўзгарганлиги аниқланган [5].

Португалиянинг икки районида ток агроценозлари таҳлил қилинганда ток илдизи ва илдизолди тупроқларида *Meloidogyne hapla* ва *Meloidogyne arenaria*, бундан ташқари, асосан илдизолди тупроқларида *M.javanica* учраган. Шунингдек, ток агроценозларида *Xiphinema italiae* ҳам аниқланган бўлиб, у нафақат ўзи зарар келтириб қолмай балки, вирусларни илдиз тукчалари ҳужайраларига кириб боришига ҳам ёрдам бериши қайд этилган [9].

Шунингдек, Италиялик фитогельминтологлар томонидан ток агроценозларида қайд этилган паразит фитонематодалар – бўртма нематода (*M.javanica*) си ва цитрус нематодаси (*Tylenchulus semipenetrans*) га қарши курашда нематидцидлардан-карбофуран ва фенамифос яхши натижа берганлиги қайд этилган [7].

Армения ток агроценозлари фитогельминтолог олимлар томонидан тадқиқ қилинганда паразит фитонематодалардан *Xiphinema index, Helicotylenchus dihystera* ва *Macropostonia xenoplax* ток илдизи ҳамда илдизолди тупроқларида паразитлик қилиши аниқланган бўлиб, бу паразитлар ўсимлик ўсишининг статистик равишда кескин пасайишига ва илдиз тизими ривожланишининг кечикиш ҳолатлари, шу билан бирга илдизларда бўртма ва некрозларнинг учраши қайд этидлган [8].

1945 йилда Хорватиялик фитогельминтологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, шу йилнинг ўзида узумзорлар эгаллаган ҳудуд 35 % га қисқарганлиги аниқланган бўлиб, бу кескин камайиш оқибатлари тадқиқ қилинганда турли ташқи факторлардан ташқари *Longidoridae* оиласига мансуб паразит нематодалар ўзи зарар келтирибгина қолмай вирусларнинг ток ҳужайраларига кириб бориши учун ҳам катта йўл очиб берганлиги, бундан ташқари *Xiphinema* авлодига мансуб турлар 57 % гача учраши аниқланган бўлиб, улардан *X. index* - 16 %, *X. pachtaicum* – 31 %, ва *Xiphinema spp.* – 10 % ни ташкил этганлиги қайд қилинган [4].

Молдовиянинг 21 та районидаги ток агроценозларида олиб борилган тадқиқотларда, олинган барча тупроқ намуналарининг 89,5 % фитогельминтлар билан зарарланганлиги қайд этилган бўлиб, *Longidorus (L.elongatus, L. sylphus)* авлодлига мансуб фитонематодалар намуналар олинган 5 та район ток агроценозлари тупроқларида учраганлиги, *Xiphinema* авлодига мансуб тур (*X. index, X.mediterranum, X. vuittenezi, X. italiae, X. diversicaudatum. X. turcicum.*) лар эса деярли, ўрганилган барча районларда учраши аниқланган. Шундан *Longidorus sp.* ва *X.italiae* фитогельминтлари Молдовия фаунаси учун янги тур эканлиги аниқланган [11].

1993 йилда Португалиянинг Дао райони ток агроценозларида *Longidorus* ва *Xiphinema* авлодига мансуб фитонематодалар популяцияси аниқланиб, намуни сифатида олинган тупроқнинг 83 % қисми *Longidoridae* оиласига мансуб турлар билан зарарланганлиги қайд этилган бўлиб, бундан ташқари ушбу популяцияларда *Xiphinema americanum* энг кўп учраганлиги, *X.madeirense* 66 % ва қолган *Xiphinema* авлодига мансуб турлар 5 % ни ташкил этганлиги аниқланган [10].

Ҳиндистонлик фитогельминтолог олимлар маълум вақт мобайнида иссиқ сув (48 дан 53 C^0 гача) таъсирида ток кўчатларини бўртма нематодаларидан зарарсизлантириш мумкинлигини аниқладилар. Ток кўчатларининг илдизини зарарсизлантиришда 48^0C да – 20 минут ёки 50^0C да – 10 минут давомида сақлаб туриш орқали амалга ошириш мумкинлиги айтиб ўтилган. Бунда, натижа, тажрибадан сўнг 6 ой давомида кузатилиб борилган [6].

Янги Жанубий Уэльс шароитида ток ўсимлигининг “Шираз” навида паразитлик қилувчи цитрус нематодаси – *Tylenchus semipenetrans* нинг таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида ушбу ўсимлик вегетациясининг турли даврида мазкур паразит популяция зичлигининг юқори бўлганлиги қайд этилиб, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга ҳосилдорлигининг кескин камайишига олиб келганлиги аниқланди [12].

Асьют (Арабистон-Египет) тадқиқотчи олимлари ток ўсимлиги илдизолди тупроқлари ва илдиз тўқималарида паразитлик қилиб ҳаёт кечирувчи бўртма нематодаси *Meloidogyne incognita* популяциясига қарши курашда in vivo ва in vitro усулида 22 хилдаги юқори самарадорликка эга штамларни яратиб, улардан интенсив натижага эга бўлган 7 хилини танлаб, паразитларга қарши курашда фойдаланилган [13].

Тадқиқот натижасига кўра 24 - 48 соатдан сўнг, in vitro усулидан фойдаланиб ишлаб чиқилган штамлар таъсири натижасида, иссиқхоналарда ўсимлик паразит нематодаларининг, яъни, асосан 30-50 кунлик инкубацион давр давомидаги личинкалар сони кескин камайганлиги ва ўсимликда касаллик белгиларининг сезиларли даражада йўқолганлиги, ҳамда ток ҳосилдорлиги 2 йил мобайнида самарали даражада ошганлиги қайд этилган.

Ўрта Осиё давлатлари, ҳусусан Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти ток агроценозларида фитогельминтологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, узумниниг Хусайни ва Тойифи навлари илдизолди тупроқлари ва илдиз системасида деярли барча экологик гуруҳларга мансуб фитонематодалар учраши аниқланган бўлиб, улар орасида паразит фитогельминтлардан *Dytylenchus dipsaci, Helicotylenchus multicinctus, Paratylenchus pratensis, Meloidogyne sp.* личинкалари ва *Xiphinema index* лар қайд этилган [3].

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики Ўзбекистон, ҳусусан Сурхондарё вилояти шароитида ток агроценозларида учровчи фитонематодалар популяцияси умуман ўрганилмаган бўлиб, шу билан бирга паразит фитонематодалар келтириб чиқарадиган салбий оқибатлар натижасида ток агроценозларининг интенсив қисқариб кетиши ва ҳосилдорликнинг кескин

камайиб бориши катта макроиқтисодий хавфни юзага келтиради. Бу эса биз танланган мавзунинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли 2017 - 2021 йилларда "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси".
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги "Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 258-сон Қарори.
3. Азизова З.П., Усманова А.З. К изучению нематодных комплексов виноградников Ташкентского района. – Кишинев: – 1991. – С. 4.
4. Акопян К.В. О патогенности смешанных популяций нематод-паразитов на винограде. – Кишинев: – 1991. – С. 51.
5. Guevava B.C. Effect of three organic residues on nematode populations of grapes in the Guadalupe Valley // Phytopathology. – 1994. № 10.– С. 1129.
6. Gokte Nandini, Mathur V.K. Eradication of root-knot nematodes from grapevine rootstocks by thermal therapy // Nematologica. – 1995. № 2. – С. 269-271.
7. Edwards M. Control of plant parasitic nematodes in sulfana grapevines (Vinis vinifera) using systematic nematocides // Austral. J.Exp.Agric. – 1991. № 4. – С. 579-584.
8. Ivezia M., Lamberti F. Distribution of Xiphinema spp. in vineyards of Istra // Nematologica. – 1995. № 3. – С. 311.
9. Lemos R.M., Abrantes I.M. de O. Root-Knot nematodes Meloidogyne spp, in vineyards in Portugal // Nematology. – 1992. № 4. – С. 419.
10. Lemos R.M., Almeida Santos M.S.N.de, Oliveira Abrantes I.M. de Studies on Portuguese populations of Longidorida and associated nepoviruses in the viticulture region of Dao (Portugal) // Nematologica. – 1995. № 3. – С. 318-319.
11. Polinkovsky Alex Geographical distribution of nemetodes of the family longidoridae (Thorne 1935) Meyl 1960 in Moldova vineyards // Phytopathology. – 1995. № 10. – С. 1207.
12. Rahman L., Creecy H., Orchard B. Impact of citrus nematode (Tylenchulus semipenertans) densities in soil on yield of grapevines (Vitis vinifera "Shiraz") in south-eastern New South Wales // Vitis. – 2008. № 3. – С. 175-180.
13. Hashem Mohamed, Omran Yasser A.M.M., Sallam Nashwa M.A. Efficacy of yeasts in the management of root-knot nematode Meloidogyne incognita in Flame Seedless grapevines and the consequent effect on the productivity of the vines // Biocontr. Sci. and Technol. – 2008. № 3-4. – С. 357-375.
14. Walters S.A., Barker K.R. Current distribution of five major Meloidogyne species in the United States // Plant Disease. – 1994. № 8. – С. 772-774.

УДК 595.733

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ НИНАЧИЛАРИ (INSECTA: ODONATA) НИНГ МАВСУМИЙ ФАОЛЛИГИГА ОИД

* Зокирова Мохидилхон Суванхановна, АДУ таянч докторанти
** Мўминов Бокижон Алимович, биология фанлари номзоди, доцент
*З. М. Бобур номидаги Андижон Давлат университети
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Аннотация: *Мақолада Фарғона водийсида ниначиларнинг мавсумий фаоллиги ҳусусияти таҳлил қилинади. Ниначиларнинг фаоллиги йил мобайнида март ойининг иккинчи декадасидан бошлаб, октябрнинг оҳиригача давом этиши кузатилади. Шу билан бирга фаоллилик даврида 2 та кескин фаоллашув вақти мавжудлиги кузатилди.*

Калит сўзлар*: Ниначи, мавсумий фаоллилик, ёзги фаоллилик .*

К СЕЗОННОЙ АКТИВНОСТИ СТРЕКОЗ (INSECTA: ODONATA) ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

*Зокирова Мохидилхон Суванхановна базовой докторант АГУ
** Муминов Бокижон Алимович, кандидат биологических наук, доцент
*Андижанский государственный университет имени З. М Бобура
** Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Аннотация: *В статье рассматриваются особенности сезонной активности стрекоз в Ферганской долины. Выявлено, что, активность стрекоз, длится во второй декады марта до конца октября в течение года. В то же время было замечено 2 Пика времени активации.*

Ключевые слова*: стрекоза, сезонная активность, летняя активность.*

SEASONAL ACTIVITY OF DRAGONFLIES (INSECTA: ODONATA) IN THE FERGHANA VALLEY

*Zakirova Mohidilkhan Suvanhanovna basic doctoral student A G U
**Muminov Bokijon Alimovich PhD biology associate docent .
Andijan state University named after Z.M.Babur.
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.

Annotation: *The article discusses the features of seasonal activity of dragonflies in the Ferghana valley. It was found that the activity of dragonflies lasts from the second decade of March to the end of October during the year. At the same time, 2 activation time Peaks were observed.*

Keywords: *dragonfly, seasonal activity, summer activity.*


Аксарият организмларнинг яшаш муҳити мавсумий ўзгаришларга боғлиқ. Муҳитнинг муҳим (асосий) абиотик омиллари иқлим (ҳарорат, ёруғлик, ҳаво, босим), тупроқнинг кимёвий таркиби ва табиий, озиқ-овқат ресурсларининг мавжудлигидир. Экологик омиллар йиғиндиси организмларнинг ўсиши, ривожланиши, яшаб қолиши, кўпайишига сабаб бўлади. Деярли барча абиотик омилларнинг кўрсаткичлари йил давомида кескин ўзгаради ва шунинг учун бундай ўзгаришларга мослашиш учун кўпчилик ҳайвонлар ўзига хос

мослашувлар(адаптация) ҳосил қилади. Шунингдек, ҳашарот турларининг географик минтақалар бўйлаб тарқалиши об–ҳаво ҳароратининг ўзгаришлари билан бевосита боғлиқ ҳисобланади [1].

Ниначилар имагосининг мавсумий фаоллиги ёз фаслига тўғри келади.Уларнинг фаоллиги асосан ҳарорат, намлик ва фотопериодизмга боғлиқ. Маълум бир ҳудуднинг одонатофаунасининг мавсумий динамикасини ҳамда алоҳида турларнинг ҳаётидаги мавсумий ўзгаришларни келтирган абиотик факторларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мумкин.

Ушбу тадқиқотларимизнинг асосий мақсади Фарғона водийсида учрайдиган ниначиларнинг мавсумий фаоллигини ўрганиш. Бу тадқиқотлар натижасида уларни йил давомида фаоллиги аниқланди.

Материал ва тадқиқот услуби. Тадқиқотлар 2017–2019 йиллар (баҳор–ёз–куз) давомида Фарғона водийсининг жануби–шарқий ҳудудларида амалга оширилди. Фарғона водийси денгиз сатҳидан жойлашиши бўйича турли хил минтақалардан ташкил топганлиги, ўсимлик ва ҳайвонот олами турларини хилма–хиллиги билан биогеографик нуқтаи назардан муҳим тадқиқот ҳудуди ҳисобланади. Фарғона водийси ҳудудида ўзига хос ҳайвонот оламининг шаклланиши ҳудуднинг текислик ва тоғли рельефга эгалиги, республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан ўзига хос иқлим шароитлари билан ажралиб туради. Ҳудуднин гиқлими – қуруқ континентал, йиллик ўртача ёғингарчилик миқдори 200 – 300 мм, кўп йиллик ўртача ҳарорат +26...+27°С тенг, ҳудуднинг асосий гидрографик элементларини Қорадарё, Сирдарё ва Норин дарёлари ва улар билан боғлиқ ирмоқ, кўл, канал ва ариқларни ташкил қилади. [2].



1-расм. Материаллар йиғилган жойлар харитаси.

Тадқиқотлар олиб борилган ҳудуднинг асосий гидрографик тармоқлари: Балиқчи туманидаги зовурлар, Андижон туманидаги зовурлар ва коллекторлар, Хўжаобод туманининг Оқ лайлак балиқчилик хўжалиги, Бўз туманидаги Шахрихонсой, Избоскан туманидаги Тентаксой, Балиққўл, Пахтаобод туманидаги Тентаксой, Қорадарё, Хонобод шаҳридаги Андижонсой, “Хонобод” дам олиш масканидаги кўл, Хўжаобод туманининг “Спорт соғломлаштириш оромгоҳи”даги сув хавзалари, Катта Фарғона каналининг Андижон қисмидан ташкил топган. Тадқиқотларда ниначи намуналарини йиғиш стандарт услуб ёрдамида [3], ҳар бир участкадан 3 марта такрорийликда, соат 08:00–15:00 оралиқда амалга оширилди.

Экспедицион–маршрутлар орқали йиғилган ниначилар туркуми турлари таркибини аниқлашда тегишли каталоглардан фойдаланилди. Намуналарни йиғиш стандарт усулда энтомологик матрап ва личинкаларни йиғиш учун эса сув матрапи ёрдамида амалга оширилди .Имаго ва личинкалар турларини аниқлашда Белышев ва Скворцов атлас-аниқлагичидан фойдаланилди[4,5]. Ҳар хил турдаги ниначилар популяциясида имаго фаоллигининг умумий давомийлиги йилнинг об-ҳаво хусусиятларига қараб фарқланиши кузатилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ўрганилган ҳудудларда 2 та кенжа туркум, 5 та оила, 6 та авлодга мансуб бўлган 13 та ниначи турлари аниқланди[6]. Фарғона водийси шароитида ниначитурларийил давомида 7-7.5ойфаол бўлади: мартни иккинчи декадасидан бошлаб октябрнинг учинчи ўн кунлига қадар. Ҳар хил турдаги ниначиларнинг ёзги мавсумий фаоллигини давомийлиги 110 кундан 230 кунгача ўзгариб туради (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийси ниначиларининг мавсумий фаоллиги

Тур	Имагони мавсумий фаоллиги давомийлиги		
	2017й	2018й	2019й
Anax imperatori	180 кун	195 кун	190 кун
Anax parthenopi	190 кун	215кун	210 кун
Libellula quadrimaculata	105кун	110кун	120 кун
Ortetrum brunneum	150 кун	160кун	170 кун
Orthtrum cancellatum	130 кун	120кун	130 кун
Sympetrum meridionale	160 кун	160кун	150 кун
Sympetrum vulgatum	190 кун	170кун	190 кун
Sympecma fusca	210 кун	200кун	210 кун
Calopteryx virgo	180 кун	190кун	190 кун
Ophiogomphus cecilia	100 кун	110кун	120 кун
Ischnura elegans	210 кун	220кун	230 кун
Calopteryx splendens	195кун	200кун	200 кун
Aeshna isoscelis	190 кун	215кун	210 н

Ниначилар нафақат ҳар хил ҳарорат шароитларига мослашади, балки улар билан ҳаёт цикларининг давомийлигини ва даврийлигини, биринчи навбатда, имаго фаолияти даврларини синчковлик билан энг қулай шароитларга мослаштиради. [7]. Эрта баҳорда, личинкадан имагога айланган ниначиларнинг айрим турлари ёзда бошқа турлари эса кузда тухум қўйиб, сўнг ўзи нобуд бўлади.

2-расм

А



Б



А. *Aeshna isoscelis* личинка ва имагоси

Б. *Anax parthenopi* личинкаси

Баҳор. Фарғона водийсида ниначиларнинг имагосини мавсумий фаоллиги 7-7.5 ойдавом этади. Кўпчилик ниначилар личинкалари бахорда имагога айланиб ҳаёт циклини давом эттиради. Бу ниначи турлари личинка ва имаго босқичи сойлар, кўллар, ирригация тармоқлари (зовур, ариқ, каналлар ва бошқ.) сувлари ва уларнинг атрофида ўсувчи ўсимликлар қоплами биотопларида тарқалганлиги аниқланди. Фарғона водийсида қуйидаги ниначиларнинг 2 та кенжа туркумига *Anisoptera, Zygoptera* мансуб вакиллари тарқалганлиги кузатилди. Эрта бахордан яъни мартни иккинчи ўн кунлигидан бошлаб, ниначиларнинг *Ischnura elegans, Sympecma fusca, Calopteryx splendens, Calopteryx virgo,* турлари личинкадан имагога айланишни бошлайди. Личинкаларнинг имагога айланиши учун +22-25^{0}С ҳарорат зарур бўлади.

Апрель-май ойларида эса қолган 9 та турининг личинкаларни имаго даврига ўтади. Бу вақтда ҳаво ҳарорати +28-30^{0}С даража бўлади.

Ёз. Июнь ойининг биринчи ўн кунлигида биз кўпчилик турларни сонининг биринчи кескин фаоллашувини қайд этдик. Бунинг сабаби бу даврда кўпчилик турлар учун ҳарорат (+32 °С) ва намликнинг (50-55%) оптималлиги кузатилади. Бу фаоллик июль ойининг учунчи ўн кунлигидан бошлаб, пасайиши кузатилди. Буҳолат жуда юқори ҳарорат ва паст намлик билан изоҳланади (кўпинча у +43 °С гача кўтарилади), (35% дан кам).Фаол турлар сонининг пасайиши август ойининг иккинчи ўн кунлигининг охиригача давом этади. Бироқ, август ойининг учинчи ўн кунлигида кўпчилик турларини иккинчи кескин фаоллигини ўсиши кузатилди.

Куз. Ҳароратни 9-10 °С гача пасайиши ва намликни ортиши айрим турларни сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида мавсумий фаоллигини якунланишига сабаб бўлади. Октябрь охири - ноябрь ойининг бошларида қолган турларнинг имаголарини мавсумий фаолиги якунланади. Бунга сабаб, ноябрда ўртача ҳарорат 3-4 °С гача пасайиши сабаб бўлади.

Қиш. Фарғона водисида январь ойида ўртача ҳарорат +0.2°С,дан -25,8 °Сгача бўлади.Ниначилар сувда фақат личинка босқичида фаол ҳаёт кечириб давом эттиради. Дастлабки имаго чиқиш баҳор ойларида бошланади. Личинкалар сувдан чиқиб ўсимлик поялариға айрим турлари эса сувга яқин бўлган дарахт танасида 5-6 метр тепага чиқиб сўнг имагога айланади.

Хулоса: Тадқиқотлар шуни кўрсатяптики: Фарғона водийсида учрайдиган ниначиларнинг 13 та турининг мавсумийфаоллиги 7-7.5 ой давом этади. Бу фаоллик мартнинг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб, октябрь ойининг учинчи ўнкунлигига қадар давом этади. Ниначиларнинг мавсумий ёзги ритмлари, уларнинг энг муҳим экологик характеристикаси бўлиб, атроф-муҳит шароитларига мослашиш механизмларидан биридир. Ушбу жараёнлар фотопериодизм ва ҳарорат таъсирида бўлган экзоген факторлар билан тартибга солинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кипятков В.Е. Температурные нормы развития насекомых: экология, генетика и эволюция // Материалы межд. научн. конф. «Фундаментальные проблемы энтомологии в XXI веке». Изд.– во С.–П. ун–та (Санкт–Петербург), 2011. – С.61
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси.-Тошкент, Ўқтувчи, 1996. -111-114,194-196. б
3. Rachman H.T., Rohman A. Dragonflies diversity (*Odonata*) in Menoreh Karst Central Java – Yogyakarta // Int. Journal of Advances in Agricultural & Environmental Engg. – 2016. – V.3(2). – P.255–258.
4. Белышев Б.Ф.Определитель стрекоз Сибири по имагинальным и личиночным фазам.-М ; Л: Изд-во АН СССР,1963.-114с;
5. Скворцов В.Э. Стрекозы Восточной Европыи Кавказа Атлас –определитель. – М.:Товарищество научных изданий КМК , 2010.-623 с.
6. Белышев Б.Ф., Харитонов А.Ю. Определитель стрекоз по крыльям (роды Бореального фаунистического царства и сопредельных земель, виды фауны СССР). –Новосибирск. – Изд–во «Наука». – 1977. – С.1–398.
7. Белышев Б.Ф. Харитонов А.Ю.,Борисов С.Н .и др. Фауна иэкологиястрекоз..– Новосибирск,Наука, 1989. –207 с.

ВЫДЕЛЕНИЕ И КОЛИЧЕСТВЕННОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ *β*-ЭКЗОТОКСИНА В ЭФФЕКТИВНЫХ ШТАММАХ *BACILLUS THURINGIENSIS*

Халилов Илхом Маматкулович
Институт микробиологии АН РУз,
кандидат биологических наук
Кадырова Гульчехра Хакимовна
Институт микробиологии АН РУз
доктор биологических наук
Халилова Феруза Маматкуловна
Бухарский Государственный Университет,
ассистент преподавателя

***Аннотация**: В данной работе определены количественные содержания β-экзотоксина в эффективных штаммах Bacillus thuringiensis. При культивирования наибольшая продукция β-экзотоксина выявлено в штамме Bt1–300,0 мг/л среды выращивания, далее в штамме Bt18фо – 123,0 мг/л, и низкая продукция токсина установлено в штамме BtM_{th1} – 42,02 мг/л. Проведенные вычисления коррелируются с полученными данными по биоинсектицидной активности штаммов-продуцентов, так, для штамма Bt1 – 80% гибели насекомых, Bt18фо – 60%, Bt M_{th1} – 30%.*

***Ключевые слова:** бактерии, Bacillus thuringiensis, β-экзотоксин, инсектицидная активность*

САМАРАДОР *BACILLUS THURINGIENSIS* ШТАММЛАРИДА β - ЭКЗОТОКСИННИ АЖРАТИШ ВА МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

Халилов Илхом Маматкулович
ЎзРФА Микробиология институти,

биология фанлар номзоди
Кадырова Гульчехра Хакимовна
ЎзРФА Микробиология институти,
биология фанлар доктори
Халилова Феруза Маматкуловна

***Аннотация**: Ушбу илмий ишда самарадор Bacillus thuringiensis штаммларида β-экзотоксиннинг миқдори аниқланди. Озиқа муҳитида ўстирилганда энг юқори β-экзотоксин хосил қилиши Bt1 штаммида –300,0 мг/л миқдорда, сўнгра Bt18фо-123,0 мг/л, токсиннинг кам миқдори BtMth1 – 42,02 мг/л бўлиши кузатилди. Ўтказилган тадқиқотлар штамм-продуцентларнинг биоинсектицид фаоллиги, яъни Bt1 штамма – 80%, Bt18фо – 60%, ва Bt Mth1 – 30% зараркунанда хашаротларни нобуд бўлиши, экзотоксин ҳосил қилиш миқдори билан корреляцияланади.*

***Калит сўзлар:** бактерия, Bacillus thuringiensis, β-экзотоксин, инсектицид фаоллик*

ISOLATION AND QUANTITATIVE DEFINITION OF β -EXOTOXIN IN EFFECTIVE STRAINS OF BACILLUS THURINGIENSIS

Khalilov Ilkhom Mamatkulovich
Institute of Microbiology, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
PhD of biological sciences
Kadirova Gulchekhra Khakimovna
Institute of Microbiology, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Biological Sciences
Khalilova Feruza Mamatkulovna

***Annotation:** The quantitative content of β-exotoxin was determined in the effective strains of Bacillus thuringiensis. It was established that the greatest production of β-exotoxin in the Bt1 strain is 300.0 mg / L of the growing medium, then in the Bt18fo strain it is 123.0 mg / L and the low toxin production in the BtMth1 strain is 42.02 mg / L. The calculations correlate with the data on the bioinsecticidal activity of producer strains, for example, for strain Bt1 - 80% insect death, Bt18fo - 60%, Bt Mth1 - 30%.*

***Key words:** bacteria, Bacillus thuringiensis, β-exotoxin, insecticidal activity*

Анализ литературных данных говорит о широком использовании в мировой сельскохозяйственной практике препаратов на основе штаммов *Bacillus thuringiensis* (*Bt*) против жесткокрылых насекомых, а также по отношению тех насекомых, которые не чувствительны к δ-эндотоксину. Следовательно, основным действующим агентом наряду с *δ*-эндотоксином является *β*-экзотоксин. К таким препаратам относятся битоксибациллин (БТБ-202) и турингин (Россия), туринтокс (Румыния), мускобак (Финляндия), инсектицидный препарат ABG – 6146 (США), содержащий 55% экзотоксина, рекомендованных против личинок мух и долгоносика [1].

β-экзотоксин секретируемый некоторыми штаммами *B. thuringiensis* в начале спорообразования является термостабильным соединением с молекулярной массой 701 Да. Следует отметить, что большое значение имеют высокочувствительные и надежные методы количественного определения β-экзотоксина у бактерий. Несомненно, во многих странах препараты на основе β-экзотоксина не могут быть распылены на сельскохозяйственные культуры [2]. Кроме того, скрининг штаммов *B. thuringiensis* на наличие новых инсектицидных соединений требует удаление образцов, содержащих β-экзотоксин. Таким образом, для исследований по регуляции биосинтеза и секреции β-экзотоксина требуются чувствительные методы для их количественного определения.

На основе вышеизложенного целью данного исследования является выделение и изучение особенностей токсинобразования у штаммов *B. thuringiensis*.

Материалы и методы исследований

Выявление β-экзотоксинобразующих культур. Способность бактерий выделенных штаммов синтезировать термостабильный β-экзотоксин определяли по методу Э.И.Неудачиной (1988) [3]. Для глубинного культивирования использовали конические широкогорлые колбы, объемом 500 мл, содержащие по 350 мл пептонной среды [4]. Культуру выращивали при 28°-30°С в течение 24 час на круговой качалке 185 об/мин. Посевная доза составляла 5% от объёма. После бактериальную культуру отстаивали в холодильнике в течение сутки. Далее, с верхнего слоя надосадочной жидкости отбирали по 100 мл и центрифугировали в течение 15 мин при 4000 об/мин. Супернатант стерилизовали через бактериальный фильтр и автоклавировали в течение 15 мин при 1атм. Проавтоклавированную надосадочную жидкость использовали для инфицирования тест-насекомых *Galleriae mellonella L.*, через корм [5]. Ежедневно проводили визуальное наблюдение за состоянием тест-насекомых *Galleriae mellonella L.* в течение 14 сут. При этом регистрировали внешние проявления инфекционного процесса. Процент погибших насекомых подсчитывали по отношению к исходному количеству насекомых отобранных для экспериментов с учётом данных контрольного варианта. Данную серию экспериментов проводили в 5-ти кратной повторности.

ВЭЖХ анализ. ВЭЖХ анализ и подготовка образцов β-экзотоксина проводили по методу Gohar M. at al., (2001) [6]. Хроматография на силикагеле проводили по методу Shim Chang-Bum at al., (1985) [7]. В качестве маркера использовали АТФ (Sigma).

Результаты и их обсуждение

Ранее нами были исследованы инсектицидная активность местных энтомопатогенных штаммов *Bacillus thuringiensis.* Для культивирования бактерий были отобраны питательные среды на основе дешевого местного сырья, такие как послеспиртовая барда, меласса, кукурузный экстракт [4,8].

В данной работе отобраны штаммы (*Bt*1, Bt M_{th1}, Bt*18Фо*) с различной степенью активности по синтезу β-экзотоксина. В колонку HPLC-прибора вводили по 20 мкл частично очищенных препаратов β-экзотоксина. ВЭЖХ-анализ показал,

что пики соответствующие активности β-экзотоксина у всех исследуемых препаратах очень сходны. При этом, были получены наиболее выраженные и максимально характерные данные для исследуемых штаммов *Bacillus thuringiensis* №1 (см рис.1).

В соответствии рисунка 1, фракции препарата *Bacillus thuringiensis* 1 имеют до 9 пика, но наиболее максимальный выход фракций, регистрированный УФ-датчиком, наблюдается в диапазоне от 1,3 до 2,3 мин. Следует отметить, что в работе нами были использованы колонки длиной 15 см, а по литературным данным выход β-экзотоксина в интервале времени 4,5-5,5 мин при использовании колонки длиной 25 см, предположительно, что данные фракции являются изоформами β-экзотоксина [6].

Анализ длины волн (см. рис. 2) показал, что данные фракции зарегистрированы прибором при длине волны от 220 до 260 нм. В той или иной мере похожая хроматограмма наблюдается для других препаратов, содержащих β-экзотоксин (рис. 3-6).

Если рассматривать фракции с максимальными площадями пиков в диапазоне времени выхода от 1,3 до 2,0 мин и УФ-диапазоне волн, то наиболее продуктивным штаммом, продуцирующий β-экзотоксин, можно считать, образец фракций препарата *B. thuringiensis* 1 – 29,3659 % β-экзотоксина от общего количества органических веществ супернатанта (табл. 5), далее образец фракций препарата *B. thuringiensis* 18фо – 11,7912 % (рис.5,6 и табл.3) и образец фракций препарата *Bacillus thuringiensis* M_{th1} – 7,9621 % (рис.3,4 и табл.2). Учитывая что препараты содержали частично очищенные формы β-экзотоксина, их разделение на HPLC-приборе показало, что образец препарата *Bacillus thuringiensis* 1 является самым активным препаратом, что соответствует с данными по энтомоцидной активности этого же штамма-продуцента.

Таблица 1

Свойства фракций препарата *Bacillus thuringiensis* 1

№ Фракции	Время выхода, мин	Высота пика, [mAU]	Площадь пика, %
1	1,331	151,48112	16,1135
2	1,544	19,23003	4,4807
3	1,628	67,95843	9,9270
4	1,801	65,56070	11,8842
5	1,907	10,60598	1,2496
6	2,023	192,48969	**29,3569**
7	2,398	27,75698	6,1784
8	2,965	2,04863	0,4811
9	3,187	3,37075	0,5979
10	3,346	4,90436	1,5761
11	4,112	49,99836	12,4379
12	4,294	9,95671	2,5303
13	5,109	12,45991	2,7508
14	6,553	1,57034	0,3996

Таблица 2

Свойства фракций препарата *Bacillus thuringiensis var. thuringiensis* M_{th1}

№ Фракции	Время выхода, мин	Высота пика, [mAU]	Площадь пика, %
1	1,337	275,99881	43,4251
2	1,598	34,92855	9,3312
3	1,774	14,33115	3,1562
4	1,866	13,80181	2,7433
5	1,961	49,96936	**7,9621**
6	2,204	10,15452	5,3160
7	2,462	5,16351	3,1677
8	2,874	3,74460	2,2260
9	3,243	6,12494	3,3861
10	3,455	2,57899	1,0647
11	3,996	24,91386	10,8810
12	4,250	7,82519	2,9867
13	4,618	2,02276	0,9581
14	4,966	7,20083	2,3006

Таким образом, без наличия стандартного эталона β-экзотоксина на основании данных по HPLC-хроматографии и литературных данных нам удалось выявить фракции токсина и оценить его относительное количество в полученных препаратах штаммов-продуцентов β-экзотоксина.

Дальнейшей задачей является фракционирование и выделение отдельных наиболее активных фракций β-экзотоксина с промежуточной проверкой энтомоцидных свойств и структуры биоинсектицида с помощью ТСХ и других анализов.

Таблица 3

Свойства фракций препарата *Bacillus thuringiensis* 18фо

№ Фракции	Время выхода, мин	Высота пика, [mAU]	Площадь пика, %
1	1,337	37,49684	8,2722
2	1,437	10,06393	3,0445
3	1,608	41,73624	9,2853
4	1,769	32,75264	7,6902
5	1,861	10,32029	2,1153
6	1,994	57,57872	**11,7912**
7	2,261	24,27281	16,2210
8	2,840	5,05304	5,3730
9	3,199	4,87892	3,4825
10	3,931	81,08135	29,2305
11	4,630	1,69398	1,8203
12	4,877	5,03577	1,8203
13	6,753	2,85198	0,8965

Тонкосолойную хроматографию (ТСХ) выделенных образцов β-экзотоксина проводили с использованием в качестве контроля АТФ, поскольку β-экзотоксин является низкомолекулярным веществом, которое по своей структуре аналогична с АТФ.


В некоторых работах, например, корейские ученые в качестве контроля при проведении ТСХ образцов β-экзотоксина использовали АТФ [7].

При проведении ТСХ выделенных образцов β-экзотоксина и проявлении хроматограммы обнаружилось, что препараты β-экзотоксина имеют R_f, близкой с R_f пробега АТФ.

При этом препарат штамма 1 (рис. 7) показывает самую большую концентрацию β-экзотоксина по сравнению с другими отобранными препаратами, то есть далее следует препарат 18фо и в препарате *B.thuringiensis* M_{th1} обнаруживается самая низкая концентрация β-экзотоксина (рис.7). Полученные данные по содержанию β-экзотоксина в препаратах согласуются с данными ВЭЖХ

(HPLC), а также биоинсектицидной активностью (биологическое воздействие штаммов-продуцентов на личинки насекомых).

При вычислении количественного выхода β-экзотоксина отобранными штаммами-продуцентами установлено, что наибольшая продукция β-экзотоксина у штамма *Bt*1–300,0 мг/*л* среды выращивания, далее у штамма *Bt*18фо – 123,0 мг/*л*, и низкая продукция токсина у штамма *Bt*M_{th1} – 42,02 мг/*л*. Проведенные вычисления коррелируются с данными по биоинсектицидной активностью штаммов-продуцентов, так, для штамма *Bt*1



1 2 3 4 5

Рис. 7. Тонкослойная хроматография препаратов β-экзотоксина полученных из отобранных штаммов-продуцентов. 1,3 - Маркер – АТФ, 2 – штамм *Bacillus thuringiensis* M_{th1}, 4 – штамм 18 фо, 5- штамм 1

– 80% гибели насекомых, *Bt*18фо – 60%, *Bt* M_{th1} – 30%.

В задачу последующих исследований входит оптимизация условий культивирования и подбор доступных дешевых сред для повышения выхода β-экзотоксина с целью увеличения биоинсектицидной активности отобранных штаммов-продуцентов. На основании полученных данных можно заключить, что отобранные штаммы энтомопатогенных бактерий *Bacillus thuringiensis* обладают способностью к продукции β-экзотоксина и их можно рекомендовать в качестве экологически чистых инсектицидных препаратов против насекомых-вредителей в сельскохозяйственной практике Республики.

Использованная литература

1. Ignoffo C., Garcia C., Kroha M. Susceptibility of the Colorado potato beetle Lepinotarsa decelineata to *Bacillus thuringiensis*.//J. Econ.Entomol.-1996. – 39.P.244-246.
2. Tompkins, G., Engler, R., Mendelson, M., and Hutton P. (1990) *in* Analytical Chemistry of *B. thuringiensis* (Hickle, L. A., and Fitch, W. L.,Eds.), pp. 9–13, ACS Symposium Series, Washington, DC.
3. Неудачина Э.И. Спектр действия бета-экзотоксина бацилл *Bacillus thuringiensis*// В сб: Микроорганизмы в защите растений. Иркутск, университет, 1988. С.45-52.

4. Кадырова Г.Х., Шакиров З.С., Халилов И.М. Оптимизация питательных сред для повышения продуцирования β-экзотоксина бактериями группы *Bac.thuringiensis*// ДАН АН РУз, 2010. №5. С. 76-80.
5. Cantwell G. E., Heimpel A. M., Thompson M. J.// The production of an exotoxin by Various Crystalforming bacteria Related to *B. thuringiensis* Berliner(1974). J. Insect Path. 6, 466-480.
6. Gohar M. and Perchat S. (2001) Sample Preparation for b-Exotoxin Determination in *B. thuringiensis* Cultures by Reversed-Phase High- Performance Liquid Chromatography// J. Analytical Biochemistry 298, P.112– 117.
7. Shim, Chang-Bum, Hyng-Hoan Lee and Hee-Moo Lee. Purification and partialcharacterization of *Bac.thuringiensis var. thuringiensis* exotoxin// Kor. J. Microbiol. 1985. V.23. N4. P.271-281.
8. Кадырова Г.Х., Шакиров З.С., Халилов И.М. Скрининг местных штаммов энтомопатогенных бактерий группы *Bacillus thuringiensis* по способности к синтезу β-экзотоксина// ДАН АН РУз, 2010. №4. С. 85-89.

ШИМОЛИЙ ФАРҒОНА ТУПРОҚЛАРИДА CYANOPHYTA БЎЛИМИНИНГ ТАКСОНОМИК ТАҲЛИЛИ

Хусанова Онархон Ғайбуллаевна
Наманган муҳандислик-технология институти
биология фанлари фалсафа доктори
Камолиддинов Мухаммадали Исроилжон ўғли
Наманган муҳандислик-технология институти талабаси

Аннотация: *Мақолада Фарғона водийси шимолий қисмининг тупроқ юза қатламларида тарқалган Cyanophyta бўлимига мансуб турларнинг тарқалиш сабаби очиб берилган. Бўлимга мансуб бўлган турлар систематик таҳлил қилинган ва илмий асосланган.*

Калит сўзлар: *Cyanophyta, тупроқ сувўтлар, доминант, Synechococcales, Chroococcales, Pleurocapsales, Nostocales, Oscillatoriales, Spirulinales, алгофлора, тартиб, оила, туркум, минерал, ҳарорат.*

ТАКСОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ CYANOPHYTA ИЧЕСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ НА ПОЧВАХ СЕВЕРНЫХ РЕГИОНОВ

Хусанова Онархон Гайбуллаевна
Наманганский инженерно-технологический институт
Доктор философских наук по биологии
Камолиддинов Мухаммадали Исроилджон угли
Студент Наманганского инженерно-технологического института

Аннотация: *в статье объясняется распределение видов Suanophyta северной части Ферганской долины в почвенном покрове. Вид, принадлежащий отделу, систематически анализируется и научно обосновывается.*

Ключевые слова: *Suanophyta, почвенные водоросли, доминанты, Synechococcales, Chroococcales, Pleurocapsales, Nostocales, Oscillatoriales, Spirulinales, algoflora, порядок, семейство, созвездие, минерал, температура.*

TAXONOMIC ANALYSIS OF THE SUANOPHYTA DEPARTMENT ON THE SOILS OF THE NORTHERN FERGANA

Khusanova Onarkhon Gaybullaevna
Namangan engineering-technological institute
Doctor of Philosophy in Biology
Kamoliddinov Muhammadali Israiljon ugli
Is the Student of Namangan Engineering and Technology Institute

Annotation: *The article explains the distribution of Suanophyta species of the northern part of the Ferghana Valley in the soil cover. The species belonging to the department are systematically analyzed and scientifically grounded.*

Keywords: *Suanophyta, soil algae, dominant, Synechococcales, Chroococcales, Pleurocapsales, Nostocales, Oscillatoriales, Spirulinales, algoflora, order, family, constellation, mineral, temperature.*

Фарғона водийси шимолий қисмининг текислик, адирликлар, тоғ олди ва тоғ минтақаларидаги тупроқларнинг юза қатламларида тарқалган тупроқ сувўтлари устида ҳозирга қадар аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Олиб борган тадқиқот ишда Шимолий Фарғона водийсининг тик минтақалардаги тупроқларда тарқалган сувўтларни ўрганишга бағишланган бўлиб, мазкур минтақада тупроқ сувўтларининг 247 тур ва тур хиллари (200 тур, 42 форма, 5 вариация) аниқланди.

Аниқланган тупроқ сувўтлари Голлербах ва Штина томонидан ишлаб чиқилган тизим бўйича амалга оширилди. Сувўтларнинг янги систематик рўйхати ва Algae Base асосида тузилди [1,2,3,4].

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, барча кузатув нуқталарида Cyanophyta бўлимига мансуб турларнинг доминантлик қилиши аниқланди. Мазкур бўлимдан 177 тур ва тур хиллари (137 тур ва 40 форма) аниқланиб, улар умумий тупроқ альгофлорасининг 71, 66 %ни ташкил этди. Cyanophyta бўлимининг таксономик таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

Cyanophyta бўлимининг таксономик таҳлили

Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур ва тур хили сони		
				жами	тур	форма
Cyanophyceae	Synechococcales	Merismopediaceae	*Holopedia*	1	1	-
			Synechocystis	4	4	-
			Coccopedia	1	1	-
			Aphanocapsa	3	3	-
		Synechococcaceae	*Synechococcus*	1	1	-
		Schizotrichaceae	*Schizothrix*	12	12	-
	Chroococcales	Gomphosphaeriaceae	*Gomphosphaeria*	1	1	-
		Microcystaceae	*Microcystis*	9	1	8
			Gloeocapsa	17	7	10
		Aphanothecaceae	*Aphanothece*	1	1	-
		Chroococcaceae	*Pseudoncobyrsa*	1	1	-
		Entophysalidaceae	*Chlorogloea*	1	1	-
			Entophysalis	1	1	-
	Pleurocapsales	Xenococcaceae	*Xenococcus*	1	1	-
		Hyellaceae	*Pleurocapsa*	1	1	-
		Hydrococcaceae	*Hydrococcus*	1	1	-
	Nostocales	Hapalosiphonaceae	*Fischerella*	1	1	-
		Nostocaceae	*Nostoc*	16	8	8
			Nematonostoc	1	1	-
		Anabaenaceae	*Cylindrospermum*	1	1	-
		Rivulariaceae	*Microchaete*	2	1	1
			Calothrix	3	3	-
		Scytonemataceae	*Scytonema*	1	1	-
		Microchaetaceae	*Leptobasis*	1	1	-
	Oscillatoriales	Cyanothecaceae	*Cyanothece*	1	1	
		Oscillatoriaceae	*Oscillatoria*	30	29	1
			Phormidium	27	24	3
			Lyngbya	17	12	5
			Plectonema	3	2	1
		Microcoleaceae	*Symploca*	5	4	1
			Microcoleus	8	6	2
			Pseudophormidium	1	1	-
		Ammatoideaceae	*Ammatoidea*	1	1	-
		Homoeothrichaceae	*Homoeothrix*	1	1	-

	Spirulinales	Spirulinaceae	*Spirulina*	1	1	-
Жами:	**6**	**23**	**35**	**177**	**137**	**40**

Тадқиқот олиб борилган тупроқ алгофлорасида Cyanophyta бўлими Cyanophyceae синфи Synechococcales, Chroococcales, Pleurocapsales, Nostocales, Oscillatoriales, Spirulinales тартибларидан иборат бўлиб, Synechococcales тартиби Merismopediaceae *(Holopedia, Synechocystis, Coccopedia, Aphanocapsa)*, Synechococcaceae *(Synechococcus)*, Schizotrichaceae *(Schizothrix)* оилаларидан иборат.

Chroococcales тартиби Gomphosphaeriaceae *(Gomphosphaeria)*, Microcystaceae *(Microcystis, Gloeocapsa)*, Aphanothecaceae *(Aphanothece)*, Chroococcaceae *(Pseudoncobyrsa)* ва Entophysalidaceae *(Chlorogloea, Entophysalis)* оилаларидан иборат.

Pleurocapsales тартиби Xenococcaceae *(Xenococcus)*, Hyellaceae *(Pleurocapsa)*, Hydrococcaceae *(Hydrococcus)* каби оилаларини ўз ичига олиши қайд этилди.

Nostocales тартиби Hapalosiphonaceae *(Fischerella)*, Nostocaceae *(Nostoc, Nematonostoc)*, Anabaenaceae *(Cylindrospermum)*, Rivulariaceae *(Microchaete, Calothrix)*, Scytonemataceae *(Scytonema)*, Microchaetaceae *(Leptobasis)* оилаларидан иборатлиги маълум бўлди.

Oscillatoriales тартиби Cyanothecaceae *(Cyanothece)*, Oscillatoriaceae (*Oscillatoria, Phormidium, Lyngbya, Plectonema*), Microcoleaceae (*Symploca, Microcoleus, Pseudophormidium*), Ammatoideaceae (*Ammatoidea*), Homoeothrichaceae (*Homoeothrix*) оилаларидан иборатлиги аниқланди.

Spirulinales тартиби Spirulinaceae оиласи, *Spirulina* туркумини ўз ичига олиб, бу туркум турлари баландлик минтақасида (5 тур) кўпроқ учради. Тур ва тур хилларининг сони таҳлил қилинганда, Cyanophyceae синфига кирувчи Oscillatoriaceae (78 тур), Microcystaceae (26), Nostocaceae (17), Microcoleaceae (14), Schizothrichaceae (12), Merismopediaceae (9) оилалари турларга бойлиги билан аниқланган бўлса, қолган оилаларда (Entophysalidaceae (2), Rivulariaceae (5), Synechococcaceae, Gomphosphaeriaceae, Aphanothecaceae, Chroococcaceae, Xenococcaceae, Hyellaceae, Hydrococcaceae, Hapalosiphonaceae, Anabaenaceae, Scytonemataceae, Microchaetaceae, Cyanothecaceae, Ammatoideaceae, Homoeothrichaceae, Spirulinaceae) турлар нисбатан кам сонда эканлиги қайд этилди.

Туркумлар орасида турлар сонининг кўплиги жиҳатидан *Oscillatoria* (30 тур), *Phormidium* (27), *Lyngbya* (17), *Gloeocapsa* (17), *Nostoc* (16) ва *Schizothrix* (12) туркумлар етакчилик қилди. Ушбу туркумларга мансуб бўлган *Synechocystis aquatilis, Aphanocapsa muscicola, A.fuscolutea, Schizothrix arenaria, Sch.muelleri, Sch. lutea, Microcystis pulverea* f.*parasitica, Chlorogloea microcystoides, Nostoc punctiforme, N.punctforme* f. *populorum, N.punctiforme* f. *polymorphum, N. paludosum* f. *entophytum, N.zetterstedtii, N.verrucosum, Oscillatoria subtilisssima, O.rupicola, O.gracilis, O.lemmermannii, O.splendida, O.brevis,*

Phormidium foveolarum, Lyngbya molischii, Symploca cartilaginea, Microcoleus vaginatus f.*polythrichoides* каби турларнинг кўп учраши кузатилди.

Қолган туркумларда (*Holopedia*–1 тур, *Coccopedia*–1, *Synechococcus*–1, *Gomphosphaeria*–1, *Aphanothece*–1, *Pseudoncobyrsa*–1, *Entophysalis*–1, *Xenococcus*–1, *Pleurocapsa*–1, *Hydrococcus*–1, *Fischerella*–1, *Nematonostoc*–1, *Cylindrospermum*–1, *Microchaete*–2, *Calothrix*–3, *Scytonema*–1, *Leptobasis*-1, *Cyanothece*–1, *Plectonema*–3, *Pseudophormidium*–1, *Ammatoidea*–1, *Homoeothrix*–1, *Spirulina*-1) турлар сони энг кам миқдорни (1-3) ташкил этди.

Тупроқ альгофлорасида Cyanophyta бўлими вакилларининг кенг тарқалишининг сабаби тупроқ таркибидаги минераллар миқдорининг кўплиги, намлик, чириндига бойлиги, турли ҳароратда яшовчанлиги ва ҳар хил экологик шароитларда ҳам яшай олишга мосланувчанлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Голлербах М.М., Штина Э. А. Почвенные водоросли– *Л*.: Наука, 1969. – 228 с.
2. Olding D.D., Hellebust J.A., Douglas M.S.V. Phytoplankton community composition in relation to water quality and water-body morphometry in urban lakes, reservoirs, and ponds // Can. J. Fish. Aquat. Sci. 2000. – № -57. – P. 216-222.
3. Veysel Aysel. Check-List of The FreshwaterAlgae of Turkey. Turkey Tatli Su Alglerinin Kontrol Listesi // J.Black Mediterranean Environment. Vol. 11. –Turkey, 2005. – P. 1-124.
4. http://www.algaebase.org/

УЎТ: 631: 8.633. 1.

ОШ ЛАВЛАГИНИ ТУПРОҚНИНГ ҲАЖМ МАССАСИГА ТАЪСИРИ

Сулаймонов Иномжон доцент, Одилов Исломжон ўқитувчи,
Норинов Акрамжон талаба
Наманган давлат университети
Расулов Сойибжон катта ўқитувчи ТошДАУ ААндижон филиали

Аннотация: *кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида ош лавлаги экинларини экиш тупроқнинг ҳажм массасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, унинг унумдорлигини ошириш учун ҳизмат қилади. Тажрибада ўрганилган ушбу экин нисбатан яхши самара берган бўлсада, экилаётган барча такрорий экинни мақбул экиш меъёрларини танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.*

Калит сўзлар: *ош лавлаги, такрорий экин, ҳажм масса, мақбул, меъёр, зичлик.*

ВЛИЯНИЕ СТОЛОВОЙ СВЕКЛЫ НА ОБЁМНОМ МАССЕ ПОЧВЫ

Сулаймонов Иномжон доцент, Одилов Исломжон преподаватель,
Норинов Акрамжон студент
Наманганский государственный университет

Расулов Сойибжон старший преподаватель Андижанский филиал ТашГАУ

Аннотация: *Возделывание столовой свеклы после озимой пшеницы повторным посевом оказывает положительное влияние на объёмную массу почвы и служит для повышения плодородия почвы. Несмотря на хороший результат данной культуры в опытах , очень важно отобрать оптимальные нормы высева всех сельхоз культур.*

Ключевые слова: *столовая свекла, повторный посев, объёмная масса, оптимальная норма, плотность.*

BEETROOT EFFECT ON THE TOTAL MASS OF SOIL

Sulaymonov Inomjon, Odilov Islomjon, Norinov Akramjon
Namangan state university
Rasulov Soyibjon Andijan branch of Tashkent state agrarian university

Annotation*: After the winter wheat repeated sowing of beet crops will have a positive effect on the size of the soil and serve to increase its productivity. Although this crop, which has been studied in practice, yields relatively good results, it is important to select the optimal sowing standards for all repeated crops.*

Key words: *bean, repeated crop, bulk mass, acceptable, normal, density.*

Экинларни яхши ўсиши ва ривожланишида тупроқнинг физик хоссалари муҳим ўрин тутади. Чунки, тупроқда кечадиган кимёвий ва биокимёвий жараёнлар тупроқнинг физик хоссаларига, яъни ҳажм массаси, зичлиги ва ғоваклигига бевосита боғлиқдир. Демак, қишлоқ хўжалик экинларини ўсиш ва ривожланишини яхши бўлиши учун тупроқ хоссалари бевосита таъсир кўрсатади. Агар тупроқни физик хоссалари яхши бўлса, унинг унумдорлиги ҳамда ҳосил бераолиш қобилияти ортади. Шунингдек, тупроқнинг физик хоссаларига турли омиллар ва агротехник тадбирлар бевосита ўз таъсирини кўрсатади (Беспалов [3]; Белоусов [2].

Н.К.Балябонинг [1] таъкидлашича, тупроқнинг ҳажм массаси асосий физик кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, унинг ортиши ёки камайиши аввало алмашлаб экиш тизимига боғлиқ. Муаллиф алмашлаб экиш тизими деганда барча экинлар орасида тупроқни физик, агрокимёвий хоссаларини яхшиловчи экин беда эканлигини таъкидлайди. Олиб борилган изланиш натижаларига кўра, бедапоя ҳайдалган даладаги тупроқнинг ҳажм массаси, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларга нисбатан камроқ бўлган.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, тупроқ ҳажм массаси ўсимликнинг мақбул ўсиб ва ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Чунки, тупроқ ҳажм массаси яхши бўлгандагина экинлардан юқори ҳосил олиш мумкин.

Қўлланиладиган агротехник тадбирлар ва тупроққа турли ишлов бериш натижасида тупроқнинг агрофизик хоссалари, аэрация, гидротермик,

микробиологик ва озиқа режими муқобиллашади. Айниқса, дуккакли ва дон-дуккакли экинлар тупроқ ҳажм массасини яхшиланишига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатади. Бунга асосий сабаб, экилган экинларнинг илдиз-анғизлари маълум вақт ичида турли хилдаги бактериялар ва микроорганизмлар таъсирида чириб, органик қолдиқларга парчаланади.

Маълумки, Андижон вилоятининг асосий суғориладиган ерларида қадимдан деҳқончилик қилиниб келинганлиги, органик ва минерал ўғитларни етарли даражада етказиб берилмаслиги сабабли тупроқ унумдорлигини пасайиб бориши кузатилмоқда. Бу тупроқ хоссаларини ёмонлашиб боришига олиб келади.

Юқорида айтиб ўтилган камчиликларни олдини олиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун эса илмий ишлар олиб бориш зарурдир. Шунинг учун ҳам биз эскитдан суғориб келинаётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида ош лавлагини экиб ўстиришни мақсад қилиб олдик. Чунки, ош лавлаги бошқа қишлоқ хўжалик экинларига нисбатан тупроқдан кўп миқдорда озиқа моддаларини ўзлаштиради, бу тупроқ хоссаларига қай даражада таъсир кўрсатишини ўргандик.

Тажрибада 5 та вариантдан иборат бўлиб, 4 такрорланишда бир ярус қилиб жойлаштирилган. Битта делянканинг умумий майдони 48 м^2, ҳисобга олиш майдони эса 24м^2 ни ташкил этган. Тажрибанинг умумий майдони 960 м^2 дан иборат бўлган. Тажриба қўйиш ва уни олиб бориш УзПИТИ усулномасига асосан олиб борилган бўлса, таҳлиллар Доспехов [4] нинг “Методика полевых опытов” усулномаси бўйича амалга оширилди.

Бунинг учун тажриба қўйилишидан аввал тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларидан тупроқ намуналари олиб, тупроқнинг ҳажм массасини ўргандик. Унга кўра тупроқнинг 0-30 см қатламида 1.423 г\см^3 эканлиги кузатилди. Тупроқнинг 30-50 см қатламида эса бу 1.484 г\см^3 эканлигини аниқладик.

Хар қандай қишлоқ хўжалиги экини ўзидан кейин тупроқда турли миқдорда илдиз ва анғиз қолдиради. Бу эса тупроқ ҳажм массасига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз изланишларимизда ўсимликларнинг амал даври охирида ҳар бир вариант бўйича далада экинлар тупроқда қолдираётган илдиз-анғиз миқдорларини аниқладик (1-жадвал).

Натижаларни кўрсатишича, барча экинларда ҳам экиш меъёрларининг ортиб бориши тупроқнинг 0-50 см қатламида қоладиган илдиз-анғиз миқдорларини ҳам ортиб боришига ўз таъсирини кўрсатсада, лекин экин турлари ҳам тупроқда қолаётган илдиз-анғиз қолдиқлари миқдорларига бевосита боғлиқ эканлигини олинган маълумотлар яна бир бор тасдиқлади.

1- жадвал

Такрорий экилган ош лавлагини амал даври охирида тупроқнинг 0-50 см қатламида қолдирган илдиз ва анғиз миқдорлари, т\га ҳисобида.

Вар.	Экиш меъёри, минг туп\га	Илдиз қолдиғи	Анғиз қолдиғи	Умумий миқдори
1(назорат)	-	-	-	-
2	60	3,43	0,87	4,30
3	80	3,50	0,85	4,35
4	100	3,51	0,91	4,42
5	120	3,60	0,95	4,55

Қишлоқ хўжалик экинларини илдиз ва анғиз қолдиқлари бевосита унинг турига, олиб бораётган агротехник тадбирларига боғлиқ бўлади. Ош лавлаги экини ҳам тупроқда илдиз-анғиз қолдиради, шунинг учун биз кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда уни миқдорини аниқладик.

Бизнинг изланишларимизда ҳам ош лавлаги экилган вариантларда олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, ушбу экиндан сўнг тупроқнинг 0-50 см қатламида энг кўп миқдорда илдиз ва анғиз қолдиқлари қолди. Лекин, шундай бўлсада ушбу экиннинг тупроқдан озиқа моддаларни кўп ўзлаштирганлиги сабабли, ундан қолаётган илдиз ва анғиз қолдиқлари тупроқ унумдорлигини бироз сақланишини таъминлади ҳолос.

Биз олиб борган дала тажрибаси буғдойдан кейин такрорий экин устида олиб борилганлиги сабабли биз тупроқнинг ҳажм массасини фақат ҳосил йиғиштириб бўлганидан кейин вариантлар бўйича ўргандик. Унга кўра, тажрибанинг такрорий экин экилмаган биринчи назорат вариантида (такрорий экин экилмаган) амал даври охирида тупроқнинг 0-30 см қатламида тупроқ ҳажм массасининг миқдори 1.432 г\см^3 га тенг эканлиги кузатилган бўлса, тупроқнинг 30-50 см қаталамида эса бу 1.490 г\см^3 бўлиб, бу биринчи текширишларга қараганда анча ортганлигини кузатдик. Бунинг боиси бу вариантда ўсимлик ўстирилмаганлиги сабабли тупроқда илдиз ва анғиз қолдиқлари қолмаганлиги тупроқда органик қолдиқ тўпланмаслигини таъминлади. Бу тупроқнинг ҳажм массасини ёмон томонга ўзгаришига сабабчи бўлган бўлса керак.

Тажрибанинг ош лавлаги экилиб, кўчат қалинлиги 60 минг қилиб белгиланган иккинчи вариантда тупроқнинг ҳажм массаси олдинги текширишларга қараганда бироз камайганлиги кузатилди. Бунда тупроқнинг 0-30 ва 30-50 қатламларида бу кўрсатгичлар мос равишда 1.388 ва 1.490 г\см^3 эканлиги аниқланди.

Изланишларда кузги буғдойдан кейин такрорий экин ош лавлаги ҳамда уларни кўчат қалинлигини турли миқдорда бўлиши тупроқ ҳажм массаси ва

унумдорлигига ҳам ҳар хил таъсири бўлишини кузатдик. Буни биз 2- жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ош лавлаги ўсимлигини кўчат қалинлигини ортиб бориши тупроқнинг ҳажм массасини камайиб боришига олиб келди. Бунда ош лавлагининг кўчат қалинлиги 80 ва 100 минг туп қилиб белгиланган 3 ҳамда 4 вариантларда тупроқнинг 0-30 см қатламида вариантлар бўйича мос равишда 1.386; 1.383 г\см^3 га тўғри келиб, бу дастлабкидан 0.23 ва 0.25 г\см^3 га камайган. Тупроқнинг 30-50 см қатламида айнан шу вариантларда ҳажм масса 1.447 г\см^3 ва 1.444 г\см^3 га тенг (экин экилишидан олдингидан 0.37 ва 0.40 г\см^3 га кам) эканлиги кузатилди.

2-жадвал

Ош лавлаги турли қалинликда экиб ўстиришни тупроқнинг ҳажм массасига таъсири, г/см^3 ҳисобида.

Вар №	Экин тури	Кўчат сони, минг дона	Экишдан олдин		Амал даври охирида	
			0-30	30-50	0-30	30-50
1.	Назорат (такрорий экин экилмаган)	-	1,423	1,484	1,432	1,490
2.	Ош лавлаги	60			1,388	1,450
3.	Ош лавлаги	80			1,386	1,447
4.	Ош лавлаги	100			1,383	1,444
5	Ош лавлаги	120			1,383	1,446

Тупроқнинг 30-50 см қатламида ҳам шундай ҳолат кузатилиб, тажрибанинг (13, 14, 15 ва 16) вариантларига мутаносиб равишда 1,437; 1,435; 1,432 ва 1,433 г/см^3 ни ташкил этди.

Изланишларда тупроқнинг ҳажм массасига ош лавлагида қўлланиладиган агротехник тадбирлар тупроқнинг ушбу хоссасига бироз бўлсада ўз таъсирини кўрсатиши кузатилди.

Шунингдек, бизнинг изланишларимизда ҳам такрорий экин сифатида ош лавлагини экиш меъёрларининг ортиши билан тупроқнинг 0-30 см қатламидаги ҳажм массаси енгиллашганлиги кузатилди. Лекин, бошқа экинларга нисбатан тупроқ қатламлари бироз бўлсада зичлашганлиги қайд этилди. Ушбу ҳолатни тўлиқ таҳлил қиладиган бўлсак, гектарига 60 минг дона экилган 1-вариантда тупроқнинг 0-30 см қатламидаги ҳажм массаси 1,388 г/см^3 ни ташкил этгани ҳолда, экиш меъёри 80 минг/га бўлган 2 вариантда 1,386 г/см^3 ни, экиш меъёри 100 ва 120 минг/га бўлган (3 ва 4) вариантларда эса бир хил (1,383 г/см^3) кўрсаткич бўлсада, тупроқнинг 30-50 см қатламида тажриба (1; 2; 3 ва 4) вариантларига мутаносиб равишда 1,450; 1,447; 1,444 ва 1,446 г/см^3 ни ташкил этди.

Демак, кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида ош лавлаги экинлари экилганида кўчат қалинлигига қараб турли миқдорда илдиз ва анғиз қолдиради. Бу эса тупроқнинг ҳажм массасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, унинг унумдорлигини ошириш учун ҳизмат қилади. Тажрибада ўрганилган ушбу экин нисбатан яхши самара берган бўлсада, экилаётган барча такрорий экинни мақбул меъёрларини танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тажрибанинг барча йилларида тупроқ ҳажм массасининг энг мақбул кўрсаткичлари ош лавлагида 80 минг/га бўлган вариантларда кузатилиб, бу албатта тупроқнинг барча омилларига ўзининг бироз бўлсада ижобий таъсирини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Балябо Н.К. Прочность структуры, органические вещества почвы и построение севооборотов.// «Повышение плодородия почв орошаемой хлопковой зоны СССР». И. Сельхозизд., 1954, с-184-221

2. Беспалов Н.Ф. Физичесике свойства светлых сероземах и их улучшение под влиянием трав в севообороте.//Автореферат диссертации к.с/х.н. Ташкент. 1956. с-23.

3. Белоусов М.А. Некоторые данные о корневом питании хлопчатника // Журнал Агробиология, 1965. №1. с-24-27.

4. Доспехов Б.А. кн. “Методика полевых опытов”, Москва, изд. “Колос”, 1980 г., с-240

ОДАМ ҚИЗИЛ ҚОН ҲУЖАЙРАЛАРИ КОЛЛОИД-ОСМОТИК МУВОЗАНАТИ БУЗИЛИШИГА ҲУЖАЙРА ТАШҚАРИСИДАГИ ГЛУТАТИОН МОДДАСИНИНГ ТАЪСИРИ

Меланова Назира Рашидовна[1] Юлчиева Сайёра Абдуқаҳҳоровна[2]
1.Наманган мухандислик технология институти катта ўқитувчиси, Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
2 Наманган давлат университети ўқитувчиси

***Аннотация**: Глутатион (GSH)–трипептид (гамма-глутамилцистеилглицин) тузилишига эга бўлиб, барча тирик ҳужайраларда учрайдиган эркин тиол ва қуйи молекуляр антиоксидант ҳисобланади. У бир қанча биологик жараёнларда иштирок этиб, ксенобиотикларни қайтарилишини таъминлайди, гидропероксидаза фаоллигини бартараф этади ва цитозол оқсилларидаги сульфигидрил группаларнинг қайтарилган ҳолатини сақлаб туришда иштирок этади*

***Калит сўзлар** Глутатион, қизил қон ҳужайралари, лизис, нистатин коллоид-осмотик.*

ВЛИЯНИЯ ВНЕКЛЕТОЧНОГО ГЛУТАТИОНА НА КОЛЛОИДНО-ОСМОТИЧЕСКИЙ ЛИЗИС ЭРИТРОЦИТОВ ЧЕЛОВЕКА

Меланова Назира Рашидовна[1] Юлчиева Сайёра Абдукаххаровна[2]
1.Наманганского инженерно-технологического института.
Преподаватель. Доктор философии (PhD) по биологическим наукам.
2. Наманганский государственний университет. Преподаватель

Аннотация: *Глутатион (GSH) – это трипептидный низкомолекулярный антиоксидант (гамма-глутамилцистеилглицин), который является основным свободным тиолом, присутствующим в цитоплазме всех живых клеток. Он участвует во многих биологических процессах: обеспечивает восстановление ксенобиотиков, инактивирует гидропероксидазу и участвует в поддержании восстановленного состояния сульфигидрильных групп цитозольных белков.*

Ключевые слова: *эритроцит, лизис, глутатион, нистатин, коллоидно-осмотические*

EFFECT OF EXTRACELLUIAR GLUTATHIONE ON COLLOID-OSMOTIC LYSIS OF HUMAN RED BLOOD CELLS

Melanova Nazira Rashidovna[1] Yulchiyeva Sayyora Abduqahharovna [2]
1.PhD in biological sciences , teacher, Namangan Institttute of Engineering and Technology,
2. Teacher, Namangan State University

Annotation:. *Glutathion (GSH) is a tripeptide low molecular weight antioxidant (gamma-glutamylcysteylglycine), which is the main free thiol present in the cytoplasm of all living cells. It participates in many biological processes: it provides recovery of xenobiotics, inactivates hydroperoxidase and participates in maintaining the red uced state of sulfhydryl groups of cytosolic proteins*

Keywords: *Glutathion Red blood cells, lysis,*

Глутатион тирик организмларда универсал, муҳим антиоксидант ҳисобланиб, бир қанча биологик жараёнларда иштирок этади. Глутатион флавопротеид глутатионредуктаза иштирокида оксидланади. Қайтарилган глутатион қизил қон ҳужайра ҳужайраларининг асосий антиоксиданти бўлиб, қайтарилган метгемоглобиннинг функционал фаол гемоглобинга ўтишида кофермент ҳисобланади. Қайтарилган глутатион ёрдамида водород пероксид ва гидропероксид детоксикацияга учрайди. Қизил қон ҳужайра ҳужайраларида яна бир муҳим ҳимоя ферменти – бу олтингугурт сақловчи глутатионпероксидаза учрайди. Қайтарилган глутатион ва глутатионпероксидаза липопероксидга айланади ва бу биосруктурага хавфли таъсир этади. Глутатион заҳираси асосан ўзида олтингугурт сақловчи

аминокислоталар ҳисобига тўлади. Унинг антиоксидантлик ҳусусиятини глутатионпероксидаза, глутатионредуктаза ва гултатионтрасфераза ферментлари катализлайди. Глутатионпероксидаза ўзида олтигугурт сақлайди ва липидли гидропероксидли боғланишни камайишида асосий роль ўйнайди. Глутатионредуктаза глутатионнинг қайтарилган дисульфидли шаклини актив ҳолда ушлаб туради.

Қизил қон ҳужайраларида ҳужайра ҳажм доимийлигини ҳужайрадаги ионлар ассиметрияси ва мембрананинг селектив ўтказувчанлиги таъминлайди. Ҳужайра мембранаси ион ўтказувчанлигининг ҳар қандай модификацияси ҳужайра ҳажмининг ўзгаришига, ҳужайра бутунлигининг бузилишига, яъни цитолизга олиб келади [1]. Полиен анитибиотиклардан нистатин мембраналарда пора ҳосил қилувчи моддалар сирасига кириб, плазматик мембраналарда ион ва сув ўтказувчи каналлар ҳосил қилади. Натижада ҳужайранинг коллоид-осмотик мувозанати бузилади, ҳужайра шишади ва лизисга учрайди. Биз тажрибаларимизда глутатион моддасининг шу жараёнга таъсирини ўргандик.


Тажрибаларимизда биз Рингер эритмасидан фойдаландик. Рингер эритмаси таркиби (мМ): 135 NaCl, 5 KCI, 10 HEPES, 2 $CaCI_2$, 1 $MgCI_2$, 5 D-глюкоза, pH=7,4 осмотиклик 290 мОсмол/кг H_2O. Одам қони умумий усулда кўнгиллилардан олинди ва антикоагулянт сифатида гепарин ишлатилди [2]. Олинган қонни 1:10 нисбатда Рингер эритмаси билан суюлтириб, 1000 айланиш/мин тезликда 10 мин давомида чўктирдик, қизил қон ҳужайраларни 3 маротаба Рингер эритмасида шу тарзда ювдик ва 8 % қизил қон ҳужайра суспензиясини тайёрладик. Микротитратор платасининг 8 та лункаларига (ўйиқларига) 200 мкл Рингер эритмаси солинади. Биринчи ўйиқ контрол учун қолади. 2-чи ўйиққа аниқланаётган моддадан максимал концентрацияда солинади ва яхшилаб пипеткалаш билан аралаштирилади (10 мартадан кам бўлмаган ҳолатда). Кейин 2-чи ўйиқдан 200 мкл эритмадан олиб, 3-ўйиққа солинади, аралаштирилади ва шу тарзда қолган ўйиқларга титрланади. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳамма ўйиқлардаги аниқланаётган модда концентрацияси қўшни эритма концентрациясидан 2 мартага фарқ қилади. Яна бир ўйиққа 1%-ли Тритон Х-100 эримасидан ҳужайрани тўлиқ гемолизлаш учун солинади. Ҳамма ўйиқларга 200 мкл 8%-ли қизил қон ҳужайралар суспензияси солинади ва столнинг устки юзасида айлантириб аралаштирилади. Платани ойна билан ёпиб ткрмостатда 37^0C да 30-60 минут давомида инкубация қилинади ва ҳар 10 минутда аралашитирилиб турилади. Ўйиқлардаги суюқликларни тоза 10 мл ли пробиркаларга олинади ва ҳар бирига 1 мл дан Рингер солиниб, 1000 айланиш/мин тезлигида 10 минут давомида центрифуга қилинади. Чўкма усти суюқлигининг оптик зичлигини 540 нм да ўлчанади. Гемолиз фоизи қуйидаги формуладан келтириб чиқарилади: (1)

$$\text{Гемолиз} = (\text{ОП} / \text{ОП}_{100}) \times 100\% \qquad (1)$$


ОП- бу тажрибадаги чўкма усти суюқлигининг оптик зичлиги; $ОП_{100}$- 3-ўйиқдаги тритон Х-100 детергенти билан чўкма усти суюқлигини ўртача оптик зичлиги.

Тажрибаларимизнинг дастлабки босқичида биз нистатин препарати одам қизил қон ҳужайраларида гемолиз жараёнига таъсирини ургандик, дастлаб нистатиннинг 63 мкМ, 125 мкМ ва 250мкМ эритмаларининг қизилқон ҳужайраларида келтириб чиқарадиган гемолиз фоизини аниқладик (1-расм).

Олинган натижалардан кўриниб турибдики нистатиннинг 100 мкМли эритмаси қизил қон ҳужайраларида 50 % ли гемолизни келтириб чиқаради. 50 % ли гемолиз консентрацияни танлаб олгандан кейин биз бу жараёнига ҳужайра ташқарисидаги GSHнинг дозага боғлиқ холдаги таъсирини ўргандик. Бунда биз GSH нинг 1 мМ дан 8,6 мкМ гача бўлган эритмаларидан фойдаландик. Натижада GSH 1 Мм ли эритмаси таъсирида гемолиз 20 % ни ташкил этди, 500 мкМ да 26 % 8,6 мкМ GSH 46% гемолиз кузатилди (2- расм)



1 расм Нистатинни турли хил концентрацияда кечаётган гемолиз жараёнининг кинетикаси



2- расм. Қизил қон ҳужайраларининг нистатинли муҳитдаги гемолизига ҳужайра ташқарисидаги GSH нинг таъсири

Биз тажрибаларимизнинг кейинги босқичида алкалоид модда бўлган ферутинин препаратини одам қизил қон ҳужайраларига таъсирини ўргандик. Бунда биз ферутининни 7.8 мкМдан 500 мкМгача бўлган концентрациядаги таъсирини аниқлаб олдик. Натижада 50 % ли гемолизни келтириб чиқарадиган 150мкМ консентрацияни танлаб олдик ва гемолиз жараёнига GSHнинг дозага боғлиқ холдаги таъсирини ўргандик. 1 мМ GSH таъсирида гемолиз 6 % ни ташкил этди, 500 мкМ да 8 % 8,6 мкМ GSH 47% гемолиз кузатилди. [3]

Ўтказилган тажрибаларимиздан хулоса қилдикки, одам қизил қон ҳужайраларидаги коллоид-осмотик лизис жараёнин GSH сезиларли даражада камайтирди. Бу эса адабиётларда келтирилган глутатионнинг антиоксидантлик хоссасидан келиб чиқиб уни ҳозирда турли хил оксидантли стресс ҳолатлари ва бошқа касалликларда қўллаш мумкинлигини исботлайди. [4]

Фойдаланилган адабиётлар

1. Красильников О.В., Сабиров Р.З., Терновский В.И. Белки, ионные каналы и регуляция транспорта ионов в мембранах.// Ташкент, "ФАН", 1991, 208 с.
2. Бессонова С.В., Ташмухамедов Б.А., Сабиров Р.З. Чувствительность қизил қон ҳужайраов человека и некоторых видов животных к коллоидно-осмотическому лизису.// Ж. эвол. биохим. физиол. 2004.Т.40.С.87-88.
3. Кост Э.А. Справочник по клиническим лабораторным методам исследования.// М.: Медицина 1975. С. 46-47.

4. Forman H. J., Zhang H., Rinna A. Glutathione: overview of its protective roles, measurement, and biosynthesis // *Mol. Aspects Med.* 2009. V. 30. P. 1-12.

05.00.00 ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

ЖИН МАШИНАСИ КОНСТРУКСИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ ТАҚДИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

Комилов Шухратжон Раҳимжон ўғли, Мамадалиев Нодирбек Вали ўғли-магистрантлар, Саримсаков Акрамжон Усманович- PhD,
Рустам Мурадов Мурадович- техника фанлари доктори, профессор
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация: *Мақолада пахтани дастлабки ишлаш технологиясининг асосий жараёни ҳисобланган жин машинасини такомиллаштиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаси асосида жин машинасининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *пахта, жин, чигит, тола, арра, колосник, иш камера, хом ашё валиги, тезлик, сифат, самарадорлик, босим, зичлик, куч.*

АНАЛИЗ РАБОТ ПРОВЕДЕННЫХ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ КОНСТРУКЦИИ ПИЛЬНОГО ДЖИНА

Магистранты Комилов Шухратжон Рахимжон угли, Мамадалиев Нодирбек Вали угли, PhD Саримсаков Акрамжон Усманович ,
профессор, доктор технический наук Мурадов РустамМурадович.
Наманганский инженерно-технологический институт

Аннотация: *В данной статье приводиться анализ работы пильного джина, являющегося основной технологической машиной хлопкозавода. На основании проведенного анализа рекомендуется предложения по совершенствованного пильного джина.*

Ключевые слова: *хлопок, джин, семян, волокно, пиль, колосник, рабочий камера, сырцевой валик, скорость, качество, эффект, давление, плотность, сила.*

ANALYSIS OF THE WORKS OF THE PERFORMED SCIENTIFIC RESEARCH ON THE IMPROVEMENT OF THE SAW JEAN DESIGN


Master students Komilov Shuhratjon Rahimjon o’g’li, Mamadaliev Nodirbek Vali o’g’li,
PhD Sarimsakov Akramjon Usmanovich,
Professor, Doctor of Technical Sciences Muradov Rustam Muradovich
Namangan Engineering and Technology Institute

Annotation: *This article provides an analysis of the operation of the saw gin, which is the main technological machine of the cotton mill. Based on the analysis, suggestions for an improved saw gin are recommended.*

Key words: *cotton, gin, seed, fiber, saw, grate, working chamber, raw roller, speed, quality, effect, pressure, density, strength.*

Пахтани даслабки ишлаш технологик жараёни қишлоқ ҳўжалиги билан тўқимачилик саноатини бир бирига боғлайди, ярим қишлоқ ҳўжалиги деҳқонлар томонидан етиштирилган хомашёни қайта ишлаб, тўқимачилик саноати учун керак бўлган маҳсулот тайёрлаб беради. Пахтани қисқа вақт ичида сифатли қайта ишлаб, тўқимачилик саноатига етказиб бериш зарурияти эса, ўз навбатида, толани чигитдан ажратиб берувчи конструтсиясини такомилаштиришни тақазо этган.

Бир вақтлар бу иш қўл кучи ёрдамида бажарилар эди. Албатта бунинг учун жуда кўп меҳнат талаб этилган. Бунда бир киши бир кун давомида бир килограмм толани ажратиб олиши мумкин бўлган. Маълумотларга қараганда, даслабки дастгоҳ Ҳиндистонда ихтиро қилинган. Унинг номи “Чарҳи жин” деб аталган. Бу дастгоҳ ёрдамида кун давомида 6 кг пахтани чигитдан ажратиб олиш мумкин бўлган.




1-расм. Ҳиндистон чархли жини.

1-тахтали валик, 2-цилиндрли узатма, 3-тутқич, 4-таянч, 5-пойдевор.

1792 йилда америкалик Эли Уитний [1] томонидан машина ихтиро қилинган. У 175 мм ли ёғоч барабандан ташкил топган. Ёғоч барабаннинг юзасига симдан илмоқлар ўрнатилган. Барабан қўл ёрдамида айлантирилган. Барабан айланиши натижасида тола илмоқларга илиниб ажралиб чиқа бошлайди, чигит эса ёғоч тароқлар орасидан ўта олмай ушлаб қолинади. Илмоқларга илинган толани ажратиб олиш чўткали барабан ёрдамида ажратиб олинади. Чўткали барабан билан илмоқли барабан бир-бирига қарама қарши айланганлиги туфайли чигитдан ажралган тола осонгина ажратиб олинади. Бу машинани камчилиги жин машинаси тўхтаб-тўхтаб ишлаши эди. Ишчи камера пахта билан тўлдирилгач, толадан ажраган чигитларни машинани тўхтатиб ишчи камерадан чиқариб юборилади.

Кейинчалик 1796 йилда Ходжин Холмс томонидан қуйидаги жин такомиллаштирилди. Диаметри 200 мм бўлган аррали дисклар 40 мм масофада валга жойлаштирилди. Холмс жин машинасини узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида ишчи камерага чигит тароғини ўрнатишни таклиф қилди. 1909 йилда Эдгар Лумкин томонидан аррага илиниб чиққан толани чўтка билан эмас, ҳаво босими ёрдамида ажратиб олиш ғоясини илгари сурди. Бу жин машинаси иш унумдорлиги ҳар битта арра учун 2,5-3,0 кг соатига тўғри келди. 1936 йилда И. Хохлов томонидан лаборатория шароитида 80, 90, 95 арралардан ташкил топган жин устида тадқиқодлар олиб борилди.



2-расм. Ишчи камеранинг технологик схемаси

1-чигит тароғи, 2-вал, 3-аррали цилиндрни аррасини ички диаметри, 4- арра, 5-колосник, 6-хомашё валиги, 7-ишчи камеранинг тепа қисми, 8-ишчи камеранинг пастки қисми.

1942 йилда Н.Гулидов [2] томонидан “Жин машинаси иш унумдорлигини ошириш” мавзусида диссертация иши бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқотдан иш жин машинаси ишчи камерасидан ҳосил бўладиган хомашё валиги ўрганилган.

Хом ашё валигида чигит ва толаларнинг ҳаракати маълум бир қонуниятга бўйсунмасдан ҳаракатланиши кўрсатилиб ўтилган. Толадан ажраган чигитларнинг асосий массаси ишчи камерадан ўз вақтида чиқиб кетиши исботланган. Жин машинаси иш унумдорлигини ошиши хомашё валигининг зичлигининг ошишига олиб келган. Шунингдек, иш унумдорлигининг ошиши хомашё валигининг толадорлигига таъсир қилади. Аррали цилиндр айланиш тезлигини ошириш ҳамда чигит тароғини узайтириш толадан ажраган чигитларни ишчи камерадан чиқиб кетишини қийинлаштиради. Толадан ажраган чигитларнинг ишчи камерада бўлиш вақти жин машинасининг иш унумдорлигига таъсир қилади. 1948 йилда ЦНИХПРОМ томонидан “Жин машинасининг иши” назарий томондан ўрганилган. Ишдан мақсад хомашё валигининг ҳолатини жин машинаси иш унумдорлигига таъсири ва улар ўртасидаги боғлиқликни ўрганишдан иборат бўлган. 30 аррали лаборатория жинида ўтказилган тадқиқотларга асосланиб қуйидаги хулосалар олинган:

- хом ашё валигининг зичлиги ва унинг оғирлиги ҳамда толадорлиги жин машинаси иш унумдорлиги ошиши билан ошади;

- хом ашё валиги тезлиги жин машинасининг иш унумдорлиги ошиши билан тезлашади, ҳамда аррали цилиндр тезлигининг пасайишига олиб келади;

- жин машинаси иш унумдорлигига аррали цилиндр тишларига толани илиниб қолиш қобилияти ҳамда арра тишларининг шакли ва хомашё валигининг оғирлиги тасир қилади;

- жин машинаси иш унумдорлиги ва аррали цилиндр тезлиги ошиши электр сарфининг кўпайишига олиб келади.

1960 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасида жин ишчи камерасида чигитдан толани ажралиши:

- 60 секунд ичида 98.4%, 100-секундда 99.6% ажралиши кузатилган;

- толадан ажраган чигитларнинг ишчи камерадан тўла чиқиб кетиши учун кетган вақт 1500 секундга тенг бўлади;

- чигитдан ажратиб олинган толанинг сифати 15 секундгача яхши бўлади, 15 секунддан кейин чигитнинг шикастланиши 2,5 баробар ошиб кетади;

- қолдиқ толали чигитларнинг камайиши электр энергиянинг ошишига олиб келади.

1960 йилда олимлар томонидан тадқиқотларга асосланиб тола сифатига хомашё валигининг зичлиги ва чигитнинг ялонғочланиш даражаси тасир қилади.

Н. Г. Гулидов ҳисоблашича жиннинг самарадорлигини ошириш бўйича амалий тадбирлар бўлиб, ишчи камеранинг ҳажмини ошириш, тишлар сонини камайтириш (280 та ўрнига 236 та), чёткали жиннинг аррали цилиндр айланишлар частотасини 550 дан 730 мин-1 га оширишдан иборат экан. Бироқ, тишлар қадамини ошириш тавсия эта туриб, у пахта хом ашёсининг физик хусусиятларини, аксарият холларда эса чигитлар ўлчамини ҳисобга олган.

Пахта тозалаш саноатида ҳажми катталаштирилган камераларнинг кенг қўлланилгани жинлар самарадорлигини 10 кг/арра.соатга ва ундан юқорига ҳам оширишга имкон берди.

Б. И. Роганов [3] турли шаклдаги камераларни ўрганиб чиқиб, янги кенгайтирилган ҳажмдаги камеранинг турини таклиф қилди. Унинг ҳисоблашича, жиннинг самарадорлигини оширишни арраларга пахтани етказиб туришни кўпайтириш, арралаш ёйини ва хом ашё валиги массасини, толани қамраб олишда қатнашувчи тишлар сонини ошириш ҳамда хом ашё валигининг зичлиги камайганда чигитларни ажратишни енгиллаштириш ва колосниклар билан чигит тароқлари орасидаги масофани кўпайтириш билан амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди.

Унинг маълумотига кўра жиннинг кенгайтирилган ҳажмдаги камерада ишлаши натижасида толани сифатини яхшилаш асосан, хом ашё валигининг зичлигини камайтириш ҳисобига бўлади, бу эса толани қамраб олишни яхшилайди,

пахтани камера деворларига ишқаланиш кучини пасайтиради ва жинни юритишга сарфланадиган қувватни тежаш имконини беради.

М.Тиллаевнинг [4] тадқиқотларида хом ашё валигини айлантириш тезлатгичининг жинлаш жараёнидаги асосий кўрсаткичларга таъсири кўрсатиб ўтилган: самарадорлик, чигитларнинг ишчи камерада туриш вақти, таркиби, толадорлиги, массаси, хом ашё валигининг зичлиги ва унинг ишчи камераси деворларига бўлган босимидир.

У самарадорликка таъсир қилувчи омиллар, хом ашё валигининг зичлиги, унинг айланишлар частотаси ва чигитларнинг камерадан чиқишини ўрганган. Унинг фикрича, самарадорликни оширишнинг йўлларидан бири бу хом ашё валиги тезлигини ишчи камерага тўзғитгични киритиш йўли билан мажбурий айлантириб оширишдир.

Мавжуд бўлган тола ажратувчи машиналарда самарадорлик билан хом ашё валигининг зичлиги тўғри пропорционалдир.


М. Тиллаев ва бошқалар ўз тадқиқотларида хом ашё валигининг зичлигини ошириш билан толанинг механик шикастланишини ҳам ошишини айтган.

Пахта тозалашда энг асосий технологик жараён бўлган аррали жинлашда унумдорлик, хом ашё валиги зичлиги ва тола сифатининг ўзаро яқин боғланиши борлиги пахта тозалаш амалиётида анчадан бери маълум.

И.Г. Болдинский ўз тадқиқотларида жин унумдорлигини ўсиши албатта хом ашё валиги зичлигини ортиши билан бирга содир бўлишини исботлади [5].

Аммо зичликнинг ортиши билан унумдорлик ортиши маълум чегарагача бўлиб кейин унумдорлик пасая бошлайди. Бу ҳолат ёнбош йўналишдаги кучланмаларнинг таъсирида хом ашё валиги айланиш тезлиги камайиб бориши билан боғлиқ бўлиб зичлик 550÷600 кг/м^3 бўлганида жараён бутунлай тўхтаб қолишини Г.И. Мирошниченко исбот қилган [6].

Унумдорлик ошиши билан хом ашё валиги зичлиги ҳам ошади, бу эса жинлаш нуқсонларини ортишига олиб келади. Икки жиннинг иши солиштирилганда кўринадики, хом ашё валиги зичлиги пасайтирилиши натижасида нуқсонлар йиғиндиси ва толани ифлосланганлиги асосан жинлаш нуқсонлари ҳисобига 0,5-0,6 % га камаяди.



а) б)

3-расм. Тола нуқсонлари миқдорини (толали пўстлоқ, комбинацияланган чигаллар, чигаллар ва тугунаклар) I- ва III-навли пахтани жинлашда хомашё валиги зичлигига боғлиқлиги (мос равишда а ва б)

Хулоса. Жин машинаси пайдо бўлиши ва унинг иш унумдорлигини ошириш ва тола сифатини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили, бу йўналишда бир қатор ишлар олиб борилганлигини кўрсатди. Шунга қарамасдан бугунги кунда пахта тозалаш корхоналарига ўрнатилган жин машинасида камчиликлар мавжуд. Жиннинг ишчи камерасида толадан ажраган чигитларнинг ўз вақтида чиқиб кетмаслиги натижасида хом ашё валигини зичлиги ошиб кетади. Шу сабабли чигит шикастланиши ва толанинг таркибида турли хил нуқсонларни ҳосил бўлишига олиб келади. Шунингдек, ишчи камеранинг олдинги фартуги ва ён томонларида ҳосил бўладиган ишқаланиш хом ашё валигининг айланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида жин машинасининг иш унумдорлиги пасайишига олиб келади. Шунинг учун келгусида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида ишчи камерадан толадан ажраган чигитларни ўз вақтида чиқиб кетиши учун ишчи камера ён томонидан хом ашё валигининг ишқаланишини камайтириш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. www.pandia.ru.
2. Гулидов Н.Г. Теоретические вопросы пильного джинирования, Реф.сборник Хлопковая промыщленность,1965, № 2.
3. Роганов Б.И. Основные вопросы современной первичной обработки хлопка. Автореф.дисс. д.т.н.- Москва-Ташкент, 1960.
4. Тилляев М.Т. Исследование влияние ускорителя вращения сырцового валика на основные показатели процесса джинирования. Диссертация на соискание учёной степени кандидата технических наук. Ташкент. – 1974 г.
5. Болдинский Г.И. и др. О профиле фартука сырцовой камеры джина в зоне входа в нее хлопка-сырца // - Ж. Реф. сб. Хлопковая промышленность. 1975. №1. 9 с.

6. Мирошниченко Г.И. и др. Оборудование и технология производства первичной обработки хлопка. – Т., «Укитувчи», 1980. – 328 с.

NAMANGAN SHAROITIDA ZAMONAVIY QURILISH MUAMMOLARI.

Akramov Xusniddin Muxiddinovich –Kasb ta`limi metodikasi kafedrasi dotsenti, NamDU.,
Adashboyeva Mashhura Asqarali qizi-HFX-AU-17 gurux talabasi NamDU.

Annotatsiya: *Mazkur maqolada O`zbekiston hududida qurilish muammolardan biri er osti suvlarni binolarga ta`siri va ularni bartaraf etish yo`llarini taxlili yoritilgan. Poydevorlar va devorlarni er osti suvlar va zaxdan saqlashning ba`zi bir usullarni yoritilgan hamda tavsiyalar berilgan.*

Kalit so`zlar*: Poydevorlar, er osti suvlar va zax, gidroizolyatsiya, bitum (saqich) qatlam, sement, temir-beton.*

ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ НАМАНГАНА

Акрамов Хуснитдин Мухитдинович – доцент кафедры методики профессионального образования НамГУ.,
Адашбоева Машхура Аскарали кизи-
студент 3 курса группы HFX-AU-17 (НамГУ).

Аннотация: *В данной статье анализируется одна из проблем строительства в Узбекистане, касающаяся воздействия подземных вод на здания и способов их преодоления. Даны и рекомендованы некоторые способы защиты фундаментов и стен от подземных вод и дренажа.*

Ключевые слова*: основы, грунтовые воды и сырость, гидроизоляция, битум, цемент, железобетон.*

PROBLEMS OF MODERN CONSTRUCTION IN THE CONDITIONS OF NAMANGAN


Akramov Khusnitdin Mukhitdinovich - Associate Professor, Department of Methodology of Professional Education, NamSU.,
Adashboyeva Mashhura Asqarali qizi - 3 courses student of the HFX-AU-17 group (NamSU).

Abstract: *This article analyzes one of the problems of construction in Uzbekistan regarding the impact of groundwater on buildings and how to overcome them. Some methods of protecting foundations and walls from groundwater and drainage are given and recommended.*

Key words: *foundations, groundwater and moisture, waterproofing, bitumen, cement, reinforced concrete.*

Xozirgi vaqtda katta shaharlar tevarak atorfidagi ekinzor yerlarni aholiga qurilish uchun ajratilishi zakan va zovurlarni yoqalishi natijasida yer osti suvlarni yer yuziga ko'tarilish muammosi quruvchilarga ancha qiyinchilik tug'dirmoqda. Bu muammolarni nazariy va amaliy yechimlarni ota-bobolarimiz qurgan inshootlar tahlilida kurishimmiz mumkin.

Poydevorlar yerto'la, podval devorlari va zaminga tegib turadigan boshqa konstruksiyalar asosdagi namlik hisobiga zax tortadi. Bunday konstruksiyalarni kapillar namlikdan asrash uchun poydevorlarga gorizontal va vertikal gidroizolatsiya qatlamlari qo'yiladi. Ular yopishtiriladigan material (ruberoid, gidroizol, izol, shisha mato, shisha kigiz) qatlami va bo'yoq parda va suvoq (sement qorishma, asfalt va boshqa bitumli materiallar) bo'lishi mumkin.[1]



1-rasm G'isht va bloklardan qurilgan devorlarni yer osti suvlari ta'siridan ximoyalash:


a – podvalsiz binolarning gidroizolatsiyasi;
b – podvalli binolarning gidroizolatsiyasi;
1 – birinchi qavatdagi xonaning poli;
2 – tashqi devor; 3 – rulon materialdan qilingan gidroizolatsiya qatlami;
4 – sement qatlami; 5 – otmostka;
6 – poydevor; 7 – bitum (saqich) qatlam;
8 – mayin sement qorishmasidan tayyorlangan vertikal gidroizolatsiya; 9 – podvalning beton poli; 10 – gorizontal gidroizolatsiya qatlami;
11 – podval usti ora yopmasi.

Podvalsiz binolarda devorning poydevor bilan tutashgan qismiga gorizontal gidroizolatsiya sifatida qalinligi 20-30mm sement-qum qorishma (tarkibi 1:2) yoki ikki qavat ruberoid, gidroizol yoki nam o'tkazmaydigan boshqa material bitumli mastikada yotqiziladi. Bulardan tashqari, 25-30mm qalinlikda asfalt to'shama bilan ham devorni gidroizolatsiya qilish mumkin. Gorizontal gidroizolatsiya binoning birinchi qavat poli betonining sathi bilan baravar va bino atrofiga ishlangan otmostka sathidan 15-20 sm balandda joylashadi. Ichki poydevorlarda gorizontal gidroizolatsiya poydevorning tepa yuzasiga joylashtiriladi.[2]

Podvalli binolarda gorizontal va vertikal gidroizolatsiyadan foydalaniladi. Gorizontal

gidroizolatsiya devor g‘ishtlarini yoki mayda bloklarini terganda qatorlar orasiga rulonli materiallardan lenta tarzida bitumli mastika yordamida yotqiziladi. Gidroizolatsiyaning birinchi qatlami podval poli bilan bir tekislikda, ikkinchi qatlami esa birinchi qavat poli plitalari ostida joylashgan bo‘ladi.

Vertikal gidroizolatsiya podval devorlarining sirtqi yopmasi va avatlararo ora yopmasiga o‘linadi. Gidroizolatsiya turlarini tanlash ko‘proq namligiga, yer osti suvlarining satxiga bog‘liq bo‘ladi. Quruq tuproqli yerda issiq bitumni poydevor yuzasiga ikki qayta surtish bilan chegaralanish mumkin. Nam tuproqli yerda esa podval devori sirti mayin sement qorishmasi yoki sement oxak qorishmasi bilan suvoq qilinib, ustidan issiq bitum ikki qayta surkab chiqiladi yoki ikki qavat rulon material yopishtiriladi. Yopishtirilgan gidroizolatsiya qatlami shikastlanmasligi uchun ular g‘ishtin devor bilan himoyalanadi (1-rasm).




2 – rasm. Yer osti suvlarining satxi baland bo‘lgan joylardagi g‘ishtin binolarning gidroizolatsiyasi.

1 – otmostka; 2 – rulon materialdan qilingan gorizontal gidroizolatsiya qatlami; 3 – podval polidagi gorizontal gidroizolatsiya qatlami; 5 – rulon gidroizolatsiyaning burmasi (kompensator); 6 – bitum shimdirilgan los tiqilgan joy; 7 – poydevor sirtiga yopishtirilgan vertikal gidroizolatsiya; 8 – yopishtirilgan vertikal rulon gidroizolatsiya; 9 – himoya g‘ishtin devor; 10 – loy suvoq.

Imorat quriladigan joyda yer osti suvlari sathi podval poli satxidan baland bo‘lgan xollarda gorizontal va vertikal gidroizolatsiya ikki-to‘rt qavat chirimaydigan rulon-material (gidroizol, izol, shisha mato, shisha kigiz, ruberoid va boshqalar) yopishtirish orqali hosil qilinadi. Bunda gorizontal gidroizolatsiya qatlami podval poli tekisligida va devorlar sikoliga to‘shaladi. Vertikal gidroizolatsiya yer osti suvi satxidan 0,5m balandda joylashishi lozim. Buning uchun gorizontal gidroizolatsiya to‘shamasi podval poli betonli qatlami ustidan yotqiziladi. Uning bir uchi podval devori tagidan sirtga chiqarilib, sirtqi vertikal yuzada yer osti suvlari ko‘tarilishi mumkin bo‘lgan satxdan 0,5 metr yuqorida qoldiriladi. Agar yer osti suvlarining gidrostatik bosimi 0,8m dan ortiq bo‘lsa, u xolda podval polining betonli qatlami ustidan hamda podval devori ostidan o‘tgan yaxlit temir-

beton plita o‘rnatiladi (3-rasm).

Agar yer osti suvlari tarkibida agressiv moddalar ham bo‘ladigan bo‘lsa, u xolda poydevor betoni putssolan portlansement yoki shlakportlansement asosida tayyorlanadi.[3]



3-rasm. Binolarni yer osti suvlaridan muxofaza qilish;
a, b – yer osti suvlari poydevor satxidan pastda joylashgan;
v, g, d – yer osti suvlari poydveorga xam chiqqan;
1 – gorizontal gidroizolatsiya; 2 – vertikal gidroizolatsiya; 3 – otmostka; 4 – podval devori; 5 – polga yotqizilgan beton qatlam; 6 – issiq bitum surtilgan qatlam; 7 – toza yog‘li tuproq; 8 – toza pol; 9 – vertikal gidroizolatsiya; 10 – himoya g‘ishtin devor; 11 – beton; 12 – temir-beton plita.

Binoning yer ostidagi qismlarini yog‘in-sochin ta’siridan himoyalash uchun tashqi devorlar atrofiga nishobi binodan chetga qaratilgan yo‘lka-otmostka qilinadi. Otmostkalar suv o‘tkazmaydigan materiallardan, ya’ni asfalt, asfalt – betondan yoki yig‘ma temir-beton plitalardan to‘shalishi mumkin. Ularning eni kamida 0,5m, nishabi 2-3% qilib olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.B.A.Asqarova, Sh.R.Nizomov. Temirbeton va tosh-g’isht konstruksiyalari. O’quv qo’llanma. - T.: Iqtisod-Moliya, 1997-357b. 16
2.Xasanova O.T., Yuldashev O.P. Bezopasnost zdaniy i soorujeniy. Uchebno-metodicheskoe posobie.-T.: TGTU, 2013 – 143s.
3. Акрамов Х.М., Масалиев Ш.Д “Показатели пожаро-взрывоопасности веществ и материалов”, «Молодежь и XXI век - 2018» Материалы VIII Международной молодежной научной конференции Курск: 21-22 февраля 2018 года 8-11

AHOLI YASHASH HUDUDLARIDAGI CHIQINDILARNI QAYTA ISHLASH ASOSIDA HUDUD EKOLOGIYA HOLATINI YAXSHILASH.

Akramov Xusniddin Muxiddinovich–Kasb ta`limi metodikasi kafedrasi dotsenti, NamDU.,
Murtozaeva Ikromahon Ulug`bek qizi-HFX-AU-17 gurux talabasi NamDU.

Annotatsiya: *Mazkur maqolada atrof muhitni muhofaza qilish va tabiatdan oqilona foydalanish sohasidagi muammolar va ayniqsa chiqindilar muammosi yoritilgan. Respublika rahbariyatining siyosati asosida kuriliyotgan chora tadbirlar tahlili asosida chiqindi muammosini holati va uni bartaraf etishning bazi bir yo`llari kurib chiqilgan.*

***Kalit so`zlar:*** *Chiqindilar muammosi, ekologik xavflar, qattiq maishiy chiqindilar, qog`oz chiqindilari, chiqindilarni qayta ishlash, chiqindilarni saralash, kompostlar*

УЛУЧШЕНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ НАСЕЛЁННЫХ ПУНКТОВ ПУТЁМ ПЕРЕРАБОТКИ ИХ ОТХОДОВ

Акрамов Хуснитдин Мухитдинович – доцент кафедры методики профессионального образования НамГУ.,
Муртозаева Икрома Улугбак кизи- студент 3 курса группы HFX-AU-17 (НамГУ).

Аннотация: *В данной статье рассмотрены вопросы окружающей среды и проблемы рационального использования природных ресурсов и особенно бытовых отходов. В статье проделан анализ мер, по состоянию проблемы отходов, предпринятых Правительством Республики, разработаны некоторые пути ее преодоления.*

Ключевые слова: *Проблемы отходов, экологические проблемы, твёрдые бытовые отходы, бумажные отходы, переработка отходов, сортировка отходов, компосты.*

IMPROVEMENT OF THE ECOLOGICAL CONDITION OF THE SETTLEMENT POINTS BY THE PROCESSING OF THEIR WASTE

Akramov Khusnitdin Mukhitdinovich - Associate Professor, Department of Methodology of Professional Education, NamSU.,
Murtozayeva Ikroma Ulugbek qizi - 3 courses student of the HFX-AU-17 group (NamSU).

Abstract: *This article discusses environmental issues and the problems of rational use of natural resources and especially household waste. The article analyzes the measures on the state of the waste problem undertaken by the Government of the Republic, some ways to overcome it are developed.*

Keywords: *waste problems, environmental problems, municipal solid waste, paper waste, waste processing, waste sorting, composts.*

O`zbekiston Respublikamiz mustaqillika erishgandan so`ngi yilarda davlatimiz tamonidan atrof muhitni toza saqlash va natijasida aholi salomatligini saqlash, fuqorolar hayotiga va sog`ligiga salbiy tasirlarni iloji boricha kamaytirish borasida ancha ishlar amalga oshirildi va oshirilmoqda. Ayniqsa bu sohadagi ishlar keyingi yillarda faol va ischil aniq rejalar asosida olib borilmoqda, mamlakatimizda bu sohaning zamonaviy mustahkam narmativ huquqiy bazalar yaratilgan.

Respublikamizda atrof muhitni muhofaza qilish va tabiatdan foydalanish sohasidagi faoliyatni belgilab beruvchi 30 ga yaqin qonunlar 200dan ortiq qonun osti meyoriy hujjatlar qabul qilindi. Shuning bilan bir qatorda hozirda jamiyatimizni rivojlanishi bilan bog`liq bo`lgan ekologik muamolardan biri chiqindilar muammosi bo`lib bugungi kunda chiqindilar atrof muhitni ifloslantirish natijasida atrof muhitga fuqorolar hayoti va sog`ligiga shuningdek jismoniy va yuridik shahslar mulklariga havf tug`dirmoqda. Bunday sharoitda hosil bo`layotgan chiqindilarni to`plash, saqlash, tashish, yo`q qilish, ko`mib tashlash, utilizatsiya qilish, ularni turlarga ajratish va qayta ishlash masalasi ustuvor vazifalarda hisoblanadi.

Chiqindilar bilan bog`liq ishlarni amalga oshirish sohasidagi munosabatlarni tartibga solish hamda chiqindilarni boshqarishga oid davlat siyosatini yuritish maqsadida 2002-yil 5- aprelda “Chiqindilar to`risida “gi O`zbekiston Respublikasi qonuni qabul qilingan. Ushbu hujjatning asosiy vazifasi chiqindilarning fuqorolar hayotiga va sog`ligiga, atrof muhitga zararli tasirlarni oldini olish hamda chiqindilar hosil bo`lishni kamaytirish Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 15-iyuldagi 194- sonli qarori bilan tasdiqlangan qattiq va suyuq chiqindilarni to`plash va olib chiqib ketish xizmatlarini ko`rsatish qoidalari, O`zbekiston Respublikasining xukumat organlarining bir qator qonun osti hujjatlari bilan tartibga solingan. Jahonda qattiq maishiy chiqindilarni chiqishi uzuliksiz oshib bormoqda, bu esa o`z navbatida yerimizning ekolgik barqarorligiga o`zining salbiy tasirini ko`rsatmay qolmaydi. Mutahasislarning hisob kitoblari bo`yicha bugungi kunda chiqindilarning 800dan ortiq turi qayt etilgan bo`lib, kelajakda chiqindilarning tur va ko`rsatgichi bundanda ko`p bo`lishi mumkin.[1]

Ekologik xavflarni bartaraf etish maqsadida O’zbekiston Respublikasi xukumati axoli va xududlarni favqulodda vaziyatlarda ximoyalash maqsadida va shu orqali xalqaro munosabatlarni amalga oshirish jarayonida 2019 yil 12 aprel kuni «2015 — 2030 yillarda ofatlar xavfini kamaytirish bo’yicha Senday hadli dasturi»ni O’zbekiston Respublikasida amalga oshirish maqsadida Vazirlar Mahkamasi qaror qabul qildi.[2]

Energetika, rangli va qora metallurgiya, kimyo sanoati va qurulish industuriyasida foydalaniladigan metallardan hosil bo`lgan chiqindilar atrof muhitni ifloslantiruvchi asosiy manbaga aylanmoqda. Ularni etiborsiz qoldirish esa tabiiy resurslar va tabiatni kutilmagan o`zgarishlariga sabab bo`ladi. Chunki xatto tabiiy hom ashyodan tayyorlangan maxsulotning ham yerga singib ketishi uzoq vaqt davom etadigan jarayon xisoblanadi.Masalan; qog`oz chiqindiga aylangandan so`ng faqat uch oydan keyingina chiriy boshlaydi. Plastik polietilin xaltachalarining biologic komponentlariga to`liq ajralishi uchun 400-450 yil talab etilsa , shisha faqat million yildan keyingina to`la yo`q qilish mumkin .Shuni takidlash, lozimki bu chiqindilarni 80 %ni organik moddalar tashkil etadi. Mutaxasisilarni takidlashicha maishiy chiqindilar butun dunyoda arzon homashyo xisoblanadi. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi chiqindilarning 85 %ni qayta ishlash mumkinligini ko`rsatmoqda. Ayrim mamlakatlarda chiqindinilarni alohida yig`ish tizimi yo`lga qo`yilgan. Natijada qog`oz plastik aluminiy xom ashyosining katta qismini qayta

ishlashga yuboriladi. Chiqindilarni qayta ishlash natijasida maxsulod ishlab chiqarish uchun sarflanadigan energiya va xomashyoning katta qismi qayta ishlashga yuboriladi. Chiqindilarni qayta ishlash natijasida maxsulot ishlab chiqarish uchun sarflanadigan energiya va xomashyo miqdori 50% gacha tejalishi mumkin. Chiqindilani turlarga ajratib alohida yig`ish natijasida Yaponiyada rezina mahsulotlarining 34%, qog`oz va kartonning 54%, shisha buyumlarning 43% chiqindilarni qayta ishlash hisobiga tayyorlanadi.Xitoyda esa metaldan yasalgan buyumlarning 33%, jun, ipak va charmdan tayyorlanadigan buyumlar,xatto attorlik buyumlarini 34% turli xil chiqindilarni qayta ishlash orqali tayyorlanadi. Shevetsariya bugungi kunda chiqindilarga eng e`tiborli mamlakat sifatida e`tirof etilmoqda.Aholi chiqinlarni turlarga ajratib maxsus konteynerlarning tashlashga o`rgatilgan bu qoidani buzgan fuqorolar jarimaga tortiladi. Bu kabi misollarni dunyoning ko`plab rivojlangan mamlakatlarida keltirib o`tish mumkin.[3]

Mutaxasislarimizning tahlillariga ko`ra so`nggi yillarda respublikamizda yiliga 100 million tonnadan ortiq sanoat chiqindisi 35milion tonnaga yaqin maishiy chiqindi hosil bo`ladi. Chiqindi poligonlarida 2 milliard tonnaga yaqin sanoat ,qurulish va maishiy chiqindilar saqlanayotgani hamda ular 12 ming gektar maydonni egallab turganini inobatga olsak, chiqindilarni salbiy ta`sirini tasavvur etish qiyin emas.

Mamlakatimizda ham maishiy chiqindilarni qayta ishlash masalasiga katta e`tibor qaratib kelinyapti. Bu sohada ham davlatimizning bir qator qonunlari qabul qilingan bo`lib rejali ishlar amalga oshirib kelinyapti. Ko`rilayotgan chora tadbirlar chiqindilar bilan birga, qimmatli modda va materiallarni yo`q bo`lib ketishiga yo`l qo`ymaslik atrof muhitni sanoat va maishiy chiqindilar bilan ifloslanishini oldini olish, qattiq maishiy chiqindilarning yig`ish, zararsizlantirish muammolarini xal etishga yo`naltirilgan. Bu borada esa qishloq joylarda uy xo`jaliklaridan chiqgan turli, ayniqsa chorva mollari chiqindilarini yo`qotishning eng samarali usullari kompostlash orqali muammo yechimini bartaraf etish mumkin, bu esa tuproq unimdorligini oshiruvchi,ekologik toza organic o`g`it va ularni dalada qo`llash texnik va iqtisodiy jihatdan arzon , qulay va samarali vosita xisoblanadi.

Mamlakatimizda iste`molchilar endi qattiq maishiy chiqindilarni alohoda paketlarga joylashtirishlari, plassmassa, metal (turlari bo`yicha) ,shisha buyumlari, qog`oz chiqindilari, shuningdek biochiqindilar va qayta ishlanadigan xamda utilizatsiya qilinmaydigan boshqa chiqindilar alohida saralanishi kerak. Chindi to`plash shaxobchalarini maxsus konteynerlar bilan alohida- alohida to`planishini taminlash lozim.Chiqindilarni to`plash joylari, fuqorolarga xizmat ko`rsatish shaxobchalari, yashash joylari, sog`lomlashtirish, tarixiy –madaniy ahamiyatga ega bo`lgan joylar, suv va suvni himoya qilish zonalaridan uzoqroq joylarda bo`lishi lozim.

Qattiq va suyuq chiqindilarni olib chiqib ketishning davriyligi mahalliy iqlim sharoitlarini xisobga olgan holda hokimliklar tomonidan belgilanadi. Xususiy sektordan esa har 3 kunda 1 marta amalga oshiriladi va bu ishni nazorati fuqorolarning o`zini-o`zi boshqarish organlari (mahalla fuqorolar yig`ini) zimmasiga yuklatilgan. Chiqindilarni olib

chiqib ketishi umumiy nazorati joylarda sanitariya –tozalash tashkilotlari va sanepid, stansiyalar zimmasidadir.[4]

Atrof-muhitni tozaligini va ozodaligini saqlash nafaqat mahalliy davalat organlari, xususiy mulkdor uy joy egalarining vazifasi bo`lmay barcha iste`molchilarning keng aholi qatlamlarining tashabbuskorligi va faolligiga ham bog`liqdir.

Har birimiz ayniqsa biz yoshlar atrof muhitni,yashab turgan joyimizni yani Vatanimizni sof va musaffoligiga yani ekologik tozaligiga o`zimizni ma`sul va javobgar deb hisoblab shu sohada xammani ekologik madaniyatini oshirishga chaqirib o`zimiz bu muhim ishda doimo o`rnak bo`lishimiz kerak. Chunki bizni kelajagimiz, sog`ligimiz ko`p jihatdan atrof muhit, atmosfera, yerimizni musaffoligiga bog`liq.

Yuqoridagi fikrlar to`g`risida tavsiyalar;

Chiqindilarni atrof –muhitdan muhofaza qilish va chiqiqndilarni qayta ishlash uchun xar bir viloyat va tuman hududlar miqyosida maishiy chiqindilarni qayta ishlash korxonalarini tashkil etishimiz mumkin .

Masalan:

-Plassmassa chiqindilarni termoplastlar yordamida yangi plassmassa maxsulotlarini ishlab chiqarish mumkin.

-Qog`oz chiqindilarni maydalab yangi qog`ozlarni sifati past bo`lsada ishlatishga yaroqli qog`ozlarni ishlab

- Oziq ovqatlarni quritish orqali yuqori sifatli chirindilar olinadi

Foydalanilgan adabiyotlar;

9. O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik Palatasi bulletini, 18.10.2017.
10. Х.М. Акрамов “Участие республики Узбекистан в международной программе”. журнал “Ученый XXI века”. № 11-2 (58), ноябрь 2019 г.
11. O`zbekiston Respublikasining qo`riqxonalar va tabiat bog`lari.Suratli malumatnoma.
12. “Iqlim va biz” qo`llanma kitob .’Chinor EIK’ekologik nashriyot kompaniyasi. Toshkent shahri, Sug`alliy ota ko`chasi 5-uy. Litsenziya AI 179.8.12.2010.

09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна
фалсафа фанлари номзоди, доцент ФДУ
Турсунов Бунёдбек Муйдинжон ўғли .
Фарғона давлат университети талабаси

Аннотация:*Мазкур мақолада шахс камолоти юксалишида ижтимоий-маънавий омилларнинг ўрни, мустақилликнинг ижтимоий-эстетик моҳияти, баркамол авлод тарбияси каби масалалар ёритилган.*

Калит сўзлар ва иборалар: *шахс камолоти, ижтимоий-маънавий омиллар, баркамол авлод, фуқаролик жамияти, ижтимоий-эстетик моҳият, турмуш эстетикаси, маънавий қадриятлар.*

РОЛЬ СОЦИАЛЬНЫХ ФАКТОРОВ В ДУХОВНОМ ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна кандидат философских наук, доцент ФерГУ
Турсунов Бунёдбек Муйдинжон ўғли студент Ферганского государственного университета

Аннотация: *В статье рассматривается вопрос о роли социально-духовных факторах, социально-эстетической сути независимости, воспитании развитого поколения в формировании личности.*

Ключевые слова и выражения: *формирование личности, социально-духовные факторы, развитое поколение, гражданское общество, социально-эстетическая суть, эстетика быта, духовные ценности.*

THE ROLE SOCIAL FACTORS IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT PERSONALITY

Arzimatova Inoyatkhan . FDU candidate of Philosophical sciences, associate professor
Tursunov Bunyodbek student of Fergana state university

Annotation: *In this article is written the place of social-spiritual factors, in other words, some problems like the social-aesthetic gist of independence, the education of perfect generation.*

Keys words and expressions: *perfect person, social-spiritual factors, the perfect generation, citizenship society, the social-aesthetic gist, life aesthetics, spiritual traditions.*

Инсон камолоти бадиий-эстетик фаоллигини оширишнинг ижтимоий-маънавий омиллари ҳақида сўз борганда, аввалambор, мустақилликнинг ижтимоий-эстетик моҳияти, инсон эркинлиги тамойилининг кучайиши, баркамол авлод тарбияси, умуман турмушни эстетик жиҳатдан ташкил этиш тўғрисидаги масалаларга эътибор қаратиш тақозо қилинади. Республикамизда барпо этилаётган эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатнинг фаолияти барча соҳалар ривожланишини уйғунлаштириш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт яхлитлигини таъминлашда кўзга ташланади. Жамият билан шахс маданияти, уларнинг ўзаро диалектик алоқадорлигини қарор топтириш ислоҳотларни маънавий мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ҳар бир давр шахсни ўзининг ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва маданий манфаатларидан келиб чиқиб, муайян билимлар, тамойил ва хулқ-атвор қоидалари асосида тарбиялайди. Бу нарса миллий тараққиётнинг ўзига хос йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ўта муҳим. Шахснинг камол топиши, энг аввало, унда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга асосланади. Баркамол шахс ижтимоий, ахлоқий масъулиятни нафақат дунёвий билимлар, шу билан бирга, гуманистик ва демократик қадриятлар, юксак эстетик идеаллар негизида яшаш ва ишлаш орқали кўникмага айлантиради.

Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-эстетик моҳияти, аввалambор, мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг инсон манфаатлари устуворлигига асосланиши, инсонни энг олий қадрият сифатида эътироф этиш, эркин ижодий меҳнатнинг устувор ўрин эгаллаши, жамият тараққиётининг барча соҳаларини ривожлантиришда юксак маънавиятга асосланиш билан белгиланади. Бу жараённинг умумий йўналиши, шу билан бирга, маънавий-ижтимоий ва гуманистик мақсади, ахлоқий-эстетик табиати “ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак”[1] деган концепцияда ўз ифодасини топган.

Мустақиллик шахс томонидан воқеликни бадиий ва эстетик ўзлаш-тириш кўламини кенгайтирди, ижодий фаоллиги, эстетик маданиятни юк-салтириш учун имкониятлар яратди. Шу билан бир қаторда, бозор муно-сабатларини чуқурлаштириш жараёнида фаолиятнинг кўпгина соҳаларида эстетик дид ва маданиятнинг етишмаслигини ҳам кузатиш мумкин.

Истиқлол шарофати билан маънавий қадриятлар халқимизнинг мул-кига айланди, мустабид тузум шароитида маънавият хазинасидан четда қол-ган заҳираларни ҳар томонлама ўрганиш йўлга қўйилди. Бу соҳада тарихий ҳақиқатни тиклаш учун шўро даври маданияти, кўп асрлик маданиятимиз тарихи, шу билан бирга, коммунистик манфаатларга “ёт” ҳисобланган жаҳон ва ўзбек маданияти, фалсафаси, эстетикаси, хусусан, эстетик тарбияда мил-лий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини тўғри баҳолаш, ўрганиш тақо-зо қилинади.

Бу давр маънавий-маданий ҳаёти, бадиий-эстетик фаолиятида кескин бурилиш ва сифат ўзгаришлари юз берди: Амир Темур ҳақида ҳаққоний тарихий, илмий-бадиий асарлар яратилди; “Авесто”нинг 2700 йиллиги, “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги муносиб нишонланди; “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳа-ракати билан ҳамкорликда тасвирий ва амалий, мусиқий санъат, бадиий публицистика, журналистика, меъморчилик ва дизайн соҳаларида ёш истеъ-додларнинг “Келажак овози” республика танлови мунтазам ўтказиб ке-линмоқда[2].

Тарихий меъморчилик иншоотлари нафақат моддий-техникавий, шу билан бирга, бадиий-эстетик жиҳатдан таъмирланмоқда, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Марғилон каби шаҳарлардаги тарихий-меъморий ёдгорликлар тикланмоқда, зиёратгоҳларга айлантирилмоқда. Аждодларимиз маънавий-бадиий мероси хорижлик олимлар билан ҳамкорликда тадқиқ этилмоқда; кейинги ўн йилда хорижлик мутахассисларнинг ўзбек бадиий-эстетик маданиятини ўрганишга қизиқишлари янада ортди, бу нарса, айниқса, немис санъатшуносларининг Буюк ипак йўли мавзуига бағишланган мақолалари ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ифодасини топди [3]. Халқаро мусиқавий фестивалларни ўтказиш анъанага айланди, “Шарқ тарона-лари”, “Бойсун баҳори”, “Илҳом-ХХ” ҳозирги замон бадиий-мусиқавий форумининг энг обрўли воқеаларидан бирига айланди.

Истиқлол даврида шахс маънавиятини юксалтиришда унинг эстетик онги, дунёқараши ва маданиятини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Нега деганда, инсон ўз тақдири соҳибига айланди, ижтимоий фаровонлик, эркинлик ва ижодий меҳнат учун масъул ва жавобгар, шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий, маънавий эркин фаолият юритиш кафолатига эга бўлди [4].

Биринчидан, инсоннинг меҳнат ва меҳнат предметларига муносабати тубдан ўзгарди, яқин ўтмишда инсон табиий моҳиятидан бутунлай бе-гоналаштирилган хусусий мулкчилик руҳияти ва унга эгалик мақоми қарор топди. Бу жараёнда эркин тадбиркорлик ва ташаббускорликнинг моддий асосини ташкил қиладиган меҳнатнинг хусусий, шу билан бирга, ижтимоий моҳияти янада ёрқинроқ намоён бўлди, тадбиркорлик жамиятимиз ҳаётида етакчи ижтимоий омилга айланди. Бугина эмас, шахс меҳнати билан хусусий ва социал жиҳатларнинг уйғунлашуви ижтимоий муносабатларга таъсир этиб қолмади, шахс тарбияси, хусусан унинг эстетик камолотида асосий воситага айланди.

Иккинчидан, ҳозирги глобаллашув шароитида табиатни муҳофаза қилиш, унинг эстетик-тарбиявий салоҳиятини сақлаб қолиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида бунёд этилаётган янги жамиятимиз эстетик тарбияда табиатга гуманистик ёндашишни, унинг қонуниятларидан бохабарлик ва бойликларидан рационал фойдаланишни тақозо қилади.

Шу боис бугунги кунда бутун тарбиявий тизим, шу жумладан, эстетик тарбия, бир томондан, инсонда табиат билан эркин, яъни беғараз муно-сабатда бўлишни шакллантириши лозим. Бошқа томондан, глобаллашиш, индустриал ва ижтимоий-демографик жараён, шунингдек, маърифий талаб ва меъёрларга эътиборсизлик бозор иқтисодиёти шароитида табиатга эҳтиёткорлик ўта нозик маънавий масаладир.

Юқоридаги масалалар шахс тарбиясида турмуш қадриятларидан унум-ли фойдаланиш, шу билан бирга, турмуш эстетикасини ривожлантириш баробарида унда баркамоллик фазилатларини шакллантиришни тақозо қила-ди.

Турмуш эстетикаси инсоннинг кундалик ҳаётда одоб-ахлоқ, ташқи қиёфа, кийиниш маданияти, нарса-ҳодисалар ва турар-жойларга муносабат-нинг асосий соҳаларидан биридир. Турли халқ, ижтимоий гуруҳ ва бошқалар турмуш маданиятининг моддий кўринишлари кишиларнинг нарса-предмет-лар олами, эстетик диди ва ижтимоий идеаллари ҳақидаги тасаввурлари умумийлиги ва ранг-баранглиги билан узвий боғланган. Инсон яшаш ва иж-тимоий муҳити иқтисодий, ижтимоий, функционал, эстетик меъёр ва шарт- шароитларини гавдалантирадиган турмуш маданияти оламни эстетик идрок этиш, унинг эстетик маданияти асосини ташкил қилади.

Турмуш эстетикаси эстетик онгда хусусийлик билан умумийлик, ин-туитивлик билан рационаллик, турли маданиятлар таъсири, турмуш тарзи ва усули, анъанавийлик ва янгилик, миллийлик ва умуминсонийлик, шу-нингдек, мода намоён бўлиши масалалари билан боғланган бўлиб, техника, экология, муҳитни жиҳозлаш, тарбия соҳасидаги эстетик жиҳатларни ифода-лайди, моддий ва бадиий маданият интеграциялашувининг самарали воси-таларидан ҳисобланади.

Шахс эстетик камолоти одатда унинг бадиий тарбия топганлигига боғлаб тушунтирилади, лекин бунда турмуш эстетикаси устувор ўрин тутади. Бинобарин, турмуш шахс ҳаёти ва камолотига мунтазам даражада таъсир ўтказиб турадиган жараёндир.

Таълим-тарбия жараёнида “инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак”,-деган сўзларни эшитишга тўғри келади. Бироқ инсон бундай мукаммал эстетик фазилатга фақат умри давомидаги фаолияти натижасида эришиши мумкин, бинобарин, унинг ҳар лаҳзаси муҳит таъсирида, турмуш эстетикаси таъсирида кечади.

Изоҳли ва фалсафий луғатларда “турмуш” тушунчаси, инсон, миллат ва халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлар, расм-русум мажмуи, объектив реаллик, моддий, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, соғлиқни сақлаш, шунингдек, маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат ижтимоий ҳаётнинг ноишлаб чиқариш соҳаси [5.404] каби маъноларни англатиши қайд этилади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий амалиёт билан бир қаторда шахс тарбиясида турмушнинг таъсири ҳам муҳим омил саналади.

Бевосита турмуш таъсирида инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, ғоявий йўналиши, ҳаётни ҳис этиши, кайфияти, диди, эмоционал фаоллиги, бошқача айтганда, ижтимоий-руҳий ҳолати қарор топади, маънавий ҳаётнинг айни шу даражасида унинг эстетик онги ривожланади. Шунинг учун меҳнат, ижтимоий-сиёсий яратувчанликка шахс ҳали тўла жалб этилмаган бошлан-ғич палладан унинг эстетик эҳтиёжи, дид ва мўлжаллари, эстетик онги шаклланишига турмуш биринчи ва бош манбаи сифатида мазмуний йўна-лиш беради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ёзганидек, “Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди” [6].

Инсон бутун умри давомида бу қобилиятни сақлаб қолишга интилади, ўз навбатида турмуш, бир томондан, шахс эстетик эҳтиёжларини қондиришга, бошқа томондан, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришга ўз таъсирини кўрсатиб туради. Масалан, замонавий модани олиб кўрайлик. Мода аксарият ҳолларда инсон эстетик эҳтиёжларини бутунлай ўзгартириб юбориши,унинг эстетик онги ва эстетик маданияти тадрижий тараққиёти такомилида жиддий роль ўйнаши мумкин. Шу боис турмуш эстетикаси шахс маданиятини шакллантиришда асосий ижтимоий манба ва омил бўлиб хизмат қилади.

Инсон фаолиятининг барча шакл ва маҳсулотларига эстетик салоҳият хос бўлганлиги боис турмуш унинг эстетик гавдаланишини мазмундор қилади ва ранг-баранглаштиради.

Турмушнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини таҳлил қилиш уч нарсага эътибор беришни тақозо қилади. Булар - асосан қуршовида инсон ҳаёт кечирадиган ранг-баранг предметлар олами; инсоннинг бошқалар билан мулоқотда ўзлигини намоён қилиш ҳолатлари; инсоний муносабатларнинг одоб-ахлоқда акс этиш имконият ва хусусиятлари.

Муайян эстетик салоҳиятга эга бу жиҳатлар, бир томондан, шахс эстетик маданиятининг умумий даражасини ифодалайди, бошқа томондан, унинг онг-шуурига эстетик маданият кўникмаларини сингдириш воситалари сифатида аҳамият касб этади.

Бу жиҳатлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, биринчи навбатда инсоннинг турли нарса-ҳодисалар билан қамраб олинган муҳитда умр кечи-риш масаласи билан боғлангандир. Булар, аввалambор, “анъаналар, ижти-моий муносабатлар, маърифий, диний ва эстетик шаклларнинг хусусий унсурлари”[7] сифатида аҳамият касб этадиган кийим-кечаклар; турмушнинг техникавий-маданий воситалари (ранг-баранг информацион, радио-телевизи-он аппаратлар, тикув ва кир ювиш машиналари, дурадгорлик қуроллари ва ҳ.к.); меъморчилик санъати билан алоқадор мебель маҳсулотлари, пред-метлари ва уларнинг бой заҳирасидан ташкил топади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашда унинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатларини янада

такомиллаштириш, бунда албатта шахс камолотида ижтимоий омилларнинг ўрни ка аҳамияти катталигига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, соғлом эстетик дид шаклланиши асосида шахсда ҳаётга соф маънавий туйғулар, яратувчан салоҳият кучаяди, табиатга, жамиятга, оила ва одамларга муносабатда ахлоқий-эстетик меъёрлар устувор бўлади. Гўзаллик тўғрисидаги тасаввурларни моддийлаштиришга эҳтиёжнинг ортиши билан инсон маънавияти ривожланади, руҳияти ва дунёқарашида инсонпарварлик тушунчалари ривожланади. Ҳар қандай фаолият соҳасига мақсадга мувофиқ тарзда ижодийликни сингдиришга интилиш пайдо бўлади. Маънавият хазинасини бойитиш учун шахсда миллий ва умуминсоний эстетик мерос, қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, маънавий-эстетик бойликлар яратишга масъулият ҳисси ортади. Шахсда ривож топган эстетик маданият, ижодкорлик қобилияти мустақил дунёқараш ва эркин тафаккур шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 106-б.
2.Комилова Х. Танлов истеъдодларни кашф этади //Халқ сўзи. – 2008.- 17 окт.
3. Гюль Э.Диалог культур в искусстве Узбекистана. – Т,: Издательство PRINT-S “Mir INFORM”, 2005. 6-б.
4. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.-Тошкент: Шарқ , 2001.37-б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.4 т.-Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. - 199-200 б.; Фалсафа. Қомусий луғат.-Т.: Шарқ, 2004. 404-б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008. 53-б.
7. Содиқова Н.Ўзбек миллий кийимлари. XIX-XX асрлар. - Тошкент: Шарқ, 2003. 5-б.

СОҒЛИҚ ИЖТИМОИЙ ВОҚЕЛИК СИФАТИДА (ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)

Кўпалов Санжар Улуғбекович
Урганч давлат университети, жисмоний маданият факультети,
педагогика фанлари номзоди

***Аннотация**: Мақолада соғлиқ, сиҳат-саломатлик ижтимоий воқелик сифатида фалсафий таҳлил этилади.Соғлиқнинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий жиҳатлари очиб берилади. Имконияти чекланган кишиларнинг соғломлигини, саломатлигини тиклаш, уларни соғлом жамиятда яшашини таъминлаш масалалари ҳақида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар**: жамият, саломатлик, соғлом фикрлаш.*

ЗДОРОВЬЕ КАК СОЦИАЛЬНАЯ РЕАЛЬНОСТЬ (ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ)

Копалов Санжар Улугбекович
Ургенчский государственный университет,
кандидат педагогических наук

***Аннотация**: В статье проанализирована философия здоровья и здоровье как реальность. Физические и моральные аспекты здоровья были выявлены. Мы говорим о проблемах восстановления здоровья и благополучия людей с ограниченными возможностями и обеспечения их выживания в здоровом обществе.*

***Ключевые слова:** сообщество, здоровье, здравый смысл.*

HEALTH AS A SOCIAL REALITY (PHILOSOPHICAL ANALYSIS)

Kopalov Sanjar Ulugbekovich
Urgench State University, Faculty of Physical Education,
Candidate of Pedagogical Sciences

***Annotation:** The article analyzed the philosophy of health as a reality. Physical and moral aspects of health were revealed. We are talking about the issues of restoring the health and well-being of people with disabilities and ensuring their survival in a healthy society.*

***Keywords:** society, health, healthy thinking*

Сиҳат-саломатлик тўғрисида қайғурмайдиган, уни эзозламайдиган инсон йўқ. “Инсон–деб ёзган эди Гиппакрат, тиббиёт илмининг отаси,- бахтли бўлиш учун соғлом бўлиши зарур. Саломатлик, ишчанлик, тўлақонли яшаш, ҳаёт завқи эса гимнастика, жисмоний машқлардадир” [1:190]. Арасту унга жўр бўлади: “Ҳаёт ҳаракатни тақозо этади”[1:190]. Ҳа, сиҳат-саломатликни ҳаракатсиз тасаввур қилиб бўлмайди, ҳаракат борлиқнинг асоси, атрибути.

Инсонга эса шунчаки ҳаракат эмас, онгли англанган ҳаракат қилиш инъом этилган. Шундай инъомдан маҳрум киши ўзини омадли бахтиёр сезаолмайди.

Аҳоли сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш Ўзбекистон давлатининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Кейинги уч йил ичида Республикамизда тиббий хизматларни тубдан яхшилашга қаратилган 170 дан зиёд ҳуқуқий хужжатлар ва тиббиётни ривожлантиришнинг концепцияси қабул қилинди. Республикамиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони ва 2019-2025 йилларда соғлиқни сақлаш тизимиги ривожлантириш концепциясида, ушбу хужжатга мувофиқ қабул қилинган давлат дастурида соғлиқни муҳофаза қилиш марказида инсон туриши алоҳида таъкидланади, уларда тиббий хизматни

тубдан яхшилаш, унга инновацион ишланмаларни жорий этиш, хизмат сифатини халқаро мезонлар даражасида уюштириш кераклиги вазифалар қилиб қўйилган.

Энг муҳими тиббий профилактикага эътибор қаратиш, бунинг учун эса инсон омилини ҳаракатга келтириш, шахсга ўз саломатлиги ҳақида қайғуруш ҳиссини шакиллантиришдир.

“Чунки тинчлик ва соғлик”, -деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўзининг соғлиқни сақлаш ходимларини байрам билан табригида,- бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўйлаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир.

Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ миҳлсиз ишларга қодирлигини хаммамиз яхши англаймиз”[2]. Айнан шунинг учун ҳам соғлиқ, сиҳат-саломатликни муҳофаза қилиш нафақат Ўзбекистонда, шунингдек дунёда энг долзарб муаммога айланган.

Цивилизациянинг пайдо бўлиши, тарихчилар фикрига кўра, 6000 йилга бориб тақалади.Цивилизация инсонни ён-атрофга, ўзининг ҳаётига онгли муносабати маҳсулидир.Бу муносабатлар турлича гохо зиддиятли кечган бўлса-да, инсон ўз саломатлиги борасида тинмай ўйлаган изланган. Шу боис ишонч билан айтиш мумкинки,цивилизацияни шакиллантирган бош омиллардан бири саломатлик, инсоннинг соғ яшашга интилишидир.

Соғлиқ фақат касалликдан қутулиш, ҳоли бўлиш эмас, у соғлом турмуш тарзи, экологик маданий,маънавий саломатлик, соғлом фикрлаш тарзи, жамият билан иттифоқда, яъни соғлом муносабатларга киришиб яшашида ҳамдир. Соғлиқ шихсий иш эмас, у моҳиятан ижтимоий воқеликдир. Жисмонан ва рухан соғлом киши жамият эҳтиёжларини тўғри англайди бу эҳтиёжларни қондиришнинг самарали, рационал усулларини топади[3:4].

Жамият ва давлат тиббиётни ривожлантришга интилганида соғлиқ, сиҳат-саломатлик билан ижтимоий тараққиёт ўртасида диалектик боғлиқлик борлигини эътироф этади. Соғлом бўлмаган шахсда, тараққиётга, келажакка ислоҳотларга ишонч суст бўлади. У кўпинча тушкун кайфият билан яшайди, агар шундай жисмонан ва руҳан носоғлом, тушкун кишилар муҳитда пайдо бўлса, улар муҳитдаги кайфиятга салбий тъасир ўтказмай қолмайди. Махсус илмий кузатувлардан маълумки, ижтимоий муҳитдаги девиант ҳатти ҳаракатларни,ҳхатто тўполон ва ғалаёнларни келажакка салбий муносабатдаги, рухан носоғлом, фикран бузғунчи кимсалар келтириб чиқаради [5:С-6]. Гоҳо бундай ижтимоий муҳит жамият тартибларини мутлоқ тан олмай, ўзининг тор, ғаразли қарашларини бошқаларга сингдиришга интилиши билан ён атрофга, осойишталикка хавф солади[7]. Демак, соғлиқ, сиҳат- саломатлик фақат шахсий, тиббий ҳодиса эмас, у кенг ижтимоий воқеликга айланиши мумкин. Соғлом киши ён атрофдаги воқеийликни соғ ақл, соғ фикр нуқтаи назаридан баҳолайди, унга рационал ёндашади. Бугун илмий жамоатчиликни қандайқилиб ҳам жисмонан, ҳам рухан соғ инсонни тарбиялаш, шакллантириш мумкин, деган савол, муаммо қизиқтирмоқда.

Бу борада турли илмий-назарий концепциялар, амалиётга йўналтирилган методлар, услублар илгари сурилмоқда [8;9;10]. Улардаги назарий хулосалар ва берилаётган тавсиялар соғлик, саломатлик борасидаги замонавий тасаввурларни бойитади, шубхасиз. Бироқ ҳанузгача, инсон омилидан фойдаланишнинг самарали усулларини топиш муаммолигича қолмоқда.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра соғлиқ учта компонентдан иборат: жисмоний, руҳий ва ахлоқий. Ушбу уч компонентнинг уйғунлиги таъминланганида саломатлик ўзининг ижтимоий воқелик эканини ифода этади. Жисмоний соғлиқ инсон организмининг, бу организм қисмларини тўла тўкис, фаол ишлаши демакдир. Кузатишлардан аёнки, одатий ҳолда соғ организм 1 минутда 5-9 литр ҳаво ўтказади. Жисмонан бақувват спортчилар организми эса минутига 150- литр ҳаво ўтказади [3;12]. Организмдан ҳавонинг тез кўп ўтиши ўпка, юрак, қон томирлари ва мушакларнинг саломатлигидан дарак беради. Бундай организм ташқи таъсирларга чидамли, ҳаракатчан ва рационал яшашга мойил бўлади. Аксинча, ҳаракатсизлик, гипокинезия, чекиш ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилиш организм ҳаракатчанлигини 15% га камайтради. Бундай организмда депрессияга мойиллик ҳам кузатилади.

Руҳий соғлик ҳам қатор ташқи таъсирлар ва ички хусусиятларга боғлиқ воқеликдир. Инсон руҳияти ҳар онда ўзгариб туриш хусусиятига эга. Унинг бу хусусияти инсонни гоҳо зиддиятли ҳатти-ҳаракатлар содир этишга етаклайди. Руҳан соғлом бўлмаган киши ҳаётий позициясини йўқотади, нима учун яшаётганини унутади. Шунинг учун ҳам руҳшунослар қалбни, руҳ ва онгни соғлом тутишни, уни бошқариш ҳақида фикр юритадилар. Соғлом юришнинг асосий шартларидан бири сифатида ўз фикрини, руҳини бошқаришини тилга оладилар[11]. Ахлоқий соғлик инсон ҳаёти-ҳаракатига инсонийлик, олийжаноблик, юксак маънавийлик бахш этиши билан қадрлидир. Бу соғлик инсонпарварлик гуманизм деб аталган тартиб ва нормаларнинг инсон хулқ-атворида намоён бўлишидир. Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, ахлоқан пок, хуш ва тоза бўлмай инсон соғ-саломат яшаши қийин. “Дунё ям-яшил дейилади хадисларда,- ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда халоллик,поклик билан олса, ундан барака топади” [12:32]. Ҳалоллик,поклик гўзал ахлоқий хислат. Бу хислатни булғамаслик, нафс ёки ҳайвоний хирс билан ифлослатирмаслик керак. Ахлоқий соғлик аслида хулқ-атворни, ён-атрофга муносабатни ҳалоллик, поклик тамойилларига мувофиқ қилишдир.“Мўмин кишига берилган нарсаларнинг энг яхшиси чиройли хулқдир. Унга берилган нарсаларнинг ёмони эса, кўриниши чиройли бўлса-да, қалбида ёмонлиги боридир”[12:88]. Кўриниб турибдики, ахлоқан носоғлом, қалбида ёмонлиги бор кимса соғлом эмас, унинг нияти истаги ноинсонийдир. Инсоний ҳатти-харакат, ният ва истак ахлоқий соғлик нишонаси сифатида киши ҳаётини безайди, уни олийжаноб қилади.

Ҳаётда тасодифлар нотаниш ҳоллар кўп учрайди. Масалан, туғма касал ва ногиронлар, ҳаракати, обектив сабабларга кўра, чекланганлар анашу гуруҳга мансуб

шахслар ҳисобланади. Табиатнинг бераҳмлиги туфайли улар ўз ҳатти ҳаракатлари ва фаолиятларини рационал, самарали ташкил эта олмайди, бошқаларнинг ёрдамига муҳтож. Бундай кишиларни соғлом муҳитга олиб кириш, уларнинг инсоний ҳуқуқларини таъминлаш, иқтидорини намоён қилишга ёрдам бериш давлат зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Айрим ногиронларга жамоат ташкилотлари, мехрибонлик уйлари, ҳомийлар ёрдам бериши мумкин, бироқ бугун мамлакат, юрт миқиёсида уни фақат давлат ташкил қилиши мумкин. Республикамиз Президентининг 2017-йил 1-декабрда эълон қилган "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб- қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармонида давлат бу борада махсус қонун ("Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида") қабул қилишини, БМТ "ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция"-ни ратификация қилишни бурчи, вазифаси деб эълон қилди[13]. Мазкур хужжатлар Вазирлар Махкамасининг "Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизарга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандлари тўлиқсиз оилада тарбияланаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" (2018-йил 12-апрел) деган дастур қабул қилишга ундади. Бугунга қадар мазкур дастур бўйича 1200 (бирминг икки юз) дан зиёд ногиронлар, ҳаракати чекланганлар янги квартиралар олишди, 4000 (тўрт минг)га яқини ўз уйи ҳовлиси ёки квартирасини таъминлаб олди. Уларга давлат ва унинг жойлардаги инустутлари бош-қош бўлган. Жамиятимиз соғлом кишилар соғлом муҳит яратишини ва соғлом авлод тарбиялаши мумкинлигини билди. Бу борада ҳали қатор муаммолар мавжуд.

Масалан; Республикамиздаги 9628 та умумтаълим мактабларда қанча имконияти чекланган ёшлар борлиги аниқланмаган, бундай ёшларга алоҳида таълим бериш пед-технологияси ишлаб чиқилмаган, уларнинг соғломлигини тиклашга оид индивидуал, инновацион ишланмалар яратилмаган, кадрлар етиштириш масаласи ҳам мавжуд. Шундай бўлсада, Ўзбекистон давлати ногиронларни, имконияти чекланган кишиларнинг ҳаётига,тақдирига бефарқ эмас. Уларнинг соғлом муҳит ва соғлом жамият бағрида яшашини,камол топишини истайди, бу борада у барча шарт-шароитлар яратишга тайёр.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Афоризмы- Минск.: Современный Литератор, 1999г.
2. Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига табриги. - Халқ сўзи, 2019 10-ноябрь.
3. Алламуратов.Ш.И, Пожидаева Т.Ф., Хасанова Л.Ш., Савачкин М.Б. Физическая культура и здаровый образ жизни - Тошкент; ТИТЛП. 2011.
4. Куценка Г.И, Новиков Ю.В. Книга о здаровом образе жизни СПб., 1997г. 346с.
5. Агрессивная толпа, массовая паника, слухи. *Лекции по социальной и политической психологии*.СПб., «Питер», 2004.

6. Choocas M. Pragandacames of age .-N.Y 1965
7. Smelzer N.H Theory of collective behavior.- NY 1992
8. Агаджанян Н.А. Цивилизация и здоровье- Ставрополь КЭРИС 2000
9. Otta way P.B Food Sci Technol. Today 1995. vol.9.№ 3 P 174-178
10. Шалаев В.П. Синергетика человека, общества, природы: управленческий аспект. Йошкар-Ола, МарГТУ, 2001-162с.
11. Сычин Г.Н. Животворящая сила.- Новасибир: ВЕН Мер 1994. 331с.
12. Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари.-Тошкент. Фан. 1990й
13. Бир сафда 2018 1-сон 2-3 б.

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Бабажанов Сарварбек Бекпулатович - Урганч давлат университети
“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси” кафедраси ўқитувчиси

Резюме:*Ушбу мақолада, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг ҳуқуқий амалиётда қўлланилиши фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу мақолада суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилишнинг жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳаёт соҳасини тартибга солишдаги аҳамияти ёритилган.*

Таянч сўзлар: *давлат, ҳуқуқ, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий ҳаёт, қонун, меъёр, санкция.*

JUDICIAL REFORMS AND THEIR APPLICATION IN LEGAL PRACTICE

Бабажанов Сарварбек Бекпулатович - Урганч давлат университети
“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси” кафедраси ўқитувчиси

Summare :This article analyzes the philosophical reforms carried out in our country, and their application in legal practice. The article also emphasizes the importance of judicial and judicial reform in regulating the social and legal life of society

Keywords: state, law, judicial system, public life, law, norm, sanction

СУДЕБНЫЕ РЕФОРМЫ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ В ЮРИДИЧЕСКОЙ ПРАКТИКЕ

Бабажанов Сарварбек Бекпулатович - Урганч давлат университети
“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси” кафедраси ўқитувчиси

Резюме:В данной статье анализируются философские реформы, проводимые в нашей стране, и их применение в юридической практике. В статье также подчеркивается важность судебной и судебной реформы в регулировании социальной и правовой жизни общества.

Ключевые слова: государство, право, судебная система, общественная жизнь, право, норма, санкция**.**

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, жамият ҳаётининг барча соҳаларида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда бир қатор ислоҳатларни амалга оширди. Шу жумладан, бугун мамлакатимизда Суд-ҳуқуқ тизимида жуда катта ислоҳот ва янгиланишлар қилинди. Нега бу соҳани ривожлантиришга ва унда ислоҳотларни амалга оширишга зарурат туғилди?

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишга, қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришни кўзда тутади. Бу тадбирлардан пировард мақсад – юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида ҳам туб ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга оширилди. Бу жараён икки босқичда амалга оширилди.

- биринчи босқич 1991-2000 йилларни қамраб олса;
- иккинчи босқич 2001-2010 йилларни ўз ичига олди.

Шу даврларда суд ҳокимияти босқичма-босқич мустаҳкамланиб борди, уни жазолаш сифатидаги органдан, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантириш борасида тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар

қабул қилинди ва унга босқичма-босқич эришилиб келинмоқда. Шу аснода бир қанча натижаларга эришилди:

– Биринчидан, мазкур тизимни ислоҳ қилишда судлар тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди ва мустақил ҳокимият тарзида шакллантирилди. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, суд тизими учун кадрлар масаласи билан шуғулланаиш Адлия вазирлиги ваколатидан олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судъяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилди.

– Иккинчидан, Адлия вазирлиги ҳузурида “Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техник ва молиявий таъминлаш депортаменти” ташкил этилди.

– Учинчидан, судлар ихтисослаштирилди. Судлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида ўз навбатида фуқаролик, жиноий ишлар ва ҳарбий судлари ташкил қилинди. Улар асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақолпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят судлари. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳамда Қорақолпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари. фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди таркиб топди.

– Тўртинчидан, прокурор ва адвокатнинг тенглигини, судлар фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлиш таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Адвокатлар ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашув учун рухсат олиш бекор қилинди. Энди уларга адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассаси томонидан бериладиган ордер етарли.

– Бешинчидан, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 %и ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси бекор қилинди, ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллашга ўтилди. Мол-мулкни мусодара қилишдек жазо тури қўлланилмайдиган бўлди.

– Олтинчидан, 2008 йил 1 январидан бошлаб мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.

– Еттинчидан, 2008 йил 1 январдан бошлаб, фуқароларни қомоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилди. Ҳакамлик суди вужудга келди.

– Саккизинчидан, мамлакатимиз қонунчилигига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди.

– Тўққизинчидан, прокуратура фаолияти ислоҳ қилинди. У олдингидек, жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантирилди. 2001 йилдан бошлаб фуқаролар прокурор назорати объектидан чиқарилди.

Юқорида кўрсатилган давр оралиғида яъни 1991-2010 йиллар оралиғида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида суд ҳокимиятининг роли оширилди, жиноий жазони либераллаштириш, судга қадар бўлган босқичда суд назоратини кучайтириш ҳамда амнистия актини

қўллашда суд тартибини ўрнатишга эришилди, адвокатура институтини, ижро иши юритишни ва процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва шу каби бир қанча муҳим вазифалар ҳал қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да таъкидланганидек, "...суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, унинг мустақиллигини таъминлаш, собиқ тузум даврида бўлгани каби судларни жазоловчи орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга хизмат қиладиган мустақил институтга айлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда".[1] Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида анча ютуқларни қўлга киритиш билан бирга, яна такомиллаштирилиши лозим бўлган масаллаларга тўхталиб, мамлакатимиз Президенти қуйидаги бир қанча таклифларни бердилар.

Ушбу таклифлар асосида, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Судга қадар иш юритиш босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чоралар каби ваколатларни қўллаш прокурордан суд органларига ўтказилди. Бу ҳолат суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди. Айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклатилди ва судлар ваколатидан жиноий иш қўзғатиш ваколатини чиқарилди. Ушбу ўзгартириш суднинг мустақиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

Тараққиётнинг бугунги босқичида ҳам Суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мос равишда ислоҳ қилиш давом қилмоқда. Жумладан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2 - устувор йўналиши "**Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари**" деб номланиб, бу соҳада бир қатор вазифалар белгиланди.

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришни назарда вазифалар қаторида:

- судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

- суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;

- «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

- судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;

- судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифалари белгилаб олинди. [2]

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4966-сонли “Ўзбекистон республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган. Ушбу Фармонда ҳам суд ҳуқуқ тизимида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан Фармонда Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этиш белгиланди. Бу Кенгаш вазифалири сифатида қуйидагилар белгиланди:

- судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш;

- судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

- судьяларни касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш;

- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

- суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга хулоса бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш кабилар.[3]

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Мамлакатни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини изчил демократлаштириш, суд

ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар судларни янада демократлаштириш ва либераллаштириш – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоялашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов.И.А Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш консепцияси, -Т, «Ўзбекистон», 2010 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги Фармони**. 2017 йил 7 февраль.**
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4966-сонли “Ўзбекистон республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги. -Т: 2017 йил 21 февраль

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ ВА АНЪНАЛАРНИНГ ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Бойзоқова Умида Ашурали қизи
Наманган Муҳандислик Қурилиш институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация**: Ушбу мақолада маънавий қадрият ва анъаналарнинг талабалар маънавияти, онги ва тафаккурини шакллантиришдаги ўрни муҳокама қилинган.*

***Калит сўзлар:** маънавият, қадриятлар, тафаккур, онг, тарих, маданият, жамият*

РОЛЬ ДУХОВНЫХ ЦЕННОСТЕЙ И ТРАДИЦИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ДУХОВНОСТИ СТУДЕНТОВ

Бойзокова Умида Ашурали кизи
Наманганский инженерно-строительный институт
Преподаватель кафедры общественных наук

***Аннотация:** В данной статье рассматривается роль духовных ценностей и традиций в формировании духовности, мышления и мышления учащихся.*

***Ключевые слова:** духовность, ценности, мышление, сознание, история, культура, общество.*

ROLE OF SPIRITUAL VALUES AND TRADITIONS IN SHAPING THE STUDENTS' SPIRITUALITY

Boyzokova Umida Ashurali kizi

Namangan Construction Engineering Institute
Teacher of the Department of Social Sciences

Annotation: *This article discusses the role of spiritual values and traditions in shaping students' spirituality, thinking and thinking.*

Keywords: *spirituality, values, thinking, consciousness, history, culture, society*

Шахснинг камол топиши, жамиятдаги муносабатларда қадрият, анъана, урф-одат, бир сўз билан маънавий ва маданият мероснинг ўрни беқиёс бўлган. Жамиятдаги муносабатлар, маънавий қарашларнинг юзага келиши, инсоннинг дунёқараши, шаклланиш жараёнлари, инсон тафаккури маҳсуллари юзага чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, юртимизда "комил инсон", "комил шахс"ни шакллантириш масалалари устувор вазифалардан бири этиб белгилаб олинди.

Кучли демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан асосий вазифалардан бири этиб белгиланиб, ўтган давр мобайнида юртимизда ҳуқуқий давлат қуриш йўлида муайян натижаларга эришилди. Бу борада ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилид. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Мурожаатномасида бугунги кунда ёшларни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш борасида ишларимизнинг етарли эмаслиги, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифаларга урғу қаратди.

Хусусан, Мурожаатномада "Биз улуғ боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани – бу ҳам ҳақиқат" деган фикрлар келтирилди. [1]

Дарҳақиқат, 1991-2017 йиллар оралиғида ёшларнинг интелектуал салоҳиятини рўйёбга чиқариш, ёшлар маънавияти, дунёқарашини ривожлантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш борасида ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада, жаҳон мамлакатларининг ёшлари, хусусан, талабаларининг илмий салоҳияти билан солиштирганда олдимизда эътибор қаратиш лозим бўлган кўплаб вазифалар турганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Маънавият инсонларда тайёр ҳолда вужудга келмайди. Унга муттасил ўқиш, ўрганиш тажриба орттириш орқалигина эришилади.

Айнан, муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба ортириш жараёни билан боғлиқ масалаларда Ўзбекистон Республикасида “Таълим тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ этилиши муҳим босқич бўлди. Мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус таълим билан бир қаторда олий таълим тизимида ҳам ислоҳотлар амалга оширилди. Бугунги кунда, олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда олий таълим муассасасининг Низоми асосида мувофиқлаштирилмоқда. [2]

Бугунги кун талабаларининг маънавияти, онги ва тафаккури ҳақида сўз борар экан, аввало, тарихимиз, халқимиз маънавияти шаклланишида тарихда босиб ўтган йўлимиз ва тарихий жараёнларга эътибор қаратишимиз лозим. Чунки, бугунги кунда фуқароларимизнинг, жумладан, ёшларнинг қарашлари ўз ўзидан юзага келиб қолмаган. Бугунги халқимизнинг фикрлаши, ижтимоий муносабатларга кириши, дунёқарашининг шаклланишида асрлар давомида тўпланган тажриба, билим ва кўникмалар асос бўлмоқда.

Қадимги давр, маънавияти, жумладан, ахлоқ, маърифат, таълим-тарбия ҳақидаги достонларда халқимизнинг қадимги урф-одатлари, руҳияти, ҳулқ-одобларининг ифодасини учратишимиз мумкин. Бундай маълумотлар қадимги суғд, манихей, хоразм, туркий ёзувлар намуналарида сақланиб қолган манбаларда ҳам учрайди. Бу даврда Марказий Осиё қадимги Суғд, Хоразм, Фарғона, Усрушана, Чағониён каби ўлкалардан иборат бўлиб, Ғарб билан Шарқ мамлакатларини боғловчи “Ипак йўли” марказида жойлашган ва маданий жиҳатдан анча ривожланган минтақани ташкил этар эди.[3] Бу давр маданий ва маънавий юксалиши ҳақида гап борар экан, уйғониш даври маданиятига хос қуйидаги ўзгаришларни айтиб ўтиш жоиздир.

Марказий Осиё халқлари узоқ тарихга эгадир. Марказий Осиёнинг водийларида эрадан аввалги VIII-VII-асрларда бошланғич маданият марказлари вужудга келган. Шу даврларда энг йирик динлардан – Зардуштийлик шаклланган. Бу даврда Марказий Осиёда кенг тарқала бошлаган Зардуштийлик фақат соф дингина бўлиб қолмасдан, ўз даври маънавиятининг энг муҳим йўналишини ташкил қилди, ўша даврдаги халқларнинг маданияти, маънавияти, урф-одати, ахлоқи каби масалаларни ўзида акс эттирди ва уларга таъсир ҳам кўрсатди.[4]

Марказий Осиёда илк уйғониш даври ҳақида сўз борганда, қуйидаги омилларни алоҳида кўрсатмоқ зарур.

а) IX-XII асрларда араб халифалигидан қутулиб, ерли мустақил давлатларнинг вужудга келгани;

б) Ягона дин-ислом туфайли катта ҳудуд-Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли халқлар, мамлкатлар ўртасидаги алоқаларнинг ривож топиши, маданият, маънавиятда маълум умумийлик вужудга кела боргани;

в) Олдинги "Ипак йўли" аҳамиятининг ошуви, мамлакатлараро савдо-сотиқнинг, ҳунармандчиликнинг кўпайгани шаҳарларнинг ривожи;

г) Жаҳон маданияти аввал эришган ютуқлар, хусусан, қадимги юнон, ҳинд, эрон маданияти, илм-фани ютуқлари инкор этилмай, аксинча ворислик давом қилгани, ундан кенг фойдаланилгани айтиб ўтиш жоиз. [5]

XIII аср бошида Марказий Осиё яна ўз мустақиллигини йўқотади, у мўғуллар томонидан босиб олинди. Шунинг учун илк Уйғониш даври дейишимизга сабаб, бундай жараён маданий юксалиш Марказий Осиёда XIV-XV асрларда мўғил мустамлакачилигидан қутулиб, Амир Темур ва Темурийларнинг мустақил давлати барпо этилиши билан боғлиқ ҳолда ва яна бир бор юз берганини кўрамиз.

Темур ва Темурийлар даври деярли бир ярим аср Осиё, айниқса, Марказий Осиё тарихида ниҳоятда кўп, серқирра, ранг-баранг маданий-маърифий бойликларни яратгани, халқ талантлари учун имконият ярата олганлиги, туркий халқлар маданияти тарихида тамоман янги, узоқ асрларга озуқа берган қатламлар, янги саҳифалар вужудга келтиргани билан машҳурдир.

Марказий осиёда XI асрдан бошлаб ёйила бошлаган тасаввуф таълимоти бу даврга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуфнинг яссавия, кубравия, қодирия ва айниқса нақшбандия тариқати маънавий ҳаётда катта роль ўйнайди.

Нақшбандия тариқати Юсуф Ҳамадоний, Ғиждувоний ва XIV асрга келиб Баҳоуддин Нақшбанд номи билан узвий боғлиқ бўлиб, бу таълимот XV асрда назарий ва амалий жиҳатдан янада ривож топиб,у сарой аҳли кўп ҳолларда темурийзодалар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатди.

Темур ва Темурийлар давридаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина қисқа вақт ичидаги маданий-маънавий юксалишни юзага келтирган.

Булардан биринчи навбатда сиёсий-ижтимоий омилни кўрсатиш мумкин. Муғуллар томонидан аёвсиз эзилган халқнинг мустамлакачиликдан қутулиши, мамлакатда ягона бирлашган давлатнинг барпо этилиши, ягона давлатчилик асосида бошқариш қоидаларининг жорий этилиши, зўровонликлар, ўзбилармончилик каби иллатларнинг тугатилиши ижтимоий юксалишни таъминлаш.

Иккинчи – иқтисодий омил-Мовароуннаҳр ва Хуросонда ягона идора тизимининг жорий этилиши иқтисодий осойишталик ишлаб чиқаришнинг сўнгги ривожланишига олиб келди. Давлат томонидан деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожига эътибор берилиши ва бу соҳада қатор тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг маънавий-маданий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи – маънавий омил-аввалги маданий мерос, маънавий қадриятлар, бойликлардан кенг фойдаланиш, улар асосида ривожланишни амалга оширишдан иборат бўлди. Марказий Осиёда аввалги асрларда, хусусан IX-XIII асрларда яратилган маънавий-маданий бойликлардан, Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Чағлинийлар меросидан; араб, форс ва туркий тилларда яратилган Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Румий, Тусий, Аттор каби алломалар меросидан; мусулмон шарқи маънавий меросида катта аҳамият касб этган қадимги юнон илмий-маънавий бойликларидан кенг фойдаланилди.

Тўртинчи – ғоявий омил-бу омил маънавий омилнинг узвий давоми бўлса-да, унинг муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва ўз даври маънавий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги учун алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу каби омиллар Темур ва Темурийлар даври маданияти, маънавиятининг тез ҳамда юксак даражада кўтарилишига олиб келдики, унинг ютуқлари сўнгги узоқ асрлар давомида маданий ривожланиш учун озуқа бўлди.

XIV асрнинг охири XV аср марказий Осиё, аниқроғи Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихида Ўрта аср учун Олий даражадаги маданий-маънавий юксалиш даври бўлди.

Уйғониш даври маънавий-маданий ҳаётида инсоний қадриятларнинг юксак хислатлари – илмга интилиш, билимни кучайтириш, ақлни улуғлаш, инсонийлик, руҳий покланиш, ахлоқий камолотга эришув, адолат, ижтимоий юксалиш, барча учун бахт-саодат, дўстлик-биродарлик, комил жамоа ва комил инсонни яратиш каби масалалар илгари сурилди. Улар муҳим илмий тадқиқотлар, адабиёт, санъат, диний асарларнинг мазмунини ташкил этди. Бу даврдаги олим, мутафаккир, донишманд, санъаткорларнинг кўпчиллиги шу мақсад йўлида ижод қилдилар. Бу давр маданий маънавий ютуқлари халқимизнинг кейинги маданий ривожланишида катта замин яратди.

Темурийлар даврида ривож топган маданий бойликлар таъсирида янги маънавий-маданий қадриятлар вужудга келди, айниқса адабиёт, санъат, қисман илм фан, хусусан, тарих фанида маълум ютуқлар қўлга киритилди. Тасаввуф бу даврнинг дунёқараши, тасаввури ва маънавиятида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда бир қанча шоир ва давлат арбоблари етишиб чиқди. Масалан: Ҳасанхожа Бухорий Нисорийнинг “Музаккир ал аҳбоб” ҳамда шоир Мутрибийнинг “Тазкирот уш-шуаро” тазкираларини, Муҳаммад Солиҳнинг XVI-XVIII асрларда ўзбек ва тожик тилларида шеърий асарларини битгани, Туркистоннинг турли шаҳарларидан чиққан шоир адибларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Сайидо Насафий, Турди Фароғий, Машраб, Сўфий Оллоёр шулар жумласидан бўлиб, уларнинг ижоди турли йўналишда эканлигини ўз даврининг тушкунликлари, зиддиятлари, қийинчиликларини ўзида ифодалаши билан кўзга ташланади. Бу даврда Ҳиндистонда яшаб ижод этган, ўз асарларини форсийда ёзган Мирзо Абдулқодир

Бедилнинг (1644-1720) чуқур ижтимоий фалсафий мазмундаги шеърлари Туркистон зиёлилари орасида эътибор қозонди.

XVII асрда Субҳонқулихон даврида тазкира тузилиб, унда ўз замонасининг икки юзта шоир, адиб, адабиётшунослари ҳақида маълумотлар берилди. Шу билан бирга Мовароуннаҳр, Хуросон ҳамда Ҳиндистондаги маданий маънавий ҳаёт маълум вақтга қадар ўзаро таъсир ва яқин алоқалар даврини бошдан кечирди. XVIII асрнинг охирига келиб Фарғона водийсида Қўқон хонлиги вужудга келди ва қисқа давр ичида иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўз мавқеини яхшилаб, Бухоро ва Хива хонликлари қаторидан мустақил ўрин эгаллади. Бу даврда Туркистон халқлари маънавий маданий ривожланиши, асосан шу уч хонлик ҳудудида ривожланди. XIX асрнинг биринчи ярмида, айниқса Қўқон ва хива хонликларида маълум маданий-маънавий силжишлар рўй берди. Маданиятимиз маънавиятимиз тарихига муҳим ҳисса қўшган адиб, санъаткор олимлар етишиб чиқди.

Умуман, XVI-XIX асрнинг биринчи ярми маданиятида илм-фан, хусусан, табиий фанларнинг ўрни сусайганини, диний билимлар, диний таассубнинг роли кучая борганини кўрамиз. Ўзаро урушлар туфайли ташқи олам билан алоқалар, маънавий-маданий муносабатларнинг камайиб кетиши ҳам маданий ҳаётдаги маълум биқиқликка, янгиликлардан узилиб қолишига олиб келди. Илм-фан, маданият соҳасида олдинги эришилган ютуқлар ҳам ўз таъсирини йўқотиб уларга мурожаат этиш ўрнига диний таълимотлар кучайганини кўрамиз. Натижада бу даврда анъанавий ислом, унинг қоидалари жамият ҳаётида ҳал этувчи ўрнини эгаллаб, тасаввуф, хусусан, нақшбандия ҳам маънавий ҳаётдаги олдинги таъсирини йўқота бошлади. Шу билан бирга бу даврда туркий-ўзбек, тилидаги бадиий адабиёт намуналарининг кўпая борганини, адабиёт, шеърият маънавий ҳаётнинг энг муҳим асосий соҳасига айланиб, анъанавий лирик асарлар билан бирга шоир, адиблар дунёвий ҳаёт қийинчиликлари, диний таасубнинг кучайишига бўлган норозиликлари, сўфиёна фикрларини шеърият орқали ифода этишга интилганликларини айтиб ўтиш мумкин.

Бугунги ёшлар эса глобаллашув жараёнларида миллий қадриятлар ва анъаналарга садоқат руҳида тарбияланиб, жамиятда ўз ўрини топиш учун ҳаракатланмоқдалар. Биринчи навбатда, олий ўқув юртлари талабаларининг дунёқараши, жамият ҳаётидаги воқеликни тўғри баҳолай олиши кузатилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, юртимизнинг тарихи, мустақилликка қадар босиб ўтган йўли, асрлар давомида шаклланган қадрият, анъана ва урф-одатлари, халқимиз маънавияти, қолаверса, мустақиллик даврида миллий истиқлол ғоясининг ёшлар онгига сингдирилиши ўзининг ёшлар дунёқараши ва тафаккурида ўзини намоён этмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мустақиллик даридан сўнг таҳсил олган олий ўқув юртлари талабаларида замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ёш

кардларни кўриш билан бир қаторда, ўз маънавиятига садоқатли, миллий қадриятлар руҳи билан суғорилган ёшларни кўришимиз мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри 2017 йил 22 декабрь
2. www.fikr.uz. Камалова Ш. “Ахборотлашган жамиятда ёшлар маънавиятини шаклланиши” мақоласи. 2017 йил 18 октябрь
3. Андижон вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши.Миллий ғоя тарғиботининг долзарб мавзулари. – Андижон.:Андижон, 2007. 34-бет.
4. Мадаминова Н.З. Маънавий-ахлоқий иммунитет: таҳдидлар ва уларнинг манбалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.Тошкент.Муҳаррир нашриёти, 2011 йил. 87-бет.
5. Ҳайруллаев М.М. Маънавият юлдузлари. Тошкент.:Абдулла Қодирий, 1997 йил. 53-54 бетлар

ИММАНУЭЛ КАНТ ПЕДАГОГИКАСИ: ВОРИСЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ

Исақова Замирахон Руҳитдиновна
цукпфалсафа фанлари номзоди, доцент
Наманган давлат университети

Аннотация: *Мақолада XIX асрнинг биринчи ярмида немис ва Европа педагогик назарияларига жиддий таъсир кўрсатган немис файласуфи Иммануэл Кантнинг таълим-тарбия усуллари ва вазифаларига доир қарашлари фалсафий-ирфоний таҳлил этилган ва бугунги кунда ёш авлод тарбияси муаммоларини бартараф этишнинг “кантча” йўли тақдим этилган.*

Калит сўзлар*: таълим, тарбия, И.Кант, ишонч, тартиб-интизом, маданият, ақл-идрок, одоб-ахлоқ, эътиқод, меҳнат, рағбат, маърифат.*

ПЕДАГОГИКА ИММАНУЭЛА КАНТА: ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ И ОБНОВЛЕНИЯ

Исакова Замирахон Рухитдиновна
кандидат философских наук, доцент
Наманганский государственный университет

Аннотация: *В статье философско-гносеологически анализируется подходы Иммануэла Канта к методам обучения и функциям воспитания, который серъезно повлиял на немецкую и европейскую педагогическую теорию во первой половины XIX века. Представлен “кантовский” способ решения проблемы нынешнего молодого поколения.*

Ключевые слова: *образование, воспитание, И.Кант, доверие, дисциплина, культура, интеллект, нравственность, вера, труд, мотивация, просвещение.*

IMMANUIL KANT'S PEDAGOGY: INHERITANCE AND UPDATING

Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna
Doctor of Philosophy, Associate Professor
Namangan State University

Annotation: *The article philosophically and epistemologically analyzes Immanuil Kant's views on teaching methods and the tasks of upbringing, which seriously influenced German and European pedagogical theories in the first half of the 19th century, and the "Kantian" way of solving the problems of the present young generation is presented.*

Keywords: *education, upbringing, I.Kant, trust, discipline, culture, intelligence, morality, faith, labor, motivation, enlightenment.*

Бугунги кунда таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, педагогик жамоаларда ижодий муҳитни яхшилаш, дарс жараёнига инновацион технологияларни кенг жорий этиш, ёшларнинг пухта билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, ёшлар қобилият ва иқтидорлари, интеллектуал салоҳиятларини юзага чиқариш, уларнинг қалби онги ва шуурида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини кучайтириш, соғлом тафаккур кўникмаларини ривожлантириш, буюк аждодларга муносиб авлод қилиб тарбиялаш масаласи долзарб муаммо даражасига кўтарилгани сир эмас. Таълим-тарбия соҳасида ҳамма нарса рисоладагидек, лекин нимадир етишмаётгандек, кемтикдек, ўқиш-изланиш учун барча имкониятлар яратилган бўлса ҳам, илм-фанга қизиқиш сусайгандек. Таълим тизимига жорий этилган қатор янгиликлар ҳам техника ва технология шиддат билан ривожланаётган замонга ҳамнафас бўлган ёшлар таълим-тарбиясига кучли таъсир кўрсатмаётгандек. Олинган билимлар самара бермаётгандек. Муттасил ўзгариб бораётган дунёга ҳар жиҳатдан мослашишга қодир билимли инсон қилиб тарбиялаш вазифаси уддаланмаётгандек. Зеро, таълим келажак сари йўналтирилиши ҳамда ўз олдига дунёда эзгулик ва мукаммалликни мақсад қилиши лозим. Акс ҳолда жамият ривожланмай, тараққиётдан ортда қолади.

Нима учун ёшлар ўқиш-изланиш ўрнига яхши яшаш, ҳаётдан лаззатланиш, пул топишни афзал кўришмоқда? Қачон хато қилдик? Қаерда хато қилдик? Билимли, ўқимишли, маърифатли инсонни камол топтириш учун нима қилмоқ керак?

Назаримизда юқоридаги саволлар замирида педагогик фаолиятнинг кўзга кўринарли мақсади ва айни пайтда унинг самарадорлик белгиси шахсни ҳар тарафлама камол топтиришда мужассамдек. Шу нуқтаи назардан XIX асрнинг биринчи ярмида таълим тизими ислоҳотларининг манбаларидан бирига айланиб,

немис ва Европа педагогик назарияларига жиддий таъсир кўрсатган немис файласуфи Иммануэл Кант [1.]нинг таълим-тарбия усуллари ва вазифаларига бағишланган “Педагогика ҳақида” [2.232.] асари муаммонинг ечими бўла оладики, мутафаккир энг аввало инсоннинг ахлоқий, ақлий, жисмоний, руҳий, диний, ҳуқуқий тарбиясига эътибор қаратган.

И.Кант педагогикасининг асосий қоидаларидан бири инсонни тарбиялай олиш мумкинлигига бўлган қатъий ишончдир: “одамлар туғилишдан на ёмон, на яхши – улар “одоб-ахлоқдан ташқари”да бўлади” [3.17.]. Зеро, одамлар хушахлоқ ва доно бўлмай туриб, уларни қандай бахтиёр қилиш мумкин? И.Кантнинг эътирофича, инсон фақат тарбия туфайлигина одам бўлади. Инсонни фақат тарбия кўрган кишиларгина тарбиялай олади [4.32.].

И.Кант таълим ва тарбиянинг назарий масалаларига алоҳида эътибор берган. Унинг педагогик тажрибаси университетдаги иш фаолияти билан чекланмай, тўққиз йил (1746-1755 йй. – З.И.) уй муаллими бўлиб ишлаган. И.Кант академик таълимга дунёни билишда илм-фан ва санъатга амалий маъно ва мазмун бахш этадиган дастлабки босқич сифатида қараган: “улар (илм-фан ва санъат) нафақат мактаб учун, балки ҳаёт учун ҳам яроқли бўлади ва ўқувчи ўз вазифаси майдонига... бутунлай тайёр ҳолда қадам қўяди” [5.462].

Таълимнинг асосий йўналиш ва вазифалари (аввало, инсонни ундаги ёввойиликни енгиш воситаси сифатида тартиб-интизомга ўргатиш (эрта ёшдан бошлаш – З.И.), иккинчидан, маданиятни сингдириш (И.Кантга кўра, “малакалар воситаси” – З.И.), учинчидан, ақл-идрокни ўстириш ва тарбиялаш йўли билан маданиятга эриштириш, тўртинчидан, одоб-ахлоқ тарбияси) хусусида сўз кетганда И.Кант ўқитувчи масъулиятига жиддий ёндашган: “... фикрларни эмас, фикрлашга ўргатмоқ лозим, тингловчини, агар унинг келажакда мустақил юра олишини хоҳласалар, қўлидан етаклаш эмас, балки унга йўл-йўриқ кўрсатмоқ керак” [6.280.].

И.Кант бола шахсига чуқур иззат билан ёндашган. Унинг фикрича, билимларга танқидий муносабатга кўмаклашиш ва бола шахсиятини камол топтириш, унинг ахлоқ асосидаги ақл-идроки ўсишида қўллаб-қувватлаш орқали уни муттасил ўзгариб бораётган дунёга мослашишга қодир бўлган билимли инсон қилиб тарбиялашнинг ягона йўлидир [7.5]. И.Кант ёдлашнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда хотирани механик ўстириш, ҳатто тил ўқитишда ҳам мазмунан узилиб қолмаслиги керак, деб ҳисоблаган: “эрта ёшдан бошлаб хотирани ва у билан баравар бир вақтнинг ўзида ақл-идрок, зеҳнни ўстириб бориш керак” [8.60.]. Фикримизча, болани билимларнинг маъносига тушунмай, қуруқ ёд олиш билан ўқимишли инсон қилиб тарбиялаб бўлмайди. Қуруқ ёдлаш орқали ақлли, чиройли сўзлаш ва худди билимли инсондек таассурот қолдириш мумкин, лекин бундай йўл билан янги билим ва илм аҳлини яратиб бўлмайди, яъни ўрганилаётган соҳага чуқур кириб борилмайди, ҳақиқий ақл-идрок, зеҳн йўқолади. Бундай бола келажакда буюк ишлар қилишга қодир бўла олмайди.

И.Кант таълимни фаол ижтимоий жараён деб билган. Таълим-тарбияда энг асосий рағбатлантирувчи нарса қандайдир моддий ютуқлар эмас, балки ахлоқий идеаллар билан ўзаро боғланган ва инсон табиатини камолга етказишни кўзлаган юксакроқ мақсад бўлиши лозим: "...тарбия замирида инсон табиатини такомиллаштиришдек буюк сир-синоат мужассам... Тарбия туфайли инсон табиати бора-бора янада яхшироқ тараққий этиб бориши ва унга одамийлик идеалига мос келадиган шундай шакл бахш этмоқ мумкинлигини тасаввур қилиш нақадар мароқли" [9.17.]. Унинг фикрича, "табиат"га риоя этиш, энг аввало, бола иродасини қўпол синдириш мумкин эмаслигини англатадики, болада қулларча фикр юритиш тарзи шаклланишига олиб келиши мумкин. Бола фақат йўналтирилган тарбия орқалигина одам бўлади, унинг қобилият нишоналари ўз-ўзидан очилавермайди, зеро "ҳар қандай тарбия санъатдир" [10.35.].

Мутафаккир "Инсон қобилиятларини ривожлантиришни қаердан ва қачондан бошлаган маъқул" деган савол билан мурожаат қилиб, шундай жавоб беради: "бола тарбияси унинг ёшига мувофиқ олиб борилмоғи лозим. Тарбия кўрган ота-оналар болалар учун ибрат манбаи бўлиб хизмат қилади. Уларнинг янада такомиллашуви учун педагогика илм, ўқиш, машғулотга айланмоғи керак. Болалар инсониятнинг нафақат ҳозирги, балки келажакдаги мумкин бўлган бахтиёр, фаровон турмуши, бу эса башарият ва унинг бутун орзу, мақсадлари ғоясига мувофиқ тарбияланмоқлари лозим. [11.36.]

И.Кант ўқувчиларнинг чеҳраси қуёшдек кулиб туриши, ўқиш жараёни хам ёқимли бўлишини орзу қилган. Бунинг учун эса мавзу жозибадор ва тушунарли бўлиши, бунга эса уни шунчаки моҳирона танлай билиш билан эмас, балки ўқитиш усул ва воситаларининг оқилона уйғунлиги орқали эришилиши, ўқувчи умумий билим асосларини бирданига эмас, муайян вақтда, лекин тизимли ўзлаштириши, бунинг учун дастлаб мавзунинг кўргазмалилиги ва аниқ далилларга асосланганига алоҳида аҳамият бериш, сўнг умумий қоидалар тушунтирилиши, баён ва тасвир ўқувчини ўз устида мустақил ишлашга рағбатлантириши, бундай усул ўқитувчига ўқувчини билим асосларини мустақил очишга ўргатишда қўл келиши, натижада боланинг табиий ва ижтимоий асослари, билим ва кўникмалари, маънавий ва табиий тарбияси ўзаро уйғун бўлиши талаб этилади. Билимларни амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамлаб бориш, масалан, ёд олинган грамматик қоидани машқлар орқали амалда қўллай билиш, тушунтириш (тасвир, баён) ва текшириш билан бирга И.Кант диалогик ("Суқрот усули") методни ҳам мақсадга мувофиқ [12.138.]. деб ҳисоблаган. У маърузаларини диалог шаклида олиб борганки, гўё тингловчиларга ва унинг ўзига ҳам бир хилда номаълум бўлган ҳақиқатни излаётгандек таассурот қолдирган [13.314.].

И.Кант "Маърифат надир? деган саволга жавоб" номли мақоласида маърифатга таъриф бериб, "Маърифат инсоннинг ўз ақлидан фойдаланиш йўлидаги жасорати, инсоннинг ўзи сабабчи бўлган норасталикдан халос бўлишидир.

Норасталик ўз ақл-идрокидан бошқа бировнинг бошчилигисиз фойдалана олмасликка сабаб бўладиган лаёқатсизликдир...” [14.27.] деб изоҳлаганки, таълим ва тарбия маърифатнинг муҳим омили сифатида намоён бўлиши ва унинг таъсирчанлик фаолияти бевосита инсон табиати талабларига қай даражада жавоб бера олишига боғлиқдир. И.Кант фикрича, “Инсон ҳайвонот оламига мансуб ва фақат тарбия орқалигина одамга айланади. Худди шунинг учун ҳам айнан табиатнинг ўзидан келиб чиқадиган тарбиянинг ўша доно усули умумтарзда қўлланилгандагина қисқа вақт ичида теварак-атрофда бутунлай бошқа кишиларни кўра олиш мумкин бўлар эди...” [15.467.].

И.Кант ота-онанинг болани рағбатлантиришга берилиб кетишларига эътироз билдириб, маънавий рағбатлантиришни ёқлайди: “бу таъма учун ёлғондакам тиришқоқликни келтириб чиқармайди”. И.Кант жисмоний жазо беришни қоралаб, ўқувчиларни камситадиган бундай чоралар одоб-ахлоқ тарбиясига ёрдам бера олмайди, деб ҳисоблаган: “...маърифатдан шахсан ўзи учун, ва айниқса, келажак авлодлар учун воз кечиш муқаддас инсон ҳуқуқларини бузмоқ ва поймол қилмоқ демакдир” [16.32.]. Бола ёшликдан ақл-идрок амрига бўйсунишга ўрганиши керак. Она болани ёшлигида раҳмдиллик қилиб, “папа”лаган бўлса, бунинг ҳеч қандай фойдаси йўқ, чунки бундай болалар улғайгач, дунёнинг ишлари олдида ҳар томондан кўплаб тўсиқ ва зарбага дуч келадилар. Боланинг “айтгани айтган”, “дегани деган” бўлиб, ёшликда ҳеч қандай қаршиликка учрамаслиги, қийинчилик кўрмай улғайиши катталарнинг тарбияда йўл қўйиб бўлмас хатосидир [17.30.].

И.Кант фикрича, одамнинг заиф, ожизлиги, хато ва камчиликлари унга ҳеч нарса ўргатилмаганида эмас, балки унда нотўғри таассуротлар уйғотилганидадир. Масалан, энага болага ўргимчак, чўлбақа ва ҳоказоларни кўрсатиб, уни қўрқитади. Бола эса бошқа кўпгина нарсалар сингари, ўргимчакни ҳам қўли билан ушлаб кўргиси келади, бироқ энага ўргимчак ҳақида бошқача таассурот уйғотгани сабабли, унинг муносабати ҳам ўзгаради [18.50.].

И.Кант баъзи ота-оналарнинг фарзандларининг ёшига ярашмаган ҳолда “ақлли”лиги, “билағон”лигидан, яъни вақтидан илгари ривожланганидан ўзида йўқ ҳурсанд бўлишлари, лекин бундан қувониш керак эмаслиги, болага болалигини бериш, уларнинг эмин-эркин катта бўлишлари учун шароит яратиш кераклиги, бундай “билағон”лардан одатда ҳеч нима чиқмаслигини таъкидлаган: “боланинг ақли-ҳуши фақат болага хос, бола қалбига уйғун бўлмоғи лозим ва бола ҳеч қачон кўр-кўрона тақлидчига айланиб қолмаслиги керак [19.57.].

И.Кант меҳнат тарбиясига алоҳида ёндашиб, болани ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатиш зарурлигини уқтирган: “болада меҳнатга иштиёқ уйғотиш учун мактабдан кўра яхшироқ, қулайроқ жой топилмаса керак? Мактаб ўз-ўзидан мажбурий тарбия масканидир” [20.51.].

И.Кант бола тарбиясини қуйидагича тасниф этган:

а) Тартиб-интизомли бўлиш. Интизомли бўлиш ҳайвонийликнинг айрим шахс ва жамиятнинг одамийлигига зиён етказишнинг олдини олишга интилиш демакдир. Тартиб-интизом ёки итоат қилиш натижасида ҳайвонийлик одамийлик билан алмашинади [21.29.];

б) маданиятли бўлиш. Маданият деганда панд-насихат, ўгит, сабоқ, танбеҳ, йўл-йўриқ ва маслаҳат бериш тушунилади. Билим, эпчиллик ва маҳорат кўникмасига эга бўлиш орқали ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин. У мақсадларни белгиламайди, балки буни ўз навбатида тегишли вазият, ҳолат ва шарт-шароитларга ҳавола этади. Билим, маҳорат барча ҳолларда, масалан, ўқиш, ёзиш ёки мусиқада қўл келади. Эҳтиёжларнинг бениҳоя кўплиги сабабли билим, эпчиллик, маҳорат ҳам маълум даражада ортиб боради;

в) хушмуомалалилик. Боланинг ёшлигидан ақлли, севимли, кишилик жамиятига муносиб ва таъсир кўрсата оладиган бўлишига эътибор бермоқ керак. Бунга "маданийлашиш" деб аталадиган маданиятнинг муайян тури ҳам тааллуқлидир. Бундан ташқари, яна муомала, ҳаракат, иш услуби, одоб-ахлоқ, хулқ, феъл-атвор, хушмуомалалик, қобил-мўминлик, назокат, илтифот, марҳамат ҳамда маълум даражада ақллилик ҳам талаб этилади. Булар инсонга ўз мақсадларига эришишда, кишилар билан муомала қилишда қўл келади ва ҳар қайси даврга қараб ўзгариб туради. Масалан, бундан бир неча ўн йиллар муқаддам муомалада такаллуф урф эди;

г) насиҳатгўйликка эътибор қаратиш. Бола нафақат мақсад, эҳтиёжлари учун уддабуррон бўлади, балки унда эзгу ниятлар билан мувофиқ ҳолда иймон-эътиқод, маслак ҳам мужассам бўлмоғи керак. Эзгу ният ҳар қайси одам ҳар вақт маъқуллай ва айни пайтда ўзи ҳам тилай оладиган истаклардир [22.37-38.]. И.Кант фикрича, халқ таълими ишини яхшилаш кескин чоралар кўришни талаб этади. "Буни имиллаган ислоҳот эмас, фақат шиддатли инқилоб амалга оширишга қодир" [23.24.].

Тобе қилиб тарбияланган инсон воқеа-ҳодисаларни маънавий қадриятлар нуқтаи назаридан туриб англашдан бошқа қолган барча нарсаларга қодир бўлади. И.Кант руҳий-маънавий тарбия борасида шахс эркинлиги тарафдори бўлган: "тартиб-интизом масаласида болага нисбатан қулларча муносабатда бўлмаслик лозим, аксинча, бола ҳамиша ўз эркинлигини ҳис қилиб туриши зарур" [24.50].

И.Кантнинг диний тарбия хусусидаги "дин вужудимиздаги қонун, у амр берувчи олий ҳакам орқали биз учун энг муҳим аҳамият касб этади [25.60.] деган фикрларидан англашиладики, диний билимлар саёзлашган жамиятда таълим-тарбия сусайиб, ахлоқ қашшоқлашади. Бу эса маънавий инқирозга йўл очади. Дарҳақиқат, инсон табиатан ахлоқий жиҳатдан яхшими ё ёмонми? Иккови ҳам эмас, чунки у табиатан умуман ҳеч қандай ахлоқий мавжудот эмас. Қачонки ақл-идрок бурч ҳамда қонун тушунчалари даражасига кўтарила олсагина, инсон комилликка эришади.

И.Кантни балоғат бўсағасидаги ёшлар тарбияси кўпроқ ташвишга солган: “балоғат даврида, табиийки, каллага ҳар турли бўлмағур хаёллар келади, уларни иложи борича миядан чиқариб ташлаб, қимматли вақтни ўқиш, ўрганиш ва изланиш билан сермазмун ўтказишга ҳаракат қилмоқ керак. Баъзан ёшлар ана шу ёввойи ҳирснинг гапига кириб, уни қондириш йўлини излайдилар. Агар ўсмир бир оз кутиб, сабр қилиб, тегишли тартибда никоҳдан ўтиб, уйланганда нур устига аъло нур бўлар эди [26.63.].

Бетўхтов, мисли кўрилмаган тезлик билан ўзгараётган илм-фан янгидан-янги талаб ва имкониятларни келтириб чиқараётган иқтисодий, ижтимоий ҳаётга инсон ҳар доим ўзини мослаб, созлаб бориши ҳамда янгича мувозанат сақлашига тўғри келмоқда. Зеро, инсон аввалги билимларига мос келмай қолгани учун янгиликдан кўз юмиш ўрнига, уни маънавий қадриятларга таянган ҳолда ўрганиб, янгича баҳо бера олсагина муваффақиятга эришади.

И.Кантнинг қарийб икки аср муқаддам илгари сурган педагогик ғоялари ҳозирги замон талабларига мос келибгина қолмай, мустақил Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлиги, айни вақтда, муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси”нинг мазмун-моҳияти ва амалиётига ҳамоҳанглигидан айтиш жоизки, таълим-тарбия масалалари асрлар оша завол топмай, келажак авлодлар учун ҳам ўз таъсирини йўқотмайди.

Адабиётлар

1. Иммануил Кант (1724-1804) немис мумтоз фалсафаси асосчиларидан бири, буюк мутафаккир ва моҳир педагог. “Умумий табиат тарихи ва осмон назарияси”, “Соф ақлни танқид”, “Амалий идрокни танқид”, “Ақл-идрокни танқид, “Дин-имон соф ақл-идрок сарҳадлари ичра”, “Антропология прагматик йўсинда”, “Педагогика ҳақида” каби асарлар муаллифи.
2. Кант И. Педагогика тўғрисида / Немис тилидан М.Акбаров таржимаси. – Т.: Niso Poligraf нашриёти, 2013. Асар 1803 йилда ёзилган ва И.Кантнинг шогирди Ф.Ринк томонидан “И.Кант педагогика тўғрисида” номи билан билан немис тилида нашр этилган.
3. Кант И. Педагогика тўғрисида. 17-бет.
4. Кант И. Педагогика тўғрисида. 32-бет.
5. Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 2. – М.: 1964. 462-стр.
6. Кант И. Сочинения в шести томах, Т. 2. 280-стр.
7. Кант И. Педагогика тўғрисида. 5-бет.
8. Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. – М.: 1966. 60-стр.
9. Кант И. Педагогика тўғрисида. 17-бет.
10. Кант И. Педагогика тўғрисида. 35-бет.

11. Кант И. Педагогика тўғрисида. 36-бет.
12. И.Кант. – М.: Молодая гвардия, 1997. 138-стр.
13. Кант – его жизнь и философская деятельность. Биографический очерк М.М.Филиппова / Сенека. Декарт. Спиноза. Кант. Гегель. Биографические повествования / Составитель, общая редакция и послесловие Н.Ф.Болдырева. – Челябинск.: Урал, 1996. 314-стр.
14. Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 2. 27-стр.
15. Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 2. 467-стр.
16. Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. 32-стр.
17. Кант И. Педагогика тўғрисида. 30-бет.
18. Кант И. Педагогика тўғрисида. 50-бет.
19. Кант И. Педагогика тўғрисида. 57-бет.
20. Кант И. Педагогика тўғрисида. 51-бет.
21. Кант И. Педагогика тўғрисида. 29-бет.
22. Кант И. Педагогика тўғрисида. 38-39-бетлар.
23. Кант И. Педагогика тўғрисида. 24-бет.
24. Кант И. Педагогика тўғрисида. 50-бет.
25. Кант И. Педагогика тўғрисида. 60-бет.
Кант И. Педагогика тўғрисида. 63-бет

ШАХС ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Каримбоева Саломатхон
Наманган Муҳандислик Қурилиш институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти
Тарих фанлари номзоди

Аннотация: *Ушбу мақолада шахс таълим-тарбия объекти ва субъекти сифатида кўриб чиқилган. Шахс шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилинган. Ўз-ўзини назорат қилиш шахс шаклланишида мухим омил эканлиги асосланган.*

Калит сўзлар*: шахс, тарбия, таълим, фикр, назорат, мақсад, установка, мотив*

ЛИЧНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ И СУБЪЕКТ ОБРАЗОВАТЕЛЬНО-ВОСПИТАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА

Каримбоева Саломатхон
Наманганский инженерно-строительный институт
Доцент кафедры общественных наук
Кандидат исторических наук

Аннотация: *В этой статье личность рассматривалась как предмет и предмет образования и воспитания. Были проанализированы факторы, влияющие на формирование личности. Он основан на том факте, что самоконтроль является важным фактором формирования личности.*

Ключевые слова: *личность, воспитание, образование, мысль, контроль, цель, постановка, мотивация*

PERSONALITY AS AN OBJECT AND SUBJECT OF EDUCATIONAL AND UPBRINGING PROCESS

Karimboyeva Salomatkhan
Namangan Civil Engineering Institute
Associate Professor of the Department of Social Sciences
PhD of History

Annotation: *In this article, a person was considered as the subject and subject of education and upbringing. The factors influencing the formation of personality were analyzed. It is based on the fact that self-control is an important factor in personality formation.*

Keywords: *personality, upbringing, education, thought, control, goal, formulation, motivation*

Each science in one and the same object of study distinguishes its subject of research - one or another form of being of the objective world, one or another side of the process of development of nature and society. Education as a complex, objectively existing phenomenon is studied by many sciences. Historical materialism, for example, considers education as a particular moment in the development of society, its productive forces and production relations; history - as a special moment in the history of class struggle and class politics; Psychology - in connection with the study of the formation of the personality of a developing person. The independence of any science is determined, first of all, by the presence of a special, own subject of research, the presence of such a subject, which is not specifically studied by any other scientific discipline.

In fact, each science has its own history and a sufficiently defined aspect of natural or social phenomena, the study of which it is engaged in, and the knowledge of which is of great importance for understanding its theoretical foundations.Without this, it could not develop. Therefore, the number of educational institutions is growing, the network of public schools giving children the necessary training is expanding, special educational institutions for teacher training are opening, and pedagogy is beginning to be taught as a special scientific discipline. All this gave a big impetus to the development of pedagogical theory.

Having emerged as a science about the upbringing of children and youth, pedagogy, as the boundaries of upbringing and the scope of subjective factors expand in

society, more and more become a science of the general laws of educational influence on people of all ages.

The education of a growing person as the formation of a developed personality is one of the main tasks of modern society. Overcoming the alienation of man from his true essence, the formation of a spiritually developed personality in the process of historical development of society does not occur automatically. It requires efforts on the part of people, and these efforts are directed both at creating material opportunities, objective social conditions, and at realizing new opportunities at each historical stage for spiritual and moral improvement of a person.

In this dual process, the real possibility of the development of a person as a person is ensured by the totality of the material and spiritual resources of society. However, the presence of objective conditions in itself does not yet solve the problem of the formation of a developed personality. It is necessary to organize a systematic, based on knowledge and taking into account the objective laws of personality development, the upbringing process, which serves as a necessary and universal form of this development.

The target setting of the educational process is to make every growing person a fighter for humanity, which requires not only the mental development of children, not only the development of their creative potentials, the ability to think, update and expand their knowledge, but also the development of a way of thinking and the development of relationships , views, feelings, readiness to participate in economic, social, cultural and political life, personal and social development, development of diverse abilities, the central place in which There is the ability to be a subject of social relations, the ability and willingness to participate in socially necessary activities.

The child is constantly included in some form of social practice; and if its special organization is absent, then the cash, traditionally formed forms of it, the result of which may be in conflict with the goals of upbringing, have an educational effect on the child. The historically formed system of upbringing ensures the assignment by children of a certain range of abilities, moral standards and spiritual guidelines that meet the requirements of a particular society, but gradually the means and methods of organization become unproductive. And if this society requires the formation of a new range of abilities and needs in children, then for this it is necessary to transform the educational system that is able to organize the effective functioning of new forms of reproductive activity. The developing role of the education system in this case is open, becoming the object of special discussion, analysis and purposeful organization.

The formation of a person as a person requires that society constantly and consciously organized improve the system of public education and overcome stagnant, traditional, spontaneously formed forms. Such a practice of transforming the prevailing forms of education is unthinkable without reliance on scientific and theoretical psychological knowledge of the laws governing the development of a child in the process of ontogenesis, because without reliance on such knowledge there is a risk of voluntaristic,

manipulative influence on the development process, distortion of its true human nature, and technical approach to people.

The essence of a truly humanistic attitude to raising a child is expressed in the thesis of his activity as a full-fledged subject, and not an object of the upbringing process. The child's own activity is a necessary condition for the educational process, but this activity itself, the forms of its manifestation and, most importantly, the level of implementation that determines its effectiveness, should be formed, created in the child on the basis of historically established patterns, but not blindly reproducing them, but creative use .Therefore, it is important to build the pedagogical process in such a way that the educator directs the activities of the child, organizing his active self-education through independent and responsible actions. The educator can and must help a growing person to go through this - always unique and independent - path of moral and social development.

Parenting is not an adaptation of children, adolescents, youth to the available forms of social life, not an adjustment to a certain standard. As a result of the appropriation of socially developed forms and methods of activity, further development takes place - the formation of children's orientation to certain values, independence in solving complex moral problems. "The condition for the effectiveness of upbringing is an independent choice or the conscious acceptance by children of the content and goals of the activity."

Education refers to the purposeful development of each growing person as a unique human individuality, ensuring the growth and improvement of the moral and creative forces of this person, through the construction of such a social practice, under which what the child is in its infancy, or so far only makes it possible, turns into actuality. "To educate is to direct the development of the subjective world of a person", on the one hand, acting in accordance with that moral model, an ideal that embodies the requirements of society for a growing person, and on the other hand, pursuing the goal of maximizing the development of individual characteristics of each child. As L.S. Vygotsky pointed out, "a scientist from a scientific point of view is only the organizer of the social educational environment, the regulator and controller of its interaction with each student." Such an approach to the construction of the upbringing process - as an active purposeful formation of personality - is consistent with our methodological approach to assessing the role of society and the place of the growing person's genotype in the formation of his personality.

Achievements of modern science, including the works of Russian philosophers and psychologists, educators and physiologists, lawyers and geneticists, indicate that only in the social environment in the process of targeted education is there an effective development of programs for social behavior of a person, a person is formed as a person. Moreover, the social conditioning of personality development is of a concrete historical character. But the socio-historical formation of personality does not constitute a passive reflection of social relations. Acting both as a subject and as a result of social relations, a personality is formed through its active social actions, consciously transforming both the

environment and oneself in the process of purposeful activity. It is in the process of purposefully organized activity that the most important, which defines him as a developed personality, is formed in a person for the good of another.

LIST OF USED LITERATURE:

1. Davydov V.V. Problems of Developing Learning - M., 1986.
2. Kochetov A.I. The organization of self-education of schoolchildren, Mn., Nar. asveta, 1990
3. Pedagogy: textbook. allowance for students pedagogy and methodology beg. Teaching ped. Inst. / ed. S.P. Baranova et al. - M.: Education, 1976 .-- 352 p.
4. Shatalov V.F. Where and how the triples disappeared. - M .: Pedagogy. 1979.
5. O'rinboyev X. B. VIEW OF SPIRITUAL THREATS IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 4. – С. 34-37.
6. Уринбоев Х. Б., Нурматов А. Р. НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО СОЦИУМА //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 4. – С. 812-815.

УМАР ХАЙЁМ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН ТАҚДИРИ ВА ЭРКИН ИРОДА МАСАЛАСИ

Шодиев Жаҳонгир Жўрақулович
Бухоро Мухандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада Умар Хайём фалсафасида инсоннинг шаклланиш босқичлари, инсон тақдири, эркин ирода масаласининг фалсафий таҳлили, тақдирнинг маънавий ва фалсафий жиҳатдан тахлили қилиб берилган. Умар Хайём рубойиларида комилликни талқин этилиши, бугунги кунда комил инсонни шакллантиришда тарбиявий ва маънавий аҳамиятнинг жамиятдаги тутган ўрни диний ва дунёвий жиҳатдан таҳлили кўрсатиб берилган. Умар Хайём тақдир ва эркинлик масаласига сўфиёна тарзда ёндашганлиги, фалсафий жихатдан таҳлил қилиб берилган.*

Калит сўзлар: *инсон, тақдир, эркинли, ирода, ҳақиқий ишқ, чин имон, комиллик, баркамоллик, маънавий соҳа ривожи, инсон ҳақиқий бахт-саодатга эришиши.*

ВОПРОС О ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ СУДЬБЕ И СВОБОДЕ ВОЛИ В ФИЛОСОФСКИХ ВОЗЗРЕНИЯХ ОМАРА ХАЙЯМА

Шодиев Жахонгир Журакулович
Бухарский инженерно-технологический институт
Преподаватель кафедры общественных наук

Аннотация: *В статье представлены этапы становления человека в философии Омара Хайяма, философский анализ человеческой судьбы, проблема свободной воли,*

духовно-философский анализ судьбы. Риторика риторики Умара Хайяма показывает религиозный и светский анализ роли образовательного и духовного значения в формировании совершенного человека сегодня. Философский анализ подхода Омара Хайяма к вопросу о судьбе и свободе представлен в философском контексте.

Ключевые слова: *человек, судьба, свобода, воля, настоящая любовь, истинная вера, совершенство, совершенство, духовное развитие, человеческое счастье.*

U THE QUESTION OF HUMAN DESTINY AND FREE IN THE PHILOSOPHICAL VIEWS OF OMAR KHAYYAM

Shodiyev Jahongir Jurakulovich
Bukhara Engineering and Technology Institute
Teacher of the Department of Social Sciences

Annotation: *The article presents the stages of human development in the philosophy of Omar Khayyam, the philosophical analysis of human destiny, the problem of free will, and the spiritual and philosophical analysis of fate. Umar Khayyam's rhetoric shows a religious and secular analysis of the role of educational and spiritual significance in shaping the perfect man today. The philosophical analysis of Omar Khayyam's approach to the question of fate and freedom is presented in a philosophical context.*

Keywords: *humanity, destiny, freedom, will, true love, true faith, perfection, maturity, spiritual growth, and the pursuit of human happiness.*

Инсон тақдири ва эркин ирода масаласи, Шарқнинг буюк шоири ва файласуфи Умар Хайём ижодидаги асосий масалалардан биридир.

Тақдир ва эркин ирода масаласи асрлар давомида инсониятни қизиқтириб келган. Шунинг учун ҳам қадимги ёзувларда, зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да, ёзма ёдгорликларда, халқ оғзаки ижодида файласуфлар, табиатшунос олимлар, шоирлар ва диний илм вакилларининг асарларида бу масалага кенг ўрин берилган.

Инсон ва унинг тақдири, эркин ирода масаласида барча фанлар ҳозиргача бу сохани тадқиқ қилиб келади. Бу масалага тўхталишимиздан олдин инсон сўзини изохласак мақсадга мувофиқ бўлади. Инсон – ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи фундаментал фалсафий категориядир. Инсон тушунчасига аниқ таъриф бериш учун уни оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятларни аниқлаш керак. Таъкидлаш зарурки, энг аввало инсон бошқа мавжудотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, тили билан ажралиб туради. Айниқса, тил унинг аждодлари ва авлодлари орасидаги ворисийлик, алоқадорлик вазифасини бажаради. Инсон наслига хос барча хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи дастурлар худди шу тил орқали аждодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик

мавжудотлардан инсоннинг туб сифатий фарқини ифодаловчи хусусиятларидан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат инсоннинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хусусият, маданият эканлигини ифодалайди. Шунингдек, инсоннинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эгалиги ҳам ана шундай хусусиятлардан бири ҳисобланади. Инсон ҳаётида меҳнат асосий ўринда туради. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, ўз-ўзини ўзгартиради. Инсоннинг маънавияти жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт – шароитлар ва субъектив омиллар натижасида шаклланган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар, малакалар йиғиндисидар. Юқорида келтириб ўтган фикр мулоҳазаларимиз инсоннинг мураккаб, бир бутун биосоциал жонзот эканлигидан далолат беради [1].

Инсон каби тақдир тушунчасига урғу бериб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Тақдир сўзи (арабча сўздан олинган бўлиб – олдиндан белгиланган ҳаёт йўли, қисмат) – ҳар бир инсон ҳаёт ва фаолиятини ҳамда оламдаги барча ҳодисаларни ягона яратувчи – Аллоҳ амрига боғловчи, диний ақида. Тақдир ислом ва насронийликда (христианликда) яратувчи худонинг ўзига хос қудрати сифатида тўла – тўкис намоён бўлади. Масалан, Қуръони Каримнинг Зумар сурасида [2]: “У якка–ю ягона ва ғолиб Аллоҳдир. У осмонлару ерни ҳақ (қонун) билан яратгандир. У кечани кундуз устига ўрайдиган, кундузни кечанинг устига ўрайди. У қуёшни ва ойни (ўз амрига) бўйсундирадиган зотдир. Ҳар бири белгиланган муддатча юрмоқда. Огоҳ бўлингизки, у қудратли ва бениҳоя маърифатли зотдир” – дейилган. (Оятда Аллоҳ таолонинг ҳеч бир шерикка, фарзандга мутлақо ҳожати йўқлиги баён қилинмоқда. Аллоҳ таолонинг ваҳдониятининг далиллари эслатилмоқда). Аксарият одамлар орасида – “Тақдирий азалдан қочиб қутулиб бўлмайди”, деган тасаввур кенг тарқалган. Исломга кўра, Аллоҳ таоло раҳматидан умидни узиш ва унинг азобларидан хотиржам бўлиш кайфияти куфрдан бошқа нарса эмас. Дунё ва охиратдаги ҳар бир нарса Аллоҳнинг истак хоҳиши, илми қазоси, қадари билан бўлади. Лекин шу билан бирга, Аллоҳ бу дунёни бир синов сифатида яратганлиги эътироф қилинади. Шундай экан, унинг берган неъматларига шукур қилмаган, ҳамда берганига шукр қилган ва йўғига қаноат қилган одамларга бўлган Аллоҳнинг жазоси ва ажри – мукофоти ҳам шунга яраша бўлади деб таъкидланади.

Шуни алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, тақдир исломий таълимотлар ривожи тарихида узлуксиз равишда кескин баҳс-мунозараларга бой бўлиб келди. Биз шу ўринда Умар Хайёмни оладиган бўлсак, у бу ақидага ўз муносабатини қуйидаги шаклда ифодалайди: “Ё раб, лойимни – ку қорган ўзингсан, уриш-қароимни ўрган ўзингсан. Тақдирга қадарийлар, жабарийлар, мўътазилийлар ва мутакаллимларнинг муносабати ҳам ўзига хосдир. Исломдаги илк илоҳиёт оқимларидан бири – қадария, мутлақ фатализм [3]. тарафдорлари бўлган жабарийларга қарши чиқиб, одилликни Аллоҳнинг сифатларидан бири деб талқин

қиладилар. Шундай экан, гуноҳ ва савобни у олдиндан белгилаб қўйиши мумкин эмас, ундан фақатгина, адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ эса одамларнинг эркин фаолияти билан боғлиқ, деган фикрда бўлганлар [4].

Умар Хайём эса ислом ақидалардан бири бўлган тақдирга ишонч ғоясини эътироф этиб, рубоийларидан бирида "Тангри ўзинг шундай яратдинг мени" деса, бошқа бирида "Ёмонманми, яхши, мен қандоқ қилай? Тақдир манглайини берган ўзингсан" деб ёзади. Шоир фикрича тақдир зарурият ўзига тасодифлар орқали йўл очади:

Сабаб саҳросида кимки саргардон,
Ишларин унингсиз юритар Яздон.
Бугуни бир баҳона ўртага ташлаб,
Эрта бажо бўлур, тақдири осмон.

Хайём рубоийларини ўқир эканмиз уни фаталис шоир деб шошилиб хулоса чиқариш нотўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шоир тақдирни тан олган ҳолда пассив ҳаёт кечириш керак деган фикрни инкор этади.

Танангда бор экан томир суяк пай,
Яшайвер тақдирнинг уйидан чиқмай
Ёв Рустам бўлса ҳам бўйнингни эгма,
Миннат чекма дўстинг бўлса ҳотам Той [5].

Эркин ирода деганда биз инсоннинг бирон ишни бажаришга қаратилган онгли интилишини тушунамиз. Унинг маълум мақсадга қаратилган иродавий фаолиятининг манбаи - объектив оламдан ҳамда дунёни ўзгартиришга қаратилган ва табиатнинг объектив қонунларига таянадиган предмет - амалий фаолиятдан иборат. Эркин ирода масаласида фалсафа ва психологияда, дунёвий ва диний таълимотлар орасида кўп асрлардан буён мунозара давом этиб келади. Масалан, фатализм тарафдорлари кишиларнинг барча ҳатти-ҳаракатларини фақат ташқи кучлар белгилайди деб фикр юрита-дилар, бундай эркинлик ташқи кучларга боғлик эмас, деган мулоҳазага келадилар. Дин эса, умуман эркни, жумладан эркин иродани Худо белгилайди, одамнинг қисмати, тақдири Яратувчининг иродасига боғлиқ, у олдиндан белгилаб қўйилган, дейди. Айрим диний таълимотларда инсон эркин иродага эгадир, у ўз гуноҳлари учун жавобгардир, деган ғоялар ҳам учрайди.

Дунёвий фалсафа шахснинг фаолияти объектив шароитларга боғлиқдир ва шу билан бирга, бундай ҳолатда қайси йўлни танлаш кишининг ўзига ҳам боғлиқ, деб ҳисоблайди. Демак, субъектнинг ички шароитлари (эҳтиёжлари, қизиқишлари, истаклари, билими ва ҳ.к) призмаси орқали акс эттирилган объектив олам, унинг учун турли мақсадларни ўз олдига қўйиш, қарорлар қабул қилиш имкониятини яратиб беради. Бунда фақат субъектнинг истакларига қараб танлаб олинадиган ирода эмас, балки обектив заруриятга мувофиқ тўғри танлаб олинадиган иродагина эркиндир.

Ҳар қандай ҳаракат ёки фаолиятнинг иродали характери шундан иборатки,

унда инсон ўз мақсадига эришиши учун ташқи ёки ички тўсиқларни енгишга тўғри келади. Иродали ишнинг бошланғич омили маълум мақсадни олдига қўйиб, авало униб олишдан, сўнгра эса ҳаракатни бошлашга қарор қабул қилишдан, ишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ усулларни танлаб олишдан иборат. Муайян бир ишнинг эркин ирода асосида тавсифланиши учун ҳал қилувчи нарса ушбу иш юзасидан қилинган қарорнинг бажарилишидир. Эркин иродани табиат бахш этган эмас. Энг зарур ва керакли мақсадларни танлай билиш, тўғри қарорлар қабул қилиш, уларни бажариш, бошлаган ишни охирига етказиш ва бундай ҳолатларни бажарилишида эркин иродани шакллантириш, албатта, мана шу руҳдаги ва йўналишдаги билимлар, тажриба, тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг натижасидир [6].

Маълумки, тақдир ва ирода эркинлиги масаласи ниҳоятда мураккаб масаладир. Қуръони Каримнинг кўплаб сураларида ҳар бир воқеа ҳодиса яратганнинг ихтиёри, хоҳиши асосида бўлиши таъкидланади (Инсон сураси 30-оят) [7]. Лекин шу билан бирга бу дунё инсон учун синов эканлиги (Мулк сураси 2-оят) [8], иззат - икром, бойлик билан хорзор қилиш, камбағаллик билан бўлмаслиги (Фал-Фажр сураси 17-оят) [9]. кўрсатиб ўтилади.

Шоир тақдирни билиш инсонни билиш каби мушкул эканлигини таъкидлаб “Наврўзнома” асарида “...Одам еру кўкнинг яратувчисининг оятларига ёзилган ва табиат ипи билан боғланган, дил узугининг муҳри билан муҳрланган ва бошдаги ақлга тааллуқли бўлган бу олам муҳрининг номасидир” - деб ёзади. Шоир сўзи билан иши бир бўлмаган одамларни қоралайди:

Фақат илм билан баландмас одам,
Аҳду вафо билан баланд паст одам.
Сўзи билан иши бир келса агар,
Ҳар нарсадан баланд, муваддас одам.

У инсонинг ақлига, билим олиш қобилиятларига ишонч билан қарайди. Шоир инсон ақлининг қудратини эътироф этган ҳолда фақат ақлни устун қўйиш нотўғри эканлигини қуйидаги рубоийсида ифодалайди:

Ҳар ким ақл сўзига соларкан қулоқ,
Чиндан оқибатда бу ҳўкиз соғмоқ!
Ғўр ақлнинг зўр келиб май сотмаяпсан,
Аблаҳлик тўнини кий, шу маъқулроқ!

Умар Хайём ўз рубоийларида инсон ақли етган нарсаларга нисбатан етмаган нарсаларнинг кўп эканлигини таъкидлаган ҳолда дунё тилсимотларининг тубига етиб бўлмаслиги ҳақида рубоийларидан бирида шундай деб ёзади:

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,
Бир сир қолмадики мавҳум бўлмабди.
Туну кун ўйладим етмиш икки йил,
Онгладим - ҳеч нарса маълум бўлмабди.

Ер юзида ҳамма нарса омонат эканлиги, шу боис ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиб қаноат ва шукроналик билан яшаш кераклиги, бўлмаган ишлар учун ташвиш чекиб ўзини қийнамасликка ундайди.

Беҳуда ўзингга айлама ситам,
Улушингдан ортиқ тиламагил ҳам,
Азалдан номингга нима ёзилса,
Ўша сенинг баҳранг, бўлмас ортиқ - кам.

Маълумки, Умар Хайём яшаган даврда сўфийлик расмий ислом томонидан тан олинмаган эди. Шу сабабдан, сўфийлар ўз ғояларини рамзий ифодалар орқали баён қилар эдилар. Умар Хайём тасаввуфдаги орифона ва ошиқона йўналишнинг вакили бўлган. Унинг шеъриятдаги ёр, ишқ, май, мастлик тушунчалари рамзий маъноларда қўлланган:

Ишқдин абадийлик авжида офтоб,
Ҳаёт чаманида толедан хитоб,
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,
Ишқ-нола қилмаслик бўлсанг юз хароб.

Шоир тақдирнинг жафоларидан нола қилмаслик ҳақиқий ишқдир, яъни чин имон – эътиқод белгисидир, деб ҳар бир дамни шукронада ўтказиш, дунё ишларини ўйламасдан қаноат билан яшаш зарурлигини таъкидлади.

Кимнинг бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй ошиёни,
На биров унга қул, на у бировга,
Айт, шод яшайверсин хушдир замони.

Умар Хайём инсон ҳаётидаги ҳар бир яхши, ёмон ҳодисани тақдири азалга тўнкаш нотўғри эканлигини уқтириб, инсонга фаолият ва ирода эркинлиги бериб қўйилганлигини эътироф этади:

Киши ўзлигидан яхши ёмон ҳам,
Қазову қадару қувонч ёки ғам.
Ақл айтур буларни чархга тўнкама,
Чарх сендан ожизроқ бечораю кам.

Ҳақиқатдан ҳам Қуръони Каримнинг Балад сураси 8-10-оятларида “Ахир биз унга икки кўз, тил ва икки лаб ато қилмадикми? Ва биз уни икки баландликка йўллаб қўйдикку” [10] деб ёзилган. Бу оятлар инсонга кўриш учун кўз, кўрганларини мушоҳада қилиб сўзлаш учун тил ва лаб яхшилик ва ёмонликни фарқлаш ва уларни танлаш учун берилганлиги таъкидланган.

Унинг фикрича дунё сирини билган, тушунган инсонларгина яхши-ёмоннинг фарқини тушунадилар, ғам-ташвишдан озод бўладилар:

Масжиду бутхона каъбада ё-ҳу,
Жаннатдан умиду, дўзахдан қўрқув.
Фақат дунё сирин англаган қалбдан

Абадий қувилмиш бу ташвиш қайғу [11].

Хайём дунё сирларини била олдими, ғаму ташвишдан озод бўла олдими?
Бор йўқнинг зоҳири-юзини билдим,
Баланд паст илдизи-изини билдим,
Мансаб деб мастликнинг ўзин билмасам,
Билимим ҳайф кетсин, ўзини билдим.

Шоир мастликни, яъни дунёвий ташвишлардан қутилиб, руҳий хотиржамликка эришишни бахт-саодатнинг калити деб тушунади.

Сенинг мафтунингман, берайин хабар,
Уни икки сўзла жойлай мухтасар:
Ишқинг тупроқ қилғай, аммо меҳрингдан
Бошимни кўтариб, бўлгум жилвагар.

Инсон ҳақиқий бахт-саодатга эришиши учун қуйидагиларга: иймонга, эзгу амалга, ҳақ йўлга ва шу йўлда чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилиши зарурлиги Умар Хайём ижодида яққол ифодалангандир [12].

Хулоса қилиб айтиш жоизки, Умар Хайём тақдир ва ирода эркинлиги масаласига сўфиёна тарзда ёндашган. Қисмат инсон пешанасига битилгани билан эзгу ният ва амаллар инсоннинг ҳаётини яхши томонга ўзгартиришига ёрдам беради. Унинг бу масалада билдирган фикрлари асрлар оша барча инсонлар учун кўрсатма бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фалсафа қомусий луғат. «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти” Тошкент – 2004 йил, 165 – 166 бетлар.
2. Батафсил маълумот. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Зумар сураси (39) 514 - бет.
3. Фатализм (лот. Fatalis-тақдирига оид, машъум). Фалсафа қисқача изоҳли луғат. – Т.: “Шарқ” нашриёти. Тошкент - 2004, 425 бет.
4. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. – Т.: “Шарқ” нашриёти. Тошкент - 2004, 302 – 303 бетлар.
5. Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: бадиий адабиёт 1971 йил, 116 бет.
6. Фалсафа қомусий луғат. “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”. Тошкент – 2004 йил.
7. Батафсил маълумот. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Инсон сураси 30-оят, 698 бет.
8. Ўша манба, Мулк сураси 2-оят, 663 бет.
9. Ўша манба, Фал-Фажр сураси 17-оят, 730 бет.
10. Батафсил маълумот. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли Алоуддин Мансур таржимаси. Балад сураси, 733 бет.

11. Хайём Умар. Рубоийлар. Форс тилидан Ш.Шомуҳамедов таржимаси? – Т.: Ўзбекистон, 1976 йил, 93 бет.
12. Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири: халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент – Теҳрон . Ал – худо, Моваройуннаҳр, 2004 йил 150 – 153 бетлар.

ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ КОЭВОЛЮЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдуллаев Акмал Насриддинович
НамДУ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада жамиятнинг иқтисодий тараққиётида табиат ва жамият ўртасидаги коэволюция муносабатларининг ахамияти очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Табиат ва жамият, коэволюция муносабатлари, саноатлашган жамият, ижтимоий фаровонлик, коэволюция стратегияси.*

ЗНАЧЕНИЕ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ПРИРОДОЙ И ОБЩЕСТВОМ В ОБЩЕСТВЕННО ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ

Абдуллаев Акмал Насриддинович
Старший преподаватель кафедры национальных идей, духовного и юридического образования, НамГУ

Аннотация: *В данной статье объясняет важность коэволюционных отношений между природой и обществом в экономическом развитии общества.*

Ключевые слова: *Природа и общество, коэволюционные отношения, индустриальное общество, социальное обеспечение, стратегии коэволюции.*

SIGNIFICANCE OF RELATIONS BETWEEN NATURE AND SOCIETY IN SOCIAL ECONOMIC DEVELOPMENT

Абдуллаев Акмал Насриддинович
Senior Lecturer, Department of National Ideas, Spiritual and Legal Education, NamSU

Annotation: *This article explains the importance of co-evolutionary relations between nature and society in the economic development of society.*

Keywords: *Nature and society, co-evolutionary relations, industrial society, social security, co-evolution strategies.*

Табиат ва жамият – яхлит тизим ҳисобланиб, уларнинг қисмлари бир-бири билан узвий боғлиқ, уларнинг ривожланиши ҳам ўзаро мувофиқ бўлиши лозим. Ҳозирги кундаги глобал келишмовчиликлар ва танглик ҳолатларининг асосий сабаби ҳам, айнан, табиат ва жамиятнинг номувофиқлиги ҳисобланади. Иқтисодий тараққиёт муайян жамият ва ҳудудга мос бўлиши лозим. Иқтисодиёт жамиятга ҳизмат қилиши ва атроф-муҳит билан меъёрий алоқаларни ўрнатиши керак, бунинг акси бўлмаслиги даркор.

Зеро, БМТ бош котиби ўзининг 2006 йил 6 февралда Дубайдаги маърузасида қуйидаги ўринли мулоҳазаларни билдирган эди. “Дунё ҳамон иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ўртасидаги танлов қаршисида турибмиз, деган эски ғоянинг асири бўлиб қолмоқда. Аслида эса табиатни асрамай туриб барқарор иқтисодий тараққиёт таъминлаб бўлмайди. Дунёдаги ҳар икки иш ўриннинг бири қишлоқ хўжалигида, ўрмон саноати ёки балиқчилик соҳасида бўлиб, улар экотизимнинг барқарорлигиги чамбарчас боғлиқдир. Соғлиқни сақлаш муаммосини фақатгина соғлиқни сақлаш соҳаси билан бартараф қилиб бўлмайди. Бизнинг қашшоқлик ўзаро тенглик ва касалликларга қарши курашларимиз атроф муҳитнинг ҳолати билан бевосита боғлиқдир”[1,252]

Ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган инқирозли вазиятнинг ижтимоий моҳияти шунда намоён бўладики, замонавий цивилизация томонидан яратилган моддий ва маънавий ресурсларга эгалик қилиш ва уларни бошқаришдаги глобал даражадаги номутаносибликдир. Глобал миқёсдаги иқтисодий, сиёсий ва интеллектуал тенгсизлик кўп ўлчовли характерга эга. Саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида, ёки бошқача айтганда Шимол ва Жануб, Ғарбий ва Шарқ ўртасида, дунё ҳамжамиятини ташкил этадиган ҳар бир жамиятда синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасида, ижтимоий-маданий тизимлар ўртасида ва ниҳоят, ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатлари ўртасидаги номутаносибликда намоён бўлади. Бироқ, ижтимоий номутаносибликнинг умумий моҳиятини камбағал ва бадавлат кишиларнинг манфаатларини ва моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги фарқнинг тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик сифатида тасвифланади. [2, 3-4]

Бугунги кунда, глобаллашувнинг нормал самаралари кўриниб тургандай туюлади, бу бир қарашда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши марказининг жаҳон иқтисодиётининг чегараларини билан яқинлаштиришни таъминлайди. Аммо бу маълумотларни етарли бўлмаганлиги туфайли нотўғри мулоҳаза юритилган дейиш мумкин. Сўнгги йигирма йил ичида ривожланиш суръати ва даражаси бўйича ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ниҳоят даражада табақаланиш бўлганлигини кузатиш мумкин. Айрим ривожланаётган давлатлар саноатлашган жамиятдан, ахборотлашган ва инновацион ривожланиш босқичига ўтиши билан жаҳон иқтисодиёти етакчиларига яқинлашаётганлигини кузатиш баробарида бу бир пайтда, бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг аксарияти ҳали саноатлашган

иқтисодиётга ўтиш жараёни тугалланмаганлигини кўришимиз мумкин. Бинобарин уларнинг баъзилари саноатлашган жамиятнинг бошланғич босқичида қолиб кетди. Ҳулоса қилиб айтганда, А. Я. Ельянов, жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий воқеаликнинг бир қатор ижобий ўзгаришларга қарамай (аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришнинг ўсиши, соғлиқни сақлаш тизимининг яхшиланиши, умумий саводхонлик даражасининг ўсиши, умр кўриш давомийлигининг ўсиши), ривожланаётган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут тобора кенгайиб бормоқда. Ривожланаётган 99 мамлакатдан фақат 14 таси иқтисодий чўққига яқинлашаганини кўриш мумкин. Ушбу 14 мамлакат ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг 37 фоизини ва ЯИМнинг 48,4 фоизини ташкил қилади (3, 280-281).

Ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги табақалашишнинг ўсиши нафақат саноат ишлаб ичқаришнинг секинлашгани балки умуман етарли даражада саноатлашган жамият структурасига мослашиш жараёни билан ҳам боғлиқлиги характерлидир. Мамлакат иқтисодиётидаги иқтисодиёт ва техниканинг ўзаро фаолиятининг кам самарадорлиги натижасида ривожланаётган мамлакатларнинг аксарияти дунёнинг саноатининг етакчи мамлакатлари билан ўзаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг ўсиши ва уларга боғланиб қолиши натижасида ушбу мамлакатлардан ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб товар ва маҳсулотларни экспорт қилишга мажбур бўлаётганлиги ўсиб бормоқда.

Бугун жаҳоннинг барча мамлакатларида ялпи миллий маҳсулот даражаси доимо пасайиб бормоқда ва пасайишда давом этмоқда, шунинг учун шунга монанд аҳолининг турмуш даражаси ва сифати ҳам пасаймоқда. Ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш учун, бизнинг фикримизча, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш керак, аммо аҳолининг турли қатламларининг вакиллиги турли ҳудудлар ўртасида кескин фарқ қилади. Кўплаб олимлар, жамиятдаги иқтисодий ўсиш ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига бўлмаслиги керак, аксинча соғлиқни сақлаш ва одамларнинг умр кўриш давомийлигини оширишга қаратилган бўлиши кераклигини таъкидламоқда. Ушбу параметр ўзгаришлари мамлакатдаги вазиятга кучли таъсир кўрсатади.

Ижтимоий-иқтисодий муаммолар орасида инсон кўпайишида тиббиёт соҳаси алоҳида ажралиб туради. Маълумки, аҳоли саломатлиги ижтимоий фаровонлик ва экологик хавфсизликнинг кўзга кўринган кўрсаткичидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилоти даражасида авлодларнинг саломатлиги ва умр кўриш давомийлиги даражаси ҳисобга олинади; 50% - жамиятдаги ҳаёт сифатидан (ижтимоий фаровонлик ва иқтисодий хавфсизлик); 15-20% (баъзан 35% гача) - атроф-муҳитнинг сифати (экологик хавфсизлик) бўйича; 15-20% - генетиканинг табиий асосларини сақлаб қолиш ва инсон иммунитети (демографик хавфсизлик) ва мамлакатдаги соғлиқни сақлаш ҳолатининг атиги 8-10% ни ташкил қилади. Аҳоли саломатлигига асосий атроф-муҳит омиллари таъсир қилади: сув

ҳавзаларининг атмосферасини ифлосланиши, сув таъминоти манбалари ҳолати, физик омил (шовқин) ва радиация ҳолатлари мисол бўлиши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий соҳага коэволюция стратегиясининг сиёсий компоненти кучли таъсир кўрсатади. Жаҳон миқёсида мавжуд "дунё тартибини" тубдан ўзгартириш муаммоси сифатида акс этади. Глобал ижтимоий тенгсизлик фақат " олтин миллиард " таркибига кирмайдиган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсир қилиши мумкин. Сўнгги йилларда ижтимоий босимнинг кескин кўтарилиши кўплаб ҳукуматларни (Хитой, Япония ва бошқалар) дунё тартибини ўзгартириш бўйича давлатлараро даражадаги муаммоларни кўтаришга мажбур қилди. Унга келажакда дунё миқёсида жамият ва табиатнинг коэволюциясини таъминлаш учун кўпроқ адолатлилик ва барқарорликни таъминлаш ётади(2, 6).

Барқарор ривожланиш стратегияси доирасидаги ижтимоий-иқтисодий соҳа атроф-муҳит мулоқоти билан биологик ва физик тизимларнинг барқарорлигини таъминлаши керак. Умуман биосферанинг барқарорлиги боғлиқ бўлган маҳаллий экотизимларнинг ҳаётийлиги муҳимдир. Табиий тизимларнинг ривожланиш қобилиятини сақлашга алоҳида эътибор қаратилган, ва уларни маълум бир "идеал" ҳолатда сақлашни назарда тутади. Табиий ресурсларнинг таназзулга учраши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши экологик тизимларнинг ўзларини қайта тиклаш қобилиятини пасайишига олиб келади.

Коэволюция стратегияси анъанавий иқтисодиётда ҳукм сураётган узлуксиз иқтисодий ўсиш концепциясидан тубдан фарқ қилади. Булар иқтисодий ривожланиш ғояси ва коэволюция стратегиялари мавжудлиги билан характерланади. Бунда иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги фарқ асос вазифасини бажаради. Ўсиш иқтисодиёт ҳажмининг миқдорий ўсишига қаратилган бўлади. Бу иқтисодиёт орқали ўтадиган материаллар ва энергия оқимлари ҳажми ва тезлигини аниқлаштиришни, аҳолининг сонини ва инсон меҳнат маҳсулоти захиралари ҳажмини кўпайтиришни англатади. Ривожланиш технологияси таркибини, ҳажм ва жисмоний оқимларнинг тузилишини ва таркибини сифат жиҳатидан яхшилашни ўз ичига олади.

Коэволюция тамойилларига асосланиб, иқтисодий тараққиётнинг потенциал сифат жиҳатдан яхшиланишни назарда тутади. Замонавий жамиятнинг узоқ давом этувчи иқтисодий тараққиёти бу табиий ресурслар ҳисобига эмас, балки иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва турли даражадаги биокимёвий цикларга эга бўлган одамларнинг бутун хатти-ҳаракатлари орқали иқтисодий тизимни глобал ҳаётни қўллаб-қувватловчи ёпиқ табиат таркибига тўлиқ киритиш асосида амалга оширилади. [4, 125-126]

Шу асосда Г.Г. Зейналов қуйидаги вазифаларни устуворлигини ажратиб кўрсатади; 1) экологик муаммоларга алтернатив ечимлари (иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, импорт ва экспорт сиёсатининг ўзгариши, конверсия); 2) экологик

тадбиркорлик ва экологик бозори, кам чиқиндилар чиқарадиган ва ресурсларни тежовчи технологияларни ривожлантириш; 1) тўғридан-тўғри экологияни муҳофаза қилиш тадбирлари (тозалаш иншоотлари қуриш, қўриқланадиган ҳудудни яратиш); 4) табиий ва инсон ресурсларининг экологик жиҳатдан ишлаб чиқиш; 5) демографик жиҳатдан тартибга солиш: 6) экологик императивни амалга оширишга қаратилган ижтимоий ва экологик чоралар; 7) иқтисодий таълим тизими, ижтимоий-экологик тушунчалар, одамларнинг иқтисодий маданиятини ошириш [5, 100-101). Биз муаллиф фикрларини қўллаб қуватлаймиз ва бизнинг фикримизча, бу чоралар Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлар эди.

Бундай ҳолда, доимий равишда ривожланаётган жамият иқтисодиётининг асоси экологик дунёқарашга эга бўлган бозордир. Шу сабабли, мамлакат иқтисодиёти нафақат бугунги юртдошларимизнинг манфаатларига, балки уларнинг авлодлари манфаатларига ҳам мос келиши керак. Экология нуқтаи назаридан, замонавий цивилизация табиат билан номутаносибликда намоён бўлмоқда, бу истеъмолчининг психологияси ҳаётнинг маънавий соҳаларидан устун бўлган янги одамни шакллантиради [5, 101]. Бундан ташқари, кўплаб экологик мутахассислар савдо алоқаларини табиатни йўқ қилиш сабабларидан бири деб ҳисоблайди.

Рим клубининг таниқли аъзолари Д.Х. Медоуз, Д.Л. Медоуз ва И. Рендерслар ўзларинниг "Ўсиш чегарасидан ташқари" китобида таъкидланишича, “дунёда экология ва иқтисодиёт ўзаро боғлиқлигини ҳамма тушуниши керак.” (6 , 239). Бозор цивилизациялашган иқтисодий механизм сифатида экологик жиҳатдан тартибга солиниши керак.

Бозорнинг ўзгариши оҳир оқибатда экологик бозор бўлиши керак. Бу одамларнинг турмуш шароитини яхшилайдиган, соғлиғини сақлашга, табиий ресурслар потенциалини сақлашга имкон берадиган ва инқироз шароитида омон қолиш истиқболини кўрсатадиган махсус, оқилона бошқариладиган бозор глобал атроф-муҳит бўлиши керак. Сўнгги йилларда глобал иқтисодиётда ушбу йўналишда баъзи ўзгаришлар рўй бермоқда. 20-аср охирида атроф-муҳит соҳасидаги хизматлар ва технологияларнинг глобал бозори шаклланди, шунингдек экология соҳасидаги тадбирлар эвазига ташқи қарзларни қоплаш жорий этилди. яъни қарзлар ўрнига, мамлакатда кредитор билан келишилган ҳолда муайян экологик тадбирлар ўтказилади ва экологик лойиҳаларга сарфланган маблағлар қарзлар ўрнини қоплайди.

Атроф-муҳит бозорининг самарадорлиги мавжуд инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан тавсифланади. Ахир, бозор иқтисодиёти номукаммалликдан "азоб чекмоқда", натижада ишсизлик каби муаммо кўпаймоқда. Бандликни таъминлаш экологик бозорда иқтисодий сиёсатнинг муҳим вазифасидир, у ҳам маълум даражада ишсизлик даражасига эга. Экологик ишлаб чиқариш, янги фаолият турларини яратиш, замонавий автоматлаштирилган

технологияларни жорий этиш маълум бир соҳада меҳнат ресурсларини кўпайтиради ва улардан бошқа соҳаларда фойдаланишга имкон беради [7.63-70].

Атроф-муҳит бозори экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун экологик рағбатлантириш ва механизмлар тизимини шакллантиради. Солиқлар миқдорини ошириш, "ифлосланишни сотиш", табиий ресурслар учун тўлов ва экотизим "хизматларидан" фойдаланиш, шунингдек ифлослантиришни ташкиллаштириш бу йўналишдаги биринчи қадамлардан биридир.

Адабиётлар рўйҳати

1. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. А.Эргашев ва бошқалар. – Тошкент: Bakriya press , 2016. – 296 б
2. Левашов В.К. О социальной сущности концепция устойчивого развития//Социс.- М., 1997.-№4- 3-14
3. Глобальное сообщество: новая система координат (подходы к проблеме).- Спб.:Алетейя , 2000. -324 С
4. Концепция устойчивого развития: новая социально-экономическая парадигма/Гизатуллин Х.Н.,Троицкий В.А.//общественные науки и современность.- М., 1998.-№5 – С 124-130
5. Зейналов Г.Г. Челевечество в поисках альтернативного пути развития- М.: Прометей,1999.-200 С
6. За пределами роста/Медоуз Д.Х, Медоуз Д.Л, Рэндерс И.-М.,1994- 239С
7. Белова В.Л. Безработица//Международная экономика и международные отношения. – М., 1997. № 1. – 63-70

10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

ZAMONAVIY LINGVISTIKA VA TERMINOLOGIYA HAQIDAGI NAZARIY QARASHLAR

Kuldashova Navbaxor Bobokulovna
3-bosqich tayanch doktoranti
Buxoro davlat universiteti, O'zbekiston

Annotatsiya: *Mazkur maqolada zamonaviy tilshunoslik va terminologiya haqida fikr yuritiladi. Zamonaviy lingvistik yo'nalishlardagi turli nazariy qarashlar va yetakchi konsepsiyalar to'g'risida, shuningdek, kognitiv tilshunoslik va lisoniy birliklarni tahlil qilish haqida ma''umotlar beriladi.*

Kalit so'zlar: *terminologiya, termin, konsepsiya, freym, kross, gender, kognisiya, prototip, kategorizatsiya, konseptualizatsiya.*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ МЫШЛЕНИЯ О СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ И ТЕРМИНОЛОГИИ

Кулдашова Навбахор Бобокуловна
докторант 3 курса
Бухарский государственный университет, Узбекистан

Аннотация: *Эта статья посвящена современной лингвистике и терминологии. Он предоставляет информацию о различных теоретических концепциях и ведущих концепциях в современных лингвистических областях, а также об анализе когнитивной лингвистики и языковых единиц.*

Ключевые слова: *терминология, термин, понятие, рамка, крест, пол, познание, прототип, категоризация, концептуализация.*

THEORETICAL THINKINGS ABOUT MODERN LINGUISTICS AND TERMINOLOGY

Kuldashova Navbakhor Bobokulovna
3rd grade PhD student of
Bukhara State University, Uzbekistan

Annotation: *This article focuses on contemporary linguistics and terminology. It provides information on various theoretical concepts and leading concepts in contemporary linguistic areas, as well as on the analysis of cognitive linguistics and linguistic units.*

Keywords: *terminology, term, concept, frame, cross, gender, cognition, prototype, categorization, conceptualization.*

Under the influence of linguistic and non-linguistic factors various terminological systems and new system of terminology are rapidly developing. Such a process is, first, conscious (the correct expression of terms); Occasionally, one or another term may have a completely new meaning in different areas of human activity.This does not exclude the efficient use of terms in consumption. This is the case at the beginning, early stage of the formation of terms. As a result, the task of regulating and standardizing terms, terminological systems, and others will be addressed. This requires the large-scale creation of automated information retrieval systems. As a result, it is necessary to bring the terminological systems into a purposeful, motivated and professionally formed state. Such work can only be carried out through the formation of the meaning and structure of terms, and the deep study of the regularities of the formation of terminological systems. This process is a large and complex task, and its development is important both from a linguistic and a universal perspective. Because, according to VV Vinogradov, in the field of terminology there is a clear link between the material and spiritual culture of the people in the development of language and its lexical system.

Needless to say, linguistic issues have not been sufficiently explored. Although much research has been done on linguistic terminology, we cannot say that this issue has been sufficiently substantiated. There are still many challenges that need to be addressed. In particular, questions concerning the semantics of the term need to be seriously investigated.

The role that terms play in science is invaluable. Unless the term or form of expression used in every field is clear and concise, there will certainly be adverse effects such as confusion and ambiguity. Terminological studies have two distinct views on the main linguistic terms of the terms: first, that the terms are nominative, and secondly, they are related to the concept. These two different understandings of the term make it difficult to properly differentiate between the terms and other words.

It is well-known that through language, a person receives, collects, processes, regulates and perceives information about reality and reality. Through the language, a person communicates with other nationalities and learns a different culture, and language is not only a means of communication, but also a means of formulating and expressing culture.

Language and thinking, language and culture, language and speech, language and intercultural communication are important in linguistics. In addition, linguists J.Lakoff, M.Johnson, V.Fon Humboldt, B.B. Warf, E. Sepir, A.A. Potebnya, Levi-Stross, F.I. Buslaev, Yu.S. Stepanov, ND Arutyunova, V.N. Telia, V.V. Vorobev Dj. Austin, J. Serl, Dj. Lich, G. Grays, D. Ashurova, A. The theories of such scholars as Abduazizov, A. Mamatov, U.Yusupov, Sh.Safarov are of great importance.

“As the human mind grows, so does its outlook, thinking, and thinking. As every science develops, linguistics is evolving day by day, causing new trends, trends, new scientific theories.”[1]

As a result, new types of linguistics have emerged: psycholinguistics, sociolinguistics, ethnolinguistics, psychology, neurology, cognitive linguistics, and so on. Cognitive linguistics is based on cognitology. He is fascinated by the cognitive aspect of the language. It is well known that cognition is the process of the emergence and enrichment of human knowledge in the knowledge of the universe, and that knowledge is directly or indirectly linked to linguistics.

Cognitive linguistics expands the functions of interdisciplinary linguistics with the following objectives:

1) Comparison of concepts in two languages and their expression;

2) Comparison of linguistic views of the world in comparable languages;

3) Comparison of speech consciousness in two nations;

4) to reveal the features of the bilingual units in relation to their culture ”.[2]

“In cognitology, concepts such as frames, concepts, scripts, script, gestalt, prototype, and category represent cognitive structures that reflect the practice and experience of human perception of the outside world, and these concepts are closely intertwined with the concept of modality. [3]

“The concept and the concept are like icebergs. If the concept is an iceberg, then the part that comes out of the water is the concept. ”[4]

“The concept is the link between word and concept, the emergence and formation of perceptions about perceived subject matter, and the complexity of knowledge, that is, the mental lexicon in the human mind, which provides an international and cultural dialogue in speech. is a comprehensive category that represents the conceptual system and language activity ”. [5] Frame - a frame derived from the English word meaning "frame" or "frame."[6] “Frames are the core of the concept and some frames are innate. Cognitive structures that enable us to understand concepts ”.[7] According to AA Dake: “Frames are conceptual frames or scenarios”.[8] “Frame is a multi-component concept that describes a wide range of information and situations in a universal system, representing a set of standard knowledge based on cognitive structure types using different models and different language units. Frames are directly involved in the communication process of the speech and represent the world of extrinsic knowledge. It is a way of storing information in the human mind. Frames are based on the socio-cultural information that a person collects throughout his or her lifetime”.[9]

Geshtalt - derived from the German word "gestalt" (image, structure, holistic form), which means the generalization of signs and features that provide the specific integrity of images of spiritual structures, and so on.

Clearly, cognitive linguistics, as a form of modern linguistics, involves the comprehensive teaching of language and thinking, language and consciousness, language

and culture, language and speech, and the cognitive activity of human beings in the language, it also provides knowledge and understanding of reality, world and reality through language, achievements in linguistics, concepts and terminology, concepts and theories in communication linguistics, linguopragmatics, psycholinguistics, gender linguistics, intercultural communication, linguistics.

Historically, as every nation in the world has a mental image, that is, its national mentality is shaped by its specific historical, ethno-natural and climatic conditions, its social and political events and its relation to historical processes are undoubtedly different. After all, national identity is long; It is based on socio-economic and political processes, natural geographical location, intercultural communication, religious affiliation in the historical period, and based on these and the psycho-psychological views of the people, ancient traditions, customs and ceremonies are formed.

Contemporary linguistics requires understanding the various theoretical concepts and leading concepts in contemporary linguistic fields:

1) terminological apparatus, regularities and basic concepts, basic principles and their features of modern linguistic directions;

2) cultural units and their types, speech act, concept and types, frame theory and its analysis;

3) cognitive structures, information, categorization, conceptualization, cognition, prototype, conceptual and linguistic world image;

4) cognitive metaphor, its types and verbalization characteristics; principles of cooperation in pragmatics, types of speech acts, pragmatic functions, communicative-pragmatic phenomena, courtesy, semantic-pragmatic features of speech acts, etc.

Working with linguistic material of modern linguistics, expressing ideas on specific theoretical issues, forming and expressing critical attitude to these ideas; ability to analyze linguistic units - cross-cultural analysis, conceptual analysis, lingvopragmatic analysis, frame analysis, and apply them in practice, comparative analysis of cognitive and cultural analysis of language units from different structural, semantic, approaches, distinguishing national-cultural coloring linguistic units represented in language units, identifying relevant issues in scientific research and language means to solve their units.

Linguistics is one of the areas of modern linguistics that explores the interrelationship of linguistics and cultural studies.

Language is a human-forming tool that accepts the mentality, traditions and customs, and the way in which a particular world is understood.

The term “Greek” comes from the Greek word “terminos,” meaning a check, a border. The term terminology and the field that studies these terms is called terminology.

The word has many meanings, but the term is not so, it is also a word, but it differs from the usual words with the meaning and meaning of the word, and the term is used in a particular field, in the speech of the representatives of that field.

For example: concept, frame, modus, dictum, geshtalt, prototype, scenario, concept, cross, gender, cognition, categorization, conceptualization, etc. terms such as those found in linguistic networks. However, certain terms and requirements are set before terminology to express any lexical concepts. This, of course, stems from the essence and nature of the term.

In recent years the term has been used instead of the term. Such an application is a mistake. Because the meaning of the term is broader than the meaning of the term, it is understood as the name of all things, and the term is a formal word used in a particular field.

The term is nominative. The meaning of the term is equivalent to the concept within literary language norms. Because in a terminological system the term is monosemantic, its meaning is equivalent to the concept. In other words, the terms are special official words that have the same meaning. A single word can mean several concepts. For example, the head is a member; head - beginning of word; The eye is a member of the human eye, and the eye represents the sign on the wood.

“The term expresses clear, concrete concepts and is free of emotion. It is well-known that the meaning of the word is complex, and that understanding has additional meanings and methodological signs. Therefore, synonyms, which signify a concept in language, differ from one another in different meaning or methodological uses. For example, words like face, face, turf, face, face, face, face, cheek, cheek, mood, or urination are synonyms, but are different in terms of different meanings. One word can be a term for several areas. But such words are the names of distinct concepts in every field of science. ”[10]

Another notable feature of the terms is that the terms, as they are formalized expressions, represent a concept both at the national and even global levels. International terminology is an example of our opinion: president, parliament, taxi, democracy, republic, parliament, constitution and so on. Such terms are used equally in all continents of the world.

Also, the terms refer to a particular area and are expressions that are accepted and accepted by certain experts. Therefore, the term expressing one concept cannot be replaced by another. The term is an element of a system of field terms and is always used within a single system.

Thus, the leading role in modern linguistics is not the understanding of language, but the study of language, culture and the relationship between the individual and the problem of understanding one another. The interactions of the three are particularly important in the study of the national-cultural identity of the language in the field of linguistic culture (linguoculturology). It may also be said that it is appropriate to refer to the term "term" as a unit of scientific and official meaning that is included in the term.

Refernces:

1. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.48
2. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. –Т.: Фан, 2007. – С.123
3. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.19
4. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида. Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалари тўплами. –Т.: ЎзДЖТУ, 2011. – Б.52–53.
5. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.84
6. Минский М. Фреймы для представления знаний. М.:,1979.
7. Филлмор Ч. Фреймыи семантика понимания. Новое в зарубежной лингвистике: Когнитивные аспекты языка. 1988.
8. Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989.
9. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.61
10. Жуманиёзов Р. Нутқий маҳорат. – Т.: Адолат, 2005.

МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ АССОЦИАЦИЯЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИНИНГ ЛИСОНИЙ ВА НОЛИСОНИЙ ОМИЛЛАРИ

Тожибоев Ботир Рахимжонович
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада миллий-маданий ассоциациялар ҳосил бўлишида лисоний ва нолисоний омилларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Фақатгина ўзбек миллатигагина мансуб бўлган миллий бирликларнинг ассоциатив муносабати таҳлилга тортилган.*

Калит сўзлар: *ассоциация, миллий-маданий бирлик, ассоциатив богланиш, ассоциатив муносабат, ассоциатив таҳлил, ассоциатив тажриба, лисоний омил, нолисоний омил.*

ЛИЗОНИЧЕСКИЕ И НОЛИЗОННЫЕ ФАКТОРЫ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫХ ОБЪЕДИНЕНИЙ

Тожибоев Ботир Рахимжонович
Преподаватель Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Аннотация: *В данной статье обсуждается значение языковых и ненациональных факторов в формировании национально-культурных объединений. Проанализирована ассоциативная связь этнических единиц, принадлежащих только этническим узбекам.*

Ключевые слова: *ассоциация, национально-культурное единство, ассоциативная связь, ассоциативные отношения, ассоциативный анализ, ассоциативный опыт, лингвистический фактор, нехирургический фактор.*

LISONIC AND NOLISONIC FACTORS OF NATIONAL-CULTURAL ASSOCIATIONS

Tojiboev Botir Rakhimjonovich
Lecturer at the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

Annotation: *This article discusses the importance of linguistic and non-national factors in the formation of national-cultural associations. The associative relationship of ethnic units belonging only to ethnic Uzbeks is analyzed.*

Keywords: *association, national-cultural unity, associative connection, associative relations, associative analysis, associative experience, linguistic factor, non-surgical factor.*

Миллий-маданий бирликлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ маданий ҳодисаларни англатгани боис ассоциатив тарзда бири бошқасини хотирада тиклайди. Бу ҳолат миллий-маданий бирликларнинг тил эгалари хотирасида ассоциатив майдонларга бирлашувидан далолат беради.

Миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив муносабатида уларнинг лисоний белги-хусусиятлари муҳим ўрин тутади. Миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив гуруҳларига бирлашувида қуйидаги лисоний омиллар асос бўлади:

1. Миллий-маданий бирликларда умумий семанинг мавжудлиги. Масалан, *дўппи* ва *белбоғ* лексемаларида *ўзбек* умумий семаси мавжуд. Бу сема икки бирликнинг бир-бири билан ассоциатив боғланишини таъминлайди.

2. Миллий-маданий бирликларнинг синонимик бирликларга мансублиги. Ўзбек тилидаги *чилдирама – доира, бўсаға – остона* жуфтликлари синонимик муносабати асосида ўзаро ассоциатив боғланади.

3. Миллий-маданий бирликларнинг антонимик бирликларга мансублиги. Қуйидаги жуфтликлар антонимик бирликлар бўлиб, бир-бирини хотирада тиклайди: *чиллали – чилласиз, яхши-ёмон, чиройли-хунук.*

4. Миллий-маданий бирликларнинг омонимик бирликларга мансублиги. *Тановар* (куй) – *тановар* (рақс) ассоциатив жуфтлигининг ҳосил бўлишида лексемаларнинг омонимик муносабати муҳим ўрин тутади.

5. Миллий-маданий бирликларнинг уядош бирликларга мансублиги. *хина – ўсма, дўмбира – доира, атлас – адрас, карнай – сурнай* жуфтликлари уядошлик муносабати асосида ўзаро ассоциатив боғланади.

6. Миллий-маданий бирликларнинг жинс-тур муносабатини ифодалаши. *Духоба – чийдухоба, тандир – ертандир, ўчоқ – ерўчоқ* ассоциатив жуфтликлари алоқасида жинс-тур муносабати кузатилади.

7. Миллий-маданий бирликларнинг бир хил услубга мансублиги. *Чакки – чалоп, пойча – лозим, якандоз – тўшама, уютқи – увитқи* жуфтликлари бир услуб (сўзлашув услуби)га хослиги жиҳатидан ассоциатив муносабатга киришади.

8. Миллий-маданий бирликларнинг ясалишида умумий жиҳатларнинг мавжудлиги. *Лойсувоқ – қорасувоқ, пахсакаш – пахсачи, нонвойхона – тандирхона* ассоциатив жуфтликларида умумий лексемалардан (*сувоқ, пахса, хона)* сўз ясалиши; *суюнчи – хабарчи, чилдирмачи – доирачи* ясалмаларида эса бир сўз ясовчи аффиксдан фойдаланиш ясалмаларнинг ўзаро ассоциатив боғланишига олиб келган.

9. Миллий-маданий бирликларнинг вариантларга мансублиги. Ўзбек тилида қуйидаги жуфтликлар бир сўзнинг турли вариантлари эканлигига кўра ўзаро ассоциатив боғланади: *“Чақириқ” – “Чақирди”, “Уйкўрар” – “Уйкўрди”, толқон – талқон* кабилар.

Англашиладики, миллий-маданий бирликларнинг ўзаро ассоциатив боғланишида лексемаларнинг семантик, услубий, деривацион хусусиятлари алоҳида ўрин тутади.

Миллий-маданий бирликларнинг ўзаро ассоциатив боғланишида лисоний омилларга нисбатан нолисоний омилларнинг ўрни юқорироқ.

Миллий-маданий бирликларнинг ўзаро ассоциатив боғланишида қуйидаги нолисоний омиллар кузатилди:

1. Миллий-маданий бирликларнинг бир халқ маданиятига мансуб маданий ҳодисаларни англатиши. Масалан, *дўппи* лексемасининг *белбоғ, яктак* каби лексемаларни ёдга тушириши уларнинг бир халқ маданиятига мансублиги билан алоқадор.

2. Миллий-маданий бирликларнинг ўзаро алоқадор маданий ҳодисаларни англатиши. Масалан, *ёр-ёр* лексемасининг *келин, тўй, янгалар* лексемалари билан ассоциатив боғланиши қўшиқнинг тўйда янгалар томонидан келинга айтилиши урф-одати билан алоқадор.

3. Миллий-маданий бирликларнинг маданий ҳодисанинг амалга ошиш босқичларини англатиши. Масалан, *унаштирув* лексемасининг *совчи, қиз кўриш, учрашув* бирликлари билан ассоциатив боғланиши унаштирув маросимига қадар амалга ошириладиган миллий урф-одатлар билан алоқадор.

4. Миллий-маданий бирликларнинг маданий ҳодисани таркиб топтирувчи қисмларини англатиши. Масалан, *бешик* лексемасининг *сумак тувак, бешик ёпқич,*

қўлбоғ, ёстиқча лексемалари билан ассоциатив боғланиши улар англатган предметларнинг бешик қисмлари эканлиги билан боғлиқ.

Маълум бўладики, миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив муносабатида турли хилдаги нолисоний омиллар кўзга ташланади. Д.Лутфуллаева қайд этганидек, "Вербал ассоциацияларнинг лингвистик омилларга боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган кўринишлари тил бирликлари ўртасидаги алоқа-боғланишларга асосланса, экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келган турларида ташқи оламдаги ранг-баранг муносабатлар, миллий-маданий қадриятлар тил эгаларининг воқелик ҳақидаги тасаввурлари, дунёқараши ва бошқалар ўз аксини топади"[1]. Шу боис ассоциацияларнинг ҳосил бўлишида лисоний омиллар чегараланган бўлса, нолисоний омиллар тил эгаларида ҳам миқдор жиҳатдан, ҳам моҳиятига кўра фарқланади.

"Ўзбек тили ассоциатив луғати"да юқори частотали бирликларнинг стимул сўзлар билан ассоциатив боғланиши масаласига эътибор қаратамиз.

Луғатда берилган *атлас* лексемаси ассоциатив майдонидан ўрин олган юқори частотали бирликларнинг ҳосил бўлиш омилларини текширамиз:

АТЛАС (мато): кўйлак **68**; миллийлик **31**; мато **25**; келин **11;** кийим **10**; Марғилон **10**; миллий кийим **9**; адрас **6**; либос **6**; Наврўз **6**; қиз **5;** гўзаллик **4;** камалак **4;** қизлар **4;** чиройли **4;** байрам **3;** дўппи **3**; келинчак **3;** раққоса **3;** ўзбек қизлари **3;** атлас кўйлак **2;** "Атлас" фирмаси **2;** аёллар **2;** баҳор **2;** газлама **2;** ипак **2;** Марғилон атласи **2;** миллий мато **2;** Наврўз байрами **2**; Наврўз сайли **2;** ранг **2;** ранглар жилоси **2;** силлиқ **2;** урф-одат **2.**

Ушбу майдонда *атлас* сўзи билан ассоциатив боғланган миллий-маданий бирликларнинг қуйидаги типларини ажратиш мумкин: 1) миллий-маданий семали бирликлар: *келинчак, Марғилон, адрас, Наврўз, дўппи;* 2) миллий-маданий моҳият касб этувчи бирикмалар: *миллий кийим, ўзбек қизлари, атлас кўйлак, "Атлас" фирмаси, Марғилон атласи, миллий мато.*

Характерли жиҳати шундаки, бу бирликлардан фақат *адрас, "Атлас" фирмаси* ассоциациялари лисоний омил асосида ҳосил бўлган. *Атлас* ва *адрас* лексемалари уядошлик муносабатига киришади. Уядош лексемалар эса доимо бир-бирини ёдга солиб туради.

Адрас лексемасининг *атлас* стимул сўзи билан боғланишида нолисоний омил ҳам кузатилади. Бу икки матонинг бир халққа мансуб миллий матолар эканлиги тил эгалари хотирасида бири орқали иккинчисининг ёдга тушишига сабаб бўлади.

Атлас" фирмаси ассоциациясининг шаклланишида *атлас* лексемасининг омонимлик жиҳати муҳим ўрин тутган.

Миллий-маданий семали бирликлардан *келинчак, Марғилон, Наврўз, дўппи* лексемаларининг ҳар бири *атлас* стимул сўзи билан нолисоний омил асосида ассоциатив муносабатга киришади.

Келинчак лексемасининг миллий-маданий бирлик сифатида шаклланиши ўзига хос. Ўзбек тилида *-чак* қўшимчаси кичрайтириш аффикси сифатида талқин этилса-да[2], *келинчак* лексемаси таркибида "янги тушган" маъносини ҳосил қилади. Шу боис сўзлашув нутқида *янги келинчак* бирикмаси ҳам қўлланилади. *-чак* қўшимчаси мана шу маъноси билан миллий-маданий семани ҳосил қилиб, лексемани миллий-маданий бирликка айлантиради. Бу сўзнинг рус тилига *невеста* тарзида таржима қилиниши ҳам бу тилда унга муқобил сўзнинг мавжуд эмаслигини англатади.

Тил эгаларида *Марғилон* ассоциациясининг ҳосил бўлишини Марғилон шаҳри ҳунармандларининг ўзбек атласларини ишлаб чиқаришда ном таратганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Наврўз айёмида ўзбек қизлари, келинларининг атлас матодан кўйлак кийиб, халқ сайлларида қатнашиши *атлас* сўзи орқали *Наврўз* лексемасининг хотирада тикланишига йўл очади.

Дўппи ўзбек халқининг миллий бош кийими бўлиб, унинг аёл ва эркакларга хос турлари фарқланади. Ўзбек қизлари атлас матодан кўйлак кийишганда, албатта, бошларига *дўппи* ҳам кийишади. Бу ҳолат *атлас* ва *дўппи* лексемаларининг ассоциатив алоқасини таъминлайди.

Англашиладики, қайд этилган бирликларнинг *атлас* стимул сўзи билан ассоциатив муносабати нолисоний омиллар билан алоқадор.

Миллий-маданий моҳият касб этувчи *миллий кийим, ўзбек қизлари, атлас кўйлак, Марғилон атласи, миллий мато* бирикмаларининг *атлас* лексемаси билан ассоциатив боғланишининг когнитив асоси қуйидагича:

Атлас лексемасига нисбатан тил эгалари хотирасида *миллий кийим* бирикмасининг ёдга тушишига атлас матосидан ўзбек миллий кийими – атлас кўйлакнинг тикилиши, бу кўйлакнинг сўзлашув нутқида ихчам тарзда *атлас* деб номланиши билан алоқадор. Бу ўринда *миллий кийим* бирикмаси атлас кўйлакни англатган. *Атлас киймоқ* бирикмасида ҳам *атлас* лексемаси *атласдан тикилгани кўйлак* маъносини ифодалайди. *Атлас кўйлак* ассоциациясининг шаклланиши ҳам атлас матосидан кўйлак тикилиши билан алоқадор.

Атлас лексемасига берилган *ўзбек қизлари* ассоциацияси ҳам нолисоний омил асосида ҳосил бўлган. Ўзбек қизларининг атлас матодан кўйлак, лозим тикиб кийишлари тил эгалари тафаккурида жонланган ва бу ҳолат мазкур ассоциацияларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Марғилон атласи ассоциациясининг ҳосил бўлиши атлас матосининг Марғилонда ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ.

Миллий мато ассоциациясининг юзага келиши тил эгаларининг атласнинг ўзбек миллатига хос миллий мато эканлиги ҳақидаги билимга эгалиги билан боғлиқ.

Англашиладики, *атлас* лексемасига берилган миллий-маданий ассоциацияларнинг асосий қисми нолисоний омил асосида ҳосил бўлган. Бу ҳолат ўзбек тили эгалари ассоциатив фикрлашда кўпроқ ўзлари кўрган, билган маданий ҳодисаларга таянишларини кўрсатади.

Фикримизни далиллаш мақсадида "Ўзбек тили ассоциатив луғати"да берилган *айрон* лексемасининг ассоциатив майдони бирликларини ҳам таҳлил қиламиз:

АЙРОН: ичимлик **66;** қатиқ **34;** сут **21;** сузма **14;** ёз **8;** оқлик **7;** лаззат **5;** муздек **5;** совуқ **5;** оппоқ **4;** чакки **4;** райҳон **3;** муз **3;** чалоп **3;** чанқоқ **3;** аччиқ **2;** бакалашка **2;** болалар **2;** иссиқ **2;** кўкатлар **2;** коса **2;** масза **2;** минерал сув **2;** олма **2;** сув **2;** суюқлик **2;** тушлик **2;** ялпиз **2;** ёз фасли **2;** шарбат **2;** чанқаш **2**; чанқоқбосди **2;** чаккининг суюқ ҳолати **2;** чўпонлар **2.**[3]

Ассоциатив майдондаги қуйидаги бирликлар *айрон* стимул сўзи билан миллий-маданий белгисига кўра ассоциатив боғланган: *қатиқ, сузма, оқлик, чакки, чалоп.*

Қуйидаги бирликлар эса *айрон* стимул сўзи билан айронни таркиб топтирувчилар сифатида ассоциатив боғланган: *қатиқ, сут, сузма, чакки, райҳон, муз, чалоп, кўкатлар, минерал сув, олма, сув, ялпиз.* Бироқ булардан *қатиқ, сузма, чакки, чалоп* лексемалари миллий-маданий бирликлар саналади.

Айрон лексемасига *қатиқ, сузма, чакки, чалоп* ассоциацияларининг берилиши айроннинг бу маҳсулотлардан ҳосил қилиниши билан боғлиқ. *Оқлик* ассоциацияси эса айроннинг ранги билан алоқадор. Англашиладики, тил эгалари томонидан *айрон* лексемасига берилган миллий-маданий ассоциациялар ҳам асосан нолисоний омиллар асосида ҳосил бўлган.

"Ўзбек тили ассоциатив луғати" материаллари таҳлили баъзан аксинча ҳолатни ҳам кўрсатади. *Атала* лексемаси ассоциатив майдонидаги юқори частотали бирликларнинг стимул сўз билан муносабатини белгилаймиз:

АТАЛА: *таом **68**; миллий таом **19;** ун **17**; сув **9**; бўтқа **8**; ёг **8**; тугруқхона **7**; мазали **6**; қиймали атала **6**; шакар **6**; ширин **6**; болалар бўтқаси **4**; овқат **4**; сут **4**; аёллар **3**; болалар **3**; гўдак **3**; қуюқ **3**; суюқош **3**; тўйимли **3**; чақалоқ **3**; арпа **2**; атала қилиш **2**; аталамоқ **2**; атала-умоч **2;** болалар овқати **2**; бугдой **2**; бўшанг одам **2**; гўшт **2**; касал **2**; пиёздоғ **2**; қиймали **2**; сариёғ **2**; суюқ овқат **2**; туққан аёл **2**; умоч **2**; ёрма атала **2**; ёвғон атала **2**; зиғир ёг **2.***

Ушбу ассоциатив майдонда *атала* лексемаси билан ассоциатив боғланган қуйидаги миллий-маданий бирликларни ажратиш мумкин: *миллий таом, қиймали атала, суюқош, атала қилиш, аталамоқ, атала-умоч, бўшанг одам, қиймали, суюқ овқат, умоч, ёрма атала, ёвғон атала.*

Булардан қуйидаги бирликлар *атала* лексемаси билан лисоний омил орқали ассоциатив боғланган:

1) семантик тур-жинс муносабати асосида: *қиймали атала, атала-умоч, умоч, ёрма атала, ёвғон атала, қиймали;*

2) луғавий маъносидаги семалари асосида: *миллий таом, суюқ овқат, суюқош*;

3) кўчма маъно асосида: *бўшанг одам.*

4) сўз ясалишида асос қисм вазифасини бажаришига кўра: *атала қилиш, аталамоқ.*

Миллий таом ассоциациясини нолисоний омил асосида ҳосил бўлган дейиш ҳам мумкин. Аталанинг ўзбек миллий таоми эканлиги ҳақидаги билим ушбу ассоциациянинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Кўринадики, *атала* лексемаси ассоциатив майдонидаги миллий-маданий бирликлар асосан лисоний омил асосида ҳосил бўлган.

Хуллас, маданий ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига ҳам лисоний, ҳам нолисоний омиллар бирдек таъсир кўрсата олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017.
2. Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова, М. Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980.
3. Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). –Toshkent: «NAVOIY UNIVERSITETI» nashriyot-natbaa uyi. 2019.
4. Манликова М.Х. Ассоциативный словарь русской этнокультуроведческой лексики. – Фрунзе: Мектеп, 1989.
5. Стернин И.А. О понятии лингвокультурной специфики языковых явлений // Язык. Словесность. Культура. – М., №1, 2011.

PERIFRAZANING NOMINATIV XUSUSIYATLARI

Qodirova Zaynura Zaynidinovna
Termiz davlat universiteti o’qituvchisi

Annotatsiya: *maqolada tilshnoslikda nominativlik hodisasi va perifrazaning o’ziga xos nomlash xususiyatiga ega bo’lgan til hodisasi ekanligiga urg’u beriladi*

Kalit so’z: *nominativlik,individuallik, jargon, ikkilamchi nominatsiya, fikriy va hissiy nomlash, evfemizm, disfemizm, ideoma, umumiy nominatsiya, xususiy nominatsiya, belgi asosidagi nominatsiya, nisbiy nominatsiya, aralash asosdagi nominatsiya, geteronomiya*

НОМИНАТИВНОЙ ОСОБЕННОСТИ ПЕРИФРАЗЫ

Кадырова Зайнура Зайнидиновна
Преподаватель Термезского государственного университета

Аннотация: *в статье подчеркивается лингвистический феномен в лингвистике и языковой феномен с его собственным наименованием*

Ключевые слова: *номинация, индивидуальность, жаргон, вторичная номинация, интеллектуальное и эмоциональное именование, эвфемизмы, дисфемизм, идеома, общее номинация, частное номинация, номинальная номинация, относительная номинация, смешанная номинация, гетерономия*

NOMINATIV FEATURES OF THE PERIPHRASES

Kadirova Zaynura Zaynidinova
Lecturer at Termez State University

Annotation: *The article euphamisems the linguistic phenomenon in linguistics and the language phenomenon with its own naming*

Keywords: *nomination, individuality, jargon, secondary nomination, intellectual and emotional naming, euphemisms, dysphymism, ideomy, general nomination, private nomination, character based nomination, relative nomination, mixed nomenclature, heteronomy*

Tilimizning badiiy ifoda vositalari tilshunoslik va adabiyoshunoslik nuqtayi nazaridan o'rganib tahlil qilinagan. Tasviriy vositalarning manbayi badiiy matn va xalq donishmandligi asosida vujudga kelgan manbaalar hisoblanadi. Perifraza, idioma, evfimizm, disfimizm, sifatlash va shunga o'xshash til hodisalari jozibadorlik, ekspressivlikni shakllantiruvchi birliklar sifatida o'zbek tilshunosligiga XIX asrning 80 yillarida o'rganilib, lingvopoetikaning o'rganish ob'yekti sifatida e'tirof etildi. Yozma matnlar badiiy, ilmiy, publisistik, rasmiy va o'gzaki nutq asosida shakllatirilgan erkin matn kabi turlarga ajratiladi. Lingvopoetika esa aynan tasviriylik va ta'sirchanlik bilan yo'g'rilgan badiiy, publisistik matnning tahlili bilan shug'ullanadi. Tasviriylik va ta'sirchanlikni ta'minlovchi lug'aviy vositalarga nisbatan tilshunoslikda tasviriy ifoda, ikkilamchi nominatsiya, parafraza, peifraza kabi atamalar qo'llanilib kelmoqda. Bir istilohning turli nom bilan atalish hodisasi tilshunoslikda geteronomiya deyiladi[6]. Ya'ni, bu hodisa atamalarning turlicha nomlanishi sifatida qabul qilinadi. Sinonim - ma'nodosh, omonim - shakldosh, antonim-zid ma'noli yoki perifrazaning parafraza, tasviriy ifoda, ikkilamchi nominatsiya kabi nomlanishi shular jumlasidandir. Sinonim hodisasi bundan mustasno. Ma'lumki, sinonim o'ziga xos ma'no nozikligiga ega bo'lgan nutqiy hodisa hisoblanadi.

Perifraza strukturasiga ko'ra so'z birikmasiga va ko'chim sifatida frazeologizmlarga yaqin turadi. Perifrazaning o'ziga xos xususiyatlari tadqiqi uning bevosita nutqiy jarayonning hosilasi ekanligini ko'rsatadi. Bu esa jarayondan va shakldan kelib chiqqan holda nom berishni taqazo qiladi. Aynan shu jihatiga ko'ra perifrazani nominativlik asosida yuzaga keladigan hodisa deyishimiz mumkin.

Nominatsiya lot. “nomination” — nomlash, nom qo‘ yish, atash degan ma’nolarni anglatib, tilshunoslikda nomlash xususiyatiga ega bo‘ lgan, ya’ ni nolisoniy borliq unsurlariga nom berish va ularni ajratib ko‘ rsatish, ular haqida tegishli tushunchalarni shakllantirish uchun xizmat qiladigan til birliklari — so‘ zlar, so‘ z birikmalari, frazeologizmlar va gaplarni qamrab oladi. Nominatsiya nutq jarayonining natijasi hisoblangan ma’ noli til birligi ham ayni shu termin orqali ifodalanadi. Nominatsiya atamasi tilshunoslikning nomlash jarayonlari tarkibini o‘ rganuvchi bo‘ limini ma’nosini ifodalash uchun ham qo‘ llaniladi.

Nominatsiyada 3 jihat farqlanadi: nomlanuvchi ob’ yekt, nomlovchi sub’ yekt, tanlab olinadigan til unsurlari. Alohida tushuncha, predmet, belgi ("go‘ zallik", "kitob", "aytmoq", "yashil"), muayyan belgilari bo‘ lgan predmet ("yashil daraxt") yoki butun bir voqea-hodisa ("Bahor!", "Qushlar uchdi") kabilar nominatsiyaning ob’ yekti bo‘ lishi mumkin. Shu jihatdan nominatsiya lug‘ aviy va propozitiv nominatsiyaga bo‘ linadi. Nominatsiya jarayonida nomlash uchun asos sifatida tanlab olinadigan belgi nomning ichki shaklini tashkil etadi. Demak, ayni bir ob’ yekt o‘ zining turli belgilari asosida turlicha nomlanishi mumkin Masalan, "bolalar stulchasi" — mo‘ ljallanganlik; "katta stul" — hajm, shakl belgisini ifodalaydi. Nomning tashqi shakli nomlash jarayonida tanlab olinadigan leksik-grammatik vositalar bilan belgilanadi. Shu sababli ichki shakl jihatidan bir xil bo‘ lgan nomlar o‘ zlarining tashqi shakli bilan farqlanadi ("nuroniy" — "keksa odam" — "chol").

Tilning ichki rivojlanish qonuniyatlariga mos keladigan va muayyan til vakillari ehtiyojlariga javob bera oladigan nominatsiyalar, odatda, umumiste’ moldagi lug‘ at tarkibidan o‘ rin oladi. Lekin maxsus terminologik tushunchalar uchun yaratiladigan yoki tor ijtimoiy guruhlar doirasida (jargonlar), shuningdek, alohida muallif tomonidan so‘ z qo‘ llashda paydo bo‘ ladiganlar haqida bunday deb bo‘ lmaydi[1].

Bu o’rinda shuni ta’kidlash kerakki, xoh u barcha uchun tushunarli bo’lsin, xoh ayrim guruh vakillari leksikoni bo’lsin, har qanday turdagi predmetga, shaxs yoki voqea – hodisaga berilgan qayta nom nominatsiya sifatida qabul qilinadi.

Borliq hodisalariga qo’yilgan nomlarni turli jihatlariga ko’ra yana boshqa tushuncha bilan ifodalash ikkilamchi nominatsiya sifatida qaraladi. Tilda tasviriy vositalar, perifraza va idioma, jargon, argo, frazeologizmlarning hosil bo‘ lishi ikkilamchi nominatsiyaning alohida holatidir.

Rus tilshunosligida nominativlik tilshunoslik, onomastika, toponimika kabi tarmoqlarda alohida ta’rifiga ko’ra ajratiladi[1].

Onomastikada nomlanish jarayoni va natijasi. Toponimikada geografik obyektlarning paydo bo’lishi, o’zgarishi va qayta nomlanish tarixi.

Zamonaviy tilshunoslikda nominatsiya keng va tor ma’noda tushuniladi. Tor ma’nosi obyektlarni so’z va iboralar orqali belgilash[2.208] , keng manoda esa inson ongidagi barcha narsalar, shaxslar, harakatlarga munosabatni ifodalaydi[3.234].

Demak, obyektlarni, hodisalarni, ularning xususiyatlaridan kelib chiqqan holda yakka shaxs yoki jamoa tomonidan milliylik, tafakkur, individuallik va gender o'ziga xoslik asosida atalishi va atalish etimologiyasi nominativlik deyiladi. Masalan, musulmon olamida yuzning kulchaday bo'lishi va kulcha shakl jihatidan to'lin oyga qiyoslanishi ya'ni kulcha yuzli, oy yuzli kabi nomlanishlar go'zallik va istaralilik belgisi hisoblansa, Xitoy xalqi uchun yuzning qovoq urug'iga o'xshatilishi chiroy hisoblanadi. Bu nominatsiyaning milliylik va mentalitet asosida yuzaga kelishidan dalolat beradi. Ichki mazmun jihatidan umumiy, xususiy, belgi asosidagi, nisbiy hamda aralash asosdavujudga keluvchi nominatsiya kabi turlarga bo'linadi[2.209].

Perifrazaning asosiy yuzaga kelish omili ham, aynan, tafakkur hisoblanadi. Ya'ni atrof - muhit hodisalari tasavvur va xulosalar asosida tahlil qilinadi va qayta nomlanadi. Shuningdek, ayrim shaxs yoki hodisalarga nom berishda tafakkur birlamchi hisoblanadi. Ya'ni, bug'doyning baraka urug'i nomi bilan atalishi, fikrlash asosida yuzaga kelgan nominatsiyadir. Shuningdek, A.Novikovning perifrazalar lug'atida[7] olovga qizil xo'roz, shaxmatga aql gimnastikasi, karate jangchisiga zamonaviy gladiator, Venetsiyaga suvdagi shahar, atirgul moyiga nisbatan esa hushbo'y oltin kabi perifrazaik birliklar qo'llaniladi. Bu kabi nomlash asosida yuzaga kelgan perifrazalar fikriy, tasavvuriy perifrazalar hisoblanadi.

V.G.Gak perifrazik nominatsiyani xususiyatlariga ko'ra analitik va frazeologik; ichki jihatiga ko'ra mavhum va majoziy (metaforik va metanomik); semiotik jihatdan esa sodda va tushunarsiz turlariga ajratadi[2.209].

Og'zaki nutq hosilasi bo'lgan analitik nominatsiyasiga fasllar kelinchagi (bahor), o'rmon sanitari(bo'ri); frazeologik nominatsiyaga olamning yaratuvchisi (olloh), jannat mevasi (anjir) kabilar misol bo'la oladi.

Nomlanishdagi yosh va jinsga ko'ra farqlanishga "ona" leksemasi misolida olib qarasak, ona yosh bolalar uchun "hamma narsaga qodir himoyachi", katta yoshlilar uchun "duogo'y inson", qizlar uchun "ishonchli sirdosh", yigitlar uchun "dunyodagi eng pokiza inson" qiyofasida gavdalanadi va shu ta'riflar orqali nomlanadi.

Keltirilgan fikr va qarashlar shundan dalolat beradiki, borliqdagi barcha elementlarni 2 xil asosda nomlaymiz: fikriy va hissiy. Bu tarzda nomlanish lingvistik nominatsiyaning mohiyatini to'laqonli ochib berishga xizmat qiladi.

Bizni qurshab turgan olam hodisalarining atalishi birlamchi nominatsiya, o'sha hodisalarga inson tomonidan berilgan qo'shimcha nom ikkilamchi nominatsiya hisoblanadi. Shu jihatdan tilshunos olim R. Normurodov[4.10] o'z tadqiqotida perifraza atamasi ma'nosida ikkilamchi nominatsiya atamasini qo'llaydi.

Perifraza tanlangan ob'ektlar va hodisalarni nomlabgina qolmay, balki ularni tasvirlab ham beradi va unda tasvirlovchining o'z shaxsiy munosabati ham singdiriladi[2.208]. Bu esa perifrazada nominativlikning tafakkur asosida yuzaga kelishi ustunlik qilishini bildiradi.

Nominatsiya ya'ni atash natijasida biz ifoda etmoqchi bo'lgan predmet yoki voqea - hodisani o'ziga xos tashqi ko'rinishi va bajaradigan vazifasi haqida tinglovchida tasavvur paydo bo'ladi. Bunda ilk tasavvur ham aynan nomlash natijasida paydo bo'ladi. Masalan, qora oltin - ko'mir va neft leksemasi o'rnida qo'llanilib, qora so'zi ko'mirning ham neftning ham rangi qora ekanligiga ishora qiladi. Shuning uchun biz perifrazani leksemaning ikkinchi nomi sifatida qabul qila olamiz. Ko'chim aynan matn ehtiyojiga bog'liq ravishda yuzaga keladi. Bu esa badiiy bo'yoqdorlik yoki ekspressivlikning kuchlilik darajasi bilan o'lchanadi.

Tilning poetik vazifasi masalasiga birinchilardan bo'lib R.Yakobson o'zining "Lingvistika i poetika" asarida e'tibor qaratgan bo'lib, badiiy adabiyot nimani ifodalashi bilan emas balki qanday ifodalashi bilan ahamiyatlidir deydi.

O'zbek tilshunos olimi Nizomiddin Mahmudov "Estetik vazifa tilning asosiy kommunikativ vazifasini qulaylashtiradi, uning imkoniyatlarini boyitadi[5]"- deb ta'kidlaydi. Tilning vazifalari turli nutq vaziyatlari va uslubi uchun xos bo'ladi. Vaziyatga mos holda so'z yoki birikma tanlash va tanlangan so'zga mos tarzda libos kiydirish perifrazaning yuzaga kelishiga sabab bo'ladi va bu hosila nominativlik hodisasi mahsuli hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. https://uz.wikipedia.org
2. Грехнева. Л.В. Особенности перифрастической номинации. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009, № 6 (2), с. 207–210
3. Языковая номинация. Общие вопросы. М.,1977.
4. Нормуродов Р.У. Ўзбек тилида иккиламчи номинация ва унинг ижтимоий – лисоний хусусиятлари. Toshkent 2011
5. Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси// Фиолология масалалари. 2006, N2(11)
6. https://ru.wiktionary.org
7. Новиков А. Б. Словарь перифраз русского языка(на мате- риале газетной публицистики). — М.: Рус. яз., 2004. — 352 с.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУЮҚЛАРИ

Абдулҳамид Қурбонов,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, НамДУ доценти

Аннотация *Алишер Навоий туюқлари миқдор жиҳатидан унчалик кўп эмас. Аммо шундай бўлса-да, шоир бу жанрни ҳам гоявий, ҳам шаклий жиҳатдан янги тараққиёт погонасига кўтарди. Шоир ижодида тажниснинг турли кўринишлари,*

жумладан тажниси мураккабнинг икки, уч ва ҳатто тўрт сўзга асосланган кўринишлари мавжуд.

ТУЮГИ АЛИШЕРА НАВОИ

Абдулхамид Курбанов,
доктор философии по филологическим наука, доцент НамГУ

***Аннотация**: Тюги Алишера Навои не так многочисленны, как газели. Но несмотря на это, он этот жанр и по содержанию, и по форме поднял на новую ступень развития. В творчестве поэта наряду с другими, встречается и такой вид тажниса, как тажниси мураккаб (составной тажнис), который состоит из двух, и даже из трех слов.*

***Калит сўзлар**: Алишер Навоий, туюқ, тажнис, тажниси томм, тажниси мураккаб, сўз ўйини.*

TUYUGS OF NAVOI

Abdulkhamid Kurbanov,
Doktor of philosophi philology, dots. NamSU

***Annotation:** Alisher Navoi's tuyugs are not as numerous as ghazals. But despite this, he raised this genre both in content and in form to a new stage of development. In the poet's work, along with others, there is such a form of tazhnis as "tazhnisi murakkab" (composite tazhnis), which consists of two, and even three words.*

***Keywords:** Alisher Navoi, tuyug, tajnis, tajnisi tomm (full tajnis), tajnisi murakkab (composite tajnis), pun.*

Алишер Навоий адабиётимиз тарихида туюқнинг биринчи назариётчиси бўлиш билан бирга, унинг тараққиётига катта ҳисса қўшиб, туюқ жанрининг ноёб намуналарини яратган моҳир сўз санъаткори ҳамдир. Навоий девонида ҳаммаси бўлиб ўн учта туюқ мавжуд. Бироқ ана шу бир нечта туюқнинг ўзида ҳам Навоийнинг юксак поэтик маҳорати намоён бўлиб туради.

Алишер Навоийнинг туюқлари ҳам унинг бошқа жанрлардаги асарлари каби юксак санъаткорлик билан битилган. Улар ўзининг ажойиб шакли, тажнислари, чуқур ҳаётий мазмуни, жозибадорлиги билан кишига катта бадиий завқ бағишлайди.

Ул парий ишқида бу девонани,
Эйки, истарсен, келиб гулханда кўр.
Бир қадаҳ ул гулни хандон айлади,
Эй кўнгул, наззора қил, гул ханда кўр.[1, 518-бет.]

Ушбу туюқ-қитъа ошиқнинг ишқий кечинмалари ва маъшуқанинг ҳусну жамолини тасвирлашга бағишланган бўлиб, унда «***гулханда***» ва «***гул ханда***» сўзлари тажнис ҳосил қилган. Биринчи байтда тасвирланишича, париваш маъшуқа ишқи ошиқни девонага айлантирган: *Менинг ҳолим қандай эканлигини билмоқчи бўлсанг,* –

дейди у, – *гулханда ёнмоқдаман, мени келиб гулханда кўр*. Мазкур ўринда ***«гулханда»*** сўзнинг маъноси *гулхан, олов ичида*.

Иккинчи байтда шоир гўзал маъшуқани гулга ўхшатади. Бир қадаҳ май гул юзли маъшуқани хуш-хандон айлайди. Гул юзли маъшуқани, бунинг устига, хуш-хандон гул юзли маъшуқани кўриш – ошиқ учун олий саодат. Шунинг учун: *Эй кўнгул,* – дейди у, – *уни наззора қил, гулни ханда қилаётган чоғда кўр.* ***«Гул ханда»*** сўзининг маъноси *кулаётган гул* бўлиб, бу ўринда у икки сўздан иборат: *гул ва ханда*.

Бовужуд ул юз эрур гулгунасиз,
Ким кўринур оллида гул гунасиз.
Юз қизиллик йўқтурур, эй аҳли зуҳд,
Токи мункирсиз майи гулгуна сиз. [1, 518-бет.]

Ушбу туюқда ***«гулгунасиз», «гул гунасиз», «гулгуна сиз»*** сўзлари тажнис ҳосил қилиб, Алишер Навоийнинг май ва унинг инсон камолотида тутган ўрни ҳақидаги фикрларининг таъсирчан ифодаси учун хизмат қилган. Дастлабки мисраларда шоир зоҳиран маъшуқанинг, ботинан эса комил инсоннинг ҳуснини улуғлайди. Туюқда юзнинг қизиллиги комиллик нишонаси сифатида талқин қилинган. Биринчи мисрада «гулгунасиз» сўзи гулгунага эга бўлмаслик маъносида келган. Бу мисрада «гулгуна» сўзининг маъноси юзни қизартириш учун суртиладиган упа-элик ёки ғоза. Биринчи мисранинг маъноси: Ўша (яъни таърифланаётган) юз гулгунасиз, яъни ғозасиз бўлса ҳам.

Иккинчи мисрадаги «гулгунасиз» икки сўздан иборат: гул ва гунасиз. Гулнинг маъноси маълум, гуна эса юзнинг ранги маъносида келган. Иккинчи мисранинг маъноси: Шундай бўлса ҳам, яъни упа-элик суртиб қизартирилмаган бўлса ҳам, гул унинг олдида гунасиз, яъни рангсиз кўринади. Тасвирланаётган инсоннинг юзи ҳеч қандай пардоз-андозсиз қизиллик топган.

Тўртинчи мисрада ҳам мазкур тажнис икки сўздан иборат, аммо иккинчи мисрадаги гул гунасиздан тузилашига кўра фарқ қилади: гулгуна сиз. Гулгуна сўзи икки қисмдан иборат: гулгун+а. Гулгуннинг маъноси қизил, «-а» жўналиш келишигининг қўшимчаси бўлиб, гулгуна қизилга, майи гулгуна бирикмасида эса қизилга майга деган маънони билдиради.

Учинчи ва тўртинчи мисраларда шоир зуҳд аҳлига мурожаат қилади. Зуҳд аҳли ёки зоҳид анъанавий образ бўлиб, у ўтмиш адабиётида ишқ ва ошиқликдан бегона, жоҳил кишиларнинг рамзи сифатида талқин қилинган. Ишқ аҳли – ошиқ билан зуҳд аҳли – зоҳиднинг мақсад-интилишлари ўртасида кескин зиддият бор. Зоҳиднинг мақсади нариги дунёда жаннатга тушиш, жаннат роҳат-фароғатларидан баҳраманд бўлиш. Жаннатга тушиш учун эса кечаю кундуз тоат-ибодат билан машғул бўлиш керак. Ошиқнинг мақсади эса жаннат эмас, Аллоҳнинг висоли. Аллоҳ висолига етишиш учун эса тоат-ибодатнинг ўзи кифоя қилмайди, бунинг учун кўнгилда ишқ бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам туюқнинг лирик қаҳрамони зуҳд аҳлига мурожаат қилиб айтадики, Эй зуҳд аҳли, токи гулгуна (қип-қизил май)

ни инкор этар экансиз, Юзингиз ҳеч қачон қизармайди. Бу ерда май сўзини ҳам изоҳлаш лозим. Май сўфиёна шеъриятда энг кўп қўлланган тимсоллардан бири бўлиб, одатда ё ишқ, ёки висол маъносида келади. Агар майнинг ушбу маъноларидан келиб чиқадиган бўлсак, сўнгги байтни шундай талқин қилиш мумкин: Эй зуҳд аҳли, токи ишқни инкор этар экансиз, ҳеч қачон комил инсон бўла олмайсиз.

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,
Қўймади бир зарра бағримни бутун.
Тунга бориб бизни беҳол айладинг,
Не балолиғ ер эмиш, ё Раб, бу тун. [1, 518-бет.]

Туюқнинг мазмунида севган кишисидан айрилиш, жудолик, ҳижрон аламларининг тасвири ётади. Бу ҳолат тун бағрида, тун сўзининг маънолари билан боғлиқ ҳолда баён қилинган. Шеърда тажнис бўлиб келган сўз «бутун». ***«Бутун»*** уч маънода қўлланган: *1) бу кеча; 2) бутун, яхлит, соғ; 3) бу Тун* (жой номи).

Биринчи байтда лирик қаҳрамон ҳижрон азобларидан шикоят қилади: *Чарх*, – дейди у, – *бу тун ҳижрон ханжарини санчиб, бағримнинг бир парчасини ҳам бутун қўйгани йўқ*. Ҳар икки тажнис сўз ҳам туюқ мазмуни ва лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати билан узвий боғланиб кетган. Биринчи мисрадаги «бутун» сўзининг маъноси *бу кеча*. Кеча сўзининг маъноси қоронғилик. Шунинг учун шоир шу сўзга мазмунан мос бўлган ҳижрон тасвирини олиб киради, *чарх* ва *ханжар* сўзлари эса қоронғилик маъносини қуюқлаштиради. Сўзлар маъносидаги алоқадорлик ***таносуб санъатини*** юзага келтирган: ***тун, ҳижрон, чарх, ханжар***.

Иккинчи мисрадаги «бутун» сўзининг маъноси бутун, яхлит, соғ. Энди шоир сўзнинг бу маъносига мос санъат яратади: *Ҳижрон ханжари*, – дейди лирик қаҳрамон, – *бағримнинг заррача жойини ҳам бутун қўймади*. *Бутун ва зарра* сўзлари мазмунан бир-бирига зид бўлиб, ***тазод санъатини*** *ҳосил қилган.*

Иккинчи байтда ҳам жудолик аламларидан шикоят давом этирилган: *Тунга бориб бизни беҳол айладинг, ё Раб, қандай бало экан бу тун*, – дейди у. Байтда шоир «тун» сўзи билан боғлиқ жуда ажойиб сўз ўйини қилган. Гап шундаки, учинчи мисрадаги «тун» бирданига икки маънода қўлланган. Бир сўзни икки маънода қўллаш ***ийҳом санъатини*** юзага келтирган. У байтни ва ундаги тажнис сўзларни бирданига икки маъноли қилиб қўйган. Агар бутун туюқда тасвирнинг тун билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқилса, учинчи мисра бошидаги «тун»ни кечаси деб ўйлаш мумкин. Унда туюқнинг маъноси қуйидагича бўлади: *Кечаси билан ҳижрон ханжари бағримни қийма-қийма қилди, тунга – ярим кечасига бориб ҳолдан тойдим, ё Раб, қандай бало экан бу тун?*

Лекин байтни фақат шундай маънодагина тушуниш етарли эмас. Чунки «тун» сўзининг бошқа маъно билдиришига ҳам ишора бор: *Не балолиғ ер эмиш, ё Раб, бу тун*, – дейди шоир. ***Ер*** вақтга эмас, жой номига нисбатан қўлланадиган сўз. Шундан келиб чиқиб, тун сўзини Тун деган жойнинг номи деб ўйлаш мумкин. Ҳақиқатан

ҳам, Хуросонда Тун деган шаҳар мавжуд. У ҳолда байтнинг мазмуни қуйидагича бўлади: *Тун (шаҳри) га бориб, бизни беҳол қилдинг, ё Раб, бу Тун қандай бало Тун эканки, у бизни ёрдан жудо қилиб, шу аҳволга солди?!*

Навоий ўзидан аввал туюқнавислик соҳасида тўпланган анъаналарни давом эттириб, тажнис яратишнинг хилма-хил усулларини ишга солади. Шоир ижодида тажниси мураккабнинг анъанавий кўринишлари билан бирга, аввалги давр шоирларининг ҳеч бирида учрамайдиган алоҳида турлари ҳам мавжуд. Чунончи, у туюқларидан бирида бир йўла уч сўздан ташкил топган тажнис ишлатади:

Ўткали ул сарви гул рухсоридин,
Йўқ хабар, ул сарви гулрух соридин.
Ҳажридин боғ ичра берур ёдима,
Қоматидин – сарву гул – рухсоридин. [1, 518-бет.]

Мазкур туюқда тажнис бўлиб келувчи сўзлар бирикмаси «***сарвигулрухсоридин***». Навоий ушбу бирикмани уч мисрада уч марта уч хил сўзга ажратиб, жуда мураккаб сўз ўйини қилади. Ушбу туюқ ҳам шоирнинг кўпгина туюқлари сингари ҳижрон мавзуида. Биринчи мисрада «сарвигулрухсоридин» бирикмаси «сарви гул рухсоридин» тарзида бўлинган: *Ўткали ул* ***сарви гул рухсоридин***». ***Сарв*** *– тик ва чиройли ўсадиган дарахт*, шунинг учун ўтмиш адабиётида маъшуқанинг қомати сарв дарахтига ўхшатилган. Гулнинг маъноси маълум. ***Рухсор*** *юз, чеҳра* дегани. Бирикмадаги ***сарви гул*** мажозий маънода қўлланган бўлиб, шоир ***сарви гул*** деганда маъшуқани назарда тутади. Мисранинг мазмунини шундай ифодалаш мумкин: *Ўша сарви гул, яъни маъшуқанинг рухсоридан – юзи, чеҳрасидан жудо бўлганимдан бери*.

Иккинчи мисра: *Йўқ хабар сарви гулрух соридин.* Мисрада тажнисли бирикманинг қайта бўлиниши натижасида ***сарви гулрух*** ва ***сори*** сўзилари юзага келган. ***Гулрух***нинг маъноси *гулюз, гулчеҳра*. ***Сори*** эса *сари, томон* маъноларини билдиради. ***Сарви гулрух*** деганда ҳам шоир маъшуқани назарда тутади. ***Сарви гул***нинг маъноси сарвгул бўлса, сарви гулрухнинг маъноси гул юзли сарв. Мисрада шундай фикр ифодаланган: *Ул гул юзли сарв, яъни маъшуқа томондан хабар йўқ.* Энди байтнинг маъноси қуйидагича бўлади: ***Сарви гул****(нинг)* ***рухсоридан*** *(чеҳрасидан) жудо бўлганимдан бери ўша* ***сарви гулрух*** *(гул чеҳрали сарв)* ***соридан*** *(томондан) бирор хабар йўқ.*

Иккинчи байтда ҳижрон мавзуси янада чуқурлаштирилган. Гул юзли маъшуқасидан хабар топмаган ошиқ маъшуқанинг ёдида боғ ичра сайр қилар экан, боғдаги сарв унинг қоматини, гул эса рухсорини ёдига солади: *Ҳажридин боғ ичра берур ёдима қоматидин – сарву, гул – рухсоридин.* Бу байтда «сарвигулрухсоридин» бирикмаси «қоматидин сарву гул рухсоридин» тарзида бўлиниб, қомати сарвга, юзи эса гулга ташбеҳ қилинган.

Шундай қилиб, Алишер Навоий тўрт қисмли мураккаб тажнис яратиб, «сарвигулрухсоридин» бирикмасини уч маънода келтирган: 1) ***сарви гул рухсоридин***

– *сарви гулнинг чеҳрасидан*; 2) ***сарви гулрух соридин*** – *гул юзли сарв томондан*; 3) қоматидин ***сарву, гул рухсоридин*** – *қоматидан сарву гул чеҳрасидан*.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий туюқлари, гарчи уларнинг миқдори унчалик кўп бўлмаса ҳам, шоирнинг ғазал, мухаммас, таржеъбанд, маснавий, қитъа, рубоийлари қаторида турадиган баркамол асарлардир. Алишер Навоий туюқ жанрини ҳам ғоявий, ҳам шаклий жиҳатдан янги тараққиёт поғонасига кўтарди. Шоир туюқларида тажниснинг турли кўринишлари: тажниси том, тажниси мураккаб санъатлари муваффақият билан қўлланган. Шоир мураккаб тажнис яратишда, айниқса, катта маҳорат кўрсатган. Кўриб ўтганимиздек, шоир туюқларида тажниси мураккабнинг икки, уч ва ҳатто тўрт сўзга асосланган кўринишлари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фан, 1990, 518-бет.
2. Алишер Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фан, 1990, 518-бет.
3. Алишер Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фан, 1990, 518-бет.
4. Алишер Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фан, 1990, 518-бет.

ЭЖЕН ДАБИНИНГ “PETIT LOUIS” РОМАНИДА ЛИСОНИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Дадабоев Саминжон Мамажонович
НамДУ немис ва француз тиллари кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада Эжен Дабининг француз тилидаги феъл майллари, лисоний восталардан ҳамда ўхшатишлардан мохирона фойдаланганлиги мисоллар орқали таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *персонаж,тақдир,маскан, лисоний тасвир, сокин дарё, ўхшатиш, таъсирчанлик, қувонч, ташвиш, сюжет.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЛИНГИВИСТИЧЕСКИХ ОПИСАТЕЛЬНЫЙ СРЕДСТВ В РОМАНЕ ЭЖЕН ДАБИ ”МАЛЕНКИЙ ЛУИ”

Дадабоев Саминжон Мамажонович
НамГУ старший преподаватель кафедры немецкого и французского языка

Аннотация: *В статье с помощью примеров анализируется умелое использование Эженом Даби наклонение глаголов языковых средств французского языка а также сравнение.*

Ключевые слов: *персонаж, судьба, место жительство, лингвестическое изображение,тихая река, сравнение, чуствителность, радость, заботы, сюжет.*

THE ARTICLE DISCUSSES HOW EDJEN DOBB USED LINGUISTIC DISCREPTIVE MEANS IN THE NOVEL ”LITTLE LUI”

Dadaboyev Saminzhon Mamazhonovich
Teachers of Namangan state university

Annotation: *The article is analyzed examples of the execellent use of linguistic means and similies in french verbs of Ejin Dobb.*

Key words: *personage, fate, linguistic image, quite river, imitation, sensativiti, joy, anxiety, plot.*

Эжен Даби романларида бутун диққат-эътиборини ўзи тасвирлаётган одамларга қаратади. Бу эътибор асосан бир нуқтага жамланган бўлади, зеро адибни асар персонажларининг тақдири бош қаҳрамон тақдиридан кам қизиқтирмайди. Бош қаҳрамон фақат расмий жиҳатдангина бош қаҳрамон бўлиб қолади, зеро у таянч нуқтаси вазифасини ўтайди, холос. Митти Луи, жумладан, шундай қаҳрамонлардан бири (Petit Louis, 1930). Унинг тақдири бутун оиласининг тақдиридир. Романдаги воқеалар Биринчи жаҳон уруши йиллари бўлиб ўтади. Воқеалар бўлиб ўтадиган маскан – Парижнинг шимолий мавзелари. Улар бўлиб ўтадиган муҳит – оддий ҳунармандлар оиласи. Уруш яқин одамларни бир-биридан жудо қилади. Асар сюжети ва унинг драматизми ҳам шу мавзуга бағишланган. Оила аъзолари машъум, фалокатли онларда ўзларининг арзимас қувончларини, шодликларини сақлаб қолишга интиладилар. Бироқ урушни тўхтатиш уларнинг қўлида эмас. Аммо оиланинг омади бор экан: ота ва ўғил урушдан соғ-омон қайтишади, яна одатдаги қувончу ташвишлар бошланади, яна уйда қозон қайнайди.

Мисоллар адибнинг 1967 йил Париждаги «Gallimard» нашрётида чоп этилган «Petit Louis» романидан олинган, уларнинг ўзбекча таржималарини ўзимиз амалга оширдик.

Романда адиб бош қаҳрамон - Митти Луи ва унинг оила аъзолари тасвирида, бошқа персонажлар ва ҳолатлар тасвирида лисоний тасвир воситаларидан – **метафора, метонимия, синекдоха, вульгаризм, варваризм, диалектизм (шева), жаргон**лардан унумли фойдаланган.

Ўхшатиш бадиий адабиётда кенг қўлланилади. Ёзувчилар муаян нарса-ҳодиса ёки унинг белгилари ҳақида китобхон онгида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида уни қандайдир бошқа, танишроқ нарса-ҳодисага ёхуд унинг белгиларига ўхшатадилар. Ўтмишда мумтоз ўзбек адабиётида ўхшатиш ташбиҳ деб ҳам юритилган. Ўхшатишлар ўзбек тилида “дек”, “дай”, “ўхшаш”, “худди”, “монанд”, “гўё”, “мисли”, “сингари”, “каби”, “янглиғ”, “симон” каби сўз ва қўшимчалар

ёрдамида юзага келтирилади. Француз тилида эса улар «comme», «samblable», «que», «pour», «autant que», «surtout que» шаклларида келади.

Э.Даби пейзаж тасвирида ўхшатишлардан унумли фойдаланади. Асар персонажларидан бири, Митти Луининг таниши Дадининг ҳикоясида биз қуйидаги тасвирга дуч келамиз:

"Dadi racontait avec sa voix douce, un peu essoufflée les histoires de ces oiseaux qui volaient longtemps au dessus de la campagne, quand la terre glissait sous eux avec ses rivières en méandres, les petits arbres plantés le long des routes pareilles à des rubans noires, les maisons aux toits rouges et gris les fermes entourées de champs de toutes les couleurs, les prairies, les collines, les montagnes qui ressemblaient à des tas de cailloux."[1]

Таржимаси: "Дади ширали ва паст оҳангда, биороз ҳовлиқиброқ далалар узра узоқ вақт учадиган қушлар, уларнинг қанотлари остида айланаётган замин коптоги, буралиб-буралиб оқувчи дарёлар, қоп-қора лентага ўхшаган йўлларнинг чеккаларига экилган буталар қизил ва кулранг томли уйлар, турли рангларда товланувчи далаларни ўраб олган фермалар, ўтлоқлар, адирлар, бир уюм тошдек кўринадиган тоғлар ҳақида сўзларди."

Бу ҳикояда юқоридан қаралганда асфальтланган йўллар қора лентага, тоғлар эса бир уюм тошларга ўхшатилади.

Қушларнинг қанотлари остида заминдаги шовқун-сурон эшитилмайди. Машиналар моторларининг овози сокин оқаётган дарёга ўхшайди:

"Autour de l'esplanade les autos roulaient en faisant un bruit doux comme l'eau et les lumières des maisons s'éteingnaient une à une."[1]

Ўзбекчада: "Майдон атрофида машиналар оқаётган сув мисоли товушсиз бурилиш ясар, уйларнинг чироқлари бирин-кетин ўчишга бошлаган эди."

Митти Луи ҳам катталардек тер тўкиб меҳнат қилади. Ҳар тонг туриб, ишга отланар экан у қуёшнинг чиқишини кузатади:

"Le soleil n'apparaissait pas tout de suite, mais il sentait son arivée, de l'autre côte de l'horizon, montait lentement comme une flamme qui s'allume." [2]

Таржимаси: "Қуёш бирданига пайдо бўлмасди, бироқ бола унинг ҳозир уфқнинг нарги томонидан аста аланга олаётган маъшалдек чиқиб келишини ич-ичдан ҳис қиларди."

Ёзувчи асарнинг деярли ҳар бир саҳифасида ўхшатишлардан фойдаланади. Бундай кетма-кет ўхшатишлар асарда тасвирланаётган нарса-ҳодисаларнинг ёки инсонларнинг бир неча белгисини ёрқинроқ ҳолда юзага чиқаришга имкон беради.

Худди сифатлаш сингари ўхшатиш ҳам маълум ҳиссийлик, таъсирчанлик бўёғига эга бўлиб, муаллифнинг тасвирланаётган нарса-ҳодисаларга муносабатини ифодалашга қаратилган.

Ишга кетаётган Митти Луи ўзини жуда кичик, паст бўйли ҳис қилади. Унинг атрофидаги одамлар "баҳайбат дарахтлар"га, уларнинг "юзлари" эса "кўп қаватли уйларнинг балконлари"га ўхшатилади.

Аслиятда: «Il marchait au ras du mur, et les gens autour de lui devenaient hauts comme des arbres, avec des visages lointains, comme les balcons des immeubles.»[2]

Ўзбекчада:

"У деворга ёпишиброқ юриб борар, атрофдаги одамлар эса баҳайбат дарахтларга, уларнинг юзлари кўп қаватли уйларнинг балконларига ўхшаб қолаёзган эди.»

Митти Луи йўлда турфа одамларга учрайди, турли ҳодисаларни кузатади. Мана, у канал бўйида варрак учириб юрган одамни кўрди. Бу ерда варрак ҳам унга баҳайбат бўлиб кўринади:

«Le grand papillon jaune et noir avait plané un instant á quelques métres de la mer, puis l'homme avait tiré sur le fil et il s'était carbé.»

Таржимаси:

"Баҳайбат сариқ-қора капалак бир неча лаҳза денгизга яқинроқ жойда учиб турди, кейин эгаси унинг ипидан тортган эди, варрак ҳавога кўтарилди."

Ёки

Аслиятда: «Tout le monde avait la tête renversé en l'air et regardait le grand papillon.» [3]

Ўзбекчада: "Ҳамма кўзларини осмонга тикиб, ҳамон парвоз қилаётган улкан сариқ-қора капалакни кузатарди."

"Баҳайбат капалак" учишдан тўхтади. Эгаси уни қопга солиб, уйига қайтишга шайланади:

«Il se levait et il enveloppait le grand papillon jaune et noir dans une feuille de plastique.»[3]

- "У ўрнидан турди ва баҳайбат сариқ-қора капалакни пластик халтага солди.»

Э.Даби француз тилининг лисоний воситаларидан унумли фойдаланади. У ўз асарларида қўллаган лисоний унсурлар асарларнинг таъсирчанлигини оширади, бадиий қийматини кўтаради.

Ўз асарларида ҳикоя тилида сифатида "Passé simple" замонини қўллаган адиблардан фарқли ўлароқ, Э.Даби асосан "Imparfait"дан фойдаланади. Бу ҳикоянинг равон ва ҳаққоний чиқишда муҳим рол ўйнайди.

Э.Даби француз феълларининг турли майлларини муваффақиятли ишлата олади. У айниқса conditionnel, subjonctif, impératif ни ёқтиради. Бу майллар муаллиф ғояси ва асар мавзусини ёритишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Э.Даби бадиий тасвир воситаларидан ва лисоний унсурлардан моҳирона фойдаланади. Персонажлар портретларини яратишда, уларнинг руҳий ҳолатини тасвирлашда француз тилининг бой имкониятларини қўллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Dabit Eugène. Petit Louis. - Paris: Gallimard, 1967. – P.30.
2. Dabit Eugène. Petit Louis. - Paris: Gallimard, 1967. –P.31.
3. Dabit Eugène. Petit Louis. - Paris: Gallimard, 1967. – P.53
4. Ахманова О.С., Гюббенет И.В. «Вертикальный контекст» как филологическая проблема. — Вопросы языкознания, 1977, № 3.
5. Ахманова О.С., Задорнова В.Я. О филологическом подходе к переводу классической поэзии. — В кн.: Проблемы общего и германского языкознания: [Сб. статей, посв. проф. Н.С. Чемоданову]. - М., 1978.
6. Ахманова О.С., Задорнова В.Я. Теория и практика перевода в свете учения о функциональных стилях речи. //Лингвистические проблемы перевода: Сб. статей]. - М., 1980.
7. Даби Эжен. Газета сотувчи кампир. –"Саодат" журнали, 2010 йил № 4.
8. Дима Александр. Принципы сравнительного литературоведения. - М.: Прогресс, 1977. – 149 с.
9. Eugène Dabit. Petit Louis. - Paris: Gallimard, 1967.

GRAMMATIKADA TIZIMLI HODISALAR TO'G'RISIDA

Muminov Mels Tursunovich, filologiya fanlari nomzodi
Xolmatova Zarina, Andijon davlat universiteti magistranti

Anotatsiya: *Maqolada nosimmetrik va tizimli tilni buzadigan grammatik shakllar va toifalardagi (tizim kategoriyasi, animatsiya, jonsiz sonlar soni, jins) tizimli hodisalar tahlil qilinadi.*

Shuningdek, ba'zi grammatik hodisalarning mohiyatini chuqurroq o'rganish va til hodisalarini baholashda o'rnatilgan stereotiplarni qayta ko'rib chiqish taklif etiladi.

Kalit so'zlar: *til tizimi, normuslar tizimi, tizimlilik, paradigma, assimetrik dualizm, til belgisi, animatsiya, jonsizlik, pasaymagan otlar, interfeys.*

ОБ АСИСТЕМНЫХ ЯВЛЕНИЯХ В ГРАММАТИКЕ

Муминов Мелс Турсунович, к.ф.н. Андижанского государственного университета
Холматова Зарина, магистрантка Андижанского государственного университета

Аннотация: *В статье анализируются асистемные явления в грамматических формах и категориях (категория падежа, одушевленности, неодушевленности категории числа, рода), нарушающих симметрию и системность языка.*

Также предлагается глубже вникнуть в сущность некоторых грамматических явлений и пересмотреть устоявшиеся стереотипы в оценке лингвистических явлений.

Ключевые слова: *система языка, система норма узус, асистемность, парадигма, асимметричный дуализм, языковой знак, одушевленность, неодушевленность, несклоняемые существительные, интерфикс.*

ON ASYSTEMIC PHENOMENA IN GRAMMAR

Muminov Mels Tursunovich, Andijan State University teacher
Xolmatova Zarina, Andijan State University Magistrant of the magis

The article analyzes asystemic phenomena in grammatical forms and categories (the category of case, animation, inanimate category of number, gender) that violate the symmetry and systematic language.

***Abstract**: It is also proposed to delve deeper into the essence of some grammatical phenomena and to revise the established stereotypes in assessing linguistic phenomena.*

***Keywords:** system of language, system of normus, systemicity, paradigm, asymmetric dualism, language sign, animation, inanimateness, non-declining nouns, interfix.*

Языковая система является открытой и динамичной, поэтому в ней могут сосуществовать как системные, так и несистемные явления. Асистемные языковые факты обычно характерны для языковой периферии. О них писал Р.А. Будагов: «Какой-либо природный язык, сохраняя свой системный характер, по своей природе не сводится и не может сводиться к сумме разных схем, которые будто бы определяет её сущность и особенности его функционирования…». Единицы языка всех уровней не укладываются в систему, при этом за пределами системы нередко оказываются как раз наиважнейшие свойства и явления [1,с. 3 – 17.]

Система языка постоянно тяготеет к равновесию, но никогда не достигает его полностью. По этой причине она постоянно развивается и находится в состоянии относительного равновесия. То есть причина развития языка в значительной мере заложена в самом языке.

Строгость системный организации языка на разных его уровнях различна. Говоря о системном характере языка, следует, очевидно иметь в виду литературный язык, который наиболее последовательно удерживает его нормированный характер.

Для понимания сущности языковой нормы и уяснения ее места среди других близких к ней языковых категорий следует определить ее отношение к таким категориям, как система и узус.

Понятие « система» более общее, чем «языковая норма». Введение понятия языковой нормы связано с именем Е. Косерну [3,с.555.]

Характерными признаками языковой нормы являются: а) относительная устойчивость; б) избирательность ; в) обязательность.

В отличие от нормы узус включает как традиционные, устойчивые, правильные формы, так и нетрадиционные, окказиональные, т.е. образованные по случаю, ошибочные формы, модные словечки и др., не принятые нормы (ср.: офицера, хочим, крепкое кофе, по приезду, сколько времени, красивее и т.п.)

Языковая система предполагает реализацию всех потенциальных возможностей языка. Языковая же норма, в силу установленных в обществе традиции, стихийно выработанных правил, избирательно использует языковые элементы, их парадигматические видоизменения и сочетания. [4,с.296.]

Так, русские глаголы, например; имеют в качестве одной из своих форм деепричастия (= норма). Ср., с одной стороны, читать – читая, летать – летая: с другой, глаголы пахать - ?, полоть - ?, течь - ?, печь - ?, лечь - ?, и др, которые не имеют деепричастий; существует парадигма спряжения глаголов в настоящем времени единственного числа: пишу, читаю и т.п. (=система), но отсутствуют формы настоящего и будущего времени ед.ч. 1 л, у глаголов типа победить, убедить (= норма): ср. противоречащие норме образования – победю, убедю; с одной стороны, образуются регулярные пары по признаку поля начальник – начальница , воспитанник – воспитанница (=система) и, с другой, отсутствие таких пар у слов: плотник, дворник, техник, жулик, столяр, техник, электрик, геолог, друг.

Асистемность в этих примерах проявляется на морфологическом и словообразовательном ярусах. Существует целый ряд суффиксов, выражающих значение пола, и грамматического рода.

- ка - студент – студентка.
- ичк - медик – медичка.
- ница - учитель – учительница.
- иха - повар – повариха.
- иса - актер – актриса.
- есса - поэт – поэтесса.

Есть асистемность также противоположного плана – выражение названий мужских профессий с окончаниями женского рода: воевода, владыка, судья, убийца,

Не находим также соответствующей формы женского рода в словах типа академик, министр, ординатор, онколог, гинеколог, социолог, энергетик и т.д.

Ни один из существующих суффиксов не может претендовать на универсальность. Стоики внести свой вклад в развитие понятия системность теорией аналогии и аномалии, т.е. они увидели явления асистемности в языковой системе. Основоположником стоического учения называют Хрисиппа . [12,с., 203.]

Будучи сторонниками теории природной связи между словом и обозначаемым им предметом, стоики исходили из представления о параллелизме между мыслью и языковым выражением и все же вынуждены были признать, что в некоторых случаях этот параллелизм нарушается. Существуют такие слова, предметное значение которых находится в противоречии с формой выражения. Например, названия живых существ, оформленных как существительные мужского рода обозначают как самца, так и самку, (крот, скворец, коршун) и наоборот, существительные женского рода также называют особей и мужского и женского пола (мышь, лошадь, муха, черепаха, синица, ласточка и т.д.)

Грамматический род имен переплетается с категорией числа. Наряду с именами, имеющими формы как единственного, так и множественного числа, в языке имеются слова, которые не имеют соответствующих по этому признаку пар и нарушают симметрию в языке. Речь идет о словах pluralia tantum и singularia tantum: чернила, сливки, очки, ножницы, брюки, ворота; молоко, бензин, керосин, сахар, сметана и т.д . Кроме того в любых именах существительных в форме множественного числа категория рода нейтрализуется (стол – столы , окно – окна , книга – книги).

Рассмотренные примеры связаны с категорией грамматического рода имен. « Категория род существительного – это несловоизменительная, синтагматическая, выявляемая морфологическая категория, выражающаяся о способности существительного быть в формах единственного числе относиться избирательно к родовым формам согласуемой (в сказуемом – координируемой) с ним словоформы» [5, с., 465.]

Эту категорию следовало бы считать логико – грамматической, потому что при отнесении какого – либо слова к определенному корпусу лексем по признаку роду учитывается целый ряд критериев. Речь идет о так называемых словах «общего рода», неизменяемых, заимствованных, сложно – сокращенных и др. Эта специфика рассматриваемых категории усложняет и без того трудную для усвоения русского языка не только для нерусских, но и для самих носителей русского языка.

1	*бросать*	разговорное	Брось! Люди не стыдятся того, что тебе хуже собаки живется... Подумай - ты не станешь работать, я - не стану... еще сотни... тысячи, все! - понимаешь? все бросают работать! Никто ничего не хочет делать - что тогда будет? (М.Горький, «На дне»)
2	*броситься*	нейтральное	Тогда Гаврила бросился бежать вдаль, где над туманной степью висела мохнатая черная туча и было темно. (М.Горький, «На дне»)
3	*взять*	разговорное	"Столько лет учил вас, и стало быть столько лет вслух говорил, что как бы и привычку взял говорить, а говоря вас учить, и до того сие, что молчать мне почти и труднее было бы, чем говорить, отцы и братия милые, даже и теперь при слабости моей" (Ф. Достоевский «Братья Карамазовы»)
4	*взяться*	нейтральное	Пойду один по селам, по деревням. Буду бунтовать народ. Надо, чтобы сам народ бунтовать взялся (М. Горький «Мать»)
5	*заканчивать*	нейтральное	Джеймс Кэмерон закончил писать сценарий к будущему фильму «Аватар — 5» (материалы СМИ)
6	*заладить*	разговорное	Заладила собака к соседям бегать. Заладил к нам в дом (ходить). (Из устной беседы)
7	*затеять*	разговорное	Лягушка, на лугу увидевши Вола, Затеяла сама в дородстве с ним сравняться (И. Крылов «Лягушка и Вол»)
8	*кинуться*	разговорное	С воплем и плачем кинулась бедная Катерина Ивановна догонять их. (Ф. Достоевский «Преступление и наказание»)
9	*кончить*	нейтральное	Ведь вот эти папироски! - заговорил наконец

			Порфирий Петрович, кончив закуривать и отдыхнувшись, - вред, чистый вред, а отстать не могу! (Ф. Достоевский «Преступление и наказание»)
10	*начать*	нейтральное	Я даже начал прикидывать, так ли уж безопасна радость для божества? (И. Бродский «Вертумн»)
11	*Окончить*	нейтральное	Окончив бросать, он напился воды, Воды опресненной, нечистой (А. Гурилев «Раскинулось море широко»)
12	*остаться*	нейтральное	Зачем? - ответил он с натугой. - Я посижу, - недолго мне осталось с людьми побыть!.. (М. Горький «Мать»)
12	*перестать*	нейтральное	О чем, о чем? О ком?- Заговорил Воланд, перестав смеяться. (М. Булгаков «Мастер и Маргарита»)
14	*повадиться*	разговорное	Повадился кувшин по воду ходить, там ему и голову сломить. (Русская пословица)
15	*пойти*	разговорное	Ах, какие вы оба! Вот уж и пошли теперь наблюдать друг за другом, шпионить, лица друг у друга изучать, тайные мысли на них читать (а ничего-то вы в них и не понимаете!). (Ф. Достоевский «Униженные и оскорбленные»)
16	*прекратить*	нейтральное	Многие - собственно, все! - в этом, по крайней мере, мире стоят любви, как это уже проверил, не прекращая вращаться ни в стратосфере, ни тем паче в искусственном вакууме, пропеллер. (И. Бродский «Стрельна»)
17	*приниматься*	нейтральное	Усталая-то? - укоризненно отозвалась мать, принимаясь возиться около самовара. (М.Горький «Мать»)
18	*продолжать*	нейтральное	И потому, если вы продолжаете быть привязанным к Наталье Николаевне, то и не можете отказаться от объяснений со мною, как бы мало ни чувствовали ко мне симпатии. (Ф.М. Достоевский «Униженные и оскорбленные»)

19	*стать*	нейтральное	Иван шагнул к столу, взялся было за пачку и стал ее развертывать, но вдруг отдернул пальцы как будто от прикосновения какого-то отвратительного, страшного гада. (Ф. Достоевский «Братья Карамазовы»)

Как видим, из 19 обследованных нами фазовых глаголов 6 слов относятся к разговорному стилю, остальные 13 являются стилистически нейтральными словами. Обращает на себя внимание факт отсутствия среди фазовых глаголов слов с книжной окраской.

Таким образом, фазовые глаголы представляют собой отдельную лексико-тематическую группу слов, эксплицирующую семантическую категорию фазовости. Существование этой группы слов свидетельствует о тенденции русского языка к аналитизму. С другой стороны, отсутствие среди них слов книжной стилистической окраски, на наш взгляд, говорит о закрытости этой группы, т.е. об отсутствии перспектив ее дальнейшего развития.

Список использованной литературы

1. Арутюнова, Н.Д. Сказуемое // Лингвистический энциклопедический словарь. - М., 1990.
2. Виданов Е.Ю. Аналитизм в именном словообразованиисовременного русского языка: Автореф. дис. … канд. филологич. наук. – Омск, 2011.
3. Грудева Е.В., Кузьмина Ю.Ю. Фазовые глаголы в современном русском языке // Вестник Череповецкого государственного университета. Филология. – Черепове, 2009. - № 2. – С. 36-43.
4. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А.. Словарь-справочник лингвистических терминов. - Изд. 2-е. - М.: Просвещение. 1976.

Титаренко Е. Я. Имплицитная категория фазовости в русском языке // Коммуникативные исследования. 2016. № 1 (7). С

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ ИБОРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Намозова Моҳичеҳра Рустамовна
Термиз давлат университети магистранти

Аннотация *Ушбу мақолада ўзбек фразеологиясининг қисқача ўрганилиш тарихи ва Ўткир Ҳошимов асарларидаги фразеологик бирликларнинг таҳлили берилган.*

Калит сўз *Фразеология, фразеологик бирлик, фразема, оккозионал фразема, индивидуал- муаллиф фраземалари, синонимлар.*

РОЛЬ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В ТВОРЧЕСТВЕ УТКИРА ХАШИМОВА

Намозова Гулчехра Рустамовна
Магистрант Термезского государственного университета

Аннотация *В данной статье дается обзор истории узбекской фразеологии и анализ фразеологических единиц в трудах Уткира Хашимова.*

Ключевые слова *фразеологический блок, фразма, окозиональный фразем, индивидуально-авторский фразем, синонимы.*

THE ROLE OF THE FRAZEOLOGICAL UNITS IN UTKIR HASHIMOV'S WORKS

Namozova Mohichehra Rustamovna
Graduate student of Termez State University

Abstrakt: *This article gives an overview of the history of Uzbek frathemology and an analysis of the frazeological units in Utkir Hashimov's works.*

Key word *Phraseology, Frazeological unit, frazma, ocozional frazem, individual-author frazem, synonyms.*

КИРИШ

XX асрнинг бошларида фраземалар тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида тадқиқ этила бошланган. Фразеологиянинг умумназарий масалалари дастлаб француз тилшуноси Ш. Балли ўз асарларида ўз аксини топган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилшунослигида ҳам бу борада жиддий қадамлар ташланди: тилимизнинг фразеологик бойлигини тўла қамраб олувчи турли хил изоҳли луғатлар, сўзликлар яратишга алоҳида аҳамият берилди. Масалан, Шавкат Раҳматуллаевнинг "Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати"(1976; 1978) [1, 2], М.Содиқованинг "Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати" (1994), Маҳмуд Сатторнинг "Ўзбекнинг гапи қизиқ" (1994; 2011), Б.Йўлдошев, Қ.Бозорбоевнинг " Ўзбек тилининг фразеологик луғати" (сўзлик,1998), Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовларнинг "Маънолар маҳзани" (2001), Ш.Шомақсудов, С.Долимовларнинг "Қайроқи сўзлар" (халқ иборалари, 2011), Н.Маҳмудов, Д.Худойбергановаларнинг "Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати" (2013) [3], Н.Маҳмудов, Ё.Одиловларнинг "Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати" (2014) сингари лексикографик асарлар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологиясининг назарий масалаларини ўрганишга эътибор кучайди. Жумладан, тадқиқотчи Қ.Ҳакимов содда гап қолипли *жони кириб қолди, боши кўкка етди, юраги орқасига тортиб кетди, боши осмонга етди, юраги шувиллаб кетди, оғзи очилиб қолди, юраги қоқ ёрилаёзди* сингари фраземаларни компонент таҳлил методи асосида ўрганди, шу мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди (1994). Фраземаларни компонент таҳлил қилишнинг айрим

натижалари Ш.Раҳматуллаевнинг илмий мақоласи (1986)да ва “Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви” номли монографияси (1992)да ҳам умумлаштирилган. Абдуғафур Маматов ўзбек фразеологияси учун энг долзарб муаммолардан бири бўлган фразеологик шаклланиш масалаларини тадқиқ этиш билан шуғулланди. Шу мавзуга оид “ Ўзбек тилида фразеологик шаклланиш масалалари”, “Фразеологизмларнинг лексик қайта шаклланишига доир”, “Фразеологизмларнинг шаклланиш доираси”, “Ўзбек тилида фраземаларнинг шаклланиши ҳақида”, “Лексемалар асосида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари”, “Қўл” соматизми асосида шаклланган фраземалар ва уларнинг луғатларда ифодаланиши” сингари йигирмага яқин мақолалар, “ Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари”, “Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари” номли монографик тадқиқотлар эълон қилди ва шу асосда “Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари”[4] мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилди (2000). Бу эса ўзбек фразеологиясининг илмий доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Хусусан, мазкур илмий тадқиқотлар ўзбек насри манбаларига доир тил хусусиятларини таҳлил қилишда қўл келади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўткир Ҳошимов асарлари бадиий гўзаллиги, мавзунинг долзарблиги, асар воқеаларининг қизиқарлилиги билан бирга миллий характер яратиш маҳоратининг кучлилиги, тилининг равонлиги, образларнинг жонлилиги билан ажралиб туради. Ёзувчи болани болага хос, кампирни кампирга хос, келинни келинга хос хусусият, феъл–атвор ва тил билан таъминлай олади. Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси”,“Тушда кечган умрлар”, “Баҳор қайтмайди” ва шу каби асарларида кўпгина фразеологик бирликларни кўришимиз мумкин.

Масалан:

Пинакка кетмоқ. Маъноси: а) ухлаб қолмоқ; b) ўйланиш ҳолатида бўлмоқ (ҳаёлга чўммоқ). Мисол: *Алимардон япроқларнинг пирпираб учишини томоша қила – қила пинакка кетди* (Ў.Ҳ. Баҳор қайтмайди, 468).

Дамини ростламоқ. Синоними: *нафасини ростламоқ*. Маъноси: тўхтаб, нафас олмоқ, тин олмоқ, дам олмоқ. Мисол: *Ниҳоят, секин - секин дамини ростлади, ҳовлига тикилганча бир текис чуқур - чуқур нафас ола бошлади* (Баҳор қайтмайди, 465).

Бурнини суқмоқ Синоними: а) *бош суқмоқ*; б) *бурнини тиқмоқ*; с) *тумшуғини тиқмоқ* (салбий); д) *човлисини солмоқ*. Маъноси: ҳамма нарсага аралашмоқ. Мисол: *Айтяпманку, бурнини суқмаган жойи йўқ эди бу боланинг* (Тушда кечган умрлар, 43).

Оғзидан бол томмоқ. Маъноси: ширинсўз. Мисол: *Математика ўқитувчиси Ҳакимов катта танаффусда оғзидан бол томиб японларни мақтабди* (Тушда кечган умрлар, 82).

Қўй оғзидан чўп олмаслик. Маъноси: *ниҳоят даражада беозор, мўмин.* Мисол: *Тўлаганова қўй оғзидан чоп олмаган фариштa* (Тушда кечган умрлар, 226).

Оламдан ўтмоқ. Синоними: *оламдан кетмоқ.* Маъноси: ўлмоқ. Мисол: *Мени шунча ўлимдан асраб қолган одам шундоқ кўз ўнгимда оламдан ўтди* (Икки эшик ораси, 192).

Ёзувчи қаламига оид асарларда баъзи иборалар синонимлари билан алмаштирилган, баъзан эса таркибидаги айрим сўзларнинг тушириб, қисқартирилиб ҳам қўлланишлари ҳолати учрайди. Бу ҳолат фразеологизмларнинг маъносини умумлаштириш, абстрактлаштириш, кенгайтириш учун хизмат қилади. Ў.Ҳошимов қаҳрамонларнинг бир - бирига бўлган муносабатини очишга хизмат қиладиган фразеологизмларни моҳирлик билан танлай олган. Ёзувчи сўзларнинг маъносидаги энг нозик эмоционал фарқларни сеза олган.

Умри бино бўлмоқ. Маъноси: туғилганидан бери ҳаётида (ўзининг). Мисол: *Бир оғиз айтмадим: "Ҳой, мен ҳам одамманку, умрим бино бўлиб, ҳаловат кўраманми, йўқми? " - демадим* (Тушда кечган умрлар, 5).

Қулоғини қоқиб қўлига бермоқ. Синоними: а) *қулоқ - миясини қоқиб, қўлига тутқазмоқ;* б) *қулоқ - миясини емоқ.* Маъноси: сўрайвериб, сергаплиги билан миясини чарчатмоқ, шовқини билан бездирмоқ. Мисол: *Ҳар куни ўн мартадан қулоғингни қоқиб қўлингга берадиган хотининг бўлмаса, йўлингга термулиб турган болаларинг бўлмаса, гапни ким қўйибди сенга!* (Икки эшик ораси, 8). Фразеологик ибора замиридаги образни конкретлаштириш баъзан маънони кучайтириш учун хизмат қилади. Ёзувчи асарларида айрим фразеологизмларнинг қайта - қайта ишлатилиш ҳолатлари кузатилса ҳам, аммо уларнинг вазифаси жараённи умуман бошқача ёритиш, маъно кўламини кучайтириш учун хизмат қилган.

Кўнглига гул-гула тушмоқ. Синоними: *ташвишга тушмоқ.* Варианти: *кўнглига гул-гула солмоқ; кўнглига гашлик тушмоқ.* Маъноси: бирор нарсадан ташвишланмоқ, беҳаловат бўлмоқ. Мисол: *Кўлимни секин бўшатдим-у ўша заҳоти кўнглимга яна гул-гула тушди:поэзд келиб қолсачи?* (Икки эшик ораси, 19).

Дами ичига тушмоқ. Варианти: *дамини ютмоқ, нафасини ичига ютмоқ, дамини ичига олмоқ, нафасини ичига олмоқ.* Маъноси: бир сўз ҳам айта олмай қолмоқ, ҳеч қандай товуш чиқармаслик. Мисол: *Келаверинглар, келаверинглар, - дедим дамим ичимга тушиб* (Шаҳарлик куёв, 403.).

Бошини қотирмоқ. Варианти: *боши қотди.* Маъноси: миясини чарчатиб юбормоқ, бир иложини тополмай қолиғлик. Мисол: *Аммо Нилуфар пишиқ қиз: бижир - бижир қилиб бошини қотириб ташлайди, жиннивой!* (Икки эшик ораси, 10).

Қулоғини динг қилмоқ. Маъноси: диққат билан тинглашга тайёр бўлмоқ. Мисол: *Кечқурун қулоғмни динг қилиб турган эдим, кўчада қўшни болалар чақириб қолишди* (Дунёнинг ишлари, 26).

Жаҳли бурн(и)нинг учида турмоқ. Синоними: *жаҳли тез.* Маъноси: арзимаган нарсадан ҳам тезда тутақиб аччиқланмоқ. Мисол: - *Вой - бў, жаҳлингиз бурнингизнинг учида туради-я!* (Икки эшик ораси, 216).

хулоса

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ёзувчининг биз тадқиқ қилган қиссасида умумтил фразеологизмлари ҳамда таркиби ўзгаришга учраган фразеологизмлар персонажлар нутқи, муаллиф нутқи таркибида қўлланиб, асар тилининг жозибадорлигини, таъсирчанлигини, киноявийлигини кучайтиришга хизмат қилган. Ўткир Ҳошимов асарларида окказионал ибораларни қўллаш билан бирга умумтилда мавжуд фразеологизмлар асосида янги индивидуал-муаллиф фразеологизмлари ҳам яратишга интилган. Келгусида таниқли ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг ибора қўллашдаги маҳорати, асарларининг лингвопоэтикаси янада кенгроқ таҳлил қилиниши зарур. Бу эса ҳозирги мустақиллик даври ўзбек адабиётининг тараққиёти учун катта ёрдам беради. Биз эса ўз мақоламизда бу масаланинг айрим томонлари ҳақида сўз юритдик, холос.

Адабиётлар

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразеологизмларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
3. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.
4. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филология фанлари доктори диссер. автореферати. – Тошкент, 2000.

СУҲАЙЛИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНР ХУСИЯТЛАРИ

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна,
Наманган давлат университети
филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори

Аннотация : *Мақолада Суҳайлий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Шоир шеъриятининг жанрлар ранг-баранглиги мисоллар асосида таҳлил этилган. Хусусан, шоир ижодидаги анъана ва ўзига хослик, мавзу ва ғоялар олами ёритилган. Суҳайлий ижодининг Наманган адабий муҳитида тутган ўрни баҳоланган. Шоир ғазалларида ёшларни илм-маърифатга, ҳаётни, Ватанни севишга чорлаб, сабр-қаноат ва одоб инсон зийнати экани алоҳида таъкидланади.*

Калит сўзлар: *жанр, вазн, анъана, ўзига хослик, мавзу, талқин, тасвир, маҳорат, мазмун ва шакл.*

ЖАНРОВЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ПОЭТОВ СУХАЙЛИЙ

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна
Наманганский государственный университет
Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Аннотация: *В данной статье даны сведения о жизни и творчестве Сухайлий. Всесторонне проанализированы жанровые особенности в стихотворных произведениях поэта. Рассмотрено место творчества Сухайлий в литературной среде Намангана. В лирических стихотворениях разъясиется как обучать молодых любить науку, образование, жизнь, Родину, кроме этого подверждается, что терпение и воспитание – украшение человека.*

Ключевые слова: *жанр, метрика, традиция, специфичность, тема, толкование, изображение, мастерство, форма и содержание.*

SUHAYLIY'S GENRE FEATURES OF POETRY

Boltaboyeva Ozodaxon Yuldashaliyevna
Namangan State university
PhD in filologiy

Annotation: *This article exposes the information about genre features of works of Suhayliy, who had great place in uzbek classic literature. For particular lyrics it is illustrated to teach to love science and education life native land. Also it is confirmed that patience and good breeding are person's ornamentation.*

Key words:*genre, measure, tradition, specify, theme, depiction, skill, form and meaning.*

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндаси Дадахон қори Рустамхўжа ўғли Суҳайлий (1898-1961) ижодий мероси икки қўлёзма баёзда жамланган. Дастлаб шоирнинг жияни Абдулҳафизхон қўлида бўлган бу баёзлар 1963 йилда Абдураҳимхўжа Маматхонов шахсий кутубхонасидан жой олган. Мазкур манбалар ҳозирги пайтда шоир Доғийнинг ўғли Ҳошимхўжа қўлида сақланади. Ҳар икки баёзда, асосан, Суҳайлий шеърлари, шу билан бирга Хилватий, Доғий, Унвон каби шоирлар ижодидан намуналар ҳам учрайди. Ҳошимхўжа ушбу баёздаги шеърларни 2009 йилда нашр эттирган. Ушбу манбалар нафақат Суҳайлий ҳаёти ва ижодига оид, балки унга замондош Наманган адиблари меросига алоқадор маълумотларни жамлашда алоҳида аҳамият касб этади. Шоир ижодида диний-маърифий мазмундаги шеърлар салмоқли ўрин тутгани сабабли шўро даврида

уларни нашр этиш имкони бўлмаган. Суҳайлий ижоди мустақиллик туфайли эришилган имкониятлар натижаси сифатида нашрга тайёрланди ва кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Унинг "Ёдгорим" шеърлар мажмуасидан жой олган ҳамд, наът ҳамда муножотлар, ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, қитъа, туюқ, маснавий, мувашшаҳ, марсия каби шеърларини шоир Доғийнинг ўғли Ҳошимхўжа эски ўзбек ёзувидан кирилл ёзувига ўгирган. Ҳошимхўжа ушбу нашрга "Дадахон қори Суҳайлий ҳақида" сарлавҳали сўзбоши ёзади. Сўзбошида шоир биографияси батафсил ёритилган. Ундаги маълумотларга кўра, Дадахон дастлаб, Авлиё домла диний мактабида саводини чиқаради ва Қуръон қироати илмини ўрганиб, ўн уч ёшида қори бўлади. Қуръонни хатм қилгач, 1911 йилда Баҳодирхон эшон мадрасасида, кейинчалик эса Азизхўжа эшон мадрасасида таҳсил олган. У ерда араб, форс, озарбайжон тилларини мукаммал ўрганади. Араб ёзуви сирларини ўрганиб, моҳир хаттот бўлади. Суҳайлий Доғийнинг шогирди бўлган. Ўша даврдаги адабий кечаларда мунтазам иштирок этган Суҳайлий ўзи ҳам тез орада шеър машқ қила бошлайди. Дастлабки шеърларини Қорий тахаллуси билан ёзган. Аммо Қўқонда шундай тахаллус билан ижод қилган шоир борлигини эшитгач, у Қосир тахаллусида ижод қилади. Ҳаётининг сўнгги давридаги шеърларига Суҳайлий (порлоқ юлдуз) деб имзо чеккан. Машъум қатағон Суҳайлийни ҳам четлаб ўтмади. Шоирни 1930 йилда Сўфизоданинг маслакдоши сифатида ҳибсга оладилар. Уни бир неча ойлик тутқунликдан сўнг мажруҳ ва майиб ҳолда турмадан озод қилишади. Унинг соғлиги шунчалик аянчли эдики, сўзласа, нима деяётганини тушуниш қийин, қўллари ҳам қалам тутолмас эди. Тақдир тақозоси билан у оила қурмайди, лекин ўзидан бой адабий мерос қолдиради [1.42].

Суҳайлийнинг "Ёдгорим"[2] шеърлар мажмуасидан ҳамд ва наът, муножот ғазаллар, мувашшаҳ, мураббаъ, мухаммас, ҳажвий шеър, марсия, рубоий, қитъа ҳамда туюқ жанридаги шеърлари жой олган. Арузнинг ҳазаж ва рамал баҳрларида сермаҳсул ижод қилган шоир қуйидаги ҳазажи мусаммани солим (парадигмаси: V – – – // V – – – // V – – – // V – – –) вазнида ёзган ғазалида маъшуқа васлига эришмоқ орзусидаги ошиқ ҳолатини ёритиш учун ташбиҳ (товус хиромоним), сифатлаш (паришон кокил), муболаға (қонли дийда) каби поэтик воситалардан фойдаланган:

Хиром этгай қачон кулбамга ул товус хиромоним,
Кийиб гулпираҳан, гулгун ёниб кокил паришоним.

Деб эрди: "Шом аро бул тун бўлур пинҳона ташрифим",
Анинг чун термулур йўлида қонли дийда гирёним [2.66].

Суҳайлий ушбу саккиз байтли ғазалида "хиромоним", "паришоним", "гирёним", "тобоним", "ёлғоним", "тану жоним", "хандоним", "дармоним" ва "меҳмоним" каби оҳангдош сўзлар воситасида ***"н"*** ҳарфини ***равий, "им"*** эгалик қўшимчасини эса ***васл*** этиб, ***васлли мутлақ қофия*** туридан фойдаланган.

Шоир замондошларига нисбатан туюқ жанрида ҳам баракали ижод қилган. Суҳайлий ***“бода”, “кечар”, “унум”, “ўюнг”, “доғи”, “ёзаман”, “ёнадур”, “нори бор” ва “уётиш”*** каби сўзлар воситасида тўққизта туюқ яратади. Масалан:

Гарчи йўқ ёғу гурунч бирла унум,
Чиқмагай ҳеч мосиваллоҳга унум,
Хожатим тухмини сочмам ҳар ера,
Ким, замини шўрдин бўлмас унум [2.190].

Шоир ушбу туюқ жанридаги шеърида ***“унум”*** сўзини биринчи мисрада “ун маҳсулоти”, иккинчи мисрада “ун-овоз”, тўртинчи мисрада эса “унум-ҳосилдорлик” маъносида ишлатиб, ажойиб сўз ўйинини ҳосил қилган.

Шеърият осмонида порлоқ юлдуз бўлиб, инсоният қалбига ёруғлик, гўзаллик олиб кириш ниятида бўлган Суҳайлий оиланинг, туғилиб ўсган Ватаннинг, ёшликнинг қадрига етиш, умрни бефойда ишларга сарф қилмаслик ҳақида сўз юритади:

Бу гулшан ичра, кўнгил, зулфи райҳонингдин айрилма,
Ёрутган шоми ҳажринг моҳи тобонингдин айрилма.

Баҳор ўлди, табиат боғи гул-гул яшнади, кулди,
Кел, эй булбул, тараннум қил, гулистонингдин айрилма [2.80].

Шоир инсонларни оқибатли, ваъдасига вафодор, хайр-эҳсонли бўлиш ва кибр-ҳаво, бахиллик, манманлик каби иллатлардан юз ўгиришга чақиради:

Бировга, эй биродар, оқибатлиғ ошно бўлдинг,
Кечур саҳвини гоҳо аҳду паймонингдин айрилма.

Худовандим бу янглиғ давлати сенга ато этмиш,
Бахил ўлма, карам қил, хайру эҳсонингдин айрилма [2.80]. Шоир инсон ўзлигидан мосуво бўлмаслик учун яқин қадрдонларини доимо қадрлаши лозимлиги, мансаб учун ҳаволаниш эса ёмон оқибатга олиб келишини уқтиради:

Ҳаво қилма бу жоҳу мансабингга бир кун олғайлар,
Ким эрдинг аввало, ўз қадри инсонингдин айрилма.

Етар бир манфаат сендан, вафосиз ошно кўпдур,
Бурунғи улфату ёри қадрдонингдан айрилма.

Суҳайлий, хўб тамошо айладинг зебо шаҳарларни,
Униб-ўсган диёрингдур Намангонингдин айрилма [2.81].

Суҳайлий ижодида яхши хулқ ва ширинсуханлик билан кўнгил олиш, кўнгил мулкини обод қилиш лозимлиги каби эзгу фазилатлар, чин инсоний туйғулар тараннум этилган:

Ҳар дили озурда хотир мулкини обод қил,

Айлабон хуш хулқу хуш кирдору хуш гуфторлиг [2.29].

Яратганнинг марҳамати билан инсонлар феъл-атвори ҳамда табиатдаги ҳар бир нарса бир-бирини такрорламаслиги, ўзгачалиги шоирни ҳайратга солади:

Ҳар бани одамда хулқу феълу атвор ўзгача,
Ақлу идроку тамизу савту гуфтор ўзгача.

Хилқату суратда инсон бир-бира монанд эмас,
Қомату шаклу шамойил, рангу рухсор ўзгача [2.45].

Шоир табиат ҳақидаги қарашларини давом эттириб, ҳатто ҳар фаслнинг ўз хислати борлиги, наботот оламининг сеҳри, дарахтдаги япроғу мевалар таъми турлича эканидан таъсирланади:

Ёзу қиш обу ҳавоси бир-бирига ўхшамас,
Мавсуму ҳар фаслда сунъи намудор ўзгача.

Ҳар чаманда ҳар қаю гул рангу бўйи ўзгадир,
Ҳар шажар япроғи узра таъми асмор ўзгача [2.45].

Суҳайлий тарихни ҳам жиддий ўрганган, шу боис унинг қизиқишлари самараси ўлароқ “Бўстон ал-орифийн” асари юзага келган. Бу асарда Бухоро тарихи, Қўқон хонлигининг ташкил топиши, Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ҳақидаги қимматли маълумотлар мавжуд [2.8].

Йигитлик чоғида Қуръон ҳофизи, зўр хаттот, истеъдодли шоир сифатида танилган Суҳайлийнинг авлодлар учун қолдирган адабий мероси ёшларни маърифатга, фидойиликка чорлайди, ҳаёт синовларини енга олиш учун сабрли бўлишга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болтабоева О.Ю. XX аср бошларида Наманганда адабий ҳаракатчилик: номояндалари, анъаналари, янгиланиши: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2019. – Б. 42.
2. Суҳайлий. Ёдгорим. – Тошкент: Fikr-Media, 2009. – 192 б.

СЕМАНТИЧЕСКОЕ ВАРЬИРОВАНИЕ СЛОВА (НА МАТЕРИАЛЕ ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ СО ЗНАЧЕНИЕМ ВРЕМЕНИ СОВРЕМЕННОГО РУССКОГО ЯЗЫКА)

Худойбердиева Муаззам Зайнобидиновна, старший преподаватель Андижанского государственного университета
Пулатова Зулфизар Тохирбек қизи, магистрантка Андижанского государственного университета

Аннотация: *В статье рассматривается функциональный потенциал и множественность словообразовательной структуры темпоральных прилагательных*

современного русского языка, образующих замкнутую семантическую микросистему, единицы которой частотны в речевой практике и обладают гибкой деривационной и смысловой структурами.

При выборе объекта исследования авторы исходили из положения, что основной задачей лингвистики остаётся описание языковых знаков, а задачей семантики - выделение и анализ значений этих знаков.

Новизна проведенной работы заключается в том, что ее авторы, применяя современные исследовательские технологии, установили специфический характер деривационных отношений у членов выделенной микросистемы, особый механизм варьирования их семантики в тексте.

Рабочая гипотеза исследования состояла в том, что, несмотря на устойчивый характер семы "время" в смысловой структуре лексем, в синтагматическом ряду у них появляются другие, нетемпоральные, качественные созначения и меняются деривационные мотивационные отношения.

В работе использовались продуктивные методы анализа семантики слов: метод оппозиции, метод субституции, дистрибутивный и трансформационный анализы.

Результаты проведённого исследования могут быть учтены в фундаментальных разработках теории номинации и в лексикографической практике.

Ключевые слова: *семантическое варьирование, темпоральные прилагательные, деривация, дистрибуция, трансформация, субституция, номинация, синтагматический ряд, мотивационное отношение.*

СЎЗНИНГ СЕМАНТИК ВАРИАНТЛАШ (ХОЗИРГИ РУС ТИЛИНИНГ ЗАМОН МАЪНОГА ЭГА БУЛГАН СИФАТЛАРИ МАТЕРИАЛДА)

Худойбердиева Муаззам Зайнобидиновна, Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Пулатова Зулфизар Тохирбек қизи, Андижон давлат университети магистранти

Аннотация: *Мақолада ёпик семантик микротузилмани ташкил этган ҳозирги рус тили темпорал сифатларининг сўз ясалиш тузилмаси функционал салоҳияти ва кўп миқдорлиги куриб чиқилади; ушбу микротузилманинг бирликлари нутқий амалиётида кўп учрамоқда ва эгилувчан деривацион ва маъновий тузилмаларига эгадир.*

Тадқиқот объектини танлашда муаллифлар тилшунослик асосий вазифаси лисоний белгиларни тавсифидир, семантиканинг вазифаси эса ушбу белгиларнинг маъноларни ажратиш ва таҳлилидир, деган қоидага асослаганлар.

Ўтказилган ишнинг янгилиги муаллифлари замонавий тадқиқот технологиялардан қўлланиб, ажратилган микротузилма аъзоларнинг деривацион муносабатлари ўзига хос характерини ва уларнинг матндаги семантикани вариациалаш алоҳида механизмни аниқланишидан иборатдир.

Тадқиқотнинг иш гипотезаси лексемаларнинг маъноли тузилмасидаги "вақт" семаси тургун характерига қарамасдан, синтагматик қаторда ушбу лексемаларда бошқа, нотемпорал, сифатий хаммаънолар пайдо бўлиши ва деривацион мотивацион муносабатлар ўзгаришидан иборат эди.

Ишда сўзлар семантика таҳлили самарали усуллари (оппозиция усули, субституция усули, дистрибутив ва трансформацион таҳлиллари) қўлланилган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари номинация назарияси фундаментал ишланмаларда ва лексикографик амалиётда ҳисобга олинишлари мумкин.

Калит сўзлар: *семантик вариантлаш, темпорал сифатлар, деривация, дистрибуция, трансформация, субституция, номинация, синтагматик қатор, мотивацион муносабат.*

SEMANTIC VARIATION OF THE WORD (ON THE MATERIAL OF ADJECTIVES WITH THE MEANING OF THE MODERN RUSSIAN LANGUAGE)

Hudoyberdieva Muazzam Zaynobidinovna, Andijan State University
teacher
Pulatova Zulfizar Tohirbek kizi, Andijan State University Magistrant of the magistracy

The article discusses the functional potential and the multiplicity of the word - formation structure of temporal adjectives of the modern Russian language, forming a closed semantic microsystem, the units of which are frequencies in speech practice and had flexible derivational and semantic structures.

When choosing the object of study, the authors proceeded from the position that the main task of linguistics is the description of language signs, and the task of semantics is the selection and analysis of the meanings of these signs.

The novelty of the work carried out is that its authors, using modern research technologies, established the specific nature of derivational relations among the members of the selected micro system, a special mechanism for varying their semantics in the text.

The working hypothesis of the study was that, despite the stable nature of the same "time" in the semantic structure of lexems in the syntagmatic series, other non-temporal qualitative notations appear and derivational motivational relations change.

We used productive methods for analyzing the semantic of words: the opposition method, the substitution method, distribution and transformational analysis.

The results of the study can be taken into account in the fundamental development of the theory of nomination and in lexicographic practice.

Keywords:*semantic variation, temporal adjectives, derivation, distribution, transformation, substitution, nomination, syntagmatic, series, motivational attitude.*

Прилагательные, которые так или иначе связаны с выражением времени, в современном русском языке много. В список, который был определен на материале

толковых словарей русского языка (БАС, МАС, ТСУ, СО), [1] вошло более двухсот пятидесяти слов: долгий, краткий, быстрый, моментальный, скорый, молниеносный, скоротечный, кратковременный, временный, мимолетный, безотлагательный, секундный, минутный, трехнедельный, двухмесячный, однолетний, вековой, вечный, бесконечный, долговечный, многолетний, хронический, постоянный, каждодневный, ежеминутный, посезонный, спорадический, редкий, частый, январский, мартовский, субботний, воскресный, зимний, осенний, утренний, рассветный, полночный, своевременный, одновременный, предмайский, дооктябрьский, довоенный, заблаговременный, послеобеденный, начальный, новый, старый, молодой, юный, ранний, поздний, конечный, устаревший, архаичный, допотопный, древний, старинный, незапамятный, давний, вчерашний, прошлый, сегодняшний, современный, завтрашний, будущий и т.д. Все названные выше слова содержат сему “время”, но по характеру значений они далеко не однородны. Например, прилагательные юный, молодой, старый специализируются в основном на определении возраста человека.

Ср.: Юные пионеры, молодая девушка, старый человек и т.п.

Указание на качество предмета, связанное с продолжительностью его существования, составляет семантики таких прилагательных, как новый,старый, древний.

Ср: Новый костюм, старые туфли;

Отмеченное обстоятельство не позволяет рассматривать все выделенные прилагательные как гомогенную семантическую микросистему.

Ср. значения прилагательных молодой и долгий.

МАС: Молодой 1. Не достигший зрелого возраста, юный; пр. старый, *М.человек.*

2. Слишком неопытный для чего-либо.

3. Недавно появившийся, начавший существовать, расти, *М.листва.*

// Недавно возникший, образовавшийся. *М. отряды национальной гвардии.*

// Недавно начавший деятельность в какой-либо области. *М.специалисты.*

4. Недавно приготовленный и еще не имеющий достаточной крепости, остроты (о некоторых напитках, продуктах) *М.квас.*

Долгий1. Продолжительный, длящийся в течение значительного времени; длительный,*Д.разлука.*

2. Устар. То же, что длинный.

Как видно из приведенных толкований, прилагательное молодой характеризует прежде всего и главным образом конкретный предмет (человек, листва, квас и т.п.). Прилагательное же долгий характеризует процесс (разлука, улыбка и т.п.). Соответственно слово молодой сочетается прежде всего с именем предмета, а слово долгий- с именем действия или состояния.

Таким образом, прилагательное молодой обозначает не само время, а признак, связанный со временем, содержанием же значения прилагательного долгий является собственно время.

Предметом нашего исследования являются собственно темпоральные прилагательные. Под таковыми мы понимаем слова, которые обозначают время в «чистом» виде, т.е. указывают либо на временную протяженность, либо на временную локализацию процессов (*долгий бой, вечное движение, многолетний труд, часовая прогулка; давняя встреча, вчерашний разговор, весенняя пахота, преждевременное решение и т.п.) «Чистым» временем характеризуется процесс, но не конкретный предмет.*

*См. МАС:*ДлительныйДолго продолжающийся, продолжительный. *Д. одиночество.*

ПродолжительныйДолго продолжающийся, длительный. *П. отсутствие.*

Давний Бывший, происшедший задолго до настоящего момента. *Д.встреча.*

Поэтому собственно темпоральные прилагательные в первичной функции[2,246] в основном могут выступать только в сочетаниях с именами процессов, а даваемая ими характеристика является чисто обстоятельственной (как долго? И когда?).

Ср.:многолетнийтруд = труд, длившийся много лет (как долго?),

часовая прогулка =прогулка, продолжавшаяся час (как долго?);

давняя встреча- встреча, состоявшаяся давно (когда?),

вчерашний разговор = разговор, происходивший вчера (когда?) и т.п.

Отсюда следует, что в состав собственно темпоральных прилагательных не входят слова типа молодой, старый, новый, старинный, древний, архаичный, допотопный и т.п., которые в первичной функции обозначают признаки конкретных существительных и не выражает значений в указанном выше смысле. Их семантика осложнена различными нетемпоральными смысловыми компонентами.

Характер семантики рассмотренных слов отражается и на их дистрибутивных характеристиках: все они преимущественно сочетаются с именами конкретных предметов.

Эти прилагательные также отличаются от собственно темпоральных своими трансформационными возможностями. Для них не характерна семантическая соотносительность с наречиями. Поэтому конструкция AN с данными прилагательными не поддается преобразованию в конструкцию AdvV.

Ср.: долгое занятие – долго заниматься.

Подобная трансформация невозможна для словосочетаний типа старинная дружба и т.п. [3].

Таким образом, несмотря на то, что в значениях прилагательных древний, старый, новый, старинный и т.п. имеется сема «время», они все-таки в некоторых моментах отличаются от собственно темпоральных прилагательных. Это выражается

в компонентном составе семантической структуры данных слов, в характере их дистрибуций, в трансформационных особенностях.

Семантическая структура, характер дистрибуций и трансформационные особенности позволяют противопоставить собственно темпоральные прилагательные другим темпоральным прилагательным и по категориальному значению. Как уже отмечалось, собственно темпоральные прилагательные обозначают фактически признак признака, чем нарушают в какой-то мере статус прилагательных как части речи. Их конститутивное значение – обстоятельственное, так что они могут быть квалифицированы как обстоятельственно- темпоральные прилагательные. Остальные темпоральные прилагательные, как мы видели выше, прежде всего и главным образом обозначаюткачество предмета как такового. Их можно определить как качественно- темпоральные прилагательные.

Известно, что «зависимость семантики относительного прилагательного от класса существительных, с которыми оно сочетается, очевидна: выбор одного из возможных для прилагательного значений определяется классом существительных (так называемых конкурентов прилагательного)». Эта особенность семантики относительных прилагательных является причиной того, что их значения «в обычной лексикографической интерпретации часто настолько многообразны, что на первый взгляд с трудом поддаются учету» [4,211].

С целью классификации значений рассматриваемых производных темпоральных прилагательных была исследована их дистрибуция в текстах, а также использованы данные толковых словарей русского языка. Обобщив результаты, мы получили список всех возможных, на наш взгляд, словарных значений данного класса слов.

А если так, то трансформация пальто предназначенное для употребления в период лета – пальто, предназначенное для лета – пальто для лета – летнее пальто представляется не вполне корректной. По-видимому, трансформационную историю AN будет точнее представить таким образом: пальто, предназначенное для употребления летом = в летнее время = летнее пальто, т.е. N_1 предназначенный для употребления Adv –A/Adv/N. Следовательно, конструкция для лета характеризуется фразеологичностью семантики и является синонимом конструкции для употребления летом. Поэтому и в данном случае темпоральное прилагательное связано мотивационными отношениями не с существительным, а с наречием.

Таким образом, производные темпоральные прилагательные типа зимний, ночной в большинстве своих значений соотносятся не с существительными, называющими времена года и части суток, а с обстоятельственными наречиями, мотивированными этими существительными.

Необходимо подчеркнуть, что семантическая соотносительность с обстоятельственными темпоральными наречиями характерна не только для

отсубстантивных прилагательных. Это относится к отглагольным, а также к непроизводным собственно-темпоральным прилагательным.

См.:продолжительный поиск = продолжительноискать, непрестанная работа = непрестанно работать;

долгая стрельба = долго стрелять, постоянная вражда = постоянновраждовать и т.п.

Приведенные словосочетания попарно являются семантически тождественными. Если обратить внимание на словообразовательный статус каждого из членов словосочетаний, то бросается в глаза противоположное направление производности. Как отмечает *Л.Л.*Ким, в сочетаниях, подобных приведенными выше, «… если иметь в виду определения, то первое мотивирует второе. Если же ориентироваться на определяемые, то второе мотивирует первое. Но определяемые – главные члены словосочетаний, так что для словосочетаний в целом направление производности можно представить в виде пары буйно веселиться – буйное веселье», т.е. прилагательные оказываются семантически производными от наречий [5,338].

Мы рассмотрели варьированные семантики темпоральных прилагательных в их первичной функции, подчеркнув, что большинство из них являются относительными.

Говоря о подвижности и условности границы между качественными и относительными прилагательными, В.В. Виноградов указывает, что … она по большей части проходит внутри одного и того же слова, что во всех относительных прилагательных потенциально заложен оттенок качества» [6,170].

Как отмечают исследователи, в синтагматическом ряду нередко создаются (порождаются) новые семантические значимости, которые по отношению к системным значениям выступают как семантические приращение знака, его новый смысл [7,63].

Анализируемые прилагательные не являются исключением из этого правила. Возникновение новых семантических значимостей связано с развитием у них в речевой практике качественных со значений, окачествлением, метафоризацией [8,4].

Например, недолгое счастье – “непрочное”, длительное обсуждение- “всестороннее”.

Или: “Увы, зачем она блистает Минутной, нежной красотой” (С.А.Есенин).

”Мы в России девушек весенних на цепи не держим, как собак” (С.А.Есенин).

Факультативность метафорических изменений в одних случаях и обязательность таковых в других случаях даёт основание утверждать, что развитие качественных значений у относительных темпоральных прилагательных имеет свою специфику и отличается от окачествления прилагательных, мотивированных существительными с конкретным значением.

Известно, что основу семантической структуры отсубстантивных прилагательных составляет отношение к предмету, названному производящей

основой. При употреблении данных прилагательных в относительном значении акцентрируется именно это отношение. Например, стальной нож – нож из стали и т.п. Однако в определенных условиях значение отношения у рассматриваемых прилагательных может отойти на второй план, и тогда происходит актуализация качественных признаков, заложенных в семантике происходящих существительных и наследуемых семантикой производных, которые часто раскрываются и развиваются в серию самостоятельных значений [9,170].

Если производящее – конкретное имя, то эти признаки, как правило, являются устойчивыми, постоянными и в случае актуализации оказываются более или менее очевидными.

Отсюда широкие возможности метафоризации таких качественных прилагательных с относительно конкретным значением [11,390].

Однако процесс метафоризации темпоральных прилагательных сложнее, потому что качественный признак в их семантике чётко не определен и явно не выражен. Имплицитность признака делает значительно более сложным поиск предмета для сравнения. Поэтому возникает необходимость пространного авторского пояснения.

В заключении необходимо отметить, что модификация лексического значения у анализируемых слов связана не только с приобретением ими качественных значений или признаков. Она наблюдается и в тех случаях, когда они образуют с конкретными именами существительными устойчивые словосочетания: зимний сад, майский жук, ночной столик и др.

Здесь прилагательные редуцируют своё темпоральное значение, но и не приобретают значения качественного. Они превращаются в составной элемент неразложимого сложного наименования обозначающего кодифицированное понятие [12,16].

Ср.: БАС: зимний сад – «отеплённое крытое помещение при доме для цветов и декоративных деревьев»;

майский жук – «небольшой жук из семейства пластинчатоусых, являющихся вредителем лесов».

В данных словосочетаниях имена прилагательные со значением времени выступают не в функции характеристики и выражения коммуникативного задания [13,302], т.к. не называют какого-либо свойства реферата, а в функции своего рода индекса, уточняющего идентифицируемый предмет, т.е. в номинативной функции [14,239].

Литература

1. БАС – “Словарь современного русского литературного языка” в 17-ти томах. М., 1950-1965;

МАС – “Словарь русского языка” в 4-х томах. М., 1957- 1961;

ТСУ – “Толковый словарь русского языка” под ред. Д.Н. Ушакова. М., 1934-1940;
СО -”Словарь русского языка” С.И. Ожегова. М., 1987.
2. В данном контексте трансформация понимается лишь как преобразование выражения.
3. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. М., 1974.
4. Арутюнова Н.Д. Синтаксис. // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. «Наука». М., 1972.
5. Виноградов В,В, Русский язык. М., 1972.
6. Каращук В.А. Темпоральные прилагательные современного русского языка. Ташкент, 1978.
7. Ким Л.Л., Ширина Л.М. Из наблюдений над природой метафоризации имён прилагательных и семантической двуплановостью метафоризованных прилагательных вкусообозначения в современном русском языке. // Вопросы русского языкознания. / Научные труды. ТашГУ, вып. 390, Ташкент, 1971.
8. Ким Л.Л. Прилагательные в составе номинативных единиц современного русского языка. // Вопросы русского и общего языкознания. / Сб. научных трудов, №501. Ташкент, 1976.
9. Ким Л.Л. Характер семантического тождества отадъективного наречия на – О и производящего качественного прилагательного в современном русском языке. // Актуальные проблемы русского словообразования. Ч. II, Ташкент, 1976.
10. Курилович Е. Заметки о значении слова. // Очерки по лингвистике. М., 1962.
11. Ландсман И.М. Процесс окачествления отсубстантивных относительных прилагательных в русском языке. АКД, Ташкент, 1967.
12. Матезиус В. О системном грамматическом анализе. / О так называемом актуальном членении предложения. «Пражский лингвистический кружок». М., 1967.
13. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. М., 1974.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ ҲОЛАТ (СИТУАТИВ) РЕАЛИЯЛАР ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Садиқов Зоҳид Яқубжанович
Филология фанлари номзоди, доцент
Наманган давлат университети

***Аннотация**: Мақолада қадимги туркий ҳолат (ситуатив) реалияларни немис ва инглиз тилларига таржима қилиш усуллари тадқиқ қилинади. Бунда дастлаб ҳолат реалияларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг илк туркий адабий достонда қўлланилиши ўрганилиб, сўнгра уларни Европа тилларига таржима қилиш йўллари кўрсатилади.*

Калит сўзлар: *қадимги туркий тил, ситуатив реалия, таржима усуллари ва тамойиллари, новербал муомала воситалари.*

О ПРОБЛЕМАХ ПЕРЕВОДА СИТУАТИВНЫХ РЕАЛИЙ В ПРОИЗВЕДЕНИИ «КУТАДГУ БИЛИГ» ЮСУФА ХАС ХАДЖИБА

Садыков Зохид Якубджанович
Кандидат филологических наук
Наманганский государственный университет

Аннотация: *В статье исследуется переводческие способы древнетюркских ситуативных реалий на немецкий и английский языки. С начало анализируется особенности ситуативных реалий и их художественное интерпретация в древнетюркском произведении. Потом показывается способы перевода на европейские языки.*

Ключевые слова: *древнетюркский язык, ситуативная реалия, переводческие способы и принципы, невербальные средства общения*

PROBLEMS OF TRANSLATION OF SITUATIONAL REALITIES IN THE WORK OF "KUTADGU BILIG" YUSUF KHAS KHAJIB

Sadikov Zokhid Yakubdzhanovich
Candidate of Philology
Namangan state university

Annotation: *The article explores the translation ways of ancient Turkish situational realities into German and English. The author analyzed the peculiarities of situational realities and their artistic interpretation in ancient Turkish work and then the ways of translation into European languages.*

Keywords: *ancient Turkish language, situational reality, translation methods and principles, non-verbal means of communication*

Жаҳон таржимашунослигида реалияшунос олимлар С.Влахов ва С.Флоринлар ўзларининг “Непереводимые в переводе” (таржимада таржима бўлмайдиган жиҳатлар) номли монографиясида [1] ҳолат (ситуатив) реалиялар хусусиятларига тўхталиб, улар муайян халқ миллий ўзига хослигини акс эттиришда муҳим рол ўйнашини алоҳида таъкидлайдилар. Айни пайтда бундай хос сўзларнинг қадимги туркий тилдан Ғарбий Европа (немис ва инглизчага) тилларига таржима қилиш муаммолари ҳали махсус ўрганилмай келинмоқда. Биз ушбу мақолада Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги [2] ана шундай реалияларнинг немис ва инглиз тилларига таржима қилиш масалалари тўғрида фикр юритамиз. Зеро туркий тиллардан немис ва инглиз тилларига таржиманинг бундай жиҳатларини ўрганиш аввало таржима назарияси ва амалиёти, қолаверса қиёсий тилшунослик ҳамда қиёсий адабиётшунослик фанлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Асардаги ҳолат (ситуатив) реалияларнинг немисча талқини. “Қутадғу билиг”нинг тўлиқ немисча таржимасини В.Радлов амалга оширган [3]. Вилҳелм Радлов тажрибали таржимон, туркий тилларнинг билимдони. Унинг туркий тиллар лаҳжасига оид кўптомли луғатини бутун дунё тилшунослари кенг эътироф этадилар. В. Радлов Марказий Осиёга Ҳерман Вамбери каби шарқ фалсафаси ва ислом дини арконларини чуқур ўрганиб, дарвеш қиёфасида пиёда келмаган бўлсада, жумладан, Ўзбекистонга у XIX асрнинг охирларида чор Россияси ҳарбий қўшинлари ҳамроҳлигида ташриф буюрган ва туркий тиллар грамматикаси, хусусан, туркий сўзлар морфологияси борасида анчагина тадқиқотлар яратган. Аммо унинг Қорахонийлар даври урф-одатларини махсус ўрганмаганлиги, хусусан, “Қутадғу билиг” Қоҳира нусхаси матни транскрипциясига нисбатан нотўғри тамойил қўллаганлиги, унинг немисча таржимасининг ҳам анчагина мавҳум чиқишига олиб келган. Қуйида “Қутадғу билиг”да акс этган турқ-тароват, имо-ишора ва бошқа тана ҳолатлари акс этган реалиялар тасвирининг немисча талқинига эътибор қаратсак. Асарда хизматкорнинг подшога рўбарў келиши чоғида унинг *кўзларини ерга қадаб туриши* ва *қулоқларини атрофга қаратиши* лозимлигини немис таржимони аслиятдаги *тγз (тўғри тутмоқ, сергак бўлмоқ)* ўрнига *тёрда* тарзида тушуниб, уни *Ohren aber zum Ehrenplatz, яъни қулоқларингни ҳурматли жой бўлган тўрга қарат!* - деб талқин қилган. Натижада Қорахонийлар салтанати саройида хизматкор подшо қабулида унга рўбарў келиб қоладиган бўлса, қулоқларини тўрга қаратилиши лозимлиги каби тасаввур “кашф этилган”. Табиийки, бундай тамойил, туркий ҳолат реалиясининг немисча таржимаси аслиятга муқобил бўлишига монеълик қилади. Подшо олдида турган хизматкорнинг ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақидаги қадимги туркий ҳолат реалияси тасвирида Юсуф Хос Ҳожиб подшога дуч келган хизматкорнинг ўзини тутиши борасидаги ўгитларида даставвал ўзини тута билиши, кўзини унгагина қаратиши ва имкон қадар ерга қараб туриши ҳамда қулоқларини зийрак тутишидан сўнг қўллари ҳаракатига келганда, аслиятда *сўл қўлни ўнг қўл* устига қўйилиши лозимлиги айтилади. Аммо немисча таржимада негадир *ўнг қўл* устига *сўл қўл* қўйилиши кераклиги таъкидланган. Қўлларнинг ўрни алмашиб қолган. Ундан сўнг Ўгдўлмиш хизматкорнинг подшо эшигидан кираётганида *ўнг оёгини* олдин ташлаб кириши лозимлиги тўғрисида гапирса, немис таржимон *gehe dich nach vorn,* яъни *фақат тўғрига қараб юриш*ни гапиради. Бунинг сабаби, насронийларда ўнг оёқ ва ўнг қўлга муносабат масаласига қарашлари бошқачароқлигидан бўлса керак. Шу сабабданми, таржимон бунга ортиқча аҳамият бермаган. Ўзбекларда *ишинг ўнгидан келсин*, деб дуо қилинади Эътибор берган бўлсангиз, бу дуонинг тагида ҳам *ўнг* сўзи ётибди. Насронийларда, жумладан, немисларда бундай ҳолатда *Der Gott wird helfen, deine Wünsche zu verwirklichen*, яъни, *Худо сенинг ниятинга етишингда ёрдам берсин*, - дейилади.

Юқоридаги байтларда асарда хизматкорнинг бег ҳузурига кирганида амал қилиниши лозим бўлган ҳолат тасвирланган бўлса, кейинроқ, бевосита сарой дарвозасидан киргандан кейин лозим бўлган ўзни қандай тутиши кераклиги борасидаги ҳолат реалияларини учратамиз:

Кувəзлəнмə əлгин сала кирмəгил
Элиг алшу тутшу йэмə кирмəгил [3.4009]
Йана бағдаш илмə йанын йатмағыл
Ўнүн қатғура-сэн қатығ күлмəгил [3.4012]

Маъноси:

Гердайма, қўлингни солинтириб кирмагин.
Қўл олишиб, тутишиб ҳам кирмагин.
Яна чордана қуриб ўтирма, ён бош билан ётмагин,
Сен овоз билан қаҳ-қаҳ отиб кулмагин.

Эътибор берган бўлсангиз, юқоридаги байтларда муаллиф ўша давр саройида аёнларнинг ўзинин тута билиши тўғрисида ўзига хос туркий, қолаверса, шарқона колоритни мужассамлаштирган ҳолат (ситуатив) реалияларини тасвирлаган. Айниқса, қўлни солинтиришнинг яхши эмаслиги ва чордона қуриш кабилар ана шундай ўзига хослик ҳисобланади. Агар тасаввур қилиб кўрсангиз, Ғарб империя саройларида, умуман Ғарбда *чордона қуриб ўтириш* удумга кирмаганлигини биламиз. Энди бу ҳолат реалиясининг немисча таржимадаги талқинига эътибор берайлик:

Sei nicht stolz! tritt nicht mit herabhängenden Händen ein!
Stehe nicht da, indem du die Hände reichst oder festhältst! [43.4063]
Sei auch nicht untauglich, liege nicht auf der Seite!
Lache nicht mit lauter Stimme! [3.4066]

Маъноси:

Қўлингни осилтириб юриб у ерда мағрурланма!
Қўлингни худди энг бой одам каби тутиб турмагин!
Лаёқатсиз бўлма, бир чеккада ётма!
Баланд овоз билан кулма!

Немисча таржимада В.Радлов биз юқорида таъкидлаганимиздек, шарқона чордона қуриб ўтиришни тушунмаган кўринади. Шу сабабдан, яна ўзининг аввалги умумлаштирувчи ва тахминий таржима тамойилидан воз кечмай, фақатгина лаёқатсиз бўлмасликнигина ўқтиради. Бу билан асардаги шарқона ҳолат реалиясининг таржимада мавҳумлаштиришга олиб келинган.

Do not enter swinging your arms. Do not stand with someone holding his hand.
Do not cross your legs or slump to one side.

Маъноси:

Қўлингни осилтириб ичкарига кирма. Бирор киши билан ҳам қўл ушлашиб турма!
Оёқларингни чалиштирма ёки бир томонга оғдирма [4.173].

Аннотация: *Бугунги кунда таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларининг ортишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, ўзбек болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ижодини ўқиш дарсларида ўқитишда интерфаол усулларнеи қўллаш ва унинг самарарадорлигини ортиши сабаб бўлишини муаллиф мазкур мақола орқали кенг ва атрофлича ёритиб бера олган.*

Калит сўзлар*: Инновацион таълим технологиялари, таълим тизими, ноанъанавий дарс, саҳна дарси, баҳс-мунозара, умуминсоний ва миллий гоя, бадиий талқин, тест, бошқотирма.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ТВОРЧЕСТВА ХУДОЙБЕРДИ ТУХТАБОЕВА

Хамидова Мухайёхон Обидовна,
кандидат филологических наук,
доцент Нам ГУ

Аттотация: *В системе непрерывного образования широко используются инновационные технология. В результате обеспечивается мотивация к учению у учащихся. В статье подробно рассматриваются вопросы, связанные с использованиям инновационной технологии в целях повышения эффективности изучения жизни в творчества писателя.*

Ключевые слова*: инновационные образовательные технологии, система образования, нетрадиционный урок, урок-инценировка, урок-диспут, общечеловическая и национальная идея, художественная трактовка, тесты, ребусы.*

THE USE OF INTERACTIVE METHODS IN TEACHING KHUDOYBERDI TUHTABOYEV`S WORKS

Khamidova Mukhayyoxon Obidovna
Candidate of philologigal scienes, dosent
of Namangan State University

Annotation: *New pedagogical technologies are widely used in the educational process. This is the reason why students are more interested in the lesson. For example, the author of this article has been extensively explaining why using interactive methods in teaching Uzbek children`s writer Khudoyberdi Tuhtaboyev`s creations and increasing their effectiveness.*

Keywords*: New pedagogical technology, educational system, non-traditional lesson, stage lesson, discussion, testing, puzzling*

Ҳозирда таълим муассасаларида ўқитишнинг янги педагогик технологиялари тажрибали ўқитувчилар томонидан шакллантирилмоқда.

Шундай технологиялардан бири ноанъанавий дарсдир. Бу дарс турларидан саҳна, семинар, баҳс-мунозара кабилардан ўринли фойдаланиш ўқувчининг алоҳида фанларга бўлган қизиқишини орттиради ҳамда келажакда комил инсон қилиб тарбиялашда асосий восита ҳисобланади. Айниқса, бошланғич синф ўқиш дарсларида берилган шоир ҳамда ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда дарснинг ноанъанавий шаклларидан фойдаланиш катта самара беради.

Фикримизни ойдинлаштириш учун умумтаълим мактабларининг бошланғич 2, 3, 4-синфларида ўзбек болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг ижодини ўрганиш хусусида батафсил фикр юритишни ўринли деб билдик.

Адиб ижоди ўзининг юксак бадийяти, олдинга сурилган умуминсоний ва миллий ғоя ҳамда қадриятларига кўра беназирдир. Адибнинг бадиий талқинлари натижасида кўплаб ахлоқий-маънавий ҳодисаларнинг мутлақо янгича талқинлари бизгача етиб келган. Гап ана шу талқинларни ўқувчиларимиз онгида мустаҳкам ўзлаштирилишига, уларнинг билим, кўникма ва малакалари хазинасидаги нодир дурдоналарга айлантиришда қолмоқда. Биз шу соҳадаги айрим тажриба ва тавсияларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Жамиятимизда шу кеча-кундуздаги туб ислоҳотлар барча соҳаларда катта ўзгариш ва янгиланишларга олиб келди. Таълим тизимидаги янгиланишлар ҳам унинг таркибий қисми сифатида кўзга ташланаётгани бор гап. Бу ерда дастлаб таълим мазмунининг янгиланиб бораётгани кўзга ташланади. Айни пайтда, янгиланган таълим мазмунини ўқувчилар онгига етказиб беришнинг инновацион таълим технологиялари устида ҳам жиддий кузатишлар олиб борилмоқда. Ушбу жараёнда биз ўрганаётган махсус мавзу – Худойберди Тўхтабоев ижодини ўрганишда инновацион таълим технологияларнинг ўрни ва аҳамияти қандай бўлиши керак? деган саволга ҳам жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрдик. Зеро, бусиз ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини тўла ўзлаштиришлари, уларнинг тўлақонли ривожланишларини таъминлаш мумкин бўлмайди. Буларнинг барчаси ўқитувчиларнинг зиммасига янада каттароқ вазифаларни юклайди. Улар ўз предметларинигина эмас, балки шу предметларни бошқаларга етказишнинг инновацион таълим технологияларини ҳам, ўқиш ва ўқитишдаги замонавий талаб ва усуллар мажмуини ҳам мукаммал билишлари тақозо этилади.

Ватанимизнинг келажаги буюк давлат даражасига кўтарувчи ижодкор шахсни яратишда бошланғич таълим мустаҳкам пойдевор ролини ўйнайди. Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия беришдаги муҳим вазифаларнинг асосий қисми ўқиш дарсларида амалга оширилади.

Бунда ўз навбатида дарс жараёнида қўлланадиган янги педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш ҳам ўқувчида дарсга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлади. Шу ўринда 4-синф ўқиш дарсларида берилган бир соатлик дарс мисолида фикримизни ёритишни ўринли деб билдик.

Мавзу: Дўстлик (Худойберди Тўхтабоев)

Дарс мақсади:

1. Матн мазмуни билан таништириш, ўқувчиларнинг ифодали ўқиш малакаларини ўстириш.
2. Ўқувчиларни ватанпарварлик, миллий аньаналарга садоқат, дўстлик руҳида тарбиялаш, уларнинг оғзаки нутқи ва тафаккурини ривожлантириш.

Дарс методи: тушунтириш, ифодали ўқиш. “Кластер” ҳамда “ББББ” усулидан фойдаланиш.

Дарс жиҳози: “Ўқиш” дарслик китоби, мавзуга оид расмлар. Кроссвордли плакатлар, “Саломлашиш одоби” диафильми, тест, тарқатма материаллар.

Дарс тури: Ноаньнавий.

Дарснинг бориши: Дарс муҳитини ўқувчилар шеър айтиш билан бошлайдилар:

“Уқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,
Билим кимда бўлса, буюклик олар.

Уқувли уқару билимли билар,
Билимли, уқувли шодликка тўлар”.

Синф ўқувчилари ўз хоҳишлари билан 4 хил мева: анор, олма, узум, беҳилардан бирини танлаб, шу мева номи ёзилган столга бориб ўтирадилар ва қўлларидаги мева номларига шеър орқали таьриф келтирадилар.

Масалан:

Маржон-мардон юмалоқ,
Япроқлари шапалоқ,
қизил, сариқ, яшил, оқ,
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ.
Сен айт-чи, қизи Гулсум,
Буми дадажон узум…

Ўқитувчи уларни қўлларидаги мева турларига қараб, марказларга чорлайди. Ҳар бир марказ ўз шиорини эьлон қилади:

“Ўқиш маркази”: Нимаики қилсанг тилак, барига ўқиш керак.

“Она тили маркази”: Она тилим – жону дилим, сенсиз нафас олмас элим.

“Математика маркази”: Математика фанлар ичида шоҳ, унинг сирларидан бўлингиз огоҳ.

“Саньат маркази”: Саньатсиз ҳаёт – ваҳшийликдир.

Ҳар гуруҳдан икки ўқувчига 2 та тест берилади, гурҳларга эса топшириқлар юкланади.

1. “Ўқув маркази”: (жорий йил, унинг номланиши, мучал ҳисобидаги йил номи, масалан, 2008-йил – Ёшлар йили деб эьлон қилинган, мучал ҳисоби бўйича сичқон йили эканлиги ва ҳоказолар ҳақидаги маьлумотлар айтилади).
2. “Она тили маркази”дагилар фасллар ҳақида маьлумотлар келтирилади.
3. “Математика маркази”дан дунё воқелари ҳақидаги маьлумотлар тингланади.
4. “Саньат маркази” эса об-ҳаво, яьни, фасл бошидаги ҳаво даражаси, ёғин миқдори ҳақидаги маьлумотларни берадилар.

Тестлардан намуналар:

1. “Салом” сўзининг маьноси?

А) “саломатлик”; Б) “очиқ юзлик”; Д) “ҳушёрлик”.

2. Ўзингиздан катталар билан қандай саломлашасиз?

А) имо-ишора билан; Б) Овоз чиқариб саломлашиш керак;

Д) тўғри жавоб йўқ.

Тестни тўғри бажарган ўқувчи рағбатлантирилади.

Ўтилган мавзуни сўраш.

1. Қайси ҳолатларда салом бериш керак?
2. Қандай ҳолатларда салом бурилмайди?
3. Салом бераётган киши қандай ҳолатда бўлиши керак?

“Ўқиш маркази” ўтган мавзуга доир “Бошқотирма”ни ечади.

А	С	**С**	А	*Л*	О	М
		А	Р	Р	А	
	О	***Л***	М	А		
	Б	**О**	Б	О		
	А	**М**	М	А		
	А	***Л***	*Л*	А		
О	Н	**А**				
		Ш	Е	Р		
И	К	К	**И**			
		О	**Ш**			

1. Сўз боши…
2. Ўзи битта, тиши юзта.
3. Темир моддасига бой мева.
4. Дадамнинг дадаси.
5. Яқин қариндош.
6. Онажонлар қўшиғи.
7. Мўътабар зот.
8. Ҳайвонларнинг шоҳи.
9. Ёмон баҳо.
10. Гуручли таом.

“Она тили” марказига бир неча таянч сўзлар берилади ва улар шу сўзлар иштирокида ижодий иш ёзадилар.

Салом, хонадон, катта, ҳурмат, иззат, жамоат, очиқ чеҳра. (бу сўзлар варақчаларда тарқатилади).

“Математика маркази”га салом беришнинг нечта ҳолатини борлигини ёзиб, сўзлаб бериш топширилади. (биринчиси, ота-она, ёру дўстларга, ака-укаларни кўрганда салом берилади).

“Саньат марказига” эса саломлашишга доир бирор расм ишлаш топширилади.

Марказларнинг жавоблари ва ишлари баҳоланиб борилади. Кам балл йиққан марказлар учун яна бир имконият “Ақлий ҳужум” ташкил этилади.

“Саломлашиш одоби»га оид бир диафилм қўйиб берилади ва шу юзасидан қисқа суҳбат ўтказилади.

Суҳбатдан мақсад: ўқувчиларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаш.

Ўтилган мавзу марказлар томонидан жуда яхши баён қилинди.

- Азиз болалар! Саломлашиш одоби узоқ ўтмишдан, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган қадрли қадриятимизга айланиб улгурган. Салом–саломатлик маьносини ифодалайди. Шундай экан, ўқувчилар ўзимиздан катталарга доимо икки қўлимизни кўксимизга қўйиб, очиқ чеҳра билан, овоз чиқариб саломлашишимиз керак. Саломлашиш бизнинг миллий қадриятимиз ҳисобланади.

Янги мавзу: Худойберди Тўхтабоевнинг “Дўстлик” матни.

Ўқитувчи мавзуни сўзлаб, матнни ифодали ўқиб беради.

Мана энди сиз бу мавзуни қандай тушунганингизни тасаввур қилганингиз ҳақида суҳбатлашамиз, демак, яна марказлар билан ишни давом эттирамиз.

“Ўқиш маркази”дагилар матнни аввал ифодали, сўнгра ролларга бўлиб ўқишади.

“Она тили маркази”га таянч сўзлар берилади, шу сўзлар иштирокида ҳикоя ёзиш топширилади. (Яхшилик, ёмонлик, дўстлик, жануб, қуён) “Математика маркази”матнда нечта сўз ва нечта гап борлигини таҳлил қиладилар.

“Саньат маркази” матнни саҳналаштириб кўрсатишади.

Барча марказларга берилган топшириқлар ижроси муносиб баҳоланади.

Янги мавзу саволлар асосида мустаҳкамланади:

1. Дўстлик ўзи нима?
2. Қандай инсонлар билан дўст бўлиш керак?
3. Матндаги Абдуқодир билан Вова қандай дўстлашиб қолишади?
4. Дафтарингизга дўстлик ҳақидаги мақоллардан ёзинг?

Дарсни мустаҳкамлаш қисмида ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини ёзма шаклда ихчам баён топшириғини беради. Топшириқ икки турда ўтказилади.

1-тур.

Бу турда ўқувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ маълумот йетказилади, мунозара учун танланган мавзуни ўқувчилар муҳокама қиладилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар.

Дўстлик деганда нимани тушунасиз?

Ўйлаш учун вақт берилади. Сўнгра фикрларни ёзишга тайёрланади ва берилган жавобни қуйидагича ажратиб ёзиши мумкин:

1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ
1. Дўстлик бу улуғ туйғу ҳисобланади. 2. Ҳар бир инсоннинг энг яқин.	1. Дўст дегани оғир кунида, бошига кулфат тушганда ёнида	1. Дўст ҳар доим яхши-ёмон кунида ёнида бўладиган инсон.	1. Дўст катта-кичик бўлиши мумкин. 2. Дунёда дўст топиш жуда

Ўқитувчи бу жавобларни энг маъқулларини кўриб чиқадилар. Сўнг бу фикрларга бошқа ўқувчилар ҳам қўшимча фикр айтиб, тўлдиришлари ва изоҳлашлари мумкин.

2-турда

Ўқувчилар диққати “ББББ” усулига қаратилади.

Билардим	Билдим	Билмоқчиман
Дўстлик ҳақидаги мақолларни, ҳикояларни…	Дўстлик ўзи қандай туйғулигини, ҳар биримиз ўзимизга яқин дўстни танлай билишимиз керак …	Худойберди Тўхтабойевнинг ижоди бўйича тўлиқ маълумотларни…

Бу жадвал ўқувчилар билан биргаликда, уларнинг фикрлари асосида тўлдирилади.

Дам олиш дақиқаси: Шеърият лаҳзаси. Ўқувчилар шеърлардан намуналар айтадилар.

Ўқитувчи: – Бизнинг юртимизда Худойберди Тўхтабоев ва шунга ўхшаш шоирларимиз жуда кўплаб яшаб ўтганлар. Сиз улардан кимларни биласиз?

Ўқувчи: - Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Пўлат Мўмин, Зафар Диёр, Анвар Обиджон…

Ўқитувчи: - Азиз болалар, биз шундай буюк шоирларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бизу сиз ўтмиши буюк халқларнинг фарзандларимиз. Сизу биз шундай ижодкорларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, уларнинг дунё маърифатига қўшган жавоҳирлари билан ғурурлансак арзийди.

Дарс якунида гуруҳларга берилган баллар ҳисобланиб, ғолиб гуруҳ эълон қилинади ва “Офарин” деб ёзилган карточка тақдим этилади.

Дарсда фаол иштирок этган ўқувчиларга “Баракалла” деб ёзилган карточкалар тарқатилади.

Уй иши: Матнни ифодали ўқиш ва “Дўстлик” мавзусида ижодий иш ёзиб келиш топширилади

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги усул ва методларни қўллаб дарс ўтиш натижасида ўқувчиларда ҳар томонлама илмий-назарий билимларни мустақил эгаллаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва шу асосда ўқувчиларнинг илмий-дунёвий қарашларини таркиб топтириш ҳамда фаоллигини, эркин фикр юрита олишлигини, ҳар томонлама етук ва баркамол шахс сифатида камол топишларини, ижодий қобилиятларини аниқлаш ва уни рўёбга чиқаришни, ўқитувчи-ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкордигини шакллантиришни ва ниҳоят якуний натижаларни кафолатлашни амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жумабоев М Болалар адабиёти. –Т.: Ўқитувчи, 2011-Б. 260.

2.Матчонов С. Ва бошқалар. Ўқиш китоби: Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик.- Т.: Янгийўл Полиграф Сервис, 2015. – 240 б.

GESTURES IN PARALINGUISTICS.

Ergasheva Nargiza Numonjonovna teacher of Fergana Polytechnic Institute, “Teaching languages” chair

Annotation: *This article is devoted to gestures that are part of paralinguistic features and basic information is given. Some gestures have been analyzed in the article.*

Key words: *paralinguistic, body language, speech, gestures, subconscious, express, facial, micro – gestures*

ПАРАЛИНГИВИСТИКАДА ИМО-ИШОРАЛАР

Эргашева Наргиза Нумонжоновна “Тилларни ўргатиш” кафедраси ўқитувчиси Фарғона Политехника Институти

Аннотация: *Ушбу мақола паралингвистик воситаларнинг жест турига аталган бўлиб, унда жестлар ҳақида умумий маълумот берилган. Мақолада айрим жестлар таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *паралингвистика, тана тили, нутқ, жестлар, онг ости, тасвирламоқ, юз қисм, микро жестлар*

ЖЕСТЫ В ПАРАЛИНГВИСТИКЕ

Эргашева Наргиза Нумонжоновна учительница кафедры "Обучение языкам"
Ферганский Политехнический Институт

Аннотация: *Эта статья посвящается жестам которая являться типом паралингвистики, общие сведения даны в статье. Некоторые жесты были проанализированы.*

Ключевые слова: *паралингвистика, язык тела, речь, жесты, подсознательно, выражать, лицевой, микро жесты*

Paralinguistics - a direction in science that arose at the turn of linguistics, psychology, ethnography, medicine and cultural anthropology in the early 50's. 20 century in the USA. Its representatives are J. Treger, G. Smith, I. Hocket, T. Sebeok and others. [1] Paralinguistics studies the phenomena that accompany the language of people and carry information interpreted in a certain way (timbre of voice, intonation, cough, gestures, manner of speaking etc.). Of the various aspects of the sign theory, paralinguistics is closest to pragmatists studying the reaction of the perceiver to a sign utterance. The subject of paralinguistics is currently only being formed; therefore, it is difficult to clearly and rigorously correlate it with the subjects of other related sciences. There are various understandings of the field studied by P .: in the narrow sense, it includes sound phenomena that accompany sound utterances; more broadly, all sorts of (not necessarily sound) accompaniments of an oral human. communication; finally, with the broadest approach (when language is not associated with a definite substance), P. covers generally all sorts of phenomena accompanying linguistic activity — sound, graphic, kinetic, etc.[1]

In the latter case, paralinguistics also includes parasitism - the phenomena that accompany gesture communication. Paralinguistics also includes writing features that testify to the graphic skills of the writer, his physical and mental state. Paralinguistic phenomena are a by-product of communication and, unlike linguistic statements themselves, are usually not built consciously by the speaker, but they are perceived and interpreted by the participants in the communication. Mandatory and optional paralinguistic phenomena are distinguished: the former include voice coloring, the pace of speech, the manner of writing, etc., the latter include sounds such as coughing, sobbing, smacking, and also gestural accompaniment of speech. Being unconscious, these phenomena can be deliberately imitated (with the aim of expressing one or another state of mind or - in the case of written communication - imitate someone else's handwriting). Acting imitation paralinguistic phenomena can be realistic or stylized (such is the doctrine of the expressiveness of gestures and facial expressions, developed in the theater of the East).

In the study of paralinguistic phenomena, it is essential to find out how conditional they are or, conversely, natural; how much they are focused on the perceiver or are the speaker's completely involuntary self-expression; how independent they are from the actual language utterances that accompany them - i.e. how much they are organized into a

system and how much this system lends itself to existing research methods or requires new methods. It is assumed that paralinguistic. phenomena do not form independent. systems and their systematic consideration is possible only in a wider context, when they act as elements of language support. As for the research methods of P., serious difficulties are palpable here, since the linguistic apparatus is insufficient for these purposes, and a special apparatus has not yet been constructed in a satisfactory form.

The importance of the development of paralinguistics is recognized in connection with the needs of practice and a number of sciences related to linguistics. For example, when teaching foreign languages, it turned out that learning the language itself is not enough for a complete understanding of the native speakers of the language being studied due to the presence of such paralinguistic phenomena that are caused by national or cultural specifics (the manner of expressing emotions, gesticulating, making human contacts). In the field of international communication, neglect of paralinguistic elements can lead to misunderstandings (the same gesture - for example, a nod of one's head - can be interpreted by different nations as refusal or as consent). In the field of art, a misunderstanding of the paralinguistic functions of linguistic accompaniment can lead to an incorrect representation of the behavior of people of other eras or countries. An adequate interpretation of paralinguistic phenomena is essential for medicine, where the corresponding specific signs (trembling voice, nervous movements of the hands during speech, slow or rapid pace of speech, etc.) can serve as symptoms of certain diseases. [2] Paralinguistic elements are also important for forensics (identification of the identity of the offender by the characteristic spelling of letters, by the specificity of voice, gesture accompaniment, etc.). In human communication, the interpretation of paralinguistic elements by the perceiver consists in transcoding the information received from the speaker into signs of another code known to the perceiver (for example, the doctor recodes, “reads” the paralinguistic phenomena accompanying the patient’s speech in the form of symptoms of the disease). That is, the ability to perceive and interpret paralinguistic phenomena requires special knowledge - the more special, the more complex the given paralinguistic elements.

The degree of illiterateness of the human being depends on using such foolish, "body language" gestures and speech parasites in his speech. Gestures can show respect and esteem, disgust, disrespect, dominance, and selfishness. Gestures and facial expressions cannot be falsified, because they are subconscious actions. Even though researchers who have profound knowledge of paralinguistics or actors can control their movements, micro-gestures and facial expressions, look (eye) expressions can expose their actions.[4]

In the process of lying, especially when the speaker himself says this reluctantly, such actions as a sharp reduction in facial muscles, an increase in the pupil of the eye, an increase in blood vessels on the face and, as a result, reddening, an increase in the blink

rate of the eyes and micro-gestures like covering the mouth, touching the nose and ear, rubbing the neck, pulling the collar, hem or sleeve may happen.

Trueness and open-mindedness are usually expressed by opening the palms. The index finger is dominated by aggressiveness, fatigue delusions, waiting for a pleasant event, and palpating fingers, suggesting that the expected event did not occur as expected. Stroking the chin is a signal of decision-making. Folding the arms in front of the chest indicates defense, to fold the arms with the fist of the front part of the chest is a form of aggression.

The living being, especially the view of the human being, is the most influential and informative carrier. Eyes and lips are the most sensitive part of human face. The person who fled from his companion looks sincere and secret. A person who looks at it seems futile and inexplicable.[4] We understand that people generally have a look at the game of vision and. In the dialogue, visions are synchronized - the rhythm of the eyes directs the dialogue to a single stream. It should be noted that in the conversation, the listener is more likely to see the speaker rather than the speaker see the listener. However, at the end of the talk, he will listen to the listener to show that he has a continual look and feel. A person who maintains the point of view must also take the view away from the listener. The listener sends a note of approval to the speaker through the eye, signals such as approval and rebuke, cheerfulness and anguish, anger and excitement. Mimic movements of eye, eye area, and eyelids muscle reveal all aspects of human emotions.[5]

The illusion left by the view depends on the glare, the shape of the eyebrows and eyelids, the configuration of the mouth and nose and the overall contours of the face. The combination of the above signs is different, while positive emotions increase the look of the eyes, while negative emotions are the opposite, minimizing the views. In order to be able to communicate effectively with people and understand them more clearly, be careful about your partner's mood and behavior, and your "body language" is also being watched by others, including boldness and insecurity, shyness and agility, aggressiveness and defensiveness, gullibility and fidelity, and remember that it is interprital, such as slippery, uncultured and cultured, being close to the heart or self-destructive.[3]

As we communicate, we try to understand the expected purpose, to control the communication, to communicate, and to influence the psychic state of our companion by various means, to leave the desired impression on us. Verbal and nonverbal communication tools should be proportionate and consistent with communication, as well as the attitude towards the communicant should be the same. Constructing words, phrases, gestures, poses, and movements can soften or make it difficult to communicate. Many emotional expressiveness can occur subconsciously and may reflect the secret purpose of communication. It's also the purpose of making mistakes, talking in difficulty, or telling something unknowingly. Many professions (teachers, physicians, lawyers, actors, business leaders) require a highly developed communicative capability, effective communication techniques and culture. Because such occupations are closely related to

communication and should be able to fully understand and apply oral and paralinguistic speech.

References:

1. Leeds-Hurwitz, W. (1990). Notes in the history of intercultural communication: The Foreign Service Institute and the mandate for intercultural training. Quarterly Journal of Speech, 76, 262–281.
2. Ribes-Gil B. Multilingual Emotions // Voices. 2007. № 198. P. 4-5.
3. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишининг синтактик усули. Тошкент, 1987 йил. 83-86 – бетлар.
4. Алан Пиз. Язык телодвижений. – Санкт-Петербург, 1996.
5. Биркенбил В. Язык интонации, мимики, жестов. – Мюнхен 1979

ТАРЖИМА ВА АСАР БАДИИЯТИ

Яркинова Барчиной Баргиевна, Андижон вилояти ХТХҚТМОҲМ Тилларни ўқитиш методикаси кафедраси доценти,ф.ф.н.

Аннотация: *Мақолада яқин туркий тиллараро таржима масалаларига оид қулайликлар, шу билан бирга ўзига хос мураккабликлар таҳлилга тортилган. Шунингдек, таржимада муаллиф услуби ва шунга параллел равишда юзага чиқувчи таржимон услуби тадқиқ қилинган.*

Калит сўзлар*: бадиий таржима, муқобил сўз, аслият тили, таржимашунослик, яқин туркий тилллар, таржима тили.*

ПЕРЕВОД И ХУДОЖЕСТВЕННОСТЬ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

Яркинова Барчиной Баргиевна, к.ф.н., доцент Кафедры методики обучения языкам А ндижанского ТЦППКРНО

Аннотация: *В статье проводится анализ преимуществ и своеобразных трудностей близкородственного тюркского межязыкового перевода. Также приведён анализ авторского приема и параллельно возникающего приёма переводчика*

Ключевые слова : *художественный перевод, вариативное слово, оригинальный язык, переводоведение, близкородственные тюркские языки, язык перевода*

TRANSLATION AND POETRY OF A WORK

Yarkinova Barchinoy Bargiyevna PhD in Philology, docent

of the Department of Methodology of Teaching Languages, Andijan Regional Center of Personnel Professional Development of Retraining Public Education and In-Service Training

Annotation:*This article deals with advantages of translating matters of close Turkic languages as well as complexes. Also investigates author's style in comparison with translator's style.*

Key words *: literary translation, literary word, literary language, translation studies, close Turkic languages, language of translation*

Бадиий таржиманинг асосий хусусияти тилнинг бадиий фаолиятидан келиб чиқади. Тил бадиий асарда эстетик ҳодисага, санъат унсурига айланади. Таржимада ана шу образли ва ифодавий тилдаги бадиий маънони бошқа тилнинг образли ва ифодавий заминига ўтказиш, образни образ билан қайта ифодалаш жараёни содир бўлади. Реалистик таржима талабларига биноан таржимон аслиятнинг санъат асари сифатида шакл ва мазмун бирлигини қайта яратиши, миллий ва индивидуал хусусиятларини сақлаши лозим. Таржимон она тилининг ривожланиш даражаси, таржимачилик анъаналари ва тажрибасига суянади, таржима жараёнида ҳамма вақт ўз она тилида фикрлайди, она тили унга таҳлил қуроли, синов мезони бўлиб хизмат қилади.

Таржима асари бадииятини мазмун билан шакл мутаносиблиги, асар услубининг равонлиги, таркибий қисмларининг ўзаро уйғун келиши, тилининггиралилиги каби омиллар тайин этади.

Таржимашунослик йўналишидаги айрим ишларда ҳам у ёки бу сабабга кўра аслиятнинг муайян жиҳатлари миллий адабиёт намунаси сифатида тадқиқ этилиши мумкин. Аммо, умуман олганда, таржимашунослик йўналишидаги тадқиқотларнинг вазифаси ўзига хос: бунда асосан асарнинг таржимаси таҳлил этилиб, бадииятнинг ўзга тилга қай даражада тўла ва мукаммал кўчганлиги ўрганилади. Чунки бунда асл нусха таржимон учун ҳам мазмунан, ҳам шаклан идеал намуна ҳисобланади. Маълум бўладики, таржимачилик соҳасига бағишланган тадқиқотларда бадиият асосий масаладир.

Таржима нуқтаи назаридан бадииятни тадқиқ этиш асарни алоҳида, аслий асар сифатида бадиий жиҳатдан ўрганишдан бирмунча фарқ қилади. " Бунда ҳар бир муайян асар таржимаси жараёнида юзага чиққан бирламчи даражадаги масалалар етакчилик қилади. Тиллар ва адабиётлар, адабий анъаналар орасидаги узоқ – яқинликлар, асарнинг жанри, тарихий-миллий жиҳатлар каби таржима жараёнига устувор таъсир ўтказадиган бир қанча жиҳатлар борки, тадқиқот йўналишини одатда шулар белгилаб беради"[1,113].

Таржимоннинг сўз ва гапнинг маъносини тўғри бера билишдан ташқари муаллиф услубининг ички қувватидан келиб чиқадиган нозик ва нафис

хусусиятларини , чунончи, бадиий оҳан, ҳаракат, сўз ва сўзлар тизмасининг замирида яшириниб ётган бадиий ҳодисасини, ҳар бир муаллифнинг ўзига хос юмор яратиш хусусиятини, унинг сўз танлаш ва гап тузиш борасидаги янгилигини, бадиий асарнинг энг мухим хоссаси бўлган образлиликни тўғри акс эттириш лозим. Бугина эмас, "Таржимоннинг ўз услуби, унинг ўзига хос ижодий сиймоси ҳам у амалга оширган таржимага таъсир кўрсатмасдан иложи йўқ... Таржимон, унинг ўзига хос руҳий олами асл нусха муаллифининг услуби ичра беному нишон эриб, сингишиб, маҳв бўлиб кетиши мумкин эмас. Акс ҳолда, бу таржима эмас, балки қуруқ нусха кўчириш, кўр-кўрона ағдармачилик бўлиб қоларди"[2,70]. Шу маънода "Синган қилич" таржимасида асар муаллифи, моҳир қирғиз романнависи Тўлаган Қосимбеков услуби билан бирга асарни ўзбек тилига ўгирган Турсунбой Адашбоев услубини ҳам дарж этамиз.

Тўлаган Қосимбеков " Синган қилич" романини ўтган асрнинг 60-йиллари бошида ёза бошлаган эди. 1965 йилдан айрим парчалар "Ала-Тоо" журналида эълон қилиниб, дастлабки уч боби 1966 йилда китоб ҳолида нашр этилди. Роман 1971 йили тўлалигича босилиб чиқди. Кўп ўтмай, рус тилига, айрим қардош ва хорижий тилларга таржима қилиниб, чоп этилди.

Асарда Х I Х асрнинг иккинчи ярмидаги Қўқон хонлиги тузуми, Туркистон заминининг чор аскарлари томонидан истило қилиниши воқеалари халқ ҳаётининг кенг панорамаси фонида тасвир этилади. Ёзувчи қаламга олган тарихий босқич Марказий Осиё халқларининг тарихий ривожланишидаги ўта шиддатли бир давр эди, десак, янглишмаймиз.

Романнинг тўғридан-тўғри аслиятдан таржима қилинганлиги, ёзувчи услубининг барча хусусиятлари, қирғиз халқининг урф – одатлари ва айниқса ёзувчининг маҳорати билан янада тўлароқ танишиш имконини беради. Таржимада аслиятнинг руҳи, услуби яхши сақланган. Таржимон асосан, ёзувчи ишлатган ўхшатишларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини топган, аслият руҳини сақлашга катта эътибор берган. Масалан, асар қаҳрамонларидан бири, бургути билан овчилик қилиб кун кўрадиган Сарибойга хотини:

"Туран жыртылып кете турган болду озундун да... жем издеб журуп..." деб хитоб қилади [3,317].

Таржима матнидаги бу иборанинг муқобил варианти аслият даражасидаги образли ҳолатни тўла таъминлайди:

" Унга ем излайвериб , чоригингиз ҳам тўзиб кетди..."[4,201]

Таржимонннинг хизмати мос ва мувофиқ ифода шакли топганигина эмас. Шу ўринда у янги маъно кашф қилган. "Чориқнинг тўзиши" оддий бир ҳолат. Аммо овчининг хотини ўзбек тилида унга ачиниб, шундай оҳангда сўзлаганки, лоақал бургутини қорнини тўйғазиш учун унга бирон тишлам гўшт ҳам тополмай, бир неча кундан бери сарсон кезаётган Сарибой овчининг хуноб кайфиятига хотинининг куйиниб ачинаётганлиги мотиви жуда табиий чиққан. Шу ерда биз таъкидламоқчи

бўлган яна бир жиҳат бор, яъни таржимон озгина ҳушёрлик билан “ем” атамасини “емиш” деб ўтирганда эди, асарни ўзбек китобхонига яна ҳам яқинлаштирган, Сарибойнинг бургутига бўлган муносабати тасвирини ёрқинроқ ифодалаган бўлар эди. Қирғиз халқида “жем” атамаси ҳайвонлар ҳамда паррандаларга бир хил қўллансада, бизга маълумки, “ем” деганда одатда ҳайвонлар озуқаси тушунилади .

Таржима серқиррра ва мураккаб жараён. Чунки таржимон бошқа бир халқ учун ёзилган асарни ўз халқи учун қайта яратади, унга иккинчи ҳаёт бахш этади. Бу ҳаётнинг қисқа ёки узун бўлиши кўп жиҳатдан таржимоннинг маҳоратига, истеъдоди ва қобилиятига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, таржима ҳам санъат, ҳам илм.

“Синган қилич” романи таржимони Турсунбой Адашбоев олдида ҳам асар маъносини, ундаги ифодаларнинг образлилик хусусиятини ва мумкин қадар аслиятнинг шаклий жиҳатларини сақлаб қолиш вазифаси турарди.Тўлаган Қосимбеков асарларининг муҳим услубий хоссаларидан бири ифода шаклларининг ўқтин-ўқтин такрорланиб келишидир. Бу ритм суръатини кучайтириш , теран руҳий кечинмаларни ифодалаш, муҳим фикрни, асосий фалсафий қарашни таъкидлашга, воқеалар оқимини кескинлаштиришга хизмат қилади. Мутаржим ўша адиб таъкидламоқчи бўлган фикрни, муҳим аҳамиятга эга бўлган сўзларнинг ритм ҳосил қилувчилик ролини сақлаб қола олган. Энг муҳими, у буларнинг барини ўзбек тилида моҳирона акс эттиришга ҳаракат қилган. Мисол:

Эй, не болуп турасын! Олгон жалгыз сенби!.. Атан кана!.. Озун-озу кайрады. Бутту бул дуйнонун кызыгы. Бутту бул дуйнонун азабы… [3,277].

Таржимада:

Ҳой, нега ўйчансан? Сендан бошқа ўлмайдими?- ўзини ўзи койиди.-Бўлди! Бу дунёнинг ўйини поёнига етди. Тамом! Тамом! Бу дунёнинг азоби ҳам тамом...[4,90].

Ёки :

-Кут болсун! Кут болсун айланыб конгон бактыныз!.. Кут болсун артылыб минер татыныз!.. Эми келди, ханзаада, журт камын ойлоно турган чактыныз!...[3,220]

Таржимаси:

-Қутлуғ бўлсин бахтингиз!.. Муборак бўлсин яраширқли тахтингиз!.. Шаҳзодамиз, юрт гамида ўтсин энди вақтингиз!...[4,49]

Бу мисоллар бадиий таржима назарияси тадқиқотчиларининг тўғри муайян йўл – тилдаги ифода шаклларининг муқобилини топишдан иборат эканлиги ҳақидаги фикрларнинг яна бир тасдиғидир.

Муаллиф услубининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, қаҳрамонларнинг нутқлари қисқа ва ихчам берилиши билан бирга, тили бағоят образлидир. Мисол учун:

-Сиз учун ат токур жигитим эмес озумдун башымды аябаймын, бек ага!...[3,231]

Таржимада:

-Сиз учун отга эгар урадиган йигитим эмас, ҳатто ўз бошимни аямайман, бек ога!...[4,51]

Ушбу мисолда Т.Адашбоев таржималарига хос характерли бир жиҳат бор.Гап шундаки, яқин турий тилларнинг бирида мавжуд бўлган, шу тилдаги миллий адабиёт томонидан кенг қўлланадиган тасвирий белгилар - ўхшатиш, муболаға, идиоматик бирликлар, метафоралар аксар ҳолда ўз мазмуни ва шаклини бус-бутун сақлаган ҳолда иккинчи тилда ҳам учрайди (*ат токур жигит –отга эгар урадиган йигит, шор баскан- шўрлик)* ва бу таржимонга қулайлик туғдиради. Т.Адашбоев таржималарида ана шу қулай омилдан фойдаланишга интилиш яққол сезилади, мутаржим "таржима қилганини сездириш" учун матнни атайлабдан бузиш-ўзгартиришга интилавермайди.

Яқин тиллардан таржимада қулайликлар билан бирга,ўзига хос мураккабликлар, нозикликлар бор. Бу хусусан, ҳам аслият, ҳам таржима тилида қўлланадиган айрим сўзлараро маъно тафовутларида кўзга ташланади. Муайян олинган сўзнинг ҳар икки тилда мавжудлиги қайсидир маънода мутаржим меҳнатини оснлаштиради, албатта.Лекин, айнан бир сўз аслиятда бошқа, таржима тилида бошқа маънони ифодалаши ёки кўп маъноли бўлган сўз ўзга тилда бир маънонигина ифодалаши мумкин. Яқин тиллар орасидаги ана шундай нозик жиҳатлар Турсунбой Адашбоевдек икки халқ фарзанди, икки тил билимдони бўлган моҳир мутаржимни ҳам чув тушириб қўйган ўринлар оз эмас: асарда "аскербашы" ва "аксарбашыл" сўзлари қўлланади. Таржимон ҳар икки сўзни "лашкарбоши" деб берган. Аслида "аксарбашыл" ҳайвон (қўй, улоқ ва ҳ.к.) сўйиб, қурбонлик қилиш маъносини англатади. Асарда тилга олинган даврда одамларни ҳам қурбонлик қилишган. "Қурбонлик" атмаси шу маънода қўлланган. Демак, қурбонлик - инсон қурбонлиги (масалан, Шералини хон кўтариш маросимида Ашир деган йигит қурбонлик қилинади) ни англатади. Бу сўзларни улардаги ўхшашликка асосланиб ўгирган мутаржим эса янглишган.

Кўринадики, бадиий таржима сингари бус-бутун ижодий юмушда мутаржимнинг индивидуал ёндашуви, унинг саъаткорлиги, тил билиши, тарихни ва қаламга олаётган халқ ҳаётини теран англаши муҳим аҳамиятга эга .

"Синган қилич" романи Марказий Осиё халқлари тарихи бурилиш нуқталари, хонлик даври қиличининг синиши, тор-мор этилиши даври талқин этилиши билан " Ўткан кунлар", "Буюк Пётр", "Абай йўли", "Тинч Дон" каби тарихий романлар турига мансубдир.

Тарихий мавзудаги асарни таржима қилиш замонавий мавзудаги асарни ўгиришдан қийинроқ. Бунда мутаржим аслият тили, адиб услубини билишдан ташқари, асарда тилга олинган тарихий даврни ҳам ўрганиши керак бўлади. Зеро "воқеалар тасвири биздан қанчалик узоқроқ вақтга бориб тақалса, таржимонга ўша давр халқ тили, услуби ва урф-одатларини қайта яратиш билан боғлиқ шунчалик кўп қийинчилик туғдиради"[5,117].

Адабиётлар:

1. Исомиддинов З. Туркий эпос ва таржима масалалари.-Т.:Университет,1995
2. Владимирова Н . Иллат қаердан бошланади? Таржима санъати: Мақолалар тўплами.К.6.
3.Касымбеков Т. Эки томдук тандалган чыгармалар.Т.1.-Фрунзе:Мектеп,1990.
4. Қосимбеков Т. Синган қилич. Тарихий роман /Т.Адашбоев таржимаси.-Т.,1980.
5. Нўъмонова Д. Таржимада давр руҳини ифодалаш. //Таржима муаммолари: 3 к.К.2.-Т.-Самарқанд,1991.

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

THE MAIN AIMS AND OBJECTIVES OF TEACHING ENGLISH TO YOUNG LEARNERS

Akhmadjonova Kizlarkhon Kobiljon kizi, Tukhtayeva Kuysin Davlatovna, Sotimboyeva Yulduzoy Solohiddinovna
Researcher, "Teaching English language methodology" department, Namangan State University, Uychi str., Namangan, Uzbekistan
Docent, "Teaching English language methodology" department, Uzbekistan World Languages University, Tashkent, Uzbekistan
Researcher, "Pre-school, primary and special education methods" department, Namangan Regional Training and Retraining Center of Public Education teachers, Namangan, Uzbekistan

Abstract: *This article is about the latest research it was found out that children acquire language much more easily at their infant age. By perception and listening they learn the language naturally. Already the small babies and toddlers who are exposed to everyday contact with second language acquire the language automatically. When the children moreover have the chance to read books or magazines for infants, they become familiar with the written form of the language and have no problem to deal with texts and letters later at school.*

Keywords: *early age, active method, acquire language, spiritual nature, intellectual development, physical development, emotional development, social development, critical age, an innate capacity.*

ОСНОВНЫЕ ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ВОЗРАСТА.

Ахмаджонова Кизлархон Кобилжон кизи, Тухтаева Куйсин Давлатовна, Сотимбоева Юлдузой Солохиддиновна

Научный сотрудник отдела «Обучение методологии английского языка» Наманганского государственного университета, ул. Уйчи, Наманган, Узбекистан
Доцент кафедры «Обучение методологии английского языка», Университет мировых языков Узбекистана, Ташкент, Узбекистан
Научный сотрудник отдела «Методика дошкольного, начального и специального образования» Наманганского областного центра подготовки и переподготовки учителей народного образования, Наманган, Узбекистан

Аннотация: *Эта статья посвящена последнему исследованию, в ходе которого*

выяснилось, что дети гораздо легче усваивают язык в младенческом возрасте. Через восприятие и слушание они учат язык естественным образом. Уже маленькие дети и малыши, которые подвергаются ежедневному контакту со вторым языком, приобретают язык автоматически. Кроме того, когда дети имеют возможность читать книги или журналы для младенцев, они знакомятся с письменной формой языка и не имеют проблем с тем, чтобы иметь дело с текстами и письмами позже в школе.

Ключевые слова: *ранний возраст, активный метод, овладение языком, духовная природа, интеллектуальное развитие, физическое развитие, эмоциональное развитие, социальное развитие, критический возраст, врожденная способность.*

KICHIK YOSHDAGI BOLALARGA INGLIZ TILINI O'RGATISHNING ASOSIY VAZIFALARI VA MAQSADLARI.

Axmadjonova Qizlarxon Qobiljon qizi, To'xtaeva Kuysin Davlatovna, Sotimboyeva Yulduzoy Solohiddinovna

"Ingliz tilini o'qitish metodikasi" kafedrasi mustaqil izlanuvchisi, Namangan davlat universiteti, Namangan, Uychi ko'chasi, O'zbekiston

“Ingliz tilini o'qitish metodikasi” kafedrasi dotsenti, “O’zbekiston Jahon tillari universiteti, Toshkent, O'zbekiston

"Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim metodikasi" kafedrasi mustaqil izlanuvchisi, Namangan viloyat xalq ta'limi o'qituvchilarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish markazi, Namangan, O'zbekiston

Annotatsiya: *Ushbu maqola bolalarga kichik yoshdan boshlab tilni osonroq o’rgatish hususidagi so’ngi izlanishlar to’g’risidadir. Idrok va tinglash orqali ular tilni tabiiy ravishda o’rganadilar. Allaqachon ikkinchi til bilan kundalik aloqada bo’lgan kichkintoylar va o’spirinlar avtomatik ravishda tilni tez o’zlashtiradilar. Bundan tashqari, bolalar chaqaloqlar uchun kitoblar yoki jurnallarni o’qish imkoniyatiga ega bo’lganda, ular tilning yozma shakli bilan tanishadilar va keyinchalik maktabda matnlar va harflar bilan shug’ullanishda muammo bo’lmaydi*

Kalit so’zlar: *erta yosh, faol usul, tilni egallash, ma’naviy tabiat, intellektual rivojlanish, jismoniy rivojlanish, hissiy rivojlanish, ijtimoiy rivojlanish, tanqidiy yosh, tug’ma qobiliyat.*

I. INTRODUCTION

Modern psychology has rightly emphasized the great importance of emotional and irrational factors in all aspects of human life. But these have as yet received no adequate recognition and utilization in education and little attention is paid to them in the teaching of languages. This does not imply that a special personal bond or affective relationship is needed between teacher and pupil, although, when it exists, as in the case between mother and child in learning the mother tongue, it is very helpful. What should be established is a

happy, friendly relationship, vivacious and informal, quite different from the stiff, reserved, or professorial attitude which is the rule.

Much can be done towards establishing this atmosphere by enlivening the teaching with the frequent interspersion of humorous and witty phrases, puns, verbal tricks and absurdities. The funny makes a very special appeal to the subconscious, creates a very clear-cut impression on it, and is correspondingly remembered with great ease.

Surely the time has come to abandon the stupid idea that study must always be accompanied by solemn and laborious drudgery. Let us turn it into a lively, attractive, happy activity. Let us, for example, turn our attention to the possibility of introducing another influential factor: the general and vivid interest aroused by play and sport. It should be easy for the teacher, who is not a mere automaton harping on grammar, to propose puzzles, little genes, end competitions in order to stimulate his pupils to eager learning, especially of the less attractive parts of a language or other subjects. It would be well if textbooks incorporating these methods were made available for the use of the teaching profession. In this way study and sport, instead of remaining two separate and often antagonistic activities, would be drawn into partnership; the more so because games and sports could easily be utilized for the teaching of many scientific facts, laws, and methods, from a practical standpoint.

At this juncture I should like to anticipate a possible doubt that may have arisen in some minds. Are grammars then really obsolete? Should we just consign them to the dustbin or make a fine bonfire of them? My views are not as revolutionary as that! I have a great respect for grammars and sincerely believe that they have their proper place and perform a distinctive function within the body of human knowledge. Only, in my opinion, that place and function are exactly the opposite of those ordinarily assigned to them. Grammars should not be used, as is the custom, at the start of the study of a language; their usefulness begins after one has acquired a sufficient practical command of the language. When this has been attained by the method of direct absorption, there arises spontaneously the desire to know the reason for the many peculiarities and for the origin and development of the language one is learning to appreciate. This is right and good, expressing, as it does, the desire for a scientific understanding.

The teacher should be a bridge to experience and life, and their interpreter; not, as is generally the case, a screen preventing vital intercourse with reality. In the present school system (excepting a minority of schools which have adopted modern "active' methods) the teacher, with the best of intentions, tends to deprive young people of their right to undergo the natural processes we have described, by feeding them with pre-digested and artificially condensed tabloids of knowledge.

The harmonious, sympathetic relationship between teacher and pupil, which as we have seen, is a great help in mastering a language, should be extended to the people and to the whole nation whose language we are learning. This has not only the advantage of facilitating our learning, but has a wider and higher value of a spiritual nature. A language

is the direct and distinctive expression of the soul of a people. It reveals the special inner quality of the latter, and by means of it is manifested the unique contribution which that nation has made and is making to the corporate life of humanity. It is the interpreter of the notes and chords, the melodies and harmonies which represent its participation in the great human symphony.

Therefore, if we adopt an attitude of sympathetic understanding and keen appreciation towards that people, putting our soul in contact with its soul, the study of its language will acquire for us a new and deeper meaning. It will create an inner and vital relationship which will enable us to absorb that language with surprising ease.

We shall be able to rely upon the cooperation not only of our subconscious but of our super conscious, with its higher intuitive and telepathic powers, with its strong tendency to bring about a blending and identification.

Moreover, such an approach confers an even more important benefit, of a spiritual – a great broadening of our mind and feelings. Many mental limitations, prejudices, and unjustified emotional reactions are thereby overcome, and we acquire a new angle of vision, new ways of approaching reality; become more plastic and refined. Thus we gradually arrive at a vital and not merely an intellectual realization of the fact that there are many points of view, all partially justified; and that, only by accepting and appreciating the contribution of each country and race, may we hope to arrive at a more complete and truer picture of reality.

This inner broadening, this growth of our power to sympathize and to understand, this overcoming of self- centeredness, have not only a liberating effect on us individually, but constitute one of the most effective and practical means of eliminating national and racial misunderstandings, antipathies, and the consequent antagonisms. Recent history has demonstrated with dramatic evidence the failure of efforts to establish international cooperation, disarmament, and peace primarily by outward means, such as pacts, legal measures, coercion, and fear. In this, as in all similar instances, the only effective solution must be worked out by the natural, and at the same time, spiritual method which operates from within outwards, from soul to body, from spirit to form.

When the real spirit of peace and general international goodwill has permeated the minds and hearts of the more influential section of humanity, the elaborate, formal leagues and pacts will become unnecessary, and in that spiritual atmosphere the needed regulations and agreements will be easily established and effectually carried out.

In order to add our individual contribution to this great task, on which may depend the future of our civilization, it becomes almost a necessity for us to avail ourselves of the assistance offered by the knowledge of the principal foreign languages. As we have seen, it can be acquired far more easily and painlessly if we abandon the current unsatisfactory and artificial methods, and cultivate the wisdom to become again as little children. Let us open our minds and hearts to the many voices in which humanity expresses its sorrows and joys, and offers us the fruits of knowledge and beauty it has gathered through the

endeavors of its sons. Let us daily participate in the effort to create a new civilization, a new expression of man's inherent divine qualities.

II. METHODOLOGY

As Phillips supposed the years at pre-school as "extremely important for children's intellectual, physical, emotional and social development. They go through a series of stages, progressively acquiring skills that are thought necessary by the society they live in. Many of these skills are interdependent, and if one has not been sufficiently developed, the acquisition of another may be impeded.

On the physical side, children need to develop balance, spatial awareness and fine control of certain muscles in order to play sports and perform everyday actions such as dressing themselves, cleaning their teeth, colouring, drawing and writing.

Socially, children need to develop a series of characteristics to enable them to fit into the society they live in, to become aware of themselves in relation to others, to share and co-operate and to be assertive without being aggressive. They need to be able to accept criticism and become self-critical, to be aware of how they learn and to experiment with different learning styles, to organise their work and to be open and interested in all that surrounds them" (Phillips 1993: 5,6).

According to Brumfit, Moon and Tongue there are characteristics which most primary level learners share:

- In the first years of schooling it is possible to reach and mould developmental changes of children and so create their expectations of life.
- Young children want to learn and work with enthusiasm. They do not tend to have similar inhibitions as their older schoolmates.
- As a group they are potentially more differentiated than secondary or adult learners, for they are closer to their varied home cultures, and new to the conformity increasingly imposed across cultural groupings by the school.
- Because they are at the beginning of formal schooling it is essential that their learning is closely linked with the development of ideas and concepts.
- To make learning enjoyable and motivating it is needed to use physical movements and activities that stimulate learner's thinking.

Human beings begin learning language long before verbal memory develops. The ways in which humans acquire language strongly impact future development. Children are hard-wired to pick up language from the people around them, whether anyone actively teaches them or not, but parents can choose to provide a stronger or weaker foundation for later success. Teaching infants to speak can involve providing varied experiential opportunities for learning. In English-speaking cultures, teaching infants to speak Standard English as their native language further strengthens their ability to excel[5].

[5] *http://www.syl.com/articles/teachinginfantssuperchargelanguageacquisition.html*

Олий таълим соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида рўйхат сифатида бирор тадқиқотда келтирилмаган. Бу хусусиятлар олий таълим соҳасида коррупция бўйича тадқиқот ишларида умумий асосда келтириб ўтилган.

Шундай бўлса-да, соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар хусусиятларини тўлиқ келтиришга ҳаракат қиламиз, улар қуйидагилар:

Биринчидан, олий таълим муассасаларида коррупциявий муносабат субъектларининг кўплиги ва соҳада коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши юқорилиги ҳисобланади.

[29] Osipian Ararat. Corrution in higher education: for the degree of Doctor of philosophy. 2013 pp.25-26 pages.

Жумладан, 2019 йил ҳолатига Республикада бакалавриат таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича 13 минг нафар талабалар бўлиб, 25.418 та профессор ўқитувчилар меҳнат фаолиятини олиб боради[30]. Мазкур субъектларнинг деярли ҳар куни манфаатлари тўқнашиши ва бу жараёнда инсон омилининг устунлиги коррупциявий ҳаракатларни содир этилиш хавфи юқори бўлишига сабаб бўлади.

*Иккинчидан,*олий таълим муассасаларида талабаларни баҳолашга доир коррупциявий ҳолатларни кўзга кўринмаслиги, муносабат субъектлари ва жамоатчилик томонидан бу турдаги ҳаракатларни енгил турдаги ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаши ҳисобланади.

Хусусан, талабани пул бериб ёки таниш мансабдорларни орқали ижобий баҳо олиши ўқитувчи учун ҳам талаба учун жиноят даражасидаги ҳуқуқуқбузарлик сифатида тасаввур қолдирмайди. Мазкур майда коррупциявий ҳаракатларни муттасил содир этилиши ўқитувчининг иш фаолиятида, талабанинг таълим олиш жараёнида улар учун бу ҳуқуқбузарликларни арзимас ахлоқий қоидабузиш деб эътироф этиши айни ҳақиқат.

Учинчидан, олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар даврий асосда юз беришидир.

Жумладан, ҳар йили олий таълим муассасаларига кириш имтихонларини ўтказилиши, йилда икки марта жорий, якуний имтихонларини амалга оширилиши ва битириш курсларида давлат имтихонлари, битирув малакавий ишларни топширилиши бунга аниқ мисол бўла олади. Даврий асосда коррупциявий ўчоқларни юзага келиши ҳуқуқбузарлар учун узоқ ва пухта тайёргарликлар кўриш имкониятини яратади ҳамда бу соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни юқори бўлишига хизмат қилади.

Тўртинчидан, абитуриент ва талабалрнинг олий таълим даражасини олиши катта ҳаёт йўлидаги ҳал қилувчи нуқта, кўп эҳтимол билан унинг келажак йўлида кўприк бўлиши алоҳида бир хусусият ҳисобланади. Ушбу муҳим ҳаёт босқичида ижобий натижага қонуний йўл билан эриша олмаган шахслар коррупциявий ҳаракатларни содир этиш эҳтимолини кучайтиради.

Бешинчидан, олий таълим соҳасидаги коррупция бўлажак кадрларда коррупциявий иллатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Масалан, талабанинг ўқитувчи билан тўғридан-тўғри коррупциявий муносабатларга киришиши уни саводсиз кадр бўлишига олиб келиши билан бир қаторда, келгуси иш фаолиятида вазифаларини бажаришда ҳам коррупциявий ҳаракатларни содир этишга ўргатиб боради. Зеро, соҳада коррупцияни авж олиши коррупцияга мойил бўлажак кадрлар учун тажриба майдони бўлиб ҳизмат қилади.

[30] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

Олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда асосий таъдқиқот манбаси ҳисобланади. Шунинг учун коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш коррупциявий ҳуқуқбузарликларни сабаб ва омилларини аниқ белгилаб олишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Музалевская Е.А. К проблеме коррупции в высшей школе Знание. Понимание. Умение. 2007. № 4. С. 58.
2. Криминология. Учебник. Отв.редактор: Рустамбаев. М.Х. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 219.
3. Долгова А.И. Криминология: учебное пособие. М., 1999. С 501.
4. Комиссаров В.С. Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Вестник МГУ. Сер. 11. 1993. № 1. С. 26.
5. Власенко Н. А., Цирин А. М., Спектор Е. И. Словарь-справочник. М, 2016. С. 82.
6. Балыков П.Н., Богданова Е.Л., Дорошкова О.А., Петерикова Ю.Е., Федотова М.В. Организация психологической работы антикоррупционной направленности в таможенных органах Российской Федерации: методические рекомендации. - СПБ.,
7. Методика экспертизы нормативных правовых актов органов государственной власти Калининградской областии их проектов на коррупциогенность [Электронны ресурс] - pravoteka.ru/docs/kaliningradsk.
8. Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: науч.-практ. пособие / отв. ред. Ю.А.Тихомиров. М., 2013.
9. Georgiev, V. (2013). Methods and techniques for assessment of corruption risk in Defenceand Security. Journal of Defense Management, S3, 1-2. Retrieved from: http://doi: 10.4172/2167-0374.S3- e002.
Ожегов С. И. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ожегова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009. URL: http://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=34006 (дата обращения: 04.03.2016).
11. Ушаков Д. Н. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ушакова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009 URL: http://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=82769 (дата обращения: 04.03.2016).
12. Кузина К.С. Коррупция в сфере высшего профессионального образования на примере Омской области: студенческий малый грант [Электронный ресурс] С. 10-11 // Центр научно-правовых инициатив Н.А. Лопашенко. Электрон. дан. [Б. м.], 2008-2016. URL: http://www.sartraccc.ru (дата обращения: 10.03.2016).
13. Osipian Ararat. Corrution in higher education: for the degree of Doctor of philosophy. 2013 pp.25-26 pages.

14. О.В. Казаченкова предлагает понимать под коррупционными рисками обстоятельства, факторы и явления, возникающие в процессе функционирования органов государственной власти, осуществления служебной деятельности государственных служащих, создающие ситуацию возможного совершения коррупционного правонарушения.

МАТЕМАТИК ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

.Нажмиддинова Ҳилола .Ё., НамДУ, п.ф.н., доцент, xilola1304@mail.ru,

Аннотация:*Ушбу мақолада рақамли иқтисодиётнинг кичик ёшдаги болаларнинг математик саводхонлигини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади.*

Калит сўзлар. *Рақамли иқтисодиёт, инновацион ғоя, юқори технология, платформа, компьютер дастури, рақамли тафаккур, электрон таълим, индикатор.*

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА В МАТЕМАТИЧЕСКОМ ОБУЧЕНИИ

Нажмиддинова Хилола .Ё. – к.п.н. доцент, НамГУ. e-mail: xilola1304@mail.ru.

Аннотация:*В этой статье рассматриваются рол и значение цифровой экономики в развитии математической грамотности детей младшего возраста.*

Ключовые слова. *Цифровая экономика, инновационная идея, высшая технология, платформа, компьютерная программа, цифровое мышление, электронное обучение, индикатор.*

DIGITAL ECONOMY MATHEMATICAL EDUCATION

Najmiddinova Kh.Yo. – Candidate of Pedagogical Sciences, Associated Professor.
Namangan State University. e-mail: xilola1304@mail.ru.

Annotation:*This article discusses the role and importance of the digital economy in the development of mathematical literacy of young children.*

Key words. *Digital economy, innovative idea, high technology, platform,, computer program, digital thinking, e-learning, indicator.*

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди. Инновацион ғоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқаришга, жамият ҳаётига изчил татбиқ этиш замонавий билим ва мукаммал малакага эга мутахассислар тайёрлаш учун миллий таълим тизимида ҳам кенг кўламли ва чуқур ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида 2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинганлиги мазкур Мурожаатноманинг энг муҳим нуқтаси бўлди дейиш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу ислоҳотни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди (“Рақамли дивидендлар”).

Рақамли иқтисодиёт юқори даражада автоматлаштирилганлик; электрон хужжат алмашинуви; бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви; маълумотлар электрон базалари; CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги; корпоратив тармоқлар каби белгиларда намоён бўлади ва у қуйидаги қулайликларга эга:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади);
2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта;
4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади;
5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Рақамли маълумотлар қимматбаҳо иқтисодий ресурс ҳисобланса-да, у рақамли тафаккурга айланганидагина фойда келтиради. Рақамли иқтисодиёт кириб келиши билан рақамли платформалар яратиш ва тез суръатларда ўсиб бораётган рақамли маълумотларни модернизация қилиш муаммолари вужудга келмоқда. Бунда қиймат ярата олиш йўлларини, мазкур жараёнлардаги тўсиқларни бартараф этиш воситаларини аниқлаш муҳимдир. Бу қийматни яратиш ва тарқатиш салоҳиятини, қийматни янгилаш, бошқариш ҳамда қийматни қўлга киритиш шаклларини тушуниш имконини беради.

“Рақамли иқтисодиёт”ни жорий этишнинг асосий омилларидан бири бу — ахборот-технологиялари соҳасида чуқур билим ва кўникмаларга эга, замонавий технологиялардан эркин фойдалана оладиган, малакали кадрлар ҳисобланади.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон хужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "...Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим".

Жанубий Корея таълим тизими жаҳон миқёсида эътироф этилади. Буюк Британиянинг "Pearson" халқаро гуруҳи томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган миллий таълим тизимлари самарадорлиги рейтингида ушбу мамлакат яқин вақтгача ушбу кўрсаткич бўйича дунёда пешқадамликни қўлдан бермай келган Японияни ҳам ортда қолдирди.

Жанубий Кореяда ахборот-коммуникация технологиялари бошланғич, ўрта ҳамда олий таълим муассасаларида кенг жорий этилган. Мамлакатдаги университетларнинг 83 фоизи "E-learning" тизими билан қамраб олинган. Бундан ташқари, 17 та кибер университет мавжуд бўлиб, уларда онлайн тартибида 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 40 минг талаба таҳсил олади. Ушбу талабалар билимини назорат қилишнинг дастурий таъминоти яратилган.

Ўзбекистонда ҳам "Электрон таълим" миллий тизимини шакллантиришга киришилган. Айниқса, "олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш" га алоҳида эътибор берилмоқда.

Давр Ўзбекистонда электрон таълимни фақат олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидагина эмас, умумтаълим мактабларида ҳам кенг жалб этишни талаб этмоқда. Бу ўринда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мамлакатларида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб информатика асослари фани ўқитила бошланишини эслатиш ўринли бўлади.


XXI аср том маънода ахборот асрига айланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув, рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш вазифаси қўйилган. Бу стратегияни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда, миллий инсон капиталига – барча фуқароларимизнинг чуқур замонавий билимларга ва юксак маҳоратга эга бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун мамлакатимизда электрон таълимни жорий қилишни жадаллаштириш стратегик вазифага айланган.

Қўйилган вазифаларни амалга оширишга хисса қўшиш мақсадида тадқиқотларимиз натижасида компьютер ўйинлари воситасида кичик ёшдаги болаларнинг математик саводхонлигини ривожлантириш ёндошувини йўлга қўйдик. Педагогик мақсадда ишлаб чиқилган “Ота-она назорати” дастурига бириктирилган 20 та компьютер ўйинларини ўз ичига олган мазкур мажмуа математик таълимда рақамли иқтисодиётни йўлга қўйишга маълум даражада хизмат қилади. Бу қуйидаги жиҳатларда ўз аксини топади:

- Мактабгача таълим тизими математик таълимида ахборот технологияларидан фойдаланиш имконини берганлиги;
- Тарбияланувчиларнинг дастлабки математик билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик даражаси компьютер дастури ёрдамида доимий назорат қилиниб, қайднома кўринишида сақлаб борилиши.


Иккинчи жихатни батафсил баён қиламиз. Бу жихат қуйидагиларда намоён бўлади:


1. Ўйинни кузатиб борувчи (ота-она, мураббий ёки ўқитувчи) учун экранда 2 та индикатор акс эттирилган (1-расм): 1-индикатор жорий босқични бажариш учун ажратилган вақт миқдорининг сарфланиш тезлигини ифодалайди. Бу индикатор боланинг жорий босқични ўйнаши учун ажратилган вақтни қандай пропорционалликда сарфлаётганини ва зарур ҳолда, ўз ҳаракатларини тезлаштириши лозимлигини кўрсатиб туради. 2-индикатор эса ўйин жараёнида ўйинчининг ҳар бир “юриши”нинг тўғри-нотўғрилигини кўрсатиб туради.



1-расм. Ўйин дастурининг интерфейси.

2. Боланинг ўйин давомидаги барча танловлари маълумотлар базасида фиксирлаб борилади ва қайднома шаклида сақланади. Бунда ўйиннинг қайси босқичи қайси куни, қайси вақтда ўйналаётгани, боланинг ҳар бир “юриши” қандай вақтда амалга оширилгани, ҳар бир “юриш” учун қандай вақт сарфлагани (тафаккур тезлиги) ҳамда танлов (“юриш”)нинг тўғри ёки нотўғрилиги акс этади. Бу ота-она, мураббий ёки ўқитувчи ҳамда дастур ижодкорлари учун маълумотларни таҳлил қилиш ва зарур бўлса, дастурни қайта ишлаш, такомиллаштириш имконини беради (2-расм).





id_	a_	b_	c_	i_	x_	r_	t_
6065	9	11	20	1	3	1	17.01.2016 7:33:52
6066	4	11	15	1	1	1	17.01.2016 7:34:02
6067	7	9	18	1	2	0	17.01.2016 8:28:20
6068	10	0	10	2	2	1	17.01.2016 8:28:22
6069	5	11	16	1	1	1	17.01.2016 8:28:24
6070	11	0	11	2	2	1	17.01.2016 8:28:26
6071	8	11	19	1	1	1	17.01.2016 8:28:28
6072	3	11	14	1	3	1	17.01.2016 8:28:29
6073	0	10	10	1	1	1	17.01.2016 8:28:31
6074	11	0	11	1	2	1	17.01.2016 8:28:33
6075	7	11	18	1	3	1	17.01.2016 8:28:34
6076	10	0	10	1	1	1	17.01.2016 8:28:36
6077	10	10	0	2	3	1	17.01.2016 8:28:38
6078	9	11	20	1	2	1	17.01.2016 8:58:42
6079	9	11	20	1	3	1	17.01.2016 8:58:45
6080	9	7	2	2	3	1	17.01.2016 8:58:51
6081	11	1	12	1	1	1	17.01.2016 8:58:55
6082	10	0	10	2	2	1	17.01.2016 8:58:57
6083	8	11	19	1	3	1	17.01.2016 8:58:59
6084	11	11	21	1	3	0	17.01.2016 8:59:04
6085	3	11	14	1	1	1	17.01.2016 8:59:17
6086	11	0	11	1	2	1	17.01.2016 8:59:18
6087	2	11	13	1	3	1	17.01.2016 8:59:20

Запись: 6084 из 8096 Нет фильтра Поиск

2-расм. Ўйин натижалари қайдномаси.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир. Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январда Ўзбекистон Олий мажлиси депутатлари ва Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаати.

2. Қ.Абдураҳмонов. Рақамли иқтисодиёт: Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Узбекистонда фойдаланиш истиқболлари // http://biznes-daily.uz/ru/ 30.04.2018 | Номер: №4(124)-2018.
3. Рақамли иқтисодиёт нима? https://aniq.uz/yangiliklar/ 11:09 27.01.2020.
4. Ж.Каримов. 2020 йил - Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили. https://mt.uz/uz/
5. Бадалов М.И. Ҳ.Нажмиддинова. Жамолов О. "Автоолам" номли компьютер ўйини дастури. ЎзР Интеллектуал мулк Агентлиги, гувоҳнома № DGU 04289, 10.03.2017.
6. Бадалов М.И., Ҳ.Нажмиддинова. Махмудалиев Ғ. "Қувноқ ҳалқачалар" номли компьютер ўйини дастури. ЎзР Интеллектуал мулк Агентлиги, гувоҳнома № DGU 04292, 10.03.2017.
7. А.Мирзамов, Х.Нажмиддинова. "Ота-она назорати" дастури ЎзР Интеллектуал мулк Агентлиги, гувохнома № DGU 04482, 16.06.2017.

КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ АСОСИДА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ ЎРНИ

Дилшодбеков Шохбоз Дилшодбекович
Тошкент давлат педагогика университети, таняч докторанти

Аннотация. *Мазкур мақолада муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда компьютр графикасидан фойдаланишнинг мазмун моҳияти ва унинг самарадорлик жиҳатларига асосий эътибор қаратилади. Шунингдек, хорижий олий таълим муассасаларида мазкур фанни ўқитишнинг ўзига хосликлари атрофлича таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *муҳандислик графикаси фанлари, график дастурлар, CAD, таққослаш, ўқитиш шакли, ўқитиш воситалари, иллюстратив функция, когнитив функция, фазовий тасаввур, креатив фикрлаш, лойиҳалаш, визуализация.*

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОБУЧЕНИЯ ДИСЦИПЛИН ИНЖЕНЕРНОЙ ГРАФИКИ НА ОСНОВЕ КОМПЬЮТЕРНОЙ ГРАФИКИ

Дилшодбеков Шохбоз Дилшодбекович
Ташкентский государственный педагогический университет, докторант

Аннотация. *В данной статье основное внимание уделяется сущности и эффективности использования компьютерной графики при обучении предметов инженерной графики. А также, всесторонне изучены особенности и опыт зарубежных высших образовательных учреждений по преподаванию данного предмета.*

Ключевые слова: *дисциплины инженерной графики, графические программы, CAD, сравнивания, форма обучения, средства обучения, иллюстративная функция, когнитивная*

функция, пространственное воображение, креативное мышление, проектирование, визуализация.

FOREIGN EXPERIENCE OF TEACHING ENGINEERING GRAPHIC DISCIPLINES BASED ON COMPUTER GRAPHICS

Dilshodbekov Shoxboz Dilshodbekovich
– Tashkent State Pedagogical University, doctoral student

Annotation. *This article focuses on the nature and effectiveness of using computer graphics in teaching engineering graphics objects. And also, the features and experience of foreign higher educational institutions in the teaching of this subject have been comprehensively studied.*

Keywords: *disciplines of engineering graphics, graphic programs, CAD, comparisons, form of training, learning tools, illustrative function, cognitive function, spatial imagination, creative thinking, design, visualization.*

Компьютер графикаси – график маълумот (тасвир)ларни яратиш, сақлаш ва уларга ўзгартириш киритиш учун махсус график дастурлар билан таъминланган компьютердан восита сифатида фойдаланадиган информатиканинг бир бўлимидир. Компьютер графикасида тасвирларни яратиш векторли, растрли, фрактал ва уч ўлчамли графика усулларида амалга оширилади [8].

Е.В.Верстаковнинг фикрича: “Бугунги кунда инсон ўз фаолиятида компьютер графикасидан фойдаланмайдиган соҳанинг ўзи йўқ: бу илмий тадқиқотларнинг визуализацияси, лойиҳалаш масалалари ва архитектура, кўргазмалар, кино ва телевидения, тиббиёт ва б.қ.” [5. 89-б].

Компьютер графикасининг таълимда бирон-бир фанни ўқитишда восита, ёки ўрганиш объекти сифатида иштирок этиши, компьютер графикасининг икки функцияси мавжудлигидан далолат беради: [7, 11].

-иллюстратив функция. Иллюстратив функция фақат олдиндан мавжуд бўлган нарса ёки ҳодисани визуаллаштириш имконини беради;

-когнитив функция. Когнитив функция эса бирон-бир тасвир орқали янги билимларга эга бўлиш, ҳодисанинг асл моҳиятини ёритиб бериш каби имконятни беради.

Шахсий компьютерлар ва автомат проекциялаш тизимларининг (CAD) пайдо бўлиши муҳандислик графикасида янги “Муҳандислик компьютер графикаси” фанининг юзага келишига сабаб бўлди [6, 12].

Муҳандислик графикаси фанлари қаторига “Муҳандислик компьютер графикаси” фанининг қўшилиши натижасида, компьютер графикаси муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда ҳам восита, ҳам ўрганиш объекти сифатида иштирок этмоқда. Қолаверса, компьютер графикаси муҳандислик графикаси

фанларининг асосий вазифаларидан бири бўлган фазовий тасаввурни ривожлантиришда ҳам самарали восита сифатида қайд этилмоқда [10].

Е.А.Поликарповнинг фикрича "Муҳандислик графикаси" курсини талабаларга ўқитишда CAD тизимидан фойдаланиш, маълумотни етказиш учун кетадиган вақтни қисқартиришга, дарс жараёнида мавзуга оид мисолларни келтиришга ва талабаларда фазовий-образли ва креатив фикрлашга хизмат қилади.

Биламизки, барча давлатлар олий таълим муассасалари давлат эҳтиёжидан ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мутахассис кадрларни тайёрлаб келишмоқда. Муҳандислик графикаси ҳам бундан мустасно эмас.

Хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг методларини қиёсий таҳлил қилиш, мамлакатимизда ўқитилаётган муҳандислик графикаси фанларини ривожлантиришга ва ўқитиш методикасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Москва давлат электрон техника институтида (МИЭТ) компьютер графикаси курси муҳандислик графикаси билан параллел ўрганилади. Мазкур институтнинг "Муҳандислик графикаси ва дизайн" кафедраси талабалари компьютер графикасини ўқишнинг биринчи кунларидан бошлаб ўрганишади. Чизма геометрия ва чизмачилик фанларидан чизиладиган чизмаларнинг бажарилиш қонун-қоидаларини анъанавий (қаламда) усулда ўрганиш даврида, худди шу чизмаларни компьютер графикаси ёрдамида бажаришни ҳам параллел тарзда шакллантириб боришади. График ишларнинг маълум қисмини талабалар аввал қўлда бажаришади, ундан кейин эса компьютерда, баъзиларини эса бутунлай компьютерда [5].

Э.М.Фазлулин., В.А.Рябов ва О.А.Яковуклар ўзларининг тадқиқотларида талабалар ўқиш даврининг биринчи босқичида КОМПАС, INVENTOR каби дастурларни ўзлаштириши айтиб ўтилган [12]. AutoCAD дастурида эса фақат 2D чизмалар бажарилиши айтилган. T-FLEX, SolidWorks, Pro-Engineer, CATIA V5, NX каби мураккаб дастурлар эса юқори босқичларда ўқув дастурига мувофиқ ўзлаштирилиши кераклиги таъкидланган.

Сибир давлат темир-йўллар университетининг "Қурилиш ва йўл машиналари" кафедрасида талабалар иккита CAD дастуридан фойдаланишни ўрганишади:

- биринчи курсда, чизма геометрия билан бирга Компас дастури;

- иккинчи семестрда эса SolidWorks дастуридан фойдаланишади. Шу тариқа улар замонавий график дастурларда чизма ва конструкторлик ҳужжатларини яратишади [2].

2008 йилда НГАСУ нинг чизма геометрия кафедрасида "КОМПАС-3D" ва "AutoCad" дастурлари билан таъминланган компьютер хона фойдаланишга топширилади [3].

Н.Э.Бауман номидаги МГТУ нинг “Информацион технологиялар ва дастурий таъминот” кафедрасида муҳандислик графиксини ўрганишда AutoCAD дастуридан фойдаланилади [9].

Беларусиянинг давлат транспорт университетининг “Графика” кафедрасида, муҳандислик йўналишларига мутахасисслик фанларини ўкитишда “Inventor” фазовий моделлаштиришлар дастури ўргатилади. Маълумки, мухандислик графикаси курсини ўрганиш даврида чизмалар нафақат қўлда, балки “AutoCAD” каби график дастурларда бажарилади. Талабалар “AutoCAD” дастурида текис чизма бажариш кўникмаларига эга бўлганларидан сўнг, чизмадаги деталнинг фазовий моделини “Inventor” дастурида бажаришади [13].

Юқорида келтирилган маълумотлар билан мамлакатимизда муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда компьютер графикасидан фойдаланиш жараёнини таққослаймиз.

Бизда ҳам муҳандислик графикаси “Чизма геометрия”, “Чизмачилик” ва “Муҳандислик компьютер графикаси” каби фанларни ўз ичига олади. Аммо, ўқиш даврининг биринчи ва иккинчи босқичларида фақат назарий маълумот берувчи “Чизма геометрия” ва асосан конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизимига риоя қилишни ўргатувчи “Чизмачилик” фанлари ўқитилади. Барча олинган назарий билимларни амалиётда (виртуал) текшириб кўриш имконини берувчи ва талабалар томонидан қизғин ўзлаштирилувчи “Муҳандислик компьютер графикаси” фани учинчи босқичнинг иккинчи яримида, яъни бир семестр давомида ўргатилади.

Бутун дунёда компьютер графикаси чизма геометрия фанининг ўқитилишини гумон остига қўяётган бир вақтда [1], бизда бу фан муҳандислик графикаси фанлари учун ажратилган умумий юкламанинг 17,5% ни ташкил этмоқда.

Ян Амос Коменский ўзининг “Буюк дидактика” асарида шундай ёзади: “Барча ўзаро боғлиқликлар, худди шундай боғлиқликда ўргатилиши лозим”.

Бу фикр нима учун кераклигига изоҳ берсак: юқорида санаб ўтилган муҳандислик графикаси фанлари қаторига “Муҳандислик компьютер графикаси” фани қўшилиши натижасида албатта ижобий кўрсаткичларга эришилди. Аммо, шу билан бирга бу фанга муҳандислик графикаси фанларининг бир бўлаги сифатида эмас балки, алоҳида бегона фан сифатида қарала бошланди. Бунинг натижасида чизма геометрия ва чизмачилик фанлари кўпгина таълим муассасаларида эски усулда ўқитилиб келинмоқда [13]. Ваҳоланки, компьютер графикасининг иллюстратив имкониятлари ҳақида кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаб ўтишган.

Бизнинг фикримизча компьютер графикасининг муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда ҳам восита, ҳам фан сифатида қатнашиши юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш имконини беради.

Бунга мисол тариқасида: Волжский политехника институти педагоглари талабаларга КОМПАС-3D дастуридан фойдаланишни ўргатибгина қолмай, шу

дастурдан чизма геометрия ва чизмачилик фанларининг мавзуларини ёритишда кенг қўлланилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Андреев-Твердов А. И., Боровиков И. Ф., Калинин В. И., Яковук О. А. Формирование компетенций, необходимых для разработки конструкторской документации, у студентов технических университетов // Педагогика. Вопросы теории и практики. 2017. № 3 (7). С. 10-13.

2.Андрюшина Т.В. Опыт использования компьютерных технологий на кафедре «графика». Инновационные технологии в инженерной графике. Проблемы и перспективы. Меж. Науч-прак. Конф. 21-22 марта 2013г. 3-5 стр.

3.Антонов В.Ф., Виговская Т.Ю. Информационно-образовательная среда на современном этапе. Инновационные технологии в инженерной графике. Проблемы и перспективы. Меж. Науч-прак. Конф. 21-22 марта 2013г. 5-6 стр.

4.Артюшков О.В., Киселевский О.С. Обучение студентов трёхмерному техническому моделированию. Инновационные технологии в инженерной графике. Проблемы и перспективы. Меж. Науч-прак. Конф. 21-22 марта 2013г. 6-7 стр.

5.Верстаков Е. В. Особенности преподавания дисциплины «инженерная и компьютерная графика» в волгоградском государственном университете. Вестник ВолГУ. Серия 6. Вып. 13. 2011–2012. Стр89-92.

6.Гузненков В. Н. Геометро-графическая подготовка в техническом университете // Российский научный журнал. 2013. № 6. С. 159-166.

7.Зенкин, А.А. Когнитивная компьютерная графика / А.А. Зенкин; под ред. Д.А. Поспелова. – М. : Наука, 1991.

8.Иванникова Л.В. Методика конструирования учебного модуля «Компьютерная графика» для студентов факультетов технологии и предпринимательства педвузов специализации «Графика и дизайн». Дис. ... канд. пед. наук : 13.00.02 .-М.: РГБ, 2005.

9.Новик Н. В. Создание электронных моделей при изучении курса инженерной графики // Международный научный журнал «Символ Науки» №8/2016. Стр.131-132.

10.Столбова И.Д., Е.П. Александрова, К.Г. Носов. Функционал информационных технологий в геометро-графической подготовке инженера. Открытое образование Т. 21. № 1. 2017. 59-67.

11.Татаринцева Т.И., Селезнев В.А., Жемоедова Н.Л. Использование виртуальных моделей на занятиях по инженерной графике // Современные проблемы науки и образования. – 2013. – № 6.;

12.Фазлулин Энвер Мунирович, Рябов Владимир Анатольевич, Яковук Олег Анатольевич. Использование программ 3D-моделирования при обучении инженерной графике. Педагогика. Вопросы теории и практики. № 2 (10) 2018. С 54-58.

13.Хамракулов А. К., Тубаев Г. М. Возможности использования компьютерных технологий в обучении начертательной геометрии. «Наука. Мысль: электронный периодический журнал». Научный журнал. № 4. – 2016. Стр. 87-91.
14.Якунин В. И., Гузненков В. Н. Геометро-графические дисциплины в техническом университете // Теория и практика общественного развития. 2014. № 17. С. 191-195.

ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНТЕГРАТИВ МОДЕЛИ

Иноқов Қудратжон Қодиржонович,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *Мазкур мақолада оила ва мактаб ҳамкорлигини таъминлашга доир интегратив моделнинг мазмуни ва компонентлари ёритиб берилган. Муаллиф томонидан оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолиятини интеграциялаш йўналишлари, оила ва мактаб интеграциясининг педагогик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари, ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларда ижтимоий компетентликни ривожлантириш тузилмаси ишлаб чиқилган.*

Таянч сўзлар: *Оила, мактаб, интеграция, ҳамкорлик, таълим, тарбия, сифат, модел, мезон, кўрсаткич, тузилма.*

ИНТЕГРИРОВАННАЯ МОДЕЛЬ СЕМЬИ И ШКОЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

Инаков Кудратжон Кодиржонович,
Доктор философских наук

Аннотация: *В этой статье описывается содержание и компоненты интегрированной модели семейного и школьного партнерства. Автором разработаны направления интеграции семейного и школьного сотрудничества, критерии и показатели для оценки эффективности педагогической поддержки семейной и школьной интеграции, а также развития социальной компетентности у учащихся посредством сотрудничества.*

Ключевые слова: *семья, школа, интеграция, сотрудничество, образование, воспитание, качество, модель, критерий, показатель, структура.*

INTEGRATED FAMILY AND SCHOOL COOPERATION MODEL

Inakov Kudratjon Kodirjonovich,
Doctor of philosophical science

Abstract. *This article describes the content and components of an integrated model of family and school partnerships. The author has developed directions for the integration of family and school cooperation, criteria and indicators for assessing the effectiveness of pedagogical support*

for family and school integration, as well as the development of social competence among students through cooperation.

Keywords: *family, school, integration, cooperation, education, upbringing, quality, model, criterion, indicator, structure.*

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, республикамизда таълим-тарбия сифатини бошқаришда ҳамкорлик муҳитини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ижтимоий интеллектини ривожлантиришда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда 1993 йилда ишлаб чиқилган “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” Концепцияси ишлаб чиқилиб, ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маълум натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўқувчи шахсини ҳар томонлама камол топтириш, таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, таълим тизимини бошқаришда давлат ва жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Зеро, таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам давлат бош ислоҳотчидир. Биринчидан, ёш авлодга ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш; иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган ҳурфикрликдан қатъий назар ёшларни жипслаштирадиган, халқимиз ва давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган фуқаролари орасида миллий мафкуравий тарбия ишларини такомиллаштириш “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” Концепциясининг асосий мақсадидир. Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” йўналишидаги бола тарбиясида оила, ота-она, маҳалла, мактабнинг асосий вазифаларини мазмунан янгилаб ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Мазкур вазифаларнинг давомийлигини таъминлаш ва уларнинг ишларидаги ривожлантиришни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарорига кўра “Баркамол авлод тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси” қабул қилинди[1]. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгаши фаолиятига асос солинди.

Мазкур қарор билан, тўрт йўналишдан иборат “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари

ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашларининг намунавий таркиблари, шунингдек, Жамоат кенгашининг дастлабки, йиғилиши қарори билан Жамоат кенгашининг Низоми тасдиқланган.

Айни вақтда Халқ таълими вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралардан таркиб топган Жамоат кенгаши, шу билан бирга 14 та ҳудудий халқ таълими бошқармалари, 193 та Халқ таълими туман (шаҳар) бўлимлари ва 9692 та умумтаълим мактаблари ҳузурида “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги ҳудудий Жамоат кенгашлари йиллик режа асосида фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудий Жамоат кенгашлари жойлардаги 14 та вазирлик ва идораларнинг қуйи бўғинлари ҳамда республикадаги жами 1556 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (143 та академик лицей, 1413 та КХК) ва 9764 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳузуридаги Жамоат кенгашлари 22 нафар аъзолардан иборат тарзда шакллантирилган бўлиб, давлат бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Жамоат кенгашининг Низомидан келиб чиқиб, Жамоат кенгашининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

1. Ота-она, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шу орқали ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, ўзаро муносабати ва масъулиятини кучайтириш.

2. Жамоат кенгашлари фаолиятини методик таъминлаш, таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш.

3. Вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш, ёшларни турли ёт ғоялар таҳдидидан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

4. Ўқувчиларни дарс жараёнига тўлиқ жалб этиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш.

5. Маънавий-маърифий тадбирлар орқали юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, айниқса, таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳақида ўқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни узвий хабардорлигини таъминлаш.

6. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Тадқиқот доирасида оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш ҳамкорлик педагогикасининг атроф-муҳитни педагоглаштириш йўналишининг муҳим вазифаси сифатида белгиланди.

Оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолияти мураккаб кўринишга эга бўлиб, тадқиқотда мазкур жараён самарадорлигини оширишнинг педагогик таъминотини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди (1-расмга қаранг).

Ижтимоий буюртма: ўқувчи шахсини ижтимоийлаштиришнинг асосий субъектлари сифатида ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро хайрихоҳлиги ҳамда ҳамкорлигини таъминлайдиган яхлит педагогик муҳитни шакллантириш

Методологик блок	**Мақсад:** оила ва мактаб интеграциясининг педагогик таъминотини яратиш				
	Ваз ифалар	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорлигини йўлга йўлга қўйиш	Ўқувчи шахсини яхлит ривожлантириш мақсадида ўқитувчилар ва ота-оналарнинг биргаликдаги фаолияти ва юзага келадиган қийинчиликларни таҳлил этиш	Педагогик интеграция субъектларида билиш фаоллиги, турфа хил қизиқишлар, масъулият ҳисси, ўз-ўзини назорат қилиш, ҳурмат ва сабрлиликни ривожлантиришга эришиш	
Амалий блок	Бос қичлари	1. Мотивацион. 2. Коммуникатив-фаолиятли. 3. Когнитив. 4. Рефлексив			
	Маз муни ва ташкилий шарт-шароитла р	1. Интерфаоллик (таълим жараёнининг асосий субъектлари сифатида ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти). 2. Маданият билан уйғунлик (ижтимоий-маданий муҳити, шунингдек, ўқитувчи ва ота-оналарнинг педагогик маданияти). 3. Лойиҳалаш (таълим муҳитининг ўзига хосликлари билан алоқадорликда таълим муҳитини лойиҳалаш). 4. Мажмуавийлик (интеграция жараёни иштирокчиларида интегратив қобилиятларни шакллан-тиришнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиш)			
натижа	Мез онлари	Мот ивацион	Коммуникат ив-фаолиятга доир	Когни тив	Рефлекси в

	Кўрсат-кичлари	Интеграцияга ўқитувчилар ва ота-оналарнинг интилиши ва ижобий муносабати	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг педагогик нуқтаи назарларининг мослиги, шунингдек, уларнинг ҳамкорликда интегратив фаолиятни лойиҳалаш ва амалга ошириши	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг педагогик интегратив фаолиятнинг назарий асосларини ўзлаштириши	Мазкур жараённи такомиллаштириш учун ўқитувчилар ва ота-оналарнинг фаолиятини интеграциялаш моделини амалга оширилиш даражасини таҳлил қилиш
	Даражалари	Юқори, ўрта, паст			
	Натижа	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорликдаги фаолиятини интеграциялаш жараёнининг педагогик таъминоти яратилди			

1-расм. Оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолиятини интеграциялаш модели

Мотивацион босқичда интеграция жараёнини ўқитувчи ва ота-оналар томонидан тўғри англаниши учун педагогик шарт-шароит яратилади ва “интеграция – бу интегратив фаолият учун зарур шарт-шароитларни акс эттирувчи шахсий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитувчи ва ота-оналарнинг педагогик муносабатларининг янги даражаси”, деган тушунча қарор топтирилади.

Коммуникатив-фаолиятга йўналтирилган босқич ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўзаро фаолиятини уйғунлашуви, шунингдек, оила ва мактабнинг педагогик вазифаларинг ўзига хослиги, уларнинг педагогик имкониятларининг юқори эканлигини англашига имкон беради. Шунинг учун коммуникатив-фаолиятга йўналтирилган босқичда ўқитувчи ва ота-оналарнинг таълим муассасасининг стандарт талаблари доирасида интегратив педагогик фаолиятини ҳамкорликда лойиҳалаш ва амалга ошириш, шунингдек, мазкур фаолият натижалари асосида ўқитувчи ва ота-оналарнинг муаммоларини ўзаро биргаликда ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Когнитив босқичда интеграцион жараён субъектларида интеграция феномени, унинг тузилиши, мазмуни, шунингдек, мазкур жараённи самарали амалга ошириш шарт-шароитлари ҳақидаги қуйидаги билимларни таркиб топтириш талаб этилади: ўқитувчи ва ота-оналарнинг педагогик интегратив

фаолиятнинг назарий асосларини ўзлаштириши; оила ва мактаб интеграциясининг педагогик таъминоти яратиш тизими ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантириш; ўқитувчи ва ота-оналарнинг тарбиянинг самарали техника ва технологияларини ўрганиши.

Оила ва мактаб интеграцияси педагогик таъминотининг муҳим босқичи рефлексия билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ва ота-оналар ўзларининг педагогик фаолиятининг самарадорлигини таҳлил этишади, қийинчиликлар, муаммолар ва юзага келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаштиришади. Шуни қайд этиш лозимки, рефлексив тажриба ўқитувчи ва ота-оналар учун алоҳида-алоҳида таркиб топтирилиши ёки жамоавий, яъни махсус ташкил этилган таълимий муҳитда амалга оширилиши мумкин. Рефлексив босқичнинг натижалари узлуксиз мустақил таълимга бўлган эҳтиёжларни аниқланиши, шахсий педагогик маданиятни ривожлантиришнинг имкониятини англаниши, педагогик интеграция жараёнининг муҳимлигини тушуниб етилишида ўз аксини топади(1-жадвалга қаранг).

Яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш лозимки, таклиф этилган модел инвариант таркибий асосларга эга бўлиб, барча босқичларда уни оиланинг ўзига хосликлари (таркиби, ижтимоий ҳолати, тарбиявий имкониятлари, диний мансублиги) билан боғлиқликда амалга оширилиши мумкин.

1-жадвал

Оила ва мактаб интеграциясининг педагогик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Босқичлари	**Мезонлар**
Мотивацион	Интеграция - таълим жараёнига ўқитувчи ва ота-оналарнинг ижобий-эмоционал муносабати, замонавий мактаб учун интеграция жараёни зарурлигининг ижтимоий аҳамиятининг англаниши
Коммуникатив-фаолиятга доир	Ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўз педагогик фаолиятининг ўзига хосликларини аниқ кўра олиши; ўзаро тарбиявий имкониятларини бирлаштира олиши; ҳамкорликда таълим-тарбия жараёнини амалга ошириши; таълим жараёнидаги ижтимоий-маданий муҳит билан боғлиқликда педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш
Когнитив	Назарий ва методик билимларнинг тўлиқлиги; ўқитувчи ва ота-оналарда интеграция тизими ҳақида тасаввурларнинг шаклланганлиги
Рефлексив	Таълим амалиётини таҳлил этиш, педагогик муаммоларни англаш, қийинчиликларни бартараф этишга доир педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш, педагогик мақсад ва вазифаларни муваффақиятли бажариш, ўқитувчи ва ота-оналарнинг таълим-

	тарбия жараёнида йўл қўядиган хатоларининг англаши; рефлексив қадамлар кетма-кетлигини аниқлаштириш

Оила ва мактаб интеграциясини педагогик таъминотини амалга ошириш босқичлари, ҳар бир босқич самарадорлиги мезонларини аниқлаш орқали шунга амин бўлиндики, уларнинг ҳар бири хусусий шкала бўйича ўлчаниши ва баҳоланиши лозим. Уларнинг ҳаммаси учун умумий шкала сифатида натижаларни даражавий тавсиф асосида таҳлил этиш имконияти аниқланди: юқори, ўрта ва паст. Оила ва мактаб интеграциясининг мураккаблиги ва кўп ўлчамга эгалигини ҳисобга олиб, ҳар бир даража учун кўрсаткичлар аниқлаштирилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш босқичларини амалга ошириш самарадорлиги кўрсаткичлари

Даражаси	**Оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш босқичлари**			
	Мотивацион	**Коммуникатив-фаолиятга доир**	**Когнитив**	**Рефлексив**
Юқори	Ўқитувчи ва ота-оналарда интеграция жараёнига касбий ва шахсий мотивация мавжуд, таълим-тарбия жараёнини бирга амалга ошириш лозимлигини тушунишади	Интеграцияни амалга оширишга ижодий ёндашув, таянч педагогик қобилиятлар шаклланган, касбий-педагогик ўз-ўзини ривожлантиришга йўналган	Оила ва мактаб интеграциясига доир назарий билимларга эга, назарий тасаввурлар асосида биргаликда тадбирларни лойиҳалаштиради	Мустақил рефлексив таҳлил кўникмасига эга, проекция, идентификация, эмпатия механизмлари шаклланган

Ўрта	Ўқитувчи ва ота-оналарда интеграция жараёнига ижтимоий мотивация мавжуд, таълим-тарбия жараёнини бирга амалга ошириш лозимлигини тўлиқ тушунишмайди	Методик тавсияларга асосланган ҳолда интеграцияни амалга оширади, айрим педагогик қобилиятлар шаклланган, интегратив вазифаларни ҳал этишда қийинчиликларга дуч келади	Оила ва мактаб интеграциясига доир назарий билимларга эга, назарий тасаввурлар асосида биргаликда тадбирларни қисман лойиҳалаштиради	Педагогик фаолият рефлексиясини тайёр намуна асосида амалга оширади, ҳамкорликка тайёргарлик даражаси етарли эмас
Қуйи	Ўқитувчи ва ота-оналарда интеграция жараёнига прагматик мотивация мавжуд, жараённи бирга амалга ошириш истаги мавжуд эмас	Ҳамкорлик даги фаолиятни ташкил этишга тайёр эмас, педагогик қобилиятлар шаклланмаган, биргаликда тадбир ва машғулотларни ташкил этишга қийналади	Оила ва мактаб интеграциясига доир назарий билимларга эга эмас, интуитив тасаввурлар асосида биргаликда тадбирларни қисман лойиҳалаштиради	Ўзининг педагогик фаолиятини таҳлил қилишга қийналади, ўз-ўзини адекват баҳолай олиш қобилияти мавжуд эмас

Оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш орқали ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни ривожлантиришга эришилади.

“Компетенция” маълум бир компетентлилик контекстида қўлланиладиган аниқ фаолият соҳасидаги кўникма ва малакаларни ўзида ифода этади. Компетентллилик эса, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни амалий фаолият тажрибасига айлантириш, кундалик жараёнда қўллай олиш лаёқатини билдиради.

Ижтимоий компетентлилик қуйидаги ўзига хосликларга эга:

1) шахснинг масъулиятни ўз зиммасига олиши, ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш ва уни амалга оширишда иштирок этиши, турли эномаданият ва динларга толерант муносабатда бўлиш, жамият эҳтиёжларини тўғри англай олиш қобилияти;

2) замонавий ишбилармонлик дунёсида муваффақиятли ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган таянч компетенция;


3) кундалик ҳаётида ҳар бир кишининг олдида турган вазифалар ва мавжуд амалий кўникмалар ўртасидаги тенгликнинг таъминланиши;

4) ижтимоий компетентлилик – фаол фуқаролик позицияси ва ижтимоий маданиятлараро ҳамкорликнинг ўзида акс эттирувчи мураккаб тушунча.

Мазкур ўзига хосликлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот доирасида ижтимоий компетентлилик шахсий тажрибага таянган ҳолда соцумда мавжуд ҳаракат тизимини тавсифловчи ишончли ва конструктив хулқ-атворда намоён бўладиган ижтимоий ўзаро биргаликдаги ҳаракат соҳасидаги компетециялар йиғиндиси сифатида талқин қилинди. Демак, ижтимоий компетентлилик – инсоннинг социумдаги фаоллиги ва шахснинг субъектив тажрибасини намоён қилишга имкон берувчи интеграллашган ижтимоий сифатлар тавсифидир.

Ижтимоий компетентлилик тавсифи инсон ўзаро биргаликдаги ҳаракат жараёнида намоён қиладиган шахсий аҳамиятли ижтимоий сифатларни ҳам ўзида акс эттиради. Шахсда ижтимоий компетентлиликнинг шаклланганлик даражаси бевосита унинг субъектив тажрибасига боғлиқ. Субъектив тажриба инсон онгида акс эттириш йўли билан объектив дунё ва ижтимоий амалиёт қонунларини фаол амалий англаниши натижасида таркиб топади.

Жараёнли ёндашув нуқтаи назаридан ижтимоий компетентлиликни шакллантириш ўзида фаолиятнинг ўзаро алоқадор ва боғлиқ фаолият йиғиндисини ифода этади. Ижтимоий компетентлиликни шакллантиришга йўналтирилган ҳамкорлик жараёни ўзида қуйидагилар акс эттиради: мақсад ва кутиладиган натижаларни аниқлаштириш, мазкур мақсадларнинг жамият ва шахс талаблари билан ўзаро алоқадорлиги; зарур ресурслар, натижага эришиш метод ва воситаларни танлаш; мониторинг жараёни, коррекция, ижтимоий компетентлиликни шакллантириш бўйича олинган натижаларни таҳлил этиш (2-расмга қаранг).



2-расм. Ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантириш тузилмаси

Ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантириш тузилмаси мақсадга йўналтирилган, фаолиятга доир ва натижавий-коррекцион компонентларни ўзида акс эттириб, динамик тавсифга эгадир. Динамик жиҳат оила ва мактаб интеграцияси асосида ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантиришнинг интерфаол биргаликдаги ҳамкорлик фаолиятда ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлод тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 175-сонли Қарори.
2. Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дисс. ... докт. пед. наук.-Т.: 2004. - с. 247.
3. Нестерова В.В. Педагогические условия организации сотрудничества детей и взрослых в жизнедеятельном пространстве дополнительного образования: дис. … кан. пед. наук. – Ростов-на-дону, 2004. – 204 с.
4. Рунова Т.А. Развитие младших школьников со сверстниками и учителем в условиях формального и неформального общения: дис. … канд. психологич. Наук. – Нижний Новгород, 2004. – 193 с.
5. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Т., 2016. – 314 б.

19.00.00 ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАР
ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
